

Ислом КАРИМОВ

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ  
ЙЎЛИДА

---

---

ТОШКЕНТ  
"ЎЗБЕКИСТОН"  
1998





Ислом КАРИМОВ

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ  
ЙЎЛИДА


ТАРИХ  
МАЪРИФАТ  
МАЪНАВИЯТ

ТОШКЕНТ  
“ЎЗБЕКИСТОН”

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан дадил одимлар билан бормоқда. Бугунги кунда ўз тарихини, маънавиятини, руҳий-маданий қадриятларини англашга янгича ёндашиш жараёни яққол сезилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маънавият ва тарихий қадриятларни тиклаш масалаларига доимий диққат-эътибори натижасидир.

Китобга И. А. Каримовнинг юксак маънавият, таълим-тарбиянинг куч-қудратига ва аҳамиятига оид маърузалари, нутқлари, асарларидан олинган кўчирмалар киритилган бўлиб, уларда маънавий камолотга эришиш йўли белгилаб берилади ҳамда халқнинг орзу-умидлари ва ниятлари акс эттирилади. Китоб 1991—1998 йиллар унутилмас саналар солномаси билан яқунланади.

10 27778  
4 95 -11.





## МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа: соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан айниқса мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман, маънавий қадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак ва бу соҳалар ҳисобидан маблағларни тежай олмаймиз.<...>

Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқ-

лари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак.<...>

Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаетган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

*Ўн иккинчи чақирим  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши  
ўн биринчи сессиясидан  
сўзланган нутқдан  
1992 йил 8 декабр*



## АЖОЙИБ АНЪАНА

Жаҳонда муносиб ўрни бўлган Ўзбекистон Республикаси ва халқи номидан сизларни Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивали қатнашчиларини чин дилдан табриклайман.

Мустақил Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг буюк вазифаларидан бири — ўз юртининг ажойиб анъаналарини асраб-авайлашдан иборатдир. Неча ўн йиллар муқаддам Тошкентда асос солинган халқаро кинофестиваль ана шундай қутлуғ анъаналардан биридир. Жаҳон халқлари маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлиш чин маънодаги саодатдир.

Ўзбекистон илм-маърифат ва санъат даҳоларининг бешигини тебратган ватандир. Ал-Хоразмий, ат-Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий ва Бобурларнинг ватани бўлган Ўзбекистон сизга кенг қучоқ очиб турибди. Сиз ҳар қадамда халқимиз меҳр-муҳаб-

бати, санъатга бўлган эҳтиромининг шоҳиди бўласиз, деб ўйлайман.

Бугун Тошкентда очилаётган киноанжуман мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқаларини янада кенгайтиришига шубҳа йўқ. Биз кино оламининг намояндаларига қучоқ очарканмиз, айни пайтда жаҳон санъати ва маданияти эшиклари бизга ҳам кенг очилаётганини ҳис қиламиз.

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент жаҳоннинг буюк қитъаларини бирлаштирган киноанжуманнинг доимий маркази бўлиб қолганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкентнинг тинчлик ва дўстлик руҳи абадийдир! Тошкент тинчлик ва дўстликка хизмат қилган буюк ташаббуслар ва анъаналарнинг ватани бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Тошкентда навбатдаги XI Халқаро кинофестиваль байроғининг баланд кўтарилиши билан сизларни яна бир бор қутлайман!

*Осиё, Африка ва Лотин Америкаси  
мамлакатлари ўн биринчи халқаро  
Тошкент кинофестивали  
қатнашчиларига табринома,  
1992 йил 8 октябрь*



## МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ТИКЛАНИШИ

Бирон-бир жамият маънавий имкони-ятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустақамламай туриб ўз истиқбол-лини тасаввур эта олмайди.

Халқнинг маданий қадриятлари, маъна-вий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом эт-ган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятла-рини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунла-риданок аждоқларимиз томонидан кўп аср-лар мобайнида яратиб келинган ғоят ул-кан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарил-ган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдиэларига қайтишдан иборат узвий, та-бийий жараён деб ҳисоблаймиз.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озод-ликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чи-накам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзи-га хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, маънавий қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъ-аналарни қайтариш ва тиклаш, ўзлигимиз-ни англаш анча мураккаб шароитларда — эски империя тузуми барбод бўлган ва янги

ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди.

Бир асрдан зиёд давом этган тоталитар қарамликдан кейин бу жараён дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос “инкорни инкор” сифатида кечди. Ле-кин биз аввалги тузумнинг қадриятларини шунчаки инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиё-сий ва маданий экстремизм хавфини туғ-диришини англари эдик. Шу билан бирга, ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва тур-муш тарзига бетартиб равишда, орқа-ке-тини ўйламай қайтиш бошқа бир кескин-ликка — ҳозирги даврни қабул қилмаслик-ка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин.

Айни шу инкор этиш онларида экстре-мистик руҳдаги муҳолифатнинг вужудга келиш хавфи туғилди. У аслини олганда, маънавиятга қарши муҳолифат бўлиши мумкин эди. Жангари миллатчилик, диний муросасизлик ва “ўзимизники” бўлмаган ҳамма нарсага нафратнинг қоришмаси шундай муҳолифатнинг сиёсий мақсадла-ридир. Жамиятимиз ўша кунлари юз бер-ган аниқ экстремистик руҳдаги хатти-ҳара-катларда бундай муносабат нақадар тажов-вузкорона эканлигини, ундаги вайрон этувчи омил ҳамда айрим сиёсийлашган жангари гуруҳларнинг идроки доирасига сифмайдиған нарсаларга нисбатан нафрат-нинг нақадар кучлилигини кўрмаслиги мумкин эмас эди.

Воқеаларнинг бундай ривожланиши хавфли эканини англаш чуқур ўйлаб ва ҳар томонини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш-



ни, маънавий тикланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган, бир-бирини тўлдирадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни зарур қилиб қўймоқда эди. Ушбу дастурлар, биринчи навбатда, қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга, энг муҳим, умуминсоний қадриятларни бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларни танлаб олиш заруриятига асосланган эди.

Айни чоғда ўша даврнинг экстремал шароитларида этнослар ўртасида қарама-қаршилиқ чиқишидан сақлаб турган заиф чегарани, чизиқни осонгина босиб ўтиши мумкин бўлган эҳтиросларни пасайтириш ва уларнинг жунбушга келишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этди.

Ўша кунларда бундай хавф мавжудлиги аниқ эди. Фақат халқимизнинг ақл-идрокига, иродасига, сабр-тоқати ва инсонпарварлигига таяниб унга мурожаат қилишигина ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фожианинг олдини олишимизга ёрдам берганлигига ҳозир ҳам ишонаман.

**Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.**

2 Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши — буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган.

Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, темурийлар даври, XIX аср охири — XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шуни эсда тутиш муҳимки, ўтмишимизни “оқлаш” вазибалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир.

Амир Темур юбилейининг байрам қилиниши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўтган йиллар мобайнида “босқинчи” Темур, “вайрон қилувчи” Темур ҳақида ўқиган ва эшитган вақтимизда неча бор ўзимизга ўзимиз: “Қандай қилиб унинг даврида она заминимизда маданият ва иқтисодиёт бу қадар равнақ топган экан?”, дея савол берар эдик. Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшнилариимиз, маданий халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас — соҳибқирон Амир Те-



мур шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир.

Халқимизнинг **этник, маданий ва диний сабр-бардоши** маънавий Уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё гоёат хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар.

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабила-лар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар. Сўнгги икки аср давомида ҳам ўзларини “маданиятли” ва “маърифатли” ҳисоблаб келган давлатлар оммавий қирғинлар ва диний таъқиблар билан ўзларига доғ туширган бир пайтда, Ўзбекистон замини халқлар ва маданиятлар тинч бирлашган жойгина бўлиб қолмай, балки қувғин қилинган халқларга бош-пана ҳам берди.

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса халқ Руҳи қудратининг биринчи белгисидир. Бу Руҳ шу қадар ёрқин ва ўзига хоски, у интеграциядан асло чўчимайди, аксинча, жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда.

Истиқлолимиз беш йиллигининг энг муҳим якуни барча халқлар учун “Умумий уй”га асос солинганлиги, янги кўп элатли бирлик вужудга келганлиги бўлди. Ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳияти, маънавий-руҳий қадриятларнинг ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши бу бирликнинг негизини ташкил этди.

Ўзбек халқи Руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, пантуркизмни ва “Буюк Турон” шовинистик ғоясини қатъиян рад этди. Биз учун Турон — минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўта сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзидир. Бундан ташқари, умумий маданий, тарихий ва антропологик илдизларимиз бизни тожик халқи билан ҳам туташтиради. Бу ҳол бизга ўз маданиятимизни Марказий Осиё учун маълум даражада ноёб бўлган турк ва форс маданиятларининг синтези деб ҳисоблашга тўла ҳуқуқ беради. Ана шундай бойликка эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари маданий интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозим. Ўзбекистон минтақавий мезонларга кўра юксак даражадаги урбанизация ва саноатлашувни, шунингдек, илмий-техникавий кадрлар билан таъминланганликни, турмуш тартиби ва тарзининг чуқур анъанавийлигини ўзида мужассамлаштирган. Шу боис у Шарқ билан Фарб мулоқотида воситачи, кўплаб цивилизациялар маънавий алоқасининг рамзи ҳам бўлиши мумкин.

Жамиятнинг **диний-руҳий асосларини**, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ах-



лоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тиклаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди. Эски масжидлар таъмирланмоқда ва янгилари бунёд қилинмоқда. Ўқув юртлари тармоғи кенгаймоқда. Диний адабиётлар нашр этилмоқда.

Ислом миллий анъаналарининг, ислом маданиятининг Тикланиш жараёни исломни ташқаридан ҳар қандай “импорт” қилишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатга ислом руҳини бахш этишдан воз кечиш тўғри эканлигини кўрсатди. Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали — Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас. Конституциямизда ёзиб қўйилган динга эътиқод қилиш эркинлиги Ўзбекистон ёппасига “исломлаштирилиши” мумкинлиги ҳақидаги ноўрин ҳадиксирашларга барҳам берди. Бошқа диний оқимларнинг тикланиши ва нормал ривожланишини мумкин қилиб қўйди. Бундан ташқари, Марказий Осиёдаги ислом динининг руҳан ўзига хослигини англаб етиш маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш исломдан олдинги маданиятни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада **ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам** шунчалик муҳимдир. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждоқларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган бар-

ча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган.

Афсуски, охириги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига жуда катта зарар етказилди. Аждоқларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари унутиб юборилди. Бу қоидаларга кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди.

Марказий Осиё халқлари исломдан олдинги маданиятининг табиатдан оқилона, уйғун фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Одамларни дарёларнинг мусаффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас. Бошқа таълимотлар — буддизм ва манихейлик ҳам табиатни авайлаб-асраш идеал жамиятга олиб борадиган энг муҳим йўллардан бири эканлигини тарғиб қилган. Инсон билан Табиатнинг уйғун муносабатлари тўғрисидаги ана шу ғоялар Мовароуннаҳрда мусулмон Уйғониш даврига жуда катта ҳисса қўшган Марказий Осиёдаги сўфийлик таълимотларида ҳам учраши тасодифий эмас.

Ўз вақтида голландлар табиатга оқилона яратувчилик муносабатида бўлишдан иборат ўз миллий моделларини амалга ошириб, денгиздан серҳосил ерларни ажратиб олдилар. Мана шу мисол биз учун чуқур рамзий маънога эга. Оролдаги экологик фожиа туфайли денгизни қуруқликка эмас, балки қуруқликни денгизга айлантиришимиз керак бўлади.

Маънавий кадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий **оила ва қариндошлик муносабатлари** одобидан иборатдир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган. Афсуски, бу кадриятларга ҳам



совет даврида жиддий путур етди. Совет тузуми хусусий тадбиркорликни тақиқлаб, “яқинларини қўллаш”га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий “ўрни” йўқотилишига сабабчи бўлди. Натижада бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсиққа учради. Уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузуқ шакллари юзага кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган тайёрга айёрликка ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ўз умрини яшаб бўлаётган оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англантиши лозим.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг **ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини** ҳам англатади.

Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу — инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказолардир.

Ушбу демократик қадриятлар жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақида гапирар эканмиз, бу қадриятлар тарихий жиҳатдан ҳам, этник-маданий жиҳатдан ҳам халқимизнинг ўзига хос хусусиятларига зид эмаслигини қайта-қайта таъкидлашни истардик. Қолаверса, тадбиркорлик, эркин савдо, ижтимоий адолат, ўзаро муросаю мадора ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш деган тушунчалар бизнинг заминимизда тарихий илдизларга эга.

Шу билан бирга, биз ўйламай-нетмай нусха кўчиришга ҳам қаршимиз. Амалиёт бундай қадамнинг тайёргарлик кўрмаган омма онги учун хавfli эканлигини кўрсатмоқда. Сиёсий эркинликни анча тез ва низоларсиз қўлга киритиш мумкин. Бунга собиқ совет республикаларининг сиёсий суверенитетни қўлга киритиши мисол бўла олади. Нисбатан тез иқтисодий эркинликка эришиш мумкин. Буни ҳам биз Шарқий Осиёнинг саноати ривожланган мамлакатлари мисолида кўриб турибмиз. Лекин давлатнинг ичида сиёсий эркинликларни таъминлаш — пухта ўйлаб, ҳар томонни ҳисобга олиб ёндашишни, одамлар онгида узоқ муддат мослашишни талаб қиладиган жараёндир.

Ҳозирги демократик жамиятнинг энг муҳим воқеликларидан бири ижтимоий рақобатдир. Халқимизнинг анъанавий қадриятлари у билан уйғунлаштирилмоғи керак. Бозор тузилмалари ривожланиб борган сари бу рақобат анча бемаъни тус олиши, ижтимоий зиддиятга айланиб кетиши мумкин. Бундай рақобатга маърифий, ижодий тус беришга, уни мусобақага, бунёдкорликка айлантиришга биринчи навбатда иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаган, энг аввало, маданий-ахлоқий механизмлар ёрдамида эришиш мумкин. Бу механизмлар қайта тикланаётган миллий қадриятлар билан ҳозирги замон цивилизацияси сингдираётган яшаш меъёрларининг умумлашмасидан иборат бўлмоғи даркор.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратди. Айни маҳалда ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожлани-



шига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла-тўқис рўёбга чиқишига имкон берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмоннавозлик ва саховат анъаналари янада ривожланди.

Бундай алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. Ҳозирнинг ўзидаёқ аҳолининг кенг қатламлари орасида 80-йилларнинг охирида мамлакатимиз томошабинлари ва китобхонларига ёғдирилган ғарбнинг сунъий санъатидан, “кенг истеъмол”даги маданиятидан норозилик сезилиб турибди. Бундай маҳсулотнинг илгариги “ман этилган неъмат”га хос “лаzzати”, жозибадорлиги қолмаган. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларидан фойдаланишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда.

Дунёнинг демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарди тарзда исботламоқда.

Биз ҳамма вақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганиб олишимиз лозим. Ўзбекистонда муסיқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилганлиги тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалашти-

риш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтирди. Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтишни, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қобилиятини талаб этди.

Маънавий Тикланиш — фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Бизнинг тушунишимизча, қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш — ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу бирёклама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир. Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазибаларига дунё миқёсида ёндашиши, бошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши, улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди.


Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига кўшилишининг гаровидир.

*“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:  
хавфсизликка таҳдид, барқарорлик  
шартлари ва тараққиёт кафолатлари”  
китобидан, 1997 йил*



---

БУЮК БОБОЛАРНИНГ РУҲИ  
ПОКЛАРИГА ТАЯНИБ





## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

— умуминсоний қадриятларга содиқлик;

— халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

— инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— ватанпарварлик.

*Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.* Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда.

Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишидир.

Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. *Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужасамлашгандир.*

Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик эшигини кенг очди, бадарға қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўзбекистонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар. “Сен етим эмассан” — Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек қалбидан ота-онасидан ва киндик қони тўкилган хонадонидан жудо бўлган болаларга қарата ана шу юрак сўзлари янгради.

Ўша кезларда халқ шоири Ғафур Ғуллом қуйидаги дардли сўзларини ёзган эди:

Сен етим эмассан,  
Тинчлан, жигарим,  
Куёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг,  
Заминдай вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ,  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи  
Халқ бор — отанг бор.

Хонадонимиз бошига ташвиш тушганда ва 1966 йил зилзиласи Тошкентни вайрон этганда уни қайта тиклашда ўзбекистонликларга қардош халқлар ёрдамга келдилар. Ўзбекистон 120 дан ортиқ халқ вакиллари учун ўз уйидек бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам улар ўзбек халқига азиздир. Ҳозирги мураккаб вақтда ҳам ана шуларнинг ҳаммаси муқаддас хотира сифатида сақланиб, бизни Тарих ва Абадиёт олдида янада донороқ ва янада инсонийроқ қилмоқда.<...>

*Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.* Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини ту-



шуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бутун бир Олам.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандек бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қилади, чунки

унда ҳар бир қадрдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор.

Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуг номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир.

Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демақдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъи назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп



миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади. <...>

*Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир.* Ўзбекистонга, унинг ери, табиати, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипс-лаштирувчи асоси ҳисобланади.

Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамга, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади.

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, отабобларнинг муборак номларига доғ ту-

ширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдиэлари билан ўз оиласининг, авлод-аждоғларнинг номус-орига, чуқур эҳтиромга, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади. Кишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт сеvimли халқнинг шон-шарафи, қадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топиб келди. Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранж-алам эзади, лекин жаҳл устида она-Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш — бу бориб турган шаккокликдир. Буни халқ асло кечирмайди.

Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз.

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради.

*«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан, 1992 йил*





*Нурота тоғларидаги Сармиш ғори қояларига ишланган ибтидоий суратлар (Навоий вилояти).*


*Кушон шаҳзодасининг боши. I аср.  
Далварзинтепа (Сурхондарё вилояти).*












80/23  
1021  
Fotograf Navoi  
Himmifagi  
Sobitkisan M





*Далварзинтепадаги шаҳар қолдиқлари хазинасидан топилган олтин зебигардан. I аср.*

*Тоғ эчкиси — муфлон тасвири туширилган бронза тўғноғич. Милоддан аввалги II аср. Сополитена.*

*Ханжарлар. Бронза. Милоддан аввалги II аср.*



## ИСТИҚБОЛНИ ДЕБ МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ҲАЛОЛ ЯШАЙЛИК

Кейинги йилларда орттирилган озми-кўпми тажрибамиз, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизда кечаётган жараёнларнинг хусусиятлари дастлабки яқунлар, ютуқ ва хатоларимизнинг сабоқлари ҳақида айрим хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Лекин бундай хулосаларни баён этиш ва таҳлил қилишдан олдин, бир зумга бўлса-да, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989—1990 йилларга хаёлан қайтайлик.

Баъзи бир гоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

— Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг “Ассалом!..” деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темурур, Бобур ва бошқа улуг бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуг аждодларимизнинг ўлмас ме-

рослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азобуқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.<...>

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирадик, бугунги кунимизни тўқсонинчи йил билан солиштирадик, қиёсласадик, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг, эришилган ютуқларимизнинг асосий мезони деб:

**Биринчи навбатда**, одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайишини кўрамиз.



Қайта қуриш даврида кишилар онги бузилганини бир марта эслаб қўрайлик. Ҳанда бизлар ҳам юқумли бир касалга мубтало бўлган эдик. Яъни, сохта демократия ниқоби остида қилинган узоқни кўзламаган турли ҳаракатлар ҳали ҳам ёдимизда. Биз шундай касалликдан бошқаларга нисбатан анча осон қутулдик. Мамлакатимиз — ягона оила, деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳалла-қўйда, оилада маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олижаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заминда яшаётганимизни ҳис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

Ҳаётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси муносиб ўрин топяпти. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз содагина қилиб “ўзбекчилик” деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олижаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуг ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислон динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаётимизни, маънавиятимизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар.

Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, баъшарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуг аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Тарихий шон-шуҳратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ҳам — бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир. <...>

Сайловдан олдин халқимизнинг эътиборини ва ҳаракатини жалб этувчи мақсадларни ҳаётимизнинг ўзи аниқ ва равшан этиб олдимизга қўйяпти. Уларнинг барчаси халқимизнинг дилида ва тилида турибди.

Хўш, бу шиорларнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

Биринчидан, **бугунги устувор ақида-мизда собит бўлайлик, яъни — жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлайлик!**

Иккинчи шиоримиз: **Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик! Умубашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирайлик!**

Учинчидан, **қонун устуворлиги зами-нида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан**



қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-хуқуқларини таъминлайлик!

Тўртинчи шиоримиз: иқтисодий ҳаётимизда мулк шаклини ўзгартириб, мулкни ўз эгасига топширайлик! Эркинлик, тadbиркорлик ва ташаббускорлик асосида халқимизга фаровон ҳаёт яратиб берайлик!

Бешинчидан, жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва иқтисодимизни такомиллаштириш эвазига халқимизнинг реал даромадларини ва ҳаёт даражасини кўтарайлик!

Олтинчи вазифа. Давлатчилик тизimini мустаҳкамлайлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни бош мезон этиб,

дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайлик!

Еттинчи ва барча эзгу орзуларимизни мужассамлаштирган шиоримиз: келажакимиз учун, фарзандларимизнинг бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик! Авлодларга озод ва обод ватан қолдирайлик!

Ўйлайманки, бундай олижаноб мақсадлар ҳаётимизни эзгу мазмун ва мақсад билан бойитади, ҳар бир партияннинг, ҳар бир жамоат ташкилотининг, ҳар бир ижтимоий табақанинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг орзу-ўйларига монанд келади ва улар томонидан маъқулланади.

*Ўн иккинчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг  
ўн олтинчи сессиясида сўзланган  
нутқдан, 1994 йил 22 сентябрь*





*Афросиёб деворларидаги  
Чағонийён элчиларининг тас-  
вирлари. VI—VII асрлар.  
Самарқанд.*









*Овчи. VII—VIII асрлар. Вараҳша.*

*Далварзинтепадан топилган қадимий ҳайкалча.*

*Эркаклар белбоғининг олтин тўқаси. I аср.*





*Ёй ўқи теккан тоғ эчкиси. VII—VIII асрлар. Вараҳша.*

*Аёл боши. VII—VIII асрлар. Вараҳша.*



## МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Қадрли юртдошлар!

Ҳозиргина республика Олий Кенгаши сессиясининг қарори билан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилди ва бу юксак масъулиятли вазифа менга топширилди. <...>

Президент фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилдир. Бу масалалар алоҳида қунт ва саботни, кишиларга нисбатан алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб қилади. Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, қадриятларга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак. Асосий ишларимиз нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш.

Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак.

Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман, у билан ҳамкорлик қиламан.

Масаланинг бошқа томони — маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитларини яхшилаш.


Биз кўп йиллар давомида маърифат, маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди. Натижада биз бу масалада орқада қолиб кетдик.

Барча планларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан ўрин олиши лозим.

Ва ниҳоят, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар масаласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий-оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар — чинакам зиёлилардир.

Айниқса олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Маънавий бойликларни улар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолиятлари учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва ҳўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир.





*Сомонийлар мақбараси. X аср. Бухоро.*



Ўртоқлар, яна бир долзарб вазифа — ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Ахир ёшлар халқ маънавиятининг ҳам маҳсули, ҳам келажаги.

Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.

Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишишлари учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.

Ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак, уларга оталарча ғам-хўрлик қилишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги энг нуфузли илмий марказ-

ларда таълим олишлари учун маблағлар ажратдик.


Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан валютани ҳам аямаймиз. Ишончим комил, бу тадбирларни сиз депутатларимиз ҳам, халқимиз ҳам қўллаб-қувватлайсизлар. <...>

Санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмагур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди.

Депутатларнинг ва Президентнинг ваколатлари жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қилувчи ана шу тажовузкорликка қаттиқ қарши туришга имконият беради, деб ўйлайман. Бу тадбир халққа ҳам маъқул бўлади, деб ишонаман.


*Ўн иккинчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг биринчи  
сессиясида сўзланган нутқдан,  
1990 йил 24 март*






*Минораи Калон, XII аср. Бухоро*





*Султон Текеш мақбараси. XIII аср.  
Қууна Урганч*







## АДОЛАТ ВА ДИЁНАТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Муҳтарам жаноблар, юртимиз меҳмонлари, азиз ватандошлар!

Улуғ аллома, Ҳадис илмининг мўътабар намояндаларидан бири ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонга ташриф буюрганнингиз, анжуманда қатнашаётганингиз учун жумҳуриятимиз аҳли номидан самимий қутлайман.

Шўро жамияти ўз тарихига қайта назар ташлаб, барча жабҳаларда янгилашиш зарурлигини англаб етган вазиятларда ўтказилаётган бу тадбир ҳам янгича қутлуғ мезонларнинг амал топаётганидан далолатдир.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқ керакки, бугунги кунга келиб давлат билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари анча яхшиланди. Ўзбекистон ҳукумати мўминларнинг истакларини инobatга олиб, мусулмон дунёсининг энг муқаддас ёдгорликларидан бири — халифа Усмон “Мусҳаф” ини улар ихтиёрига қайтиб берди. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди. Янги масжидлар очилмоқда. Давлат диний асарларни чоп этишда ёрдам беряпти. Макка ва Мадина ни зиёрат этишга бораётган мусулмонлар кўпайди. Дин пешволари матбуот, радио ва телевидение орқали ўз қарашларини эмин-эркин баён этмоқдалар.

Тақдирга шоён тақсинларким, ҳозирги даврга келиб халқаро сиёсатда мафкуравий иқлимлар юмшади, сиёсий жоҳиллик, ялпи шубҳапарастлик ортга чекиниб, ўзаро дўстлик, ишонч ва биродарликка кенг йўл очилмоқда. Биз бутун мамлакатимиз қато-

ри хориж аҳли билан, тарихимиз ўзаро узвий боғланган қўшни давлатларнинг халқлари билан, дунёдаги барча тинчликсевар эллар билан илм, маданиятнинг ҳамжиҳатлик соҳаларидаги муносабатларимизни янада яхшилаш тарафдоримиз.


Давр шу куннинг зарур муаммоларини ҳал этишга интилиш баробарида она тарихнинг илғор анъаналаридан сабоқ олишни ҳам тақозо этади.

Қадимий Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандларининг жаҳон илму зиёси тарихига зарварақлар ила битилган асарлари оз эмас. Имом Бухорий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Рудакий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб зотларни жаҳон яхши биледи. Бу закилар силсиласида Имом ат-Термизийнинг азиз номлари ҳам ёруғ юлдуздай чарақлаб турибди.

Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан “Китоб ал-жомеъ ас-Саҳиҳ” ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолга давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади.

Қадимдан Шарқ халқларининг илмий-маданий алоқалари кучли эди. Бу ҳамкор-





*Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий мажмуи. VII—VIII асрлар. Термиз.*

лик янада ривожланиб, халқаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Термизий Ватанига келган барча меҳмонларни яна бир бор муборакбод этаман.

Мўътабар анжуман иштирокчиларининг инсоний қадриятларни улуғлаш йўлидаги фаолиятларига барака тилайман.

*Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига табрикнома, 1990 йил 14 сентябрь*





*Ҳазрати Имом ал-Бухорий қабр тоши. Самарқанд.*

*Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси. XVI аср.  
Бухоро.*





## НАВОИЙ РУҲИ МАДАДКОР БЎЛГАЙ

Азиз юртдошлар!  
Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар!  
Ҳурматли дўстлар!

Авваламбор, улуғ бобомиз, миллий гуруримиз, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий кунларида қатнашиб, шодлигимизни баҳам кўраётганингиз учун самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз!

Мана, салкам бир йилдирки, Ўзбекистонимизда, Ўрта Осиёда барча Шарқ халқлари томонидан нишонланаётган Алишер Навоийнинг умр ва ижод тўйлари — қутлуғ маърака давом этмоқда.

Бу тўй миллат байрамидир. Қадриятимизни яна бир бор улуғлайдиган байрамдир.

Бу тўй халқимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида фойз, тароват бахш этди.

Алишер Навоий йили деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, элимиз тарихида қутлуғ келди, унутилмас сана бўлиб қолди.

Бу йил халқимизнинг асрий орзумидлари амалга оширилди. Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини энди ўзи ҳал қиладиган бўлиб қолди.

Сизларни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини, барча ватандошларимизни ана шу қўшалок байрам билан жумхуриятимиз раҳбарияти номидан, шахсан ўз номимдан чин юракдан табриклайман ва юртимизда ҳақиқий мустақиллик ўрнатиш йўлида ҳаммангизга кучқувват, мардлик-омонлик, ҳамма ишларингизда ва ҳаётингизда омад тилайман!

Бизларнинг тарихимиз, бугунги ҳаёtimиз шуни кўрсатяптики, озодлик йўли, мустақиллик йўли машаққатли ва гоят оғир бўлади. Ҳали кўп синовлардан ўтишга тўғри келади.

Истиқлол йўлида биринчи қадам қўйганимиздан бошлаб, Ўзбекистон диёрига, унинг раҳбарияти ва сиёсатига маломат тошларини отиш ва тутаётган йўлимизни тўсиш ҳаракатлари кундан-кунга кучайиб кетаяпти.

Албатта, бизлар тушунамизки, ҳозирга қадар, мустамлака даражасида турган, шундай бой, меҳнатсевар халқига эга бўлган юртимизни ҳеч ким ўз хоҳиши билан қўлдан чиқариб юборишни истамайди, жон-жаҳди билан, тиш-тирноғи билан ёпишиб олиб уни сақлаб қолишга интилади.

Мустамлакачилик сиёсати осонлик билан жон бермайди. Буни ҳаммамиз яхши эсда тутишимиз керак.

Шу сабабдан бугун халқимизни доим бирдамликка, бир-бирига ҳамнафас ва ҳамдард бўлишга чақирган улуғ бобокалонимиз сиймоси олдида, келинлар, бир-биримизга сўз берайлик.

Озодлик ва Истиқлол йўлида, бу эзгу ниятларни ҳаётимизга амалий татбиқ этишда бир жон, бир тан бўлайлик! Ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмайлик.

Агар халқимиз жипслашса, хоҳиширодамиз бир бўлса, бизларни ҳеч қандай куч енголмайди. Буни ҳам ҳаммамиз яхши билишимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Биз бугун унутилмас, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз.











Мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти — азиз ва жонажон Тошкентимиз бағрида Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳайкали ва улкан миллий халқ боғи очилишида қатнашмоқдамиз.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Алишер Навоий ҳайкалини яратган ҳайкалтарош, меъмор ва қурувчиларимизни, боғни безатувчи қўли гул меҳнатчиларимизни, азиз дўстлар, Сизларнинг номингиздан қутлашга ва миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз!

Чиндан ҳам қурувчилар самарали меҳнат қилдилар, тўрт-беш ой мобайнида тўрт-беш йиллик олижаноб ишни қилиб қўйдилар.

Бунда мен халқимизнинг ўз улуғ фарзандига бўлган улкан меҳр-оқибатини кўраман.

Алишер Навоий юртни, диёрни кўркам ҳосилдор боғлар оғушида кўришни орзу қилар эди. У:

Ким бу боғ ичра ҳирмон эрур,  
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур,

деб одамларни бир-бирига меҳрибону шафиқ бўлишга, умр—ҳаёт қадрини билишга, дўст-биродарликка чақирган эди.

Мен ишонаманки, Навоий ҳайкали, боғи шаҳримизнинг, диёримиз-

нинг энг гўзал ва асосий зиёратгоҳи бўлиб қолади.

Бу ер йиллар, асрлар давомида катта халқ тантаналари, қарияларимиз, ёш авлодимизга, халқимизга малҳам, руҳий мадад берадиган севимли ва мароқли бир оромгоҳга айланади, деган катта умидим бор. У ижод аҳли учун илҳом маскани ва камолот каъбасига айланиб кетса ажаб эмас.

Азиз дўстлар, ватандошлар!

Юртимизнинг азиз меҳмонлари!

Алишер Навоийнинг муҳтарам ихлосмандлари!

Бугун биз бобомиз руҳи олдида чуқур таъзим бажо келтирар эканмиз, ундан олдин ва ундан кейин ўтган улуғ зотларнинг руҳлари ҳам шод бўлади, деб умид қиламиз.

Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади. Ишонамизки, Ўзбекистонимиз тез орада дунё ҳамдўстлиги ўртасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, иншоолло. Ана ўшанда ҳам Алишер Навоийнинг қутлуғ номи бизга мададкор бўлади.

Бу кўшк, бу ҳайкал, бу сўлим боғ ҳаммамизга муборак бўлсин, азиз дўстлар! Ўзбек халқимизнинг улуғ сиймоси Алишер Навоий номидек абадул-абад сақлансин, обод бўлсин!

*Тошкент шаҳрида А. Навоий ҳайкали  
ва миллий боғининг очилиши  
маросимида сўзланган нутқ,  
1991 йил 28 сентябрь*





*"Севишганлар" миниатюраси.  
1575 йил. Бухоро.*



*"Гўзал қиз ва чол" миниатюраси.  
1570 йил. Бухоро.*



## ХАЛҚНИ ВАТАН МАНФААТЛАРИ БИРЛАШТИРАДИ

*Шарқда қадимдан шундай анъана бўлган: ҳукмдорлар юртнинг нуфузли кишилари — аҳли фузалою аҳли шуаро билан бамаслаҳат иш юритганлар. Бу машваратларда мамлакатнинг аҳволи муҳокама этилиб, келажакка солинажак йўллар белгиланган. Республика Президент Ислон Каримов бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган учрашув улуғ бобокалонларимиздан қолган ўша одатни эслатди.*

**ПРЕЗИДЕНТ:** Мен бир-икки масала бўйича мулоҳазаларимни айтиб, кейин сизларга сўз берсам, шулар ҳақидаги фикрларингизни билсам, яхши бўлар эди.

Мана, биз ҳозир 130 давлат билан алоқа боғладик, бир қанча ваколатхона ва элчихоналар очилди. Ҳар куни турли давлатларнинг вакиллари келиб, ҳар хил масалаларни ўртага қўяди, лекин шуни айтиш керакки, бу гапларнинг тагида битта маъно бор: кучингиз бўлса, қудратингиз бўлса, мана шу давлатнинг келажакига ишонсагина, сизни ўзига тенг кўриб гаплашади, бўлмаса менсимайди. Демак, биз келажакимизни мустақил равишда қурмасак, ўзимизни ҳар томонлама ҳимоя қилмасак, ички ва ташқи сиёсатни оқилона ўтказмасак, ҳеч ким бизга астойдил хайрихоҳлик қилмайди.

Мен яқинда юртимизга келган турк дўстларга шундай бир савол бердим: бугунги алоқадан иккала томон ҳам манфаатдор, сиз ҳам фойда кўрмасангиз, балки бу ерда қўшма корхона қуриш, сармоя олиб келишга интиласдингиз ва бошқа ишларни қилмасдингиз. Бу

очиқ гап. Лекин барибир келажакни ўйлаб, XXI асрни ўйлаб, кимдир бизга бирон нарса таклиф қиладими, йўқми? Ўзаро ҳимоя, мудофаа масаласи, болаларимизни тарбиялаш, уларнинг аҳил бўлиши хусусида гап юритишимиз лозим эмасми?

Малайзияда, бошқа давлатларда бўлганимда шу нарсага иймон келтирдимки, жаҳон харитасида янги давлат пайдо бўлса, сиёсатдонлар бу давлатнинг интилиши нимадан иборат, келажак қандай, бу давлат қайси томонга бурилади, бизларга қарши чиқиб қолмайди, деган масалани яхшилаб таҳлил этиб, кейин муносабат ўрнатар экан.

Шунинг учун биз Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини юргизар эканмиз, сезган бўлсангиз, баъзи бировлардан чиққан кўрсатмаларга бўйсунмаяпмиз. Бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз бор, деганда шуни тушунмоқ керак. Агар биронта кучли давлатнинг ноғорасига ўйнасак, эртага бизни ҳеч ким назар писанд қилмайди, тобе, қолоқ давлатлар қаторига қўшиб қўйиши мумкин. Буни сизлар яхши тушунасизлар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мен айтмоқчиманки, ана шу давлатлар билан муносабатни жой-жойига қўйиш, Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик — асосий вазифамиз. Агар шуни вақтида қилмасак, кейин ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Яна хом ашё бериб, меҳнат қилиб, роҳатини эса ўзгалар кўрадиган эски аҳволга тушиб қолишимиз мумкин.



Ҳозир Москвада кечаётган воқеаларни олиб кўрадиган бўлсак, юмшоқ курсилардан айрилиб қолган баъзи аламзадалар собиқ Иттифоқни қайтадан тиклаш учун бош кўтараяпти. Бугун энг хавфли нарса шу. Албатта, Россия улуғ, катта давлат. Лекин у бизнинг ҳам хом ашё, ҳам тинимсиз меҳнатимиз туфайли буюклашган давлатдир.

Чор Россиясининг муқаддас заминимизни ишғол қилиб олишдан мақсади уни ўз манфаати йўлида ишлатиш эди. Тарихдан маданиятни, тараққиётни бизга Россия олиб келди, деган гапларни кўп ўқидик. Лекин асосий мақсад бошқа эди. Бу замин бой бўлмаса ёки унинг стратегик, сиёсий аҳамияти бўлмаса бу ернинг ҳеч кимга кераги йўқ эди. Яна шунини очиқ айтишимиз керакки, бундай қараш совет даврида ҳам, афсуски, ўзгармади.

Шунинг учун ҳам кимдир Ўзбекистонга келиб, бирор нарсани қургандир. Лекин қандайдир фойда топмаса, бу ерга келмас, бир тийинини ҳам сарфламас эди. Ўзбекистонда 1965 йилдан буён қанча олтин қазиб олингани маълум. Кейинги 15 йилда терилган пахтанинг ҳам ҳисоб-китоби аён. Ўзим ҳисоблаб чиққанман: шу давр мобайнида камида 35 миллиард долларлик бойлик — пахта ва олтин марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган. Бошқа нарсалар ҳали бу ҳисобга кирмайди.

Ана шу йиллар мобайнида бизга нима берилган? Ўзбекистонга қилинган ёрдам, сармоялар ўша 35 миллиардга тўғри келадими, солиштириб бўладими? Хуллас, ҳисоб-китоблар шунини кўрсатадики, агар бу ердан фойда кўрмаса, ҳеч ким бир тийин ҳам бермайди. Бу ҳол, айниқса, сўнгги икки йилдан бери анча кўриниб қолди. Биз бойликларимизни ўзимизда қолдираётган пайтимизда улар сезиб қолдики, энди илгаригидек бўлмайди. Пахта майдонини камайтир-

япмиз, алмашлаб экишни тартибга солидик. Бу — биринчидан. Иккинчидан — пахтани четга, долларга сотмоқчимиз. Россияни биз билан боғлаб турган нуқта бор, бу клиринг орқали савдо қилиш — Россия ўз нархи билан бизга нефть беради, биз шунга қараб пахта беришга мажбурмиз. Пахтани бермасак, улар бизга нефть бермайди. Мен ҳар доим айтаман: олдимизда турган энг катта ғов шуки, бизнинг коммуникациямиз чатоқ. Иккита темир йўл бор, холос — биридан кирилади, иккинчисидан чиқилади.

Агар мўлжалдаги учта дарвозани очиб олсак, биттаси Жанубга — Карочига, биттаси Фарбга — Форс кўрфазига, яна биттаси — Хитойга чиқади, Шимолга чиқадиган йўлимиз тайёр. Ҳозир, агар кўлимизда пул, долларимиз бўлса ҳам, нефтни бошқа жойдан келтира олмаймиз.

Дарҳақиқат, ҳозир вазият оғир. Баъзи жойларда қон тўкиляпти, вайронагарчиликлар рўй берапти. Кўп жойда, айтайлик, аҳвол чатоқ, барқарорлик йўқ.

Ҳозир одамларнинг миясига шундай ақида сингдириляптики, гўё мана шу вайронагарчилик, қон тўкилиши, ўзаро қарама-қаршилиқнинг сабаби битта, у ҳам бўлса, собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлиб, парчаланиб кетгани эмиш. Бу энг катта хавф. Шунини тўғри тушуниш керакки, бунинг хавфли жойи — содда одам мазкур масалада алданиб қолиши мумкин. Ҳеч кимга нотинчлик, хонавайронлик керак эмас, қимматчилик керак эмас. Қарияларимиз доимо тинчлик, хотиржамлик бўлсин, деб дуо қиладилар.

СССРни тикламоқчи бўлган кучлар айни шу вазиятдан фойдаланмоқчи. Улар шум ниятларини ниқоблаб шундай демоқдалар: “Тинчлик керакми, эски оилага қайтайлик, унинг тепасида кучли ҳимояси бор эди, ана шунда сиз-



га ҳеч ким зўравонлик қилмайди, биров шундай қилса, бизлар келиб ажратиб қўямиз”. Қисқаси, ким яхши — Кремль яхши.

Сизларда Аллоҳ таоло ато этган таланти бор. Истеъдодсиз одам ёзувчи бўлолмайди, бу кўчага тасодифан кириб қолган дарров билинади. Ҳозир бизнинг мустақиллигимиз, истиқлолимиз тўғрисида матбуотда, телевиденида яхши гаплар айтиляпти. Бунинг учун сизларга раҳмат. Сизларнинг меҳнатингиз — ҳар бир каломингиз зарур, чунки у маънавий озик деган гап.

Иқтисодий ислоҳот, аҳоли таъминотини яхшилашга ҳаракат ўз йўли билан бораверади. Шундай мақол бор: оч одамнинг қулоғига мусиқа кирмайди, яъни унга минг марта ташвиқот қилсангиз ҳам, у қорнидан бошқа нарсани ўйламайди. Чунки одамда, аввало, кайфият бўлиши керак. Шунда у қандайдир сезгир, кўнгли очиқ, нияти пок бўлади. Ана шундай пайтда унга ким тарбия беради, таъсир ўтказади? Албатта, сизлар. Ажойиб шеърларни ўқиганингизда қандайдир ғурур, ифтихор туйғуси пайдо бўладики, одам ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман ҳар нарсага қодир ҳис этади, буни мен сезганман. Айтмоқчиманки, сизларнинг кучингиз мана шунда, Аллоҳ сизларга шундай иқтидор берган.

Одамларга шуни англатиш керакки, бизга берилган имконият юз йилда бир марта келиши мумкин. Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим. Энди қаддимизни кўтаришимиз керак. Бизнинг еримиз, эл-юртимиз энди-энди эркин нафас оляпти. Лекин одам табиати шундайки, қийинчилик, оғирчилик билан келган нарсанинг қадрига етади, агар бирон нарса енгил йўл билан қўлга кирса, унинг аҳамиятини тушунмайди, қадри-

га етмайди. Қийинчилик билан, катта-катта талафотлар эвазига мана шундай истиқлолга эришса, уни қўлда куро.1 билан сақлайди, керак бўлса, жонини фидо қилади. Шуни унутмаслик керакки, истиқлолимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ.

Вилоятдаги раҳбарлардан бири истиқлол муқаддас нарса, лекин у қайта қуриш туфайли келди, депти. Мен бир учрашувда жамият маънавий инқирозга юз тутган, тилимиз, урф-одатларимиз йўқолиб кетиш олдида турган, миллатни миллат қиладиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда истиқлолни қўлга киритиб, энди қаддимизни ростлаб олаётганимизни тушунмасангиз, агар мана шуни халққа тушунтиролмасангиз, шунга масъул бўла туриб, ўзингизни етакчи ҳис қила туриб, шуни охиригача етказолмасангиз, заиф ёки қўрқоқ бўлсангиз, тўғриси айтиб, орамиздан чиқиб кетаверишингиз мумкин, дедим. Шундай вазиятдан фойдалана олмаса, ойдин келажакка олиб борадиган тўғри, асосий йўлда одамларга бош бўлолмаса, мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у, аввало, маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини одамлар онгига сингдирилмаса, ундай раҳбарнинг кераги йўқ.

Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонаман. Мана, чет элдан келган катта-катта олимлар, давлат арбоблари ҳам Ўзбекистон шу йўл билан кетаверса, 10—15 йилда энг тараққий этган давлатлар сирасига киради, деб таъкидламоқда. Шу боис мен битта шиорни, катта масалани ўртага қўймоқчиман. Яқинда Минскдаги учрашувда айтган, газеталарда босилиб чиққан гапимни одамларга, халққа етказишимиз керак. Ўзбекистоннинг бугун фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса — ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, фақат олға юришдир. Бошқа





*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов  
“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази  
вакиллари билан суҳбатлашмоқда.*



йўл йўқ. Мана шу шиор маъкулми сизларга?

Энди бу шиорнинг ҳозирги мураккаб вазиятдаги маъносини халқимизга тушунтирмасак, шу пайтда иккиланиб турсак, келажак авлодга хиёнат қилган бўламиз. Агар ҳушёр бўлмасак, ўзимизни, бу муқаддас заминни, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилмасак, бизни ҳеч ким кечирмайди. Ҳозир қийин, лекин қайси даврда, қайси замонда эркинлик осонлик билан қўлга киритилган?

Буни сизлар жуда теран англайсизлар, бу гаплар юрагингизга яқин, деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан ўзаро фикр алмашиб, яқдиллик билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу масалада, маънавий инқироздан чиқишда, сиз, қаламқашлар, энг асосий етакчисиз. Менинг фикрим шундай. Етакчи деганимнинг боиси шундаки, одамлар сизга эргашади, энг катта кучингиз — бу қалам, асарларингиз. Одамлар шунга муҳтож, улар сиёсий нуқтаи назардан уйғонди, лекин уларга маънавий озиқ жуда зарур.

Яна шуни айтиш керакки, ўтмишнинг ижобий жиҳатлари ҳам бор эди. Хусусан, бир вақтлар ҳар ҳафтада сиёсий ўқув ўтказиларди. Ҳозир нима бўляпти? Мафкура масаласида нима қиляпмиз? Мафкурани ўзгартиришда, уни соғломлаштиришда ким нима қилиши керак? Бу сизларнинг соҳангиз, зиммангиздаги вазифа эмасми? Янги мафкуранинг асоси, хусусиятлари борми, йўқми? Ким бу дастуриламаларни ишлаб чиқиши керак?

Яқинда мустақиллик тўғрисида гап кетганида мен шундай бир муқояса қилдим. Биласиз, Мустақиллик майдонида катта бино бор. 20 қаватли. Лекин сизлар билмасангиз керак, ер остига ҳам шунга яраша пойдевор қурилган. Демокриманки, агар бинони сарбаланд қилмоқчи бўлсангиз, пойдевори бақувват

бўлиши керак. Акс ҳолда, бир гирдобга тушса, бўрон турса, ер билан яксон бўлиб кетади. Миллатимиз чуқур илдизга эга. Бу — бизнинг бойлигимиз. Шундай экан, биномиз ҳам баланд, пойдевори мустаҳкам бўлиши керак. Энди қўрқмасдан бинони қаватма-қават кўтаришга асос бор, уни Аллоҳнинг ўзи берган, буюк аждодларимиз берган. Фақат битта шарт — бу бинони қураётганда ҳаммамиз аҳил бўлишимиз лозим.

Мен фикримни айтдим, агар маъкул топсангиз сизларнинг мулоҳазаларингизни ҳам билмоқчи эдим. Ўйлайманки, мақсадимиз бир. Менинг тилагим: сизлар ҳам бир бўлиб, бир оиладек ишласангиз, мен хурсанд бўламан, ўзимни мақсадга эришган, деб биламан. Чунки, бу Ўзбекистон учун керак. Миллат учун керак. Келгуси авлод учун керак. Ҳаммамиз мана шу улуғ мақсад йўлида хизмат қилсак, иншооллоҳ, мақсадимизга эришамиз.

**САИД АҲМАД:** Муҳтарам Президентимиз, Сиз амалга ошираётган ишларни кўриб-кузатиб турибмиз. Бизда ҳам муаммо кўп, кечирасиз, шуларни айтиб, бошингизни оғритишга тўғри келади. Менинг бир дардим бор. Бу дард шундан иборатки, Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳорлардан кейинги бизнинг авлод ҳозир 70 дан ошди. Ортимиздан жуда катта авлод келяпти. Бизлар шу даражага етишимиз учун 50 йил вақт кетди. Келаётганлар эса жуда талантли ёшлардир, улар 20—30 йил ижод қилиб қўйган. Ҳозир шундай иқтисодий қийинчилик даврики, уларни шу инқироздан сақлаб, омон олиб чиқолмасак, кейин гуноҳкор бўлиб қоламиз. Чунки бундай талантли авлодни етиштириш учун яна 40—50 йил керак бўлади. Уларни йўқотиб қўймаслигимиз керак.



Яқинда Хоразмга борганимизда шундан хурсанд бўлдикки, бир неча ёш ёзувчини вилоят ҳокими бағрига олибди. Иқтисодий ёрдам бериб турибди. Ҳар бир вилоят 10 тадан иқтидорли ижодкорни шу қийинчиликлардан олиб чиқиб кетишда ёрдам берса, хурсанд бўлардик. Халқ етиштирган талантларимиз ўзини тижоратга ёки бошқа серпул соҳаларга уриб кетганидан кейин уларни қайтиб адабиётга олиб келиб бўлмайди.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Саид Аҳмад ака, гапингизни тушундим. Менинг ҳам фикримча, ҳокимлар ёрдам бермаса, ўзининг ҳомийлигини кўрсатмаса, ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Чунки уларга катта ҳуқуқлар берилган. Лекин ҳар қайси ҳоким ҳомийликни ўз номидан эмас, балки давлат номидан қилса, адолатли бўлар эди. Менинг таклифим шуки, агар ёш ижодкорларни ҳимояга олмоқчи бўлсангиз, бу ишда менга ёрдам беринглар. Махсус жамғарма тузайлик. Биз давлат ҳисобидан, керак бўлса, турли тижорат ва катта корхоналар жамғармасидан маблағ олиб берамиз. Буни “Ёш ижодкорлар жамғармаси” деб атасак ҳам бўлади. Пул етмаса, давлат беради. Бу жамғармага, Ўзбекистоннинг келажаги учун жон куйдирадиган одамлар сармоясини берсин. Мен ҳомийлик қилишга тайёрман.

**ИБРОҲИМ РАҲИМ:** Олдимизда мустақилликни сақлаб қолиш ва янада мустақамлаш масаласи турибди. Бунинг учун, аввало, халқимизнинг бирлигини сақлаб қолишимиз зарур. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча миллат вакиллари Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Ана шу бирликни авайлашимиз керак.

Мустақил фикр юритадиган, тўғри ва ҳалол, жасур авлодни тарбиялаш давримизнинг долзарб муаммоларидандир. Бу соҳада фахрийлар катта иш қила олиши мумкин. Ҳозир республикамизда

ярим миллион нафар фахрий бор. Уларнинг таъсири, йиллар синовидан ўтган ақл-заковати тарбия соҳасида ижобий натижалар бериши аниқ.

**ОДИЛ ЁҚУБОВ:** Собиқ Иттифокнинг айрим жумҳуриятларида СССРни қайта тиклаш истагида бўлган кучлар жонланиб қолди. Бу ҳаракатлар бизни ғоят ташвишга соляпти. Қалам аҳлининг ҳаммасида шу дард бор. Шунинг учун ҳам мустақиллик ҳақидаги гапларингиз ниҳоятда муҳим. Ёзувчининг, у ёзган асарнинг тақдири, биз амалга ошираётган ишлар тақдири шу халқнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шу халқ озод бўлса, шу халқ эркин бўлса, унинг мустақил давлати бўлса, ёзувчининг ҳаёти ҳам, келажаги ҳам шунга боғлиқ. Шу маънода матбуотимиз, телевидениемиз бундан ҳам жанговар бўлса яхши бўлар эди. Биз ўзбек халқининг миллий туйғусига бағишланган бир кўрсатувда иштирок этдик. Афсуски, бизнинг чиқишимизга қаршилиқ қилганлар ҳам бўлди. Назаримда, халқнинг ғурурини кўтарадиган, унга ўзлигини англатадиган кўрсатувлар жуда зарур.

Биз энди кўрқмасдан халққа дилидагини айтиб, у билан бамаслаҳат иш қилишимиз керак, ҳаммамиз аҳил бўлиб, янги давлатни бирпо этишда сизга ёрдам беришимиз лозим.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Эртага эски Иттифок тузумини қайта тиклаш масаласи қўйилса, кимдир келиб орамизда шундай ҳаракат олиб борса, одамларимизнинг неча фоизи буни хайрихоҳлик билан қарши олади? Бу энг оғир, энг мураккаб, энг нозик, лекин энг керакли савол. Бу саволга ҳаммамиз виждонан, юракдан жавоб беришимиз керак. Нега деганда, виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди. Халқимиз орасида бир вақтлар унинг елкасига миниб, ҳақини еб, ҳукмдорлик қилиб юрган одамлар жуда кўп. Зеро, биз со-



вет тузумида уч-тўртта авлодни кўрдик. Улар қандай тарбия олди? “Кремль юлдузи”га итоат қилмасанг, мансабда ўтирмайсан, деган гаплар бўлган. Кимки ўз юртини, ўз халқини сотмаса, мансабдан кетарди. Мустақиллик, халқнинг миллий анъаналари, гурурини тиклашга қарши чиқадиганлар ўша тоифадаги одамлардир. Менинг хавотир бўлаётган жойим ҳам шу. Агар аҳил бўлсак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди. Орамизда эртани ўйламайдиган, шахсий манфаатини халқ, Ватан манфаатидан юқори кўядиган кимсалар бўлмаслиги учун зиёлилар бизга кўмак бериши лозим. Токи бундайлар одамлар фикрини чалғитмасин. Аввало, виждон тоза бўлиши керак. Бугун ҳаммамиз миллатимиз, халқимизнинг, давлатимизнинг келажаги ҳал бўлаётган нозик даврда яшайпмиз. Бу давр сиёсатни аниқ белгилаб олишни тақозо этади.

**ШУКРУЛЛО:** Ислом Абдуғаниевич, қадимдан ёзувчининг битта дарди бўлган. У ҳам бўлса — халқ озодлиги, ватан мустақиллиги. Ҳақиқий ёзувчининг бундан бошқа дарди бўлган эмас. Биз, мана, 130 йилча шу орзу билан яшадик. Ниҳоят, халқимиз мустақилликка эга бўлди.

Биз, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган сўзни сизнинг оғзингиздан эшитдик. Сиз ёзувчининг вазифаси нима эканини ҳам ошкора белгилаб бердингиз. Буюк давлат нима? Қандай қилиб буюк давлат эгаси бўламиз? Мустақилликка эришдик, мустақиллик ўзи нима? Уни қандай сақлаб қоламиз? Мана шуларни халққа биз — ёзувчилар тушунтирамиз. Бизнинг бошқа вазифамиз йўқ.

Афсуски, мана шу оғир вақтда бирлик билан, аҳиллик билан телевизордами, радиодами мана шу мустақиллик, эркинлигимиз ҳақида ҳаммамиз баб-баравар хизмат қилаётганимиз йўқ.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Менда яна бир мулоҳаза бор. Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўйишимиз зарур. Бундай нарсаларни орамиздан кўтариб ташлашимиз керак. Бу ишимизга халақит беради. Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмликми, фарғоналикми, сурхондарёликми, фарқи йўқ — ўзбекдир.

Шукрулло ака айтган гапларда жон бор. Мен баъзан ҳайрон бўламан: катта-катта мансабдор одамлар, вазирлар нима учун куюнмайди? Нима учун жонини фидо қилмайди? Ёниб ишлайдиган одамлар қани? Кечирасизлар, кўпол бўлса ҳам айтишим керак, писмиқлар кўп. Ичидан пишганлар, шамолга қараб турадиганлар кўп. Энг ёмони — шу.

Яна бир гап. Шунини тўғри тушунингларки, одамни ҳурмат қилиш, унинг ишларини қўллаш — яхши одат. Хизматини эътироф этиш, кўз юмганидан кейин унга ҳайкал қўйиш, суратини ўрнатиш бошқа гап. Лекин раҳбар раҳбарлигини қилиши керак, раҳбарнинг ҳурмати бор, бу, аввало, миллатнинг ҳурмати. Лекин бунда мақтовларни ҳаддан ошириб юбормаслик керак, чегарадан ўтмаслик зарур. Одамга бу фойда эмас, балки зарар етказиши мумкин. Шунинг учун газеталарда ҳадеб суратимни чиқаравериш шахсан менга ёқмайди! Мен бунга қаршиман, бу ҳурмат белгиси эмас. Тарғибот бўлиши керак, албатта, лекин уни ақлли одам бировнинг гашига тегмайдиган қилиб, меъёрида ўтказиши лозим. Баъзан хижолат бўлиб кетаман.

**ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ:** Маънавиятнинг умрбоқийлиги барчага аён. Шу жиҳатдан олганда, сизнинг “маънавият йўқ жойда тараққиёт йўқ” дейишингиз бизни беҳад қувонтиради. Зеро, шу мураккаб даврда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан бирга маънавиятни ҳам унутмаслик жуда муҳим.

Ёзувчилар, зиёлилар доимо халқнинг маънавий баркамоллиги, инсоний қад-



ри топталмаслиги учун жон куйдириб келган. Истибдод йилларида биз қорнимизга эмас, қадримизга йиғлаганмиз. Ўтмишга муносабат маънавиятимизнинг ажралмас бўлагидир. Мозий ҳақидаги ҳақиқат ҳам авлодларни тарбиялайди. Шу ўринда мен 100 йиллик таваллуд тўйи яқинлашиб келаётган Абдулла Қодирий ҳақида, Чўлпон ва Фитрат ҳақида гапирмоқчиман. Чунки уларнинг интилиши, фаолияти халқни озод, эркин кўришга йўналтирилган эди. Улар эзгу мақсад йўлида қурбон бўлди. Афсуски, ҳалигача Қодирийнинг халқ зиёрат қилиши мумкин бўлган қабри йўқ. Ваҳоланки, у отиб ташланган жой маълум. Назаримда, озодлигимиз, мустақиллигимиз йўлида қурбон бўлганлар хотирасига зиёратгоҳ барпо этсак, халқимизнинг мард ўғлонлари олдидаги яна бир қарзимизни узган бўлар эдик.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Мен ўтмишда кимнинг кимга ёмонлик қилганини кўзгаб, ҳозирги яхши муносабатларни бузишга қаршиман. Ёмонлар ўз жазосини олади. Қолаверса, энг оғир жазо — виждон азоби. Ундан қутулиш қийин.

Қодирий, Чўлпон ва Фитрат каби қахрамонларимиз хотирасини абадийлаштириш хусусидаги фикрингизга қўшиламан. Уларнинг улкан ҳайкаллари яратиш керак, токи халқимиз ўзининг жасур фарзандларига ҳурматини бажо келтириш имкониятига эга бўлсин.

**МИРМУҲСИН:** Ҳурматли Президент. Биз, шу ерда ўтирганлар ҳам, келолмаган ўртоқлар ҳам — ҳаммамиз сизни қўллаб-қувватлаймиз. Бу ишлардан ниҳоятда хурсандмиз, айтамикки, шу кунларга соғ-саломат етиб келиб, шу жамиятнинг мустақиллиги учун хизмат қилаётган эканмиз, бу биз учун жуда катта бахт. Ёзувчиларга жуда катта баҳо бердингиз, биз хурсанд бўлдик.

**АБДУЛЛА ОРИПОВ:** Ҳурматли Ислом ака, биз катта-кичик адабиётчилар-

га тўғри йўлни яна бир карра эслатдингиз. Бизнинг оқсоқолларимиз жуда катта ҳаёт тажрибасига эга. Бу ўринда кўп гапларни такрорлаб ўтирмайман. Сиз аҳиллик ҳақида такрор ва такрор гапирдингиз. Яхши отга бир қамчи деганларидек, буни теран тушунамиз. Биз ҳаммамиз бир ота-онанинг болаларимиз. Биримизнинг бўйимиз сал баландроқ, биримизники пастроқ бўлиши мумкин. Лекин шунга қарамасдан, бир-биримиздан фазилат ахтаришимиз керак. Ота-хонлар мени кечирсинлар, ўша даврлар шунга ўргатганми, биринчи навбатда нуқсон ахтаришга одатланиб қолган эканмиз. Шунинг учун беайб — парвардигор, деймиз, агар бир-биримизга кечиримли бўлиб, бағрикенглик билан бу дунё ўткинчи эканини ҳар соат, ҳар фурсатда эслаб, қўлни қўлга бериб ишласак, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда биз, ёзувчилар, элга намуна бўламиз, деб ўйлайман.

Ислом ака, мен ҳам идорада ишлайман, вазифамиз ёзувчиларимизнинг ҳақуқуқини ҳимоя қилиш. Ҳозир тўланаётган қалам ҳақи жуда оз, кечирасиз, шуни ўйлаб кўрсангиз.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Бу масалани ҳал қиламиз, кўпчиликнинг фикрини жамлаб, аниқ таклиф билан кирсангиз, гаплашамиз.

**ОЗОД ШАРОФИДДИНОВ:** Ислом ака, тушунаман, маблағ масаласи жуда оғир. Лекин, шунга қарамасдан, зиёлиларнинг, хусусан, профессор-ўқитувчиларнинг маоши масаласига эътибор берилса, яхши бўлар эди. Иккинчи айтмоқчи бўлган гапим шуки, ёзувчилар албатта мустақиллик учун, юртимизнинг тинчлиги учун курашади. Бу ерда ёзувчиларимизнинг бирлашиши ҳақида гапирилди, дарҳақиқат, аҳиллик керак. Бирлашиш, тўғрироғи, қандай асосда бирлашиш ҳақида талаб қўйяпмиз. Шу ҳал этилса, бас.



**ЭРКИН ВОҲИДОВ:** Халқ манфаатини ўйлаб Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бошини қовуштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз таҳсинга лойиқ. Мана, бугун биз, ёзувчиларнинг ҳам бошини қўшиб аҳилликка чақирмоқдасиз. Истеъдоднинг табиати ҳар хил бўлса-да, ватан манфаати, халқ бахти йўлида бирлашиш унга хосдир.

Истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, ноширлик фаолиятини тартибга солиш муҳимдир. Чунки ҳозир ўзини ношир эълон қилиб, савияси саёз асарлар нашр этаётган нашриётлар кўпайиб кетди. Олий Кенгашдаги қўмитамиз бу борада яхши қонун лойиҳасини тайёрлади. Навбатдаги сессияларимиздан бирида уни муҳокамага қўйиб, тезроқ қабул этсак, бу қонун маънавиятимизнинг юксалишига хизмат қилган бўлур эди. <...>

**ПРЕЗИДЕНТ:** Сизлар ёзувчисизлар, шундан фойдаланиб бир нарсани айтишим керак. Тарихимизга назар солсангиз, шу нарса аён бўладики, амал талашиш, мансаб талашиш ёмон офат бўлган. Бу жуда хунук иллат, демоқчиман. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизни бирлаштирадиган битта гоё бўлиши керак. У ҳам бўлса, шу ватаннинг, шу тупроқнинг, эл-юртнинг манфаатидир.

**ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ:** Ислом Абдуғаниевич, боя айтганингиздек, стратегик гоё нуқтаи назаридан миллий концепциямизни ишлаб чиқишимиз, илдиларимизни бутун жаҳонга ёйишимиз керак. Илдизи жаҳонга ёйилмаган халқ ҳеч қачон ривожланиб, тараққий этган эмас. Мен истар эдимки, ўша сиз ўтказётган сиёсат — ёшларни тўхтовсиз чет элларга юбориш жараёнини тезлатиш керак. Ёшларимиз чет элларга, тарақ-

қий этган мамлакатларга мунтазам бориб турса, илғор технологияни ўрганса, мустақиллигимиз мустаҳкамланаверади.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Мана шу гоёни ишлаб чиқиш керак. Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда, Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўлман. Шунинг учун стратегияни жуда пухта ўйлаш керак. Балки ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади. Биласизлар, менинг икки китобим босилиб чиқди. Аслида китоб ёзиш, бу — сизнинг ишингиз. Уни боя айтилган концепцияни белгилаш, бўшлиқни тўлдириш йўлидаги уриниш деб тушунишингизни хоҳлардим.

Аслида сизлар билан сиёсатчилар — миллий ғурур, миллий ҳисни тушунадиган одамлар, шу иш билан шуғулланса яхши бўлар эди. Мана шу масалада пухта ишлашимиз керак. Хилма-хил фикрларни бирлаштириб, битта маъно чиқариш лозим. Ўзбекнинг миллий ғурури нимадан иборат? Ўзбекнинг энг асосий фазилатлари, асосий хислатлари нималарда намоён бўлади? Меросимизнинг асосий қирралари, сабоқлари нима? Бизга номақбул томонларини ҳам айтдим. Миллатни бирлаштиришга ҳалақит берадиган нарсалардан озод бўлишимиз керак. Миллатимиз ҳозир шаклланыпти. Шу масалаларни чуқурроқ ишлаш зарур. Акс ҳолда бўшлиқни нима билан тўлдирамиз? Президентнинг гоёлари — бу битта одамнинг гапи, уни ривожлантириш, маъносини кенгайтириш, тўлдириш керак. Мен шахсан шунинг тарафдориман ва сизларни шунга даъват этаман.

1993 йил апрел



## АҚЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТ — ЯНГИ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Чуқур ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрлигига боғлиқ бўлади.

Бу эса бутун таълим ва маданият тизимини тубдан ислох қилишни тақозо этади. Чунки айни билимдонлик ва юқори маданийлик озодликдан ҳаммининг бахт-саодати йўлида фойдаланиш имконини беради.

Аввалги йилларда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди.

Бу аҳвол тубдан ўзгартирилиши лозим. Аслини олганда халқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак бўлади.

Мана шу асосдагина миллатнинг онгли ватанпарвар бирлиги руҳини вужудга келтириш мумкин. Бу эса айрим мамлакатларнинг тараққиёт сари шиддат билан юришига имкон берган.

Бизнинг диёримиз буюк алломаларни етиштирган. Бутун жаҳон илм аҳли улар билан фахрланади. Улар асос солган миллий илмий тафаккурнинг анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун бизда ҳамма шарт-шароитлар бор.

Давлат бундан буён ҳам энг асосий устувор тадқиқотларни қўллаб-қувватлаши шарт. Чунки республиканинг келажаги ана шу тадқиқотларга боғлиқдир.

Лекин илмий ташкилотларнинг ўзлари ҳам ўз моддий базасининг ривожланиш йўлларини янада фаолроқ излашлари, хорижий мамлакат илмий марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлашлари керак. Амалиёт эҳтиёжларига яқинроқ бўлиш, самарали натижалар берадиган ихчам, изланувчан ижодий жамоаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Ақлий ва маънавий салоҳиятни ривожлантириш** яна бир узлуксиз принцип ҳисобланади. Халқимиз ўзини ҳақиқатан ҳам озод, эркин деб билиб, муҳтожлик ва қарамлик исканжаларидан халос бўлган, қаддини ростлаган, эркин нафас олганда иқтисодий ислохотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислохотлар муваффақиятга эришади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Демак, бизнинг вазифамиз, авваламбор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир. Маънавиятимизни яратаётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижод-



корларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бунинг учун харажатларимизни аямаслигимиз даркор.<...>

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа: соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат айниқса мушкул аҳволга тушиб қолади. Биз учун маънавий, тарихий ва маданий қадри-

ятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш асосий устувор вазифа экан, ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи одамларнинг меҳнати-га муносиб баҳо бериш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш зарур.

*Ўн иккинчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан,  
1993 йил 2 сентябрь*



## МАЪНАВИЙ МЕРОС ҚУДРАТИ

Азиз ватандошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Дўстлар!

Барчангизни улуғ ва муқаддас байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг бир йиллиги билан юрак-юракдан муборакбод этаман. Эрк байрами, озодлик шодиёнаси барчангизга қутлуғ бўлсин!

Бир йил олдин ўзбек халқи тинч йўл билан ўзининг азалий ҳуқуқига — ўз тақдирини ўзи белгилаб, ҳақиқий давлат қуриш бахтига эришди.

Бугун — халқимизнинг минг-минг йиллик тарихида алоҳида ўрин тутадиган, мўътабар мазмунга, буюк аҳамиятга эга бўлмиш байрам.

Мустақил давлат тузиш онларига етиб келганимиз, авваламбор асрлар давомида буюк истиқлолнинг машаққатли йўлида халқимизнинг, унинг асл фарзандларининг тинимсиз олиб борган жонфидо курашлари натижаси бўлди.

Бугунги байрам аждоқларимиз бўлмиш улуғ алломалар — Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амур Темур, Алишер Навоий каби даҳо бобокалонларимиз руҳи қўллаб-қувватлагани, бизларга бахш этилган олижаноб туйғулар — руҳ озодлиги, қалб поклиги, иймон, чўнг ирода, мардлик, юртпарварлик, миллату ватан учун фидойилик ва бошқа асл фазилатлар наслимизга, қон-қонимизга сингиб кетганининг исботидир.

Аминманки, буюк аждоқларимизнинг руҳи поки ҳозир ҳам тепамизда туриб, кўнгилларимизга холис ва эзгу ниятла-

рини сочяпти, ғайратимизга ғайрат, умидимизга умид қўшяпти.

Азиз ватандошлар!

Истиқлол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан қўлга киритилмаган.

Мустақилликнинг бир йили — катта йўлнинг бошланиши, холос.

Ҳаётимизнинг ўзи, бошдан кечаётган воқеалар танланган йўлимиз, олдга қўйган мақсадларимиз тўғрилигини яққол тасдиқляпти.

Биз мустақил ўзбек давлатининг пойдеворини қурмоқдамиз.

Минг қатла шукрки, тилимизни, динимизни, урф-одатларимизни, маънавий қадриятларимизни буткул йўқолиб кетиш хавфидан сақлаб, асраб-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик.

Ер усти ва ер ости захираларимиз, авлод-аждоқларимиз меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий бойликларимиз ва имкониятларимиз юртимиз аҳли фаровонлигига кафолат, жамиятимизнинг ижтимоий тараққиёт ва равнақига хизмат қилувчи замин бўлди.

Ўзбекистон ҳудуди, давлат чегаралари ва иқтисоди халқимиз куч-қудратига таянган ҳолда мустақкам ҳимояга олинди.

Давлат бошқарувининг, ташқи ва ички сиёсатнинг, иқтисодиётимизнинг мустақил эркин давлатга муносиб таркибини, шаклини тузаямиз. Аҳолимизни, кўп болали ва кам даромадли оила-



ларни, ночор-ногиронларни, фахрийларимизни, фарзандларимизни янги тизим барпо этишда табиий ҳолда юзага чиқадиган қийинчиликлардан асраш чораларини кўряпмиз. Халқимиз таъминотини узлуксиз ташкил қилишни энг муҳим мақсадимиз, деб биламиз.

Биз янги жамият қураётган эканмиз, бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва ўз шароитимизда татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан фойдаланамиз. Бу ерда гап бирон-бир моделни — йўлни, ҳатто у ижобий натижа берган тақдирда ҳам, кўр-қўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ.

Сиёсатимиз мақсади — Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишидан иборат. У, авваламбор, юртимизнинг ўзига хос хусусиятларини, шарт-шароитини, аҳолининг миллий ва маданий анъаналарини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Биз мустақил, демократик, ҳуқуқий жамият қураётганмиз. Ниятимиз инсонпарварлик, виждон эркинлиги қоидаларига асосланган, миллати, дин-эътиқодидан қатъи назар, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган тизим қуришдир.

Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мазмуни шуки, юртимизда яшаётган барча миллат вакиллари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга, уларнинг давлат тузилмалари ишида ва жамоат турмушида фаол қатнашишига кафолат берилади.

Биз мафкурабозликдан, дунёқарашнинг яккаҳоқимлигидан қатъиян воз кечдик. Чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантиряпмиз.

Аммо, айни вақтда, ҳокимиятни ифвопўписа, зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, жумҳуриятимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоват уруғини сепадиган, конституциявий тузумга, халқнинг маънавий негизларига тажовуз қиладиган кучлар ва ҳаракатларни қонундан ташқари деб ҳисоблаймиз ва уларнинг фаолиятини қонун талабига мослаш зарур деб ўйлаймиз.

Иқтисодий соҳада эса буйруқбозликка, ўта марказлаштирилган ва тақсимотчиликка асосланган тизимдан ва умуман ўша эски мафкурадан бутунлай халос бўлиш йўлидаммиз.

Олий Кенгашда қабул қилинган қарорларга биноан, мулкчиликнинг барча кўринишлари — давлат мулки, ширкат мулки, хусусий мулк ва бошқа эгаллик шаклларига ҳуқуқий тенглик берилди, бу тенглик қадам-бақадам қарор топмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишга замин тайёрлаш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, тайёрга айёрлик кайфиятини батамом тугатиш, хорижий мамлакатлар, ишбилармонлар, банклар, иқтисодчилар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли алоқа боғлаш, уларнинг сармояларини халқ хўжалигимизга олиб келиш учун керакли шарт-шароит яратиш бериш — буларнинг барчаси республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Татбиқ қилинаётган сиёсий ва иқтисодий дастурлар ҳаётимизга осонлик билан кираётгани йўқ, албатта. Буни ҳаммамиз, биринчи навбатда, Президент сифатида мен ўзим ҳам тан оламан.







Халқимиз бошдан кечираётган ҳозирги қийинчиликлар: турмуш даражаси пасайиши, қимматчилик, етишмовчилик, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар, тартиб-интизомнинг бўшашиши, авваламбор, собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлиб кетгани асоратидир. Кўп йиллар давомида юртимизга беписандлик ва зўравонлик билан сиёсат ўтказиш натижасида иқтисодимизни, хўжалиқларимизни қарамлик ҳолига, нуқул хом ашё чиқарадиган ҳудуд ҳолига олиб келиб қўйилгани оқибатидир.

Кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган коммунистик ғоялар тазйиқидан халос бўлиш осонликча кўчмайди. Янги, адолатли жамият қуриш ҳам бир кунлик иш эмас, албатта. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Энг муҳими — биз юртимизда, диёримизда миллатлараро тотувлик ва фуқаролар бирлиги заминида барқарор сиёсий-ижтимоий вазиятни барпо этдик. Собиқ Иттифоқнинг бир қанча давлатларида бўлаётган фожиали воқеаларга қиёслайдиган бўлсак, жаҳон аҳли ўзбек халқининг нақадар бағри кенг, танти ва саховатли халқ эканини яна бир марта кўрди.

Юртимизда барқарор вазият, халқимизнинг баланд руҳи, Ўзбекистон танлаган йўл бутун Ўрта Осиё ҳудуди учун ибрат йўли бўлиб келаётгани ва бу ҳолнинг буюк масъулиятини тўла ҳис этамиз.

Ўрта Осиё халқлари — ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик — биз барчамиз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Ерсувимизгина эмас, дину имонимиз бир, қувончу ташвишимиз, тарихимиз ва тақдиримиз бир.

Биз барчамиз — улуғвор дарахтмиз. Бу дарахтнинг замон шамол-бўронларидан эсон-омон қолиши бизнинг ўзаро жипс, яқдил ва мустаҳкам бўлиб туришимизга боғлиқ. Биз рус, украин, беларус халқ-

лари билан, бир вақтлар собиқ Иттифоқ таркибига кирган бошқа барча халқлар билан ҳам ҳамкорлик тарафдоримиз. Биз бутун дунё халқлари оиласида тенг ва бахтиёр яшашни истаймиз.

Бугун Ўзбекистон Республикаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси, Республикамиз кўпгина обрўли халқаро, давлатлараро ташкилотлар ва кенгашларга таклиф қилинди ва уларнинг ишида фаол қатнашяпти. Республикамизни 120 дан ортиқ мамлакат тан олди. Элликка яқин давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатдик. Бугун жаҳон сармоядорлари ҳам Ўзбекистоннинг ишончли ва кучли шерик эканига амин бўлдилар. Энг муҳими — дунё аҳли меҳнаткаш, ҳалол, ўз тупроғининг жонкуяр эгаси бўлган ўзбек халқини тан олди ва таниди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигида, фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда.

Инсонпарварлик — ўзбек халқи миллий онгининг ўзак фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ёт. Халқимиз минг-минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ягона давлатчилик зафарлари нашъасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйинлари ҳам, табиий офатлар ҳам халқимизнинг инсоний табиатига доғ туширолмади.

Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва рўшнолик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, ўзгалар қайғусига ҳамдардлик мужассамлангандир.







Бизнинг муштарак бурчимиз — ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод этиб, бахтиёр яшаш учун муносиб қилиб қолдиришдир. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсидаги фожиа деб ташвиш билан эътироф этилмоқда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондош-қардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Бизнинг одамларимиз учун Ватандан жудо бўлишдан оғирроқ изтироб йўқ. Ҳеч ким бу тупроқни ўз ихтиёри билан ташлаб кетган эмас. Биз Ватанни барчамиз учун умумий маскан дебгина эмас, балки барчамиз учун ягона қалб дея идрок этамиз.

Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда олисда яшаётган, қатағон йилларида тазйиқ кўриб она юртдан жудо бўлган ватандошларимизнинг қисматини енгил қилиб: “Келинг, ота юртимизга, шу муқаддас тупроқни, унинг нурли келажакгини, қувончу ташвишларини сиз азизлар ҳам биз билан баҳам кўринг!” — деб мурожаат қилсак, жуда олижаноб, адолатли иш бўлур эди.

Оила шарафи ва насл-насаб билан фахрланиш ватанпаварлик туйғусига ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, отабоболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, меҳнат ва билим билан насл-насаб нуфузини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Азиз юртдошлар!

Мана шундай мўътабар байрам чоғида бир-биримизга кўнглимизни, бағримизни кенг очиб, қўлни-қўлга бериб, ғам-ғуссаларни, гина-кудуратларни унутиб, буюк аждодларимиз панд-насихатларини эслаб, келажак авлоднинг — фарзандларимизнинг тақдирини кўзлаб аҳд қилайлик:

— Жонажон диёримиз, Ватанимиз, заминимиз учун бутун борлигимизни бағишлаймиз!

— Танлаган йўлимиздан қайтмаймиз!

— Истиқлолимиз учун бутун ҳаёти-мизни, тангримиз ато қилган олижаноб фазилатларимизни, фидойи меҳнатимизни аямаймиз!

Азиз дўстлар!

Нутқимнинг якунида муқаддас одаларимизни эслаб, ҳаммамизнинг юрагимизда бўлган тилагимизни айтсам:

Илоҳим юртимизга тинчлик-хотиржамлик, осойишталик, файзу барака ато қилсин, балою қазодан асрасин.

Фарзандларимизни, барча аҳли мўминни, фуқароларимизни бахтли-саодатли қилсин, эзгу ниятларига етказсин. Мустақиллигимизга қувват берсин, ёмон кўздан асрасин.

Ҳаммамиз бирликда, аҳилликда ўзлигимизни намоён этиб, ота-боболаримиз руҳини шод айлайлик.

Улуғ ва мўътабар ишларимизда Аллоҳ таолонинг ўзи мададкор бўлғай!


Яшасин миллий мустақиллигимиз!

Яшасин Ўзбекистон истиқлоли!


*Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг бир йиллигига  
бағишланган тантаналарда  
сўзланган нутқ,  
1992 йил 31 август*

*Гури Амир мақбараси.*



















*Шоҳи Зинда мақбараси. Қусом ибн Аббоснинг даҳмаси.  
XIV—XV асрлар. Самарқанд.*
























بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ


اللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ


















































*Оллоқулихон мадрасаси. Хива.*

*Ислом Ҳожи минораси. Хива. 1908 йил.*
















Қарши шаҳридаги мадраса.  
Қаршидаги қадимий кўприк.  
XIV—XV асрлар.




Кўк Гумбаз масжиди. XIV—XV асрлар.  
Қарши.  
Кўк Гумбаз масжиди. XIV—XV асрлар.  
Шаҳрисабз.








*1380 йилда Амир Темура асос солган Оқсарой.  
Шаҳрисабз.*



*Дорут-тиловат мажмуи.  
XIV—XV асрлар. Шаҳрисабз.*





*Дорус-саодат мажмуи. XIV—XV асрлар.  
Шаҳрисабз.*







*Зангиота мажмуи. XVI аср. Тошкент.*

*Кўкалдош мадрасаси. XVI аср. Тошкент.*

*Шайх Хованди Тохур мақбараси. XV аср.  
Тошкент.*














*Жомеъ масжиди. Қўқон. 1815 йил.*

*Худоёрхон саройи. Қўқон. 1870 йил.*



*Хон мақбараси. Қўқон. XIX аср.*





*Мулла Қирғиз мадрасаси. Наманган.  
XIX аср.*






*Мулла Бозор Охун масжиди. Наманган. XIX аср.*









*Бу гўзал кошоналар авлоддан  
авлодга хизмат қилиб улар  
кўзини қувонтиради.*









# ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ





## ИШОНЧ ВА УМИД БИЛАН

Мана, 1992 йилга катта ишонч, умид билан қадам қўйдик. Ана шу умид ва ишончнинг замини нимада? Бу саволга жавоб бериш учун босиб ўтилган йўлга, кечаги кунимизга, айниқса, 1991 йилдаги силжишлар, унутилмас тарихий воқеалар, Олий Кенгаш билан биргаликда иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий соҳаларда қилган ишларимизга назар солиш керак.

Уларнинг айримларини эслатиб ўтмоқчиман:

Биринчидан, маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икромни, ҳурмати ўз жойига қўйилди.

Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.

Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик. Ошкоралик, демократия йўлида биринчи, лекин дадил қадамлар қўйдик.

Бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англадик. Аниқроқ қилиб айтсам, ўзлигимизга қайтдик. Халқимизда миллий гуруҳ учун белни боғлаб, дўппи кийиб юришга замин яратдик.<...>

Маънавий ҳаётимизда бошланган ишларни давом эттирамиз. Ошкоралик таъминланади. Матбуот, радио, телевидение воситасида одамлар маънавий эҳтиёжларини қондиришга эришиш тадбирларини кўрамиз. Бу йўлдаги ҳамма тўсиқлар, тазйиқлар олиб ташланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушди. Уларни иқтисодий зарбадан асраб қолишни Президент ўз бўйнига олиши керак деб ҳисоблайман.

Тарихга, меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, яъни дарсликлардан тортиб оддий китобларгача — ҳаммасида ҳақиқат ёзилиши шарт. Бу бизнинг ота-боболаримиз руҳи олдидаги қарзимиздир!<...>

Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз.

Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳроқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади. Шу боисдан тарбиячиларга, ўқитувчиларимизга, ўқув юртлари домлалари, профессорларига моддий ва маънавий ёрдамимизни ҳеч қачон аямаслигимиз керак.

Биз тарбия ҳақида ўйлар эканмиз, ёшларнинг кексаларга ҳурмати юқори бўлиши лозимлигини унутмайлик. Шу



нуқтаи назардан ҳукумат Ватан уруши қатнашчиларини тўла қарамоғига олиши, ҳимоя қилиши, қадрлаши шарт деб ҳисоблайман.

Шу ўринда соғлиқни сақлаш масаласини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Давлат бу

соҳани ўз қарамоғида сақлайди, моддий таъминот базасини мустаҳкамлайди. Биз бу соҳада боболаримиз, ота-оналаримиз тақдири учун қайғураётган фидойи кишиларни ҳурмат қилишимиз, уларга кўмак беришимиз зарур.

*Ун иккинчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг навбатдан  
ташқари тўққизинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан,  
1992 йил 4 январь*









*Наврӯз — баҳор ва шодлик байрами.*



## ТУРКИСТОН — АЖДОДЛАРНИНГ МУҚАДДАС ЗАМИНИ

Ассалому алайкум, азиз биродарлар!  
Озод, мустақил она диёримиз — Ўзбекистонга, ота-боболаримиз азиз хоки ётган она тупроққа, бобо-замин Туркистонга хуш келибсиз, азиз ватандошлар, юртдошлар, жигарбандлар!

Қадамларингиз қутлуғ бўлсин, ҳурматли дўстлар!

Бугунги учрашув фақат ўзбеклар билангина эмас, балки тожик, қозоқ, қирғиз, туркман қардошларимиз билан ҳам учрашувдир.

Шу қутлуғ айёмларда дийдор кўришиб, юзма-юз бўлиб халқимиз, Ватанимиз истиқболи тўғрисида мулоқот олиб бораётганимиз учун ҳаммамиз шукроналар айтмоғимиз керак.

Чунки бу улуғ, тарихий кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Мен бу онларни улуғ ва тарихий деганим бежиз эмас.

Бунинг боиси бу учрашувимиз Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинган дастлабки кунларда ўтмоқда.

Бунинг сабаби бу учрашувимиз улуғ бобомиз, бизнинг фахримиз, буюк мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий айёмини нишонлаш олдидан ўтаётганидир.

Мана шу Ватанимиз, миллатимиз, халқимиз учун қўшалоқ байрам билан сиз азизларни, сиз орқали барча ватандошларимизни, узоқ йиллар давомида она юртидан, элидан, қариндошларидан айрилиб, мусофирлик ҳижронларини тортган қондошларимизни чин қалбимиздан табриклашга, қутлашга рухсат бергайсизлар.

Имоним комилки, бу воқеалар ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди, ватанпарварлар, юртпарварлар юрагида мангу сақланади.

Азиз дўстлар!

Ҳаммангизга маълумки, мустақилликка эришиш, эркинлик ва озодлик йўли ҳеч қачон енгил бўлган эмас. Биз халқимизнинг, бутун ватанпарвар элимизнинг юз йиллар давомида қилган орзумидини рўёбга чиқариш — Ўзбекистонимиз, она юртимиз фаровон яшаши учун, етук мамлакатлар сафидан ўрин олиши, умуминсоний тараққиёт йўлига тушиши учун дастлабки қадам қўйдик.

Халқимизни маънавий ва руҳий жиҳатдан эркинликка чиқариш, фуқароларимизнинг анъаналари ва урф-одатларини, ноҳақ унутиб юборилган ва ўз юртининг мустақиллиги ва озодлиги учун жон фидо қилган аждодларимиз пок номларини қайта тиклаш йўлида қатъий қадамлар қўйдик.

Жумҳуриятимиз, эл-юртимиз бой, жуда катта имкониятга эгадир. Ер ости ва ер устидаги бойликларимизни меҳнатсевар, заҳматкаш халқимиз энди бутунлай ўз манфаати учун, оғир қисматини енгиллаштириш учун ўзига, келажак авлодларимизга эркин ва барқарор ҳаёт қуриш учун ишлатади.

Лекин бу ниятлар, бу режалар ва мақсадларга эришиш учун қанчадан-қанча машаққатли ва хавфли йўлларни босиб ўтишимиз, кўпдан-кўп оғир синовларни енгишимиз талаб этилади.



Биз яхши тушунамизки, ҳеч қайси тузум, ҳеч қандай ҳокимият шундай улкан, қимматбаҳо хом ашёни арзонгина етказиб берадиган, аслида мустамлака ҳолига тушиб қолган юртни ўз хоҳиши билан осонликча қўлдан чиқармайди. Буни биз ҳаммамиз жуда яхши англашимиз зарур.

Биз ўз кучимизни яхши биламиз, ўз халқимизга ишонамиз. Биз тинчлик ва осойишталик тарафдоримиз ва фақатгина тинчлик йўли билан, бирорта инсоннинг бурнини қонатмасдан ўз мақсадларимизга эришишга ҳаракат қиламиз ва ўз ниятимизга етамиз, иншоолло!

Бундай олий мақсадларга эришишнинг, халқимизга фаровон ва тинч-тотув турмушни таъминлашнинг, менинг фикримча, битта шарти бор, у ҳам бўлса — биз ҳаммамиз, авваламбор ўз халқимиз, ўз миллатимиз бир тан, бир жон бўлиб ҳамжиҳатликда курашишимиз, меҳнат қилишимиз зарур.

Шу эзгу орзуларни амалга ошириш учун ўлкамиздаги барча соғлом ватанпарвар кучларни, сиз азиз ватандошларимизни, юртдошларимизни она тупроғимиз ҳақи бирлашишга даъват этаман!

Энг аввало, ҳар қандай мафкуравий келишмовчиликлардан йироқ бўлишимиз зарур. Ҳар хил гина-аламларни четга суришимиз керак, улуғ ўзбек халқи, бу-

тун туркистонликларга хос олижаноб фазилатлар ва ватанпарварлик анъаналарига муносиб бўлайлик.

Мен, Ўзбекистон Президенти сифатида, менга халқимиз юклаган бутун масъулиятни зиммамга олиб, сиз азиз дўстларимни ишонтириб айтаманки:

— Ўзбекистонимиз чинакам эркин ва озод жумҳурият бўлади;

— Унда барча инсонларнинг ҳуқуқлари тенг ҳимоя қилинади;

— Юртимиз жаҳон тараққиётига бағрини очиб, маърифат ва имонни ардоқловчи, одам қадр қимматини эъзозлайдиган юрт бўлади. Мен шунга ишонаман ва сизни ҳам ишонишга чақираман.

Қадрли ватандошлар!

Дунёда ўзбекман деган, туркистонликман деган ҳар бир инсоннинг асл Ватани шу тупроқдир.

Бу тупроқда улуғ бобокалонларимиз хоки ётибди. Шу заминда ўтганлар ва шу заминни қўмсаб, унга етолмаганлар руҳи покларига бош эгамиз. Ота-боболаримизнинг арвоҳлари бизнинг Ватанимиз учун қилаётган хизматларимиздан доим шод бўлсин.

Азизлар!

Сизларга, оилаларингизга соғлиқ, омонлик, бахт-саодат тилайман!

Халқ учун, Ватан учун, она диёр равнақи йўлида қилинаётган барча хайрли ишларингизда толе ёр бўлсин!

*Тошкентда бўлиб ўтган ўзбеклар-туркистонликларнинг биринчи халқаро учрашувида сўзланган нутқ,  
1991 йил 24 сентябрь*



## БАРЧА МУСУЛМОНЛАР — БИРОДАРЛАРДИР

Муҳтарам уламолар!

Азиз меҳмонлар!

Қадрдон ватандошлар!

Маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўладиган курултойингиз билан сизларни чин дилдан табриклайман.

Ўйлайманки, сизнинг бу анжуманингиз нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг диққат марказида турибди. Чунки бу курултойда эл-юртнинг маънавий камолоти, миллатнинг бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган, қалблари илоҳий туйғулар нури билан мунаввар бўлган, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам фозилу фузалолар иштирок этмоқдалар.

Сизлар барча мусулмонларни, биродарларни ҳалол, пок яшашга, беғараз, инсофли, кечиримли, ҳамжиҳат, аҳил бўлишга, мансабу бойлик кетидан қувмасликка, ватан, халқ, дин манфаатларини ҳар қандай шахсий таъмадан, иззат-нафслардан баланд қўйишга даъват этасизлар. Эл-юрт бу даъватларга жону дил билан қулоқ солишига ишонаман.

Ҳеч кимга сир эмас, биз ҳозир тарихий тақдиримизнинг ниҳоятда муҳим ва мураккаб даврини бошдан кечирмоқдамиз. Бутун дунё тан олган мустақиллигимиз туфайли асрлар оша давом этган даҳшатли таназзул ва мустамлака балоларидан халос бўлмоқдамиз. Қуръони каримда ўзининг чуқур ифодасини топган инсонни иймонли, эътиқодли, виждонли, ҳалол, пок, меҳр-оқибатли қи-

лиш биз олиб бораётган сиёсатнинг асоси бўлиб туради.

Лекин бизнинг яна кимларгадир қарам бўлишимизни истайдиган маккор ва қўпоровчи кучлар, кимсалар тарих саҳнасидан кетган эмас. Улар ёшларимизни ўз ифволари домига тортиш йўли билан ўз қора ниятларини амалга оширишга интилмоқдалар. Бизнинг эркинлигимиз ва мустақиллигимизни кўролмайдиган бахил кишилар ҳатто баъзан дин аҳлини низо гирдобига тортишга, мазҳаблар орасида жанжал кўтариб, фожиа чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун барча ҳушёр бўлиши зарур. Мўътабар ота-оналаримиз, улуғларимиз, маҳалла оқсоқолларимизнинг бу ишдаги кўмаги беқиёс бўлади.

Виждон олий ҳакамдир. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Бизда барчага қонун йўли билан виждон эркинлиги берилган. Иймон-эътиқод дахлсизлиги учун тегишли имкониятлар яратилган.

Қуръони каримда жами мусулмонлар биродардирлар, дейилгани сизларга яхши маълумдир. Шундай экан, иймон-эътиқоддаги жузъий фарқларни низога айлантирмай, бағри кенг ва кечиримли бўлайлик. Барча билан оға-инидек иноқ яшаш, ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш доимо, айниқса, ҳозир халқимизга сув билан ҳаводек зарурдир.

Узоқ-яқиндаги азиз ватандошлар ҳам бизнинг меҳримизда, қалбимиздадир.







## БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Шарафли сана — Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125-йиллиги муносабати билан сизларни самимий қутлайман ва табриклайман.

Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон замида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши — диний-маънавий тоғувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишга арзигуликдир. Бу жараёнда Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг ҳам ҳиссаси борлиги қувончликдир. Епархия юбилейига бағишланган байрамда мен шахсан чуқур ҳурмат қилувчи Москва ва Бутун Россия Патриархи Алексей II иштирок

этиши уларга алоҳида тантанаворлик бағишлайди.

Инсон имонсиз яшай олмайди. Бугун, биз турли дин вакиллари ўртасида тенг ҳуқуқли ва маданий муносабатлар ҳукмрон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида собитқадам бўлиб турган бир паллада бу алоҳида аҳамият касб этади.

Барчага илоҳий муҳаббатнинг чексизлигини идрок этиш, инсоният тақдири учун масъулиятни тўлалигича ҳис қилиш ва жамиятнинг ахлоқий камолоти йўлида тинмай қайғуриш — буларнинг ҳаммаси тараққиётнинг муҳим омилларидир.

Ушбу унутилмас кунда барчага сиҳат-саломатлик, тинчлик ва осойишталик тилайман.

*Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигига бағишланган тантанали мажлис иштирокчиларига табрикнома, 1996 йил 13 ноябрь*



*Тошкент шаҳридаги Авлиё Успенский ибодатхонасида.*




*Тошкент шаҳридаги Рим-католик ибодатхонасини таъмирлаш.*





*Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигига бағишланган тантаналарда Москва ва Бутун Россия Патриархи Алексий II ҳамда Тошкент ва Ўрта Осиё Архиепископи Владимир билан учрашув.*





## БУЮК БОБОЛАРНИНГ РУҲИ ПОКЛАРИГА ТАЯНИБ

Ўтганларни эслаш — халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга — ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид.

Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, куч-қувват ато этиши, дунё ҳам-жамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, ғурури ва фахри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир. Ана шуни инобатга олган ҳолда янги жамият барпо этмоқчи бўлиб, энг асосий йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни тиклаш вазифасини қўйдик. <...>

Тарихимизнинг оғир ва машаққатли саҳифалари, синовларини эслайлик. Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади! Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг даҳосидир.

**Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.**

Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва

Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар.

Бобокалонларимиз — имом Ал-Бухорий ва имом Ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади. <...>

Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотиغا қайтмоқда. <...>

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олим-музиқчилари, барча фарзандлари масъулдир.

Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди.

Халқимиз руҳиятининг сарчашмаларидан бўлмиш қадимий ва навқирон Наврўз айёми, диний қадриятларимиздан бўлмиш Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити қайтадан ҳаётимизга кириб келди. <...>

Сўнгги йиллар мобайнида биз тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни ўрганишда му-



айян ишлар қилдик. Тарихий, диний рисо-  
солаларни нашрдан чиқардик. Урф-  
одатларимизни, миллий маросимлари-  
мизни кенг тарғиб этдик. Борлиғимиз-  
ни, бойлиғимизни, қадриятларимизни  
дунёга аён қилмоқдамиз. Лекин бир  
нарсани ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги

керак: бу дунёда ҳақиқат ва адолат ал-  
батта қарор топади.<...>

Бизнинг йўлимиз — холисона йўл. Ўз  
кучимизга ишониб, ўз бойлиғимиз ва им-  
кониятларимиз билан, минг йиллик  
маданиятимиз ва тарихимизга, ўтган  
буюк алломаларимизнинг руҳи покла-  
рига таяниб иш юритмоқдамиз.

*Шароф Рашидов таваллудининг  
75 йиллигига бағишланган  
тантанада сўзланган нутқдан,  
1992 йил ноябрь*





*Европа Иттифоқи  
Комиссиясининг  
комиссари  
Ван Ден Брукнинг  
Ўзбекистонга  
таширифи. Бухоро.*







## ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Асосий мавзуга ўтишдан олдин, ҳаётимиздаги ҳозирги даврга хос баъзи бир хусусиятлар, қадриятлар ҳақида алоҳида гапирмоқчиман.

Авваламбор, шуни таъкидламоғимиз керакки, қисқа муддат мобайнида юртошларимизнинг, халқимизнинг савиясида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу, энг аввало, сиёсий савияга тегишли гап. Истиқлол туфайли кишиларимизнинг Ватанга, она заминга меҳрли муносабати шаклланиб борапти. Шуни очиқ айтишимиз зарур: илгари бутун собиқ СССР харитасини қамраб олган Ватан туйғусини онгимизга синдириш тамойили кучли эди.

Бугун эса Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлагига деб ҳис этипти ва бундан фахрланипти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз.

Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобиклардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топди.

Бугун диққат қилсак, истиқлол қўлга киритилганидан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ ишона бошладик. Шу туфайли барчамиз вазминлашиб, ўз кадр-қимматимизни теранроқ англай бошладик.

Бугун биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, майда-чуйда иғволарга мутлақо эътибор бермайдиган кучга айландик. Бугун биз бир нарсани аниқ биламиз: вақти-соати келиб, Ўзбекистон давлати росмана куч-қудрат касб этади. Ўз бойлигига, ўзига хос ва ғоят мукамал ҳамда буюк давлат тизимига эга бўлади.<...>

Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади. Такрор бўлсада, айтиш керак: Наврўз тиклангани, ҳайитлар тиклангани жуда савобли ишлар бўлди.

Миллий, маънавий қадриятларни юксалтириш борасида биз барча билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ҳеч қайси ижтимоий тоифа бу ишдан четга суриб қўйилгани йўқ.

Мен бугун мамнуният билан таъкидламоқчиманки, халқимизнинг кўнглини кўтаришда, унинг қаддини ростлашда кўпчилик дин вакиллари, юзлаб имоҳатибларимиз бизга яқиндан ёрдам беряптилар. Бошқа айрим мусулмон республикаларидаги диндошларидан фарқли ўлароқ улар халқни бирлаштиришни, ўзаро низо ва нифоқлардан йироқ туришни тарғиб этмоқдалар. Бунинг натижа-



сида бошқа ижтимоий-сиёсий тадбирларни ҳам уйғун этган ҳолда, биз жумхуриятимизда бугунги энг катта бойликни — тинчликни барқарор этишга эришдик.

“Ўзбекчилик” деган олижаноб тushунча борки, буни айрим оғзига кучи етмаганлар нотўғри талқин этадилар. Ўзбекчилик — миллатчилик дегани эмас. Баъзи ифвогарлар “Каримов халқни миллатчилик йўлига бошламоқда” деган фисқ-фужурларни тарқатиб юрганидан хабарим бор. Йўқ, Каримов ҳам, у суйанган халқ ҳам миллатчилик кўчасидан ўтмаган ва ўтмайди ҳам. Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.

Биз яхши англаймизки, ўз иззати ва қадрини билган инсон миллат ажратмайди. Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади.

Худога минг қатла шукрки, ўзбекларимизнинг бошқа халқларга муносаба-

ти ижобийдир. Юртимизда яшаётган бошқа халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган.

Истиқлолга эришган халқ ўзгаларга зуғум қилмайди. Маълумки, тазйиқ ва таҳқир туйғуси аламзадалик уйғотади. Биз эса тазйиқ ва таҳқирдан қутулган, ўз қадрини билган халқмиз. Ўз кучига ишонган ва ўзгаларга ҳамдард бўла олишга қодир эркин халқмиз.

Бизнинг кўнглимиз кўтарилганининг боиси шуки, халқимиз жипслашиб, бир-биримизга меҳри, оқибатли бўла бошладик. Шу нарса бизга умид, ишонч ва куч бағишламоқда, тинч-тотув ҳаётга асос бўлмоқда.

Бу жипслик сабаблари ҳаммамизга маълум. Аммо яна бир жиҳат борки, уни алоҳида айтиб ўтиш лозим. Биз янги ҳаёт қуриш учун бел боғладик, бироқ ўтмишга маломат тошларини отмадик. Халқимизнинг ўтмишга тош отиш — гуноҳи азим, деган асл ақидасини ёдда тутдик.

*Ўн иккинчи чақриқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида  
сўзланган нутқдан,  
1992 йил 8 декабрь*



## БИЗ ФИДОЙИ ВАТАНПАРВАРЛАРГА ТАЯНАМИЗ

Бизнинг сиёсатимиз ўзгармасдир, чунки ҳаётимизнинг ўзи бу сиёсатнинг тўғрилигини, халқчил сиёсат эканини тасдиқламоқда. Мен яқинда “Комсомольская правда” газетасининг бош муҳаррири билан суҳбат чоғида ижобий кўрсаткичлар жумҳуриятимизда сўнги йилларда қатъият билан ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг, аҳоли эҳтиёжманд табақалари ижтимоий жиҳатдан яхши муҳофаза қилинаётганининг самараси эканини таъкидлаб ўтдим. Мен муҳбирга баъзан Москва газеталарида республикамиз шаънига қилинаётган хуржларга қарамай, ўз сиёсатимизда собит турамыз, деб таъкидладим. Биз ички ва ташқи сиёсатимизда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини, анъаналарини, халқимизнинг урф-одатларини ҳисобга оляпмиз. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ишимизда икки йўналиш баб-баравар — бақамти бориши керак. Биринчиси, янги давлат, янги тузумнинг шакли, андозасини яратиш бўлса, иккинчиси, ана шунга муносиб, мақсадни тўғри англайдиган, ишни удалайдиган одамларни танлаш, жой-жойига қўйишдан иборатдир. Ислоҳот қачон татбиқ бўлади! Агар масъул кадрлар бу ислоҳотни тегаран англайдиган, жонкуяр, ватанпарвар бўлсалар, юртни, халқни ўйласалар, ислоҳотлар ким учун, нима учун қилинаётганини тушунсаккина ниятларимиз амалга ошади. Энг муҳими — авваламбор, эл-юрт манфаатини кўзлаб, юраги-

дан ўтказиб, фидойичасига ишлашга тайёр бўлганлар сувдай, ҳаводай керак. Биз янги тузум, янги давлат шаклини тузаяпмиз, аммо унга жон киргизадиган одамлар — кадрлар керак. Қачон услубимизни ўзгартирамыз, янгича ишлаш ҳиссини қонимизга сингдирамыз? Оддий одамлар ҳамма нарсани кўриб-билиб турибди. Нопок, нафси ҳаром, ўзининг манфаатини устун қўяётган баъзи бир раҳбарларни ҳам кўряпти.

Масалан, яқинда Андижонга бориб, анча раҳбарларни ишдан олдик, унга сабаб, улар ўз бурчини унутиб қўйган, ўз мавқеини ўзгаларга берган, жиловни мафия қўлига олган. У ерда қачон қарангиз оқмой, шакар, ун етишмайди, деган гапларни эшитардик. Энди билсак, мафия озиқ-овқат маҳсулотларини четга олиб бориб пуллаган. Буни кўрган бечора деҳқон қаерга борсин? Прокурорга борса, бошини ҳар хил ваҳимали қонунлар билан қотириб қўяди, милиция қулоқ солмайди, ҳокимнинг эса вақти йўқ. Бу кўпчиликка сабоқ бўлиши керак. Бундай вазият эртага одамларнинг ҳокимиятга, тузумга ишончини йўқотишга олиб келади. Адолат бўлмаган жойда норозилик, адоват, зиддият, қарама-қаршилиқ пайдо бўлиши муқаррар.

Ҳозир жамиятимиздаги кадрларни уч тоифага бўлиш мумкин:

Биринчи тоифа — иймонсиз, виждонсиз шахслар, фурсатдан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлайдиган кимсалар.



Уларга Ватан, Мустақиллик туйғуси, эл-юртнинг ғами бегона. Улар фақат ўз чўнтагини ўйлайди.

Иккинчи тоифага иродасиз, мўрт, бўшанг одамлар киради. Бундайлар шамол қаёқдан эсишини пойлаб туради. Ўз фикрига эга эмас. Бирон бир оғир юмушни зиммасига олмай, масъулиятдан қочади. Булар ҳар қандай одам билан, ҳар қандай тузумда ишлайверади.

Учинчи тоифадагилар — юрагида ўти бор, серғайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватанпарварлар. Лекин улар ҳали ғўрроқ, тажрибаси камроқ. Биз ишимизда мана шу кейинги тоифага таянмоқчимиз. Бизда кўкрагини қалқон қилиб, оғир пайтда халқи учун ишлайдиганлар кам. Кўпроқ ҳаракатчан, ватанпарвар, юртпарвар, интилиши зўр, куюниб гапириб, ҳаётда ёниб яшайдиган, безовта, жонқуяр одамлар билан ишлашга мен тайёрман. Бугунги қийинчиликларни енгишга жонини тиккан, иродаси мустаҳ-

кам ёш авлодга таянамиз, уларга ҳаётда ҳар томонлама йўл очиб беришга тайёремиз. Шундай одамлар билангина мақсадимизга етамиз. Бу ўринда ҳокимият фуқароларнинг ишончи билан қудратли бўлишини айтиб қўйишим керак. Агар шу ишонч заифлашса, сусайса, аҳволни ўнглаб олиш осон бўлмайди, чунки одамлар ҳамма нарсадан бохабар, кўриб-билиб турибди. Афсуски, жиғилдонини ўйлаб, давлат ва халқ мулкига кўз олайтираётганлар ҳам йўқ эмас.

Биз “у партия аппарати ходими”, “бу эса демократ” деб одамларни бўлиб ташлаганимиз йўқ. Биз ҳаммамиз кечаги куннинг тарбиясини олганмиз. Биронтамиз ҳам осмондан тушганимиз йўқ. Ўша турғунлик даврларида яшадик. Энди эса жамият ўзгаряпти, тузум ўзгаряпти. Биз янги замонда ҳамнафас, ҳамқадам бўлмоғимиз, келажагимизни кўзлаб сиёсат юритмоғимиз лозим...

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасида вилоят ва шаҳар  
ҳоқимлари, вазирликлар ва идоралар,  
концернлар ва уюшмалар, банклар,  
корхоналар ва ташкилотлар, ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш органлари  
раҳбарларининг йиғилишида  
сўзланган нутқдан,  
1993 йил 18 февраль*



## ВАТАН — ҚАЛБИМИЗДА

Аввал айтиб ўтганимдек, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтаролмайди. Зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майдачуйда ташвишларига ўралашмоқ — Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади!

Ўзбекистон манфаати ҳар қандай шахсий манфаатдан баланддир. Ватанга хизматкор бўлайлик! Нақадар буюк замонда яшаётганимизни унутмайлик.

Бугун биз истиқболдаги буюк мамлакат — Ўзбекистоннинг бўй-бастини режалаб турибмиз. Унинг эртага қандай бўлиши сизу бизнинг бугунги ҳаракатимизга, тadbиркорлигимизга, иймону виждонимизнинг поклигига ва Ватан манфаатини шахс манфаатларидан қай даражада устун қўя олишимизга боғлиқдир. <...>

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улғувор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак.

Ватан кўнглимизда бўлса, Аллоҳ ишимизга ҳамиша мададкор бўлғай!

*Ўн иккинчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг  
ўн иккинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан,  
1993 йил 6 май*



## УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Авваламбор, мана шу чиройли кошонада, мана шу театримизда тўпланиб, улуғ ўзбек фарзанди Фафур Фуломни эслаб, унинг руҳини шод қилиб, мана шундай чиройли гапларни эшитгани келганингиз учун ҳаммангизга катта раҳмат айтмоқчиман.

Президентлар келади-ю кетади, лекин Фафур Фуломдек улуғ ижодкорлар, шоирлар, адиблар, уларнинг ижоди боқий қолади. Шу нуқтаи назардан айтмоқчиманки, Президентлар ёки раҳбарлар қаерда бўлмасин, қайси даврда бўлмасин, агарки узоқни ўйлайдиган





бўлса, чуқур фикр юритадиган бўлса, авваламбор шу ижодкорларга шароит туғдириб бериши керак.

Минг афсуски, бугунги чиройли гапларни, Фафур Фулом шаънига, унинг оиласи, ижоди шаънига айтадиган гапларни у кишининг ўзлари эшитмаяпти... Мен шуни таъкидламоқчиманки, ижодкорларнинг руҳини кўтарадиган мана шундай гапларни авваламбор улар ҳаёт пайтида кўпроқ гапириш керак ва уларни тириклигида улуғлашимиз керак, уларнинг кайфиятини кўтаришимиз керак.

Шу залга қарата айтмоқчиманки, Фафур Фулом асарларининг кўпини ўқиганман, у кишини, аввало, ҳаётни яхши кўрган ва ҳаётга кўп таъсир ўтказган, кўп шогирдларни қолдирган ижодкор сифатида биламан. Мен залга қараб, у киши билан бирга ижод қилган ва ҳозир ҳам Ўзбекистон заминига, Ўзбекистон келажигига хизмат қилаётган шоирлар, адиблар, ёзувчиларни кўраяпман. Менинг шахсий фикрим — Ўзбекистонни агар улуғламоқчи бўлсак, Ўзбекистоннинг буюк келажиги бор демоқчи бўлсак, мана шу залга қаратиб, бутун халқимизга қаратиб айтмоқчиманки, бизлар авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Мана шу залда ўтирганларга айтмоқчиманки, билиб қўйинглар, сизларнинг ижодингизнинг вақти келди, Фафур Фуломлар кўпайсин, Фафур Фуломнинг шогирдлари ҳам қаддини ростлаб, ижод қилишга тайёр бўлсин ва бизлар, шахсан мен Президент сифатида, раҳбар сифатида сизларга қанча хизмат қилсам шунча кам.

Фафур Фуломни эъзозлаб, улуғлаб, унинг руҳини шод қилиб юрган одам-

ларга яна бир бор минг раҳмат айтишимиз керак, мана шу бугунги ҳаётимизда ва келажак авлодни ўстиришда Фафур Фуломнинг ижоди албатта беқиёс аҳамиятга эга, унинг ҳиссаси ҳам жуда катта. Шунинг учун менинг тилагим шундайки, Фафур Фуломнинг ижодини фақатгина Ўзбекистонда эмас, авваламбор ҳар томонлама, бутун дунёга машҳур қилишимиз керак. Менимча, Фафур Фулом давридан ва ундан кейин қандай қарзлар қолдирган бўлсак, у кишининг ижодини улуғлаш учун, ижодини бутун дунёга машҳур қилиш учун қандай ишларни қилмаган бўлсак, шу ишларни қилишимиз зарур ва бу бизлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шунинг учун менинг талабим, менинг сизларга қаратилган илтимосим шуки, айни замонда, ҳозир кун кечираётган давримизда барчамиз Фафур Фуломнинг насиҳатларини, ҳаётни яхши кўрган, Ўзбекистон келажигига ишонган шу улуғ ёзувчининг ижодини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб қилишда ҳамжиҳат бўлиб, бир-биримизга қўл бериб, биргалашиб ишлашимиз керак.

Мана шу минбардан туриб айтмоқчиманки, Ўзбекистонимизда, маънавий ҳаётимизда ўзимизнинг ижодкорларимизга қўл бериб, яхшироқ шароит туғдириб бериш, билиб қўйинглар, бу буюк давлатнинг асосий талабларидандир ва буюк давлатнинг ўзини бутун дунёга машҳур қилишининг асосий шартидир.

Фафур Фуломнинг ижоди бизлар учун, албатта, табаррукдир. Сўзим ниҳоясида яна бир бор айтадиган гапим шуки, Фафур Фуломнинг умри, асарлари боқий бўлсин, руҳи ҳар доим шод бўлсин.

*Фафур Фулом таваллудининг  
90 йиллигига бағишланган  
тантананада сўзланган нутқ,  
1993 йил 10 май*



## ҚАДИМИЙ ТОШКЕНТ ЗАМИНИДАГИ ЯНГИ КОШОНА

Асрлар давомида кўҳна Тошкент қанчадан-қанча обидаларни: саройлару қасрларни, масжиду мадрасаларни кўрди. Бугун эса, азизлар, шулар қаторига яна бир маданий кошона қўшилди: қадимий Тошкент бағрида, файзли анҳор ёқасида “Туркистон” Саройи барпо бўлди.<...>

Мамлакатимиз улуғ Мустақиллик байрамини ўтказаетган кунларда “Туркистон” маданият Саройининг очилиши том маънода ўзига хос рамзийлик касб этмоқда.<...>

Улкан маданий меросга эга бўлган Туркистон не-не жафоларни кўрмади, не-не тарихларни бошдан кечирмади. Ўтган етмиш йил мобайнида маънавий қадриятларимиз анча топталди, унутилди.

Бугун янги ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аждодлар меро-

сидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир.

Ушбу Саройда халқимизнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг, айниқса, Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Бу кошона, иншоолло, миллатлар, эл-элатларнинг дўстлик, бирдамлик қалъасига айланади.

Бундай обидалар каттаю кичикда Ватандан фахрланиш туйғусини шакллантиради, бундай саройлар Ватан шаъни ва шуҳрати учун курашувчи, истиқлолни ҳамма нарсадан муқаддас биладиган соғлом авлодни тарбия этувчи масканга айланади.<...>

Янги маънавий маскани барчамизга муборак бўлсин!

*“Туркистон” саройи очилиши  
маросимида сўзланган нутқдан,  
1993 йил 4 сентябрь*



## САНЪАТ МИНТАҚАСИ ЧЕГАРАСИЗДИР

Мустақил Ўзбекистон тупроғида биринчи марта ўтказилаётган “Театр: Шарқ — Ғарб” халқаро фестивали жаҳон минтақаларининг янги мулоқоти, маънавият намойиши, руҳият байрамидир!

Қадимдан халқ томошалари кўринишида бўлиб, театр сифатида шаклланган бу санъат доим ижтимоий ҳаётга муносабат тусини олган. Инсон турли чегараларни тузади, аммо санъат чегарани билмайди: Ғарбу Шарқда ҳам, Шимолу Жанубда ҳам у инсон манзара-

ларини намойиш этаверади. Санъатнинг минтақаси ҳам чегарасиздир.

Ушбу анжуман турли минтақалар маданиятининг кўрки бўлиб, инсонларни покланишга чақиради, эзгуликка руҳлантиради, баракали фаолиятга чорлайди деб умид қиламан.<...>


Сиз театр саҳнаси санъаткорларини жаҳон саҳнасида қадимдан ўз мавқеига эга бўлган софдил, санъатсевар халқимиз номидан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

*“Театр: Шарқ — Ғарб” халқаро фестивали қатнашчиларига табрикномадан,  
1993 йил 23 октябрь*













*Амалий санъат музейи. Тошкент.*






*Халқ амалий санъати усталарининг ишлари.*











*Темурийлар тарихи давлат музейининг ички кўриниши.*





Ў. Тансиқбоев. “Жонажон ўлка”.  
М. Набиев ёш мусаввир О. Қозоқов билан.

Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов.





*О. Козлов. "Келичак".*





*Ж. Умарбеков. "Ой натюрморти".  
М. Набиев. Бобур портрети.*

*Т. Болтабоев. Сайқалланган  
миниатюралар.*





## “МУШТУМ” ҲАМИША НАВҚИРОН

Азиз дўстлар!

Сизни, журнал фаоллари ва фахрийларини, барча муаллифлари ҳамда ўқувчиларини республикамизнинг сеvimли нашрларидан бири — “Муштум” журнали ташкил этилганига 70 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклайман.

“Муштум” журналининг ўзига хос хайрли, ибратли анъаналари бор. Унинг қошида адабиётимизнинг кўплаб етук намояндалари ўз қаламларини чархлаб, катта ижод майдонига кирганлар. Халқимизнинг тўкис турмуши, ҳалол дастурхонига соя солувчи, кўз олайтирувчи иллат ва унсурларга қарши муштумчилар ҳар доим мурасасиз курашиб келди. Айни вақтда қатағон йиллари мафкура-си муштумчилар бошига ҳам кўплаб синовлар, мушкулликларни ёғдиргандир.

Бугун Ўзбекистон ўзининг собит ва равшан йўлини белгилаб олди. Фидойи,

меҳнаткаш халқимиз, маънавий камолот сари юксалаётган жамиятимиз қийинчиликларни бирма-бир, сабот билан енгиб ўтмоқда, жаҳон кўз ўнгида ўзлигини намоён этмоқда. Аммо бизнинг тинч-тотув ҳаётимизни, ютуқларимизни кўра олмаётган, кишиларимизни чалғитишга уринаётган ғаразли, ҳасадгўй кимсалар ҳам оз эмас. Ушбу масъулиятли даврда “Муштум” ижодкорлари ҳақ таоло инъом этган истеъдод салоҳиятини, ўз билим ва тажрибаларини эл-юрт хизматига, иймон ва адолат ҳимоясига янада кучлироқ йўналтиришларига ишончим комил.

Азиз биродарларим! Сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга улкан бахт-саодат ва ижодий зафарлар тилайман.

*“Муштум” журнали жамоасига  
йўлланган табрикнома,  
1994 йил 30 март*





*Президент И.А.Каримов номидан халқаро конкурслар лауреати Даниил Холиқовга италиялик таниқли уста Пьер Лоренсо Вангелисти (1760 й.) ясаган нодир скрипканинг топширилиши.*

*Халқаро конкурслар лауреати пианиночи Улугбек Полвонов.*

*“Сўғдиёна” ўзбек халқ чолғу асбоблари камер оркестри — халқаро фестиваллар совриндори.*











*Алишер Навоий номли Давлат Академик опера ва балет катта театри сахнасида.*

*А. Абдуллаев. Аброр Ҳидоятлов Отелло ролида.*

*Тошкент вилоятининг  
“Гулёр” дастаси*







*Тошкент театрлари спектаклларида саҳналар.*







## БУЮКЛИК ТИМСОЛИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалини очиш маросимига йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.

Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Муҳаммад Тарағай Баҳодур ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, доверяк, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-покинсон бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Фарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илмуфан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳллариغا кўрсатган чексиз меҳр-мурувати айниқса ибратлидир.

Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда, “Куч — адолатдадир!” демоқда.

Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик











пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс-садо бериб туришини орзу қиламиз.

Азиз юртдошларим!

Бугун — ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ўзбекистон мустақиллигига, муборак истиқлолимизга икки йил тўлди.

Ҳаммангизни — кексаю ёшни, бутун Ўзбекистон аҳлини шу буюк сана билан чин қалбдан, ҳар бирингизни алоҳида бағримга босиб қутламоққа ижозат бергайсиз!

Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аجدодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аجدодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин!

Муҳтарам дўстлар!

Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.

Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-этиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аجدодларимиздан мерос қолган маънавий бисотта эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танги, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Барчамизга шу йўлда Аллоҳ мададкор бўлғай!

*Тошкент шаҳрида Соҳибқирон  
Амир Темур ҳайкалининг  
очилишига бағишланган  
тантанада сўзланган нутқ,  
1993 йил 31 август*









*Ўзбекистон бозорлари дунёга машхур.  
Уни таъмирлашга катта эътибор берилмоқда.*























ИЛМУ ФАН ТАРАҚҚИЁТГА  
ХИЗМАТ ҚИЛСИН





## ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сизлар билан, Ўзбекистон фани ва келажаги учун катта хизмат қилаётган, эл-юрт орасида таниқли ва ардоқли инсонлар билан учрашганимдан бениҳоя мамнун эканимни изҳор этишга, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз равнақи йўлида қилаётган меҳнатингизда омад ва янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Маърузани бошлашдан олдин, кейинги сайловда менинг камтарона хизматларимни юксак баҳолаб, Фанлар академияси каби улуғ ташкилот аъзолигига яқдиллик билан номзодимни тасдиқлаганингиз учун сизларга чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. **Бу мен учун катта ишонч ва буни мамлакатда ўтказилаётган сиёсатни илму фан аҳли қўллаб-қувватлаётгани белгиси деб билман.**

Одамзод ҳаётида шундай қувончли воқеалар бўладики, улар ҳеч қачон унутилмайди, умрбод ёдда сақланади, унинг авлодлари томонидан ҳам фахр билан тилга олинади. Ана шу маънода академиклик илмий унвонига сазовор бўлишимни — менга ишонч билдирган атоқли олимларимиз олдида узилмас қарз, деб тушунаман.

Сизлар — зукко илм аҳли билан учрашим, ҳаётимизда рўй бераётган тарихий воқеалар, бошимиздан ўтаётган катта-катта муаммолар, уларни ечишга қаратилган режалар, дастурлар ва ҳаракатлар ҳақида фикр алмашиб, сизлардан масла-

ҳат олиш, керак бўлса, мадад олиш ҳар қайси раҳбарнинг вазифаси деб ҳисоблайман. Негаки, бу маслаҳатлар инсонга куч-қувват бағишлайди, иродасини тоблайди.

Албатта, сизлар давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардорсиз. Бугунги ҳаётимизни ҳам яхши биласиз. Шу сабабли, мен энг муҳим масалалар билангина чекланмоқчиман.

Мустақил Ўзбекистон амалга ошираётган сиёсат хусусида гапирар эканмиз, мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ўзгариш — дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирганимиз бўлди. Ўзбекистон давлати ундан ўзининг муносиб жойини эгаллади. 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунёнинг энг йирик ва энг нуфузли давлатларининг элликдан ортиқ элчихонаси пойтахтимиз Тошкентда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг салоҳияти, унинг порлоқ келажаги ҳамма тарафидан тўлиқ эътироф қилинмоқда ва очиқ тан олинмоқда. Дунёда Ўзбекистонни билмаган давлат қолмади, деб айтсак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Қолаверса, Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасида нафақат жўғрофий, балки ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан марказий ўринни эгаллади. Бу ҳақиқатни фақатгина кўшиларимиз эмас, балки бизнинг бугунги сиёсатимизни кузатиб турган узоқдаги давлатлар ва уларнинг раҳбарлари ҳам тан оляпти.





*Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улугбек музейининг бош зали*



Мамлакатимизнинг ташқи дунё билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари кун сайин ривожланиб бормоқда. Мана, шу йилнинг олти ойини олиб қарайлик, шу вақт мобайнида Хитой Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн, Франция Президенти Франсуа Миттеран, Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноблари Ўзбекистон меҳмони бўлди. Ўзбекистон давлат делегациялари эса Ҳиндистонда, Японияда ва Туркияда бўлиб қайтди.

Расмий, норасмий музокара ва учрашувлар чоғида кўплаб халқаро масалалар, ўзаро сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Ўнлаб муҳим ҳужжатлар имзоланди. Чет эллик ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқий ва ўзаро фойдали йирик лойиҳалар тузилди ва амалга оширила бошланди.

Ўзбекистоннинг кейинги 2-3 йил мобайнидаги халқаро фаолияти, имзоланган муҳим халқаро ҳужжатлар, жаҳондаги энг йирик, нуфузли давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилиши, мамлакатимизга оқиб келаётган йирик сармоялар давлатимизнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюк, деб комил ишонч билан гапиришга асос бўла олади.

**Ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатимиз, ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — халқимиз манфаатларини ўйлайдиган, унга фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли демократик жамиятни барпо этишдир.**

Халқимиз, жамиятимиз қўллаб-қувватлаган мана шу кейинги икки-уч йил давомида қандай ишлар амалга оширилди?

Энг аввало, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, ўзимизнинг мустақил давлатчилигимизни шакллантирдик. Мустақил, озод суверен давлатнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Мамла-

кат Конституцияси, давлат ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи ва йўлга солиб турувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий муносабатларнинг жамиятимиз учун мутлақо янги асослари, хусусий мулк ва кўп укладли, дунё сари юз тутган очиқ иқтисодиёт пайдо бўлмоқда ва ривожланмоқда.

Жаҳондаги энг илғор тажрибани инobatта олган ҳолда, бозор муносабатларига хос янги иқтисод, молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этилаёпти. Биз эски мустабид, маъмурий-буйруқбозликка асосланган тақсимотчилик тизимидан воз кечдик. Ягона мафкурачилик, ҳаётнинг барча соҳаларида КПССнинг мафкуравий тазйиқи ва зўравонлигини йўқотдик, янги тарихимиз, ҳаётимиз саҳифаларини очдик.

Буюк аждодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий гурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни барпо этишни ўз қўлимизга олганимиздан гурурланиш каби туйғулар камол топяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб бораёпти.

Ўз олдида демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйган давлат, жамоат ташкилотлари ва тизимлари шаклланмоқда.


Мамлакатимизнинг дунё иқтисодиётига интеграцияси кучайиб, чет эллик сармоя эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши ва улар олиб келаётган инвестициялар ҳажми кенгаймоқда.





*Президент И. Каримов республиканинг бир гуруҳ олимларига давлат мукофотларини топширмоқда.*





*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Физика-Қуёш" материалшунослик институтининг катта қуёш печи.*

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар физикаси ва химияси институти директори, ЎРФА мухбир аъзоси С. Ш. Рашидова биологик актив полимерлар бўлими ходимлари билан.*







Энг муҳими, кишиларнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати, меҳнатни рағбатлантириш манбалари, сабаблари, ҳаётга муносабати ўзгармоқда, улар демократик давлат ва бозор иқтисодиёти қадриятларига кўпроқ дохил бўлмоқдалар.

Янги валютага — миллий пулимизга ўтишимиз ҳаётимизда катта тарихий воқеа бўлди. У тақдиримизда ўчмас из қолдиради, келажакимизда улкан аҳамият касб этади. Энг муҳим вазифа — ана шу миллий валютамизнинг кучини, қудратини, харид қобилиятини белгилаш, унинг жаҳон миқёсидаги ўрни, обрўсини жойига қўйишдир. Шу мақсадда зарур дастурлар амалга оширилаяпти. Бу борадаги биринчи вазифа — унинг ички конвертациясига эришишдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муддао ва мақсадимиз аниқ. Шу мақсад ва муддаоларга эришиш учун пухта ишланган дастурларимиз ва амалга оширилган ишларимиз, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл — сиёсатимизнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши — бизнинг энг катта ютуғимиздир. Халқимиз мамлакат олдида турган вазифаларни қанчалик самимий қабул этса, уларни ўзларининг хусусий манфаатлари билан чамбарчас боғласа, шу мақсадларни амалга оширишга бел боғлаб ҳаракат қилса, бунинг ҳосили — самараси ҳам шунчалик тез кўзга кўринади.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман, халқнинг келажакка ишончи энг катта куч, энг катта бойлик, истиқлолнинг энг буюк гаровидир. Барча режаларни амалга оширувчи, тақдиримизни ҳал қилувчи мана шу омилдир.

Мана шу билдирилган, зикр этилган фикрларнинг маъноси ва аҳамияти жуда катта деб ўйлайман. **Агар мендан бугунги ҳаётимизда аниқ сиёсатимизни ўтказишда энг оғир муаммо нима, деб сўрал-**

**са, аввало, шу сиёсат учун, керак бўлса жонини фидо этадиган раҳбарларни, жонкуяр ижрочиларни топиш, деб жавоб берган бўлур эдим.** Энг муҳим вазифа — шундай одамлар сафини кенгайтириш, ҳар қайси соҳада, бошқарувда, тармоқларни идора этишда, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда ана шундай фидойи ва жонкуяр одамларни топиб, жой-жойига қўйишдан иборатдир.

Бу масаланинг бугунги ҳаётимизда аҳамияти ортиб бораётгани, алоҳида ўрин тутаётгани бежиз эмас.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, 70—75 йил давомида бизга бутунлай бошқача тарбия берилган. Кўпчилик фаолларимизнинг ҳам суяги ўша тарбия билан қотган.

**Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур. Яқин ўтмишимизга танқидий кўз билан қараб, ижобий ишларни саралаб олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан воз кечишимиз лозим.**

Албатта, эски сиёсатдан воз кечиш жуда осон. Аммо янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш — гоят мураккаб ва бу бир кунда ҳал бўладиган иш эмас. Бунинг учун анча вақт ва катта масъулият керак. **Замон олдида, халқ олдида, жамият олдида масъул эканимизни ҳар дақиқа теран ҳис этиб турмасак бўлмайди.**

Шунинг учун ҳам жамиятни ислоҳ этишда янгича, замонавий фикрловчи кишиларга таянишни мен ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайман. Бу масаланинг ҳаётимизнинг барча тармоқларига, шу жумладан, илму фан соҳасига ҳам бево-сита дахли бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бизда келажакка катта умид ва ишонч бор. Ўзбекистон келажакда буюк давлат



бўлади, деган сўзлар дабдабали шиор эмас, балки теран ўйлаб, ҳисоб-китоблар негизида чиқарилган асосли хулосадир.

**Биринчидан**, бизда буюк тарих ва буюк маънавий мерос бор. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий илдишлари ғоят чуқур, қурилаётган муҳташам иморатимизнинг пойдевори жуда бақувват. Буюк маданиятга эга бўлган миллатнинг истиқболга умид билан қараши мутлақо табиий ҳолдир.

**Иккинчидан**, мамлакатимизнинг беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, иқлими қулай экани ҳам шундай хулоса чиқаришга имкон беради.

**Учинчидан**, меҳнаткаш, ғайратли, бунёдкор халқимиз бор. Лекин яна бир буюк хазинамиз борки, бу — мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, ақлий бойлигидир. Бу бойлик бизга ўтмиш аждодларимиздан мерос бўлиб қолган. Сиз, муҳтарам олимларимиз, ана шу буюк бойликнинг ворисларисиз.

Республика мустақиллиги ва келажак ҳақида гапирадиган бўлсак, бу, энг аввало мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ экани аён бўлади.

Ақлий меҳнат туфайли тараққий топган давлатларни олиб қарайлик. Япония ёки Жанубий Кореянинг бизникидек улкан табиий бойликлари борми? Йўқ. Лекин дунёнинг энг илғор технологияси ана шу мамлакатларда жойлашган. **Мен бу икки давлатнинг бугунги бойлиги ва тез ривож топиши, энг нуфузли ва энг қудратли давлатлар сафига кириши сабабларини, аввало, шу жамиятнинг, шу халқларнинг ўз интеллектуал бойлигидан оқилона фойдаланиши, бу мамлакатларда яшаётган инсонларнинг ўз бурчига, ўз вазифасига виждонан ва масъулият билан қарашида, деб биламан.**

Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳондаги энг катта

хазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида муҳассамлаштириш — ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади, деб айтсак, янглишмаган бўламиз.

Лекин бир ҳолни очиқ айтишимиз керак. Япония ва Жанубий Корея тажрибасини, ҳаётини ўрганишми. У ерга фаолларимиз ва мутахассисларимиз бориб келяпти. Уларнинг вакиллари ҳам юртимизга тез-тез келиб турибди.

Шундай бир табиий савол туғилади: ўзгаларнинг, жумладан, Япония ва Жанубий Корея тажриба-хулосаларини билиб-кўриб туриб, нега ўз интеллектуал бойлигимизга бошқача кўз билан қараймиз? Нега шу бойликдан тўғри фойдаланмаймиз?

Буни энг катта камчилик, бепарволик ва саёз фикрлашнинг яққол тасдиғи деб тушунмоқ керак.

Қани, айтишлар: академияда тўпланган илмий потенциални, мамлакатдаги илмий салоҳиятни, ҳеч бўлмаса, назарий жиҳатдан бирор бир киши ҳисоблаб чиққанми? Шунинг аниқ ва тўлиқ ҳисоб-китоби борми?

Ахир, Ўзбекистонда дунё кашфиётларига муносиб ҳисса қўшган олимлар кам эмас. Тўғри, Россия, Украина ва Белорусда йирик илмий мактаблар мавжуд. Лекин Ўзбекистон илмий салоҳиятнинг айрим соҳаларида улардан қолишадиган жойи йўқ, деб ўйлайман.

Бизнинг яна бир устунлик тарафимиз шуки, катта билим ва тажриба эгалари, баъзи мамлакатлардагидек, чет элларга кетиб қолаётгани йўқ. **Олимларимиз Ватанга хизмат қилишга доимо тайёр.** Уларда Ватан туйғуси барча нарсадан устунроқ. Мен бирорта йирик олимимизнинг четга кетиб қолганини билмайман. Бундан фахрланиш керак, азиз биродарлар! Мен буни миллатнинг нуфузи, буюк фазилати деб ҳисоблайман.



Муҳими — мавжуд илмий потенциалдан фойдаланиш, шу потенциални тезроқ ишга солиш. Гапнинг рости, кейинги 3—4 йилда бу масалалар ечилиши у ёқда турсин, умуман, у давлат назоратидан четда қолди. Аҳвол жиддийлашиб кетди. Буни очиқ тан олишимиз керак.

Албатта, масаланинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Масаланинг объектив томони шундаки, тўпланиб қолган муаммолар бугун бошимиздан кечаётган умумий инқироз билан боғлиқ. Чунки фан ҳам мамлакатимиз сингари собиқ Иттифоқ таркибида эди. Айтмоқчиманки, мавжуд муаммоларни биргина академиянинг фожиасига айлантирмасдан, уларга умумий инқироз доирасидан туриб қарашимиз лозим. Ана шунда унинг объектив сабабларини тўғри англаймиз ва бу соҳадаги олдимизда турган муаммоларни ечиш йўлини топишимиз мумкин.

СССР даврида Фан ва техника комитети бўлиб, у фанга буюртмалар берар ва маблағ билан таъминлар эди. Академия эса жорий иқтисодий муаммолар хусусида бош қотирмасдан, йирик илмий лойиҳалар ва дастурлар устида ишлар эди.

Энди бугунги аҳволимизга бир назар ташласак. Республикада собиқ Госплан ўрнига Истиқболстат деган ташкилот тузилди. Бу ташкилот мамлакатнинг истиқбол режаларини белгилаб бериши керак эди. Республика истиқболдан келиб чиқиб, устувор йўналишларга боғланиб, қисқаси, давлатимизнинг тараққиёт стратегиясини инобатга олиб, илму фан, техника олдига, жумладан, Академия олдига ҳам аниқ давлат буюртмаси — закази бериши, ана шу буюртмага қараб Академия институтларига етарли маблағ ажратилиши керак эди. Амалда эса, аҳвол мутлақо бошқача.

‘Фан соҳасидаги сиёсатга келсак, узоқ муддатни қўя турайлик, ҳатто 5—10 йилга мўлжалланган оддий бир стратегия ҳам йўқ. Демак, олимлар ўз билганларича ишляптилар. Лекин бундай тарқоқ тадқиқотлар самарасиз бўлиши табиий. Илмий йўналишлар орасида узилишлар юзага келган. Натижада ҳар ким ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳар ким ўзича ишляпти.’


Режалар аниқ қўйилмаган, бунинг устига, ташкилотчилик ва талабчанлик паст бўлган жойда ҳар хил эътироз ва тушунмовчиликлар пайдо бўлиши муқаррар.

Умуман, фикримча, академия тизимидаги барча норозилик ва келишмовчиликлар турли гуруҳларнинг пайдо бўлишидан, режалаштириш ва маблағ тақсимлашдаги хатолардан келиб чиқади. Адолат бузилган жойда норозилик кучайиши табиий.

‘Энди мамлакат Фан-техника давлат қўмитаси хусусида тўхталсак. Бу ташкилотни биз катта орзу-умидлар билан тузган эдик. Орадан анча вақт ўтди. Бироқ у ҳақиқий давлат идораси даражасидаги нуфузга эга бўлолмади. Бу ерда ўтирган мансабдор олимлар фан соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ўрнига, мавжуд давлат буюртмаларини ўзларига яқинроқ бўлган олимларга бериш билан овора бўлди. Майда манфаатлардан воз кечиб, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини кўзлаш, Ўзбекистон илм-фани ва техникаси тараққиёти билан шуғулланиш ҳозирча Фан-техника қўмитаси қўлидан келмаяпти.’

Ўйлайманки, ‘Фанлар академияси Фан-техника давлат қўмитаси билан ҳамкорликда илмий-техникавий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, янги изланишларни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида ҳамкорликни ташкил этса, аҳвол ўзгариши мумкин.’ Акс ҳолда улар ўртаси-





*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
ядро физикаси институтида.*

даги жарлик қанчалик чуқурлашса, ислохотларимизга шунчалик зарар етади.

Биз кучларни бирлаштирмасак, илмий изланишлар самарадорлигини оширмасак, илмий муассасаларда соғлом ижодий муҳитни барқарор қилмасак, эришган ютуқларимизни мустақамлай олмаймиз. Халқимизнинг олимларга, зиёлиларга азалдан меҳр-муҳаббати беқиёс. Улар билан фахрланиб юради.

Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳар хил даражадаги илмий муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз

минтақаларида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш ва шу минтақа тараққиётига боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш билан шуғулланмоқда. Ана шу минтақавий илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги номутаносибликни ҳам бартараф этиш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Минтақаларда мавжуд илмий ташкилотлар, олий ўқув юрлари ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш яхши самара беришини унутмайлик.

Академик фанни ривожлантириш қанчалик зарур эканини ҳаммамиз тушунамиз. Агар давлат ўз манфаатини кўзлаб, илму фан тараққиётининг аҳамиятини тўғри англаса, ўз бюджетидан керакли ҳажмдаги маблағни ажратиб бериши даркор.



Модомики, мустақиллик, истиқлол тақдири илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ экан, илму фан аҳволига ва келажагига бефарқ қарай олмаймиз. Республикаимизнинг кучли илмий ва техникавий салоҳиятини назарда тутсак, халқ хўжалигининг барча тармоқларига дахлдор бўлган илмий йўналишларни янада аниқроқ белгилаб олишимиз талаб этилади.

Дунё тажрибаси кўрсатиб турибдики, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фан ва техникани тараққий эттиришда, аввало, бу соҳани давлат томонидан бошқариш ва кўмак бериш муҳим ўрин тутаети.

Лекин, шу билан бирга, **биринчи навбатда фундаментал, назарий тадқиқотлар, изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус академик жамғарма ташкил этиш керак.** Унинг маблағлари ҳам миллий, ҳам қадри баланд хорижий валютадан иборат бўлиши керак.

Албатта, асосий кўмак давлат томонидан берилаети. Лекин мамлакатимизнинг йирик концерн ва уюшмалари, масалан “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзметасабзавотузумсаноат”, “Ўзбекенгилсаноат” каби бадавлат ташкилотлар ҳам бу жамғармага ҳомийлик қилаети, деб ишонамиз.

Жамғармани бошқариш ва ундаги маблағларни тақсимлаш **Фанлар академияси президиумига** топширилаети. Унинг ҳайъатини тузиш ҳам президиум ихтиёрига берилаети. Ўйлайманки, бундай махсус жамғарма жуда қўллаб илмий муаммоларни ечишда фаол кўмакчи бўлаети.

Азиз дўстлар!

Табиийки, биз бугунимизни ҳам фан-техника тараққиётисиз тасаввур эта олмаймиз. Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин. Шунинг учун ҳам бугун сиз билан академия ва унинг фа-

олиятига доир масалалар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчи навбатда, илму фаннинг ривожини ва ўсишига тўсиқ бўлаетган баъзи субъектив сабаблар ҳақида, академияни, унинг институтларини бошқариш, бу борадаги тушунмовчиликлар, баъзан пайдо бўлаетган зиддиятлар ҳақида ҳам гаплашиб олсак.

Бир ҳақиқатни барчамиз теран англаб этишимиз керак: давлат, жамият ва жамоа манфаатларини ўз шахсий манфаатларимиздан устун қўймасак, ишимиз олға силжимайди ва баракаси бўлмайди.

Ўзбек фани, ўзбек техникасининг оламшумул обрў-эътиборини барча шахсий икир-чикирлардан, майда-чуйда гаплардан, ўзаро келишмовчиликлардан юқори туриши лозим. Таассуфки, ҳозиргача ҳам бир-биридан аразлашиш, бири-бирининг йўлини тўсиш каби ҳолларни учратиш мумкин.

Бугунги йиғилишдан муддао камчиликларни очиб ташлаш, бир-биримизни фош этиш эмас, балки масалага ҳолислик билан ёндашиб, академия фаолиятини тубдан ўзгартириш, юз берган инқироздан чиқиб олиш йўлларини излашдан иборатдир.

**Умуман, Фанлар академияси шундай бир даргоҳки, у ўзига нисбатан алоҳида ёндашувни талаб этади. Унга ишлаб чиқариш корхонаси эмас, илмий тафаккур, ихтирочилик ва яратувчиликнинг йирик маркази сифатида ёндашиш ҳамда ҳар бир олимнинг ўзига хос эҳтиёжидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш тақозо этилаети.**

Ҳар бир олим — ўзига хос бир дунё. Илмий ишни ҳеч қачон буйруқ, топшириқ ва кўрсатмалар билан бажариб бўлмайди. Умуман илму фанни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди. Унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари



борки, биз буни албатта, инобатга олишимиз керак.

Мамлакат тараққиётида фундаментал фан муҳим ўрин тутеди. Бу борада, яъни фундаментал фанни ривожлантириш учун Фанлар академиясида яхшигина тажриба ва имкониятлар бор.

**Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайдди, кўп ҳосил беради.**

Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, узоқни мўлжаллаб, олис истиқбол тараққиётини кўзлаб иш тутиш лозим. Фундаментал фанга умид билан қарашимиз, унга кенг йўл очиб беришимиз даркор.

Мисол тариқасида бўлса-да, пахтачилигимиз келажаги учун генетик олимларимизнинг кўшган ҳиссаси ва шу фаннинг аҳамиятини таърифлашга зарурат йўқдир.

Замон қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик ва бошқа соҳаларда, айниқса, мелиорация ва ирригация, тупроғимизнинг унумдорлигини ошириш бобида мавжуд изланишларни, агротехника ва агробиологик усулларни жиддий ўзгартиришни, жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини қўллаб-қувватлашни ва жорий этишни тақозо қилмоқда.

Деҳқончилик ва умуман ишлаб чиқаришни фан негизида, айниқса, назарий, фундаментал фан асосида қайта қуроллантирмас эканмиз, мамлакат тараққиётини тезлаштиришимиз амримаҳол.

Яхши биламизки, илму фан даргоҳларида, жумладан академия институтларида энг оқсоқ ва энг ночор жой, энг ечилмаган муаммо, бу илмий-тадқиқотлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишдир.

**Бу масалани ҳал этишда олимларимиз зиммасига ҳам худо берган иқтидори билан кашф этишни, ҳам шу кашфиётларни амалга оширишдек икки вазифани баробар юкласак, ўта адолатсизлик бўлур эди.**

Очиқ айтиш керак: илгари ишлаб чиқариш соҳаси, корхоналар илму фан, илмий-тадқиқотлар натижаси билан мутлақо қизиқмасди. Илмий кашфиётларни излаш, уларни дунёнинг бирор бурчагидан топиб келиб амалда қўллаш, унинг ортидан фойда кўриш эски ишлаб чиқариш тизимига мутлақо ёт эди. Нега деганда рақобат бўлмаган, боқимандалик, давлат ҳисобидан кун кўриш кайфияти устун бўлган жойда бундай илғор тартиб ва ёндашув мутлақо бўлмаслиги табиийдир. Оқибатда илму фан билан ишлаб чиқариш ўртасида жуда катта узилиш, жарлик пайдо бўлди. Зиддиятнинг асосий сабаби ҳам шунда. Бу масалани ечмасдан, ишлаб чиқаришда банд бўлган фаоллар ва жамоаларни илму фан тараққиётига қизиқтирмасдан илмий изланишлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишни ҳал қилиб бўлмаслиги аён ҳақиқатдир.

Бугун академия институтларида, жумладан техник ва табиий фанлар соҳасида изланишлар олиб борадиган физика, химия, биология, геология, математика, механика ва бошқа институтларда жорий этилишини кутиб турган илмий ишларни танқидий кўз билан қараб чиқиш зарур. Уларнинг ҳаётга жорий этилмасдан қолиб кетишига давлатимиз иқтисодига зиён етказувчи заиф жойимиз деб қарасакгина иш жойидан силжийди.

Яна бир гап: олимларимиз, биринчи навбатда, ижтимоий фан вакиллари олдига турган улкан вазифалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни



шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзумидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас.

Кимки, миллатни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало унинг маданиятига чанг солади.

Ислом динимизнинг муқаддас мероси — фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир.

Тарихчи олимларимиз томонидан олти жилддан иборат “Ўзбекистон тарихи”нинг яратилиши, темурийлар даври ва маданиятига доир кўплаб рисоаларнинг вужудга келиши халқимиз маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу асарлар ҳозирги замон тарихий жараёнларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни қанчалик қондирса, янги тадқиқотларни давом эттиришни ҳам шунчалик тақозо этади.

Тилшунослик соҳасидаги илмий изланишлар, авваламбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир. Шу муносабат билан мамлакатда Атамашунослик қўмитаси тузилди. Бир қанча луғатлар чоп этилди. Ўзбек тилининг лотин ёзувига асосланган орфографик қоидалари ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг ўтган уч йили мобайнида ижтимоий фанлар соҳасида, айтиш мумкинки, бирмунча ютуқлар қўлга киритилди.

Бироқ шиддат билан ўсаётган халқ онги, тобора кенгайиб бораётган дунёқараши олис ўтмиш, бугун ва келажакка бўлган қизиқиши, мазкур соҳани тубдан ривожлантиришни, унинг фаолият доирасини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш, айниқса маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун-моҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир.<sup>1</sup>

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. **Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.**<sup>2</sup> Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир.

Ўз ишини ақл билан, тушуниб бажарадиган кишида меҳнатидан фахрланиш, ҳаётдан завқланиш туйғуси кучли бўлади. Ана шундай одамларни тарбиялашимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай туйғу билан яшашига эришишимиз керак.

Иқтисод фанлари соҳасида амалга ошириладиган ишлар диққатга сазовордир. Биз иқтисодиётни ривожлантиришда ўз йўналиш ва йўлларимизни бирмунча аниқлаб олдик.

Ҳозиргача эришган ютуқларимизга жаҳон жамоатчилиги юқори баҳо бермоқда. Бироқ бу билан кифоялансак, орқада қолиб кетишимиз шубҳасиз.



Тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Бироқ бу тажрибаларга кўр-кўрона ёндашмасдан, ўзимизнинг миллий эҳтиёжларимиздан ва маҳаллий имкониятларимиздан келиб чиқиб, энг мақбул шаклларини танлаб олишимиз даркор.

Лекин шуни очик таъкидлаш керакки, иқтисодиёт фани ҳам ҳали жамият тараққиётидан бирмунча орқада қолаётир.

Фанлар академияси иқтисод илмида, иқтисодий йўналишлар ва йўриқлар ишлаб чиқишда ўз имкониятларини тўла кўрсата олмаяпти. Шундан тегишли хулосалар чиқариш керак, деб ўйлайман.

Фан тараққиёти ҳамма вақт ёш авлодга таянади. Олимнинг нуфузи эса ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар етиштириш билан баҳоланади. Академияда ана шу оддий ақидалар унутилган кўринади. Ёши улуғ олимлар билан ёшлар ўртасида узилиш пайдо бўлганга ўхшайди. Кўплаб янги ғоялар, янги фикрлар тўсиққа учраб, ёш муаллифларнинг қалбида сўниб кетмоқда.

Бунга сабаб нима? Ким ёки нима истеъдодли, катта ишонч ва умид билан меҳнат қилаётган ёш олимларимизнинг ўсишига, уларнинг тан олинишига халақит бераяпти?

Бу табиий саволларга жавоб топишимиз даркор. Мана шу анжуманда давлатимиз, халқимиз илму фанимизга катта меҳнати сингган, номини жамоатчилик катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладиган устоз алломалар — академикларимиз ўтирибди.

Уларнинг жамиятимиз учун қилган меҳнатларини юксак баҳолаймиз. Устозларнинг бой тажрибаларидан, илмий ғояларидан озиқланган ёш олимларимиз ҳам улар билан фахрланиши, меҳнатидан руҳланиши лозим.

Бу масалани ечиш учун Академиядаги эскириб қолган баъзи бир қоидаларни, одат тусига кирган айрим тартибларни ўзгартириш вақти келди, деб ўйлайман.

Бугунги кунда ўз илмий изланишлари билан илму фан аҳли орасида танилган, ўз ишлари билан яқин ва узоқ мамлакатларда катта обрў топган ёш олимларимизни академия аъзолигига қабул қилсак ва уларга ишлаш учун тегишли шароит яратиб берсак, бу ўзбек фани ва унинг келажаги учун жуда олижаноб иш бўлур эди.

Агар бизнинг миллат фанини ривожлантириш, мамлакатимизни илғор давлатлар қаторига қўшиш ниятимиз бўлса, ҳамжиҳатлик билан ишлашимиз керак. Бир ёқадан бош чиқариб, қўлга киритган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, маънавий етуклигимизни намоён этишимиз лозим.

Бизда ҳали-ҳануз эски замондан қолган бир камчилик мавжуд: академияга вазирлик сифатида қарашга ўрганиб қолганмиз. Масалага расмиятчилик билан қараш оқибатида ҳатто вазирликларда штат қисқариши ҳақида гап кетса, Молия вазирлиги академияга: “Ҳайъат аъзолари фалонга қисқарсин”, “Вице-президентлар фалонга бўлсин!” деган буйруқларни юборишга одатланиб қолган.

Ёки бугунги аҳволни олиб қарайлик. Ижтимоий фанлар бўлимида 12 соҳа фанларини бирлаштиришни қандай тушуниш мумкин? Яна бир мисол: Ўзбекистонимизнинг истиқболлини белгилайдиган икки муҳим соҳа — химия ва химиявий технология бўлими билан геология ва кончилик бўлимлари бирлаштириб қўйилганини қандай баҳолаша бўлади?

Бир ҳолни қиёслаб кўрайлик. Геология вазирлигида 11 нафар, энгил санатда эса 15 коллегия аъзоси бор. Айни вақтда нега Фанлар академиясида фа-



қат 9 та президиум аъзоси бўлиши керак? Ахир, академия ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши лозим-ку!

Фикримча, академиянинг нуфузини кўтариш, унга кўпроқ ҳуқуқ бериш керак. Академия нафақат ўзидаги, балки бутун мамлакатдаги фан масканларига ўз таъсирини ўтказиши лозим.

Бугунги кунда академия бўлимларида деярли ҳуқуқ йўқ. Умуман, президиум аъзолари, аввало етакчи олим, кейин эса амалдор бўлиши керак.

Президиумнинг бўлажак таркибига худди шу нуқтаи назардан қараш зарур. Президиумга амалдорлар эмас, ҳақиқий олимлар аъзо бўлиб, келажак учун жон куйдириб хизмат қилсин.

Президиум аъзолари доимий бўлиши шарт эмас. Бу ерда ҳам, айтайлик, ҳар икки аъзоларнинг маълум қисми алмашса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

Президиум бугун коллектив фикрини ифода этмайдиган бўлиб қолганга ўхшайди. Янги президиум илму фан жамоатчилиги фикрини одилона ифода этувчи холис ва объектив бўлиши зарур. Президиумга энг етук фан соҳиблари йиғилиши талаб этилади.

Президиум билан институтлар ўртасидаги алоқа жипс бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан қараганда кўпчилик олимларнинг фикрича, академиянинг низоми кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб бермайди.

Бир ҳолга эътибор беришимиз керак. Ҳозирча ҳақиқий аъзолар билан мухбир аъзолар ўртасида узилиш борлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Шунини инобатга олиб, кейинги сайловда ҳақиқий аъзолар со-

нини кўпайтиришни назарда тутиш зарур, деб ўйлайман.

Яна бир мулоҳаза: ҳақиқий аъзоликка номзодларнинг барчаси мухбир аъзо бўлиши шарт эмас. Ўз соҳасининг энг етук вакиллари бўлган фан докторларининг номзодларини ҳам олға суриш керак. Ана шундагина Фанлар академияси ёшаради, кучлироқ ва ғайратлироқ бўлади.

Менимча, янги сайланган президиум аъзоларига академия низомини обдан қайта ишлаб чиқиш ва йил охирида уни қабул этиш вазифаси топширилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳтарам дўстлар, биродарлар!

Илмда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, туғилган янги ғояларни вақтида тўғри баҳолай билиш, энг мақбул ва самарали ғояларни қўллаб-қувватлаш олий фазилатдир. Бу — ижод кишисининг нуфузини оширадиган ноёб имконият.

Бугун академиямиз ва унинг тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида фикр юритдик. Мамлакат тараққиётида ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишда фан-техниканинг муҳим ўрни ҳақида гаплашиб олдик. Эндиги вазифа ҳаммамиз бор иқтидоримизни, истеъдодимизни, куч ва ғайратимизни миллат шаъни ва мамлакат шавкатини ошириш йўлида сафарбар этишдан иборат.

Умид қиламанки, олимларимиз улуғ аждодларимиз васиятларига амал қилиб, ворисларга хос иш тутадилар. Янги-янги ихтиролар билан мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшадилар. Ана шу масъулиятли, машаққатли ва шарафли ишда ҳаммангизга куч-қувват, жўшқин илҳом, кашфиётларингизга омад тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси умумий йиғилишида  
сўзланган нутқдан, 1994 йил 7 июль*



## ШАРҚНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Хонимлар ва жаноблар!  
Муҳтарам дўстлар! Ватандошлар!

Бугун биз буюк аждодларимиздан бири, дунёга машхур аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш учун қадимий ва навқирон, гўзал шаҳри азим — Самарқандга йиғилдик.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда инсоният тараққиёти тасдиқлаган бир ҳақиқатни яна бир бор эслатмоқчиман: тарихи бўлмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуғ тарихимизнинг инсоният ривожига катта из қолдирган бир қисми Мирзо Улуғбек фаолиятида мурасам бўлган.

Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажагимизни қураётган бир вақтда катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир.

Бугун бизнинг мамлакатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва халқлар бир нарсани яхши англамоқда: Улуғбекдай муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги ғояларни яратишга ва ривожлантиришга қодир халқдир.

Бугун Улуғбекни эсламоқ — асрлар тарихий адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқдир. Ва бизнинг

миллий-маънавий илдизларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканлигини исботламоқдир.

Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекдай беназир алломанинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди.

Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди.


Чексиз ақл-идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Моваруннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукамал харита ва











бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукамал астрономик жадвални яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

”Зижи жадиди кўрагоний” деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди. Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун гурурланиши табиий ҳолдир. Чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугун тафаккуримизда, ҳаётимиз ва тақдиримизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни Улуғбек сингари аждодларимиз руҳига таяниб амалга оширмақдамиз.

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун узоқ давом этган ғафлат уйқусидан уйғондик. Тарихимизни, маданиятимизни, ўзлигимизни танидик ва тиклай бошладик.

Улуғбекнинг муборак қадами теккан заминда янги ва эркин жамият барпо этиш вазифаси сизу бизга насиб этди.

Буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод Ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий кадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда. Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг муборак исми бериляпти деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромидан дарак беради.

Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида нишонланаётгани биз учун ғоят қувончлидир. Биз бу воқеаларни дунё афкор оммасининг Мирзо Улуғбекка ва уни вояга етказган юртга, халққа ва унинг тарихига самимий ҳурмати деб биламиз.

Сўзимни якунлар эканман, узоқ-яқиндан келган сиз, азиз меҳмонларга ва шу қутлуғ анжуманнинг барча иштирокчиларига биз билан биргаликда Мирзо Улуғбек руҳини шод этганингиз учун





чин қалбимдан ташаккурлар билдирмоқ-  
чиман.

Улуғбек кунларида дунёнинг кўплаб  
мамлакатларидан келган азиз дўстлари-  
мизга алоҳида миннатдорлик сўзлари-  
ни айтмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мана шу кўпни кўрган, ҳаммамиз  
учун муқаддас майдонда туриб:

— Шу кунларга етказгани учун, юр-  
тимизнинг тинч ва осуда, озод ва обод  
бўлиб яшаётгани учун танғримизга шук-  
роналар айтамыз.

— Шу заминнинг ва шу заминда яша-  
ётган халқимизнинг умри ва бахту сао-  
дати боқий бўлсин!

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-  
қазодан асрасин!

— Ер юзининг сайқали аталмиш жан-  
натмонанд Самарқанд шухрати бундан  
ҳам зиёда бўлсин!

— Мирзо Улуғбекнинг тафаккур юл-  
дузи бундан буён ҳам бошимиз узра ёр-  
қин порлаб тураверсин!

— Меҳнатқаш ва пок ниятли халқи-  
миз мурод-мақсадига етсин!

*Мирзо Улуғбек  
таваллудининг 600 йиллигига  
бағишланган тантанали  
маросимда сўзланган нутқ,  
1994 йил 15 октябрь*



## АЛЛОҲ ДИЛИНГДА, ҚЎЛИНГ ИШДА БЎЛСИН

Маълумки, дин ва дин аҳли ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Бизнинг бу хусусдаги сиёсатимиз аниқ. Исломи дини — ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У тухайли халқимизнинг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб келган.

Дин халқ табиатини пок асрашда, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатишда катта хизмат қилган. Одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган.

Хўш, бугунги кунда, биз барпо этаётган янги жамиятда давлат ва дин муносабатлари қандай асосда қурилиши лозим?

Бу масала Конституциямизда очиқ-ойдин ифода этилган. Яъни, республикамизда дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ, биз яхши биламизки, дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлаштириш тақозо этилади.

**Назаримда, улуғ аждодимиз, Бухорои шарифнинг буюк фарзанди Хожа Баҳоддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг “Аллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин” деган ҳикматли шиорини биз бу соҳада дастуриламал қилиб олсак, янглишмаган бўламиз деб ўйлайман.**

Давлатнинг иши — давлатники, диннинг иши — динники бўлиши лозим. Бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона мақбул йўлдир.

Давлат диндор фуқароларининг диний-эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт. Шундагина ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли қолмайди.

Шу муносабат билан бу борада баъзан кўзга чалиниб қолаётган айрим но-жўя ишлар ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтиш жоиздир.

Кейинги пайтда халққа берилган диний эркинликлардан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш ҳоллари ҳам сезилиб қолдики, бу нарса барчамизни беҳад ранжитмоқда ва ташвишга солмоқда. Сохта обрў, сохта шон-шуҳрат орттириш учун инсонларнинг диний нафсонияти билан ўйнашиб бўлмайди. Айрим жойларда баъзи нопок кимсалар томонидан ҳаром-хариш топилган пуллар эвазига ҳашаматли масжидлар қуриш пойғаси бошлангани сир эмас.

Ахир масжиднинг ободлиги ундаги номозхонларнинг сероблиги, ихлос ва эътиқоднинг покизалиги билан белгиланадими ёки унинг қуруқ савлати биланми?!

Динимиз бизни ҳамиша ҳалол-пок яшашга, камтар-камсуқум турмуш кечиришга ўргатиб келади.<...>

**Мўмин-мусулмонларнинг диний ҳиссиётлари билан ўйнашиш, такрор айтаманки, бандасига ҳам, Яратганга ҳам хуш келмайди. Ишончим комилки, юртимиздаги диндор фуқаролар ҳалол-ҳаром-**



**ни жуда яхши англайди, кимнинг аслида ким эканини ҳам яхши фарқлайди.<...>**

Аммо бугунги қийинчиликлардан фойдаланиб, қонунга зид равишда халқни талаш ҳисобига бойлик орттираётган баъзи шахслар ҳам борки, улар давлат ва жамият учун жиддий хавф туғдирмоқда. Биз бундай ҳолат ва шахсларга қарши муросасиз кураш олиб боряпмиз. Бу — мавсумий бир иш эмас, бизнинг изчил, қатъий сиёсатимиздир.

Борди-ю, бундай ишларга раҳбар шахслар аралашиб қолган бўлса, сўров ҳам, жазо ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади. Мен бу ҳақда яна бир карра кескин огоҳлантириб ўтаман: бундай кимсалар шафқат кутмасин!

Бир тизимдан янги тизим шароитига ўтиш даврида энг катта хавф — коррупция деб ҳисоблайман, яъни давлат, ҳокимият ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаоллари нафс балосига гирифтор бўлиб, ўз мансабини суиистеъмол қилиш йўлига кириб, жиноятчилар билан тил бириктиришга ўтишидир.

Бундан давлат манфаатига, халқимиз насибасига етказиладиган зиённи тасаввур қилиш ҳам қийин. Шунинг учун таъмагирлик, порахўрлик, коррупцияга қарши биз энг кескин, аёвсиз чораларни ишга соламиз. Бунга қурбимиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

Агар айрим кимсаларнинг ўз нафсини жиловлашга кучи етмаса, уларнинг нафсини жиловлаб қўйиш давлатнинг қўлидан келади.

**Шуни унутмаслик керакки, таъмагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қилади. Сўнгра, бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади.**

Эҳтимол, дастлабки вақтда бу касалликни одамлардан яшириш ҳам мумкин бўлар. Аммо халқни алдаб бўлмайди. Қинғир одамнинг қилиғини ўзи билдирмаса, боласи билдиради. Боласи билдирмаса, хотини билдиради. Хотини билдирмаса, ёнидаги малайлари билдиради.

Эҳтимол, нопок раҳбарнинг қилмишларини назорат органлари билмаслиги ҳам мумкин. Аммо халқ билади. Халқ билган куни бундай раҳбар назардан қолади.

Халқ назаридан қолиш эса — агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан баробардир.

Ҳеч биримизни эл-юрт назаридан қолдирмасин!

*Халқ депутатлари Бухоро вилояти  
Кенгаши сессиясида сўзланган нутқдан,  
1994 йил 18 март*



## БИР КИТОБНИНГ ҚЎШ САҲИФАСИМИЗ

Ассалому алайкум, азиз биродарлар!  
Муҳтарам Нурсултон Абишевич!  
Қадрли қозоқ дўстларимиз!

Энг аввало, Сизларнинг барчангизга қадимий ва ҳамиша навқирон Ўзбекистонга ташриф буюрганингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсизлар.

Юртимизга хуш келибсиз, қадамингиз кутлуғ бўлсин!

Халқларимиз бундай учрашувларни ҳамиша зўр ҳаяжон ва иштиёқ билан кутади. Ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг, расмий делегацияларнинг турли хил учрашув ва суҳбатлари ўзбек ва қозоқ халқида доимо катта қизиқиш, келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Шу маънода Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбариятининг Алматида, Тошкент ва Туркистонда, Ашхабод ва Бишкекда, Ўрдабоши ва Чўлпонотада ўтказилган самимий ва қизгин учрашувлари тарихий аҳамиятга эгадир. Ана шу учрашувларнинг самараси сифатида бугун ҳаммамиз меҳр-муҳаббат билан дийдорлашиб турибмиз.

Бизлар Буюк Турон диёрида унибўсган икки оға-ини халқмиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ва динимиз ҳам муштаракдир.

Қадим-қадим замондан Туронзамин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман — барчангизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Ям-яшил, серҳосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончилик қилганлар.

Не-не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнмаёن туриб ҳимоя қилганлар. **Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Аллоҳ таоло берган азалий ва абадий насибамиздир.**

Яхши биласизлар, ўтмишда орамизда айирма чегаралар бўлган эмас. Умид қиламизки, иншооллоҳ, бундан кейин ҳам бўлмагай. Қозоғистоннинг улкан худудида ўзбеклар неча асрлардан буён яшаб келаётган бўлса, Ўзбекистон бағрида ҳам бир миллиондан ортиқ қозоқ дўстларимиз истиқомат қилади.

Улар ҳамиша бир-бирларига оға-ини, куда-кудағай бўлганлар, ҳозир ҳам ягона оила фарзандлари каби тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Халқларимиз орасидаги бу дўстлик ва аҳилликни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шаън-шавкати-миз манбаидир.

Бизнинг иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатларимиз жуда қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг 60-йилларида биргина Тошкент шаҳридан Қозоғистон томонга ҳар йили 40—50 минг туядан иборат савдо карвонлари мунтазам қатнаб турган. Бухоро ва Фарғона водийсидан борадиган карвонларни ҳам кўшиб ҳисобласак, бу рақам янада ортади.

Ўзбекистондан қозоқ овулларига газмоллар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари олиб борилган бўлса, қозоқлар юртидан ўн минглаб қўй, от-туя, қора-







мол, кигиз, палос, жун, тери, озиқ-овқат, пистакўмир ва бошқа моллар келтирилган.

**Кўриниб турибдики, донишманд отабоболаримиз бугун биз “ягона иқтисодий макон” деб атаётган иқтисодий тизимни ўша пайтдаёқ шакллантириб улгурганлар.** Бизнинг бугунги вазифамиз тарих синовидан ўтган шу қардошлик ришталарини янада такомиллаштириш, унга янгича моҳият бағишлашдан иборатдир.<...>

Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг айниқса бугунги масъулиятли даврида — ақл-заковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва миллий ғурур талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳурматли маданият ва санъат арбобларимизга, илм-фан намояндаларига мурожаат қилмоқчиман. Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев, Ойбек, Фафур Фулом, Миртемирлар юксак мавқега кўтарган **файзли анъаналар тикланмоғи, муттасил давом этмоғи сув билан ҳаводек зарурдир.**

Истиқлол шабадаси икки мустақил, эркин давлатнинг байроқларини ҳилпиратаётган экан, бу ҳаётбахш шабада санъаткорларнинг ижодхоналарига кириши, халқларимиз юрагига янги руҳ ва илҳом бағишлаши даркор.

Улуғ шоиримиз Фафур Фулом қозоқ-ўзбек дўстлигини таърифлаб: “Биз — бир китобнинг икки бетимиз” деган эди. Модомики шундай экан, худди қадимгидек **куйларни бирга куйлаб, тўйларни бирга тўйлайдиган кунлар келди.**

Ўйлайманки, бу йил Мирзо Улугбекнинг тўйини, келаси йили эса буюк оқсоқол Абайнинг таваллуд саналарини ана шундай табаррук анъаналар руҳида, шоду хуррамлик кайфиятида

биргаликда нишонлаймиз. Айтиш мумкинки, бу — она Туркистон заминида яшаётган барча халқлар учун чинакам дўстлик, биродарлик тантанасига айланажак.<...>

Азиз дўстлар, бизнинг қонимизда минг йиллик Шарқ тафаккурининг бедор руҳи гупуриб турибди. Жаҳон илм-фани ва маданиятига кибернетика асосларини яратган Хоразмийни, буюк файласуф бобомиз Форобийни, тиббиёт қонунларининг тенгсиз кашфиётчиси Ибн Синони, назм юлдузлари — Навоий ва Абайни, Амир Темур ва Бобур, Тўлабий, Қозибекбий, Айтекебий каби улуғ зотларни, Беруний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бухор-жиров, Иброй Олтинсарин, Чўқон Валихонов сингари мутафаккирларни берган бу муқаддас замин халқларининг яратувчилик даҳоси ҳамиша уйғоқдир.<...>

Халқларимизнинг энг оғир, азобли дарди — Орол фожиасидир. Бу муаммо ўзбеклару қозоқлар ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадорлигидан ташқари, оламшумул аҳамият касб этмоқда. Орол бўйи, унинг бойликлари, Сирдарё ва Амударё саховат билан инсонларга ҳаётият этган инъомлар илгари собиқ Иттифоқники бўлгани барчангизга яхши маълум.

Афсуслар бўлсинки, Оролбўйининг неъматларини барча “ягона совет халқи” билан баҳам кўрган бўлсак, унинг “аччиқ мева”си — Орол ва Оролбўйи фожиаси, бу ҳалокатнинг экологик оқибатлари, ҳалокатдан қутулиш йўлларини қидириш — ёлғиз ўзимизнинг, Марказий Осиё халқларининг иши бўлиб қолди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, асрлардан бери бу улуғ дарёларимиздан сув ичиб келган ва бугунги кунда ҳам ичаётган қардош халқларимиз бу ўта машаққатли муаммони ҳал қилишга биргалашиб киришди. Давлатларимиз бу йўлда ташлаётган муҳим қадамлар барчангизга яхши маълум.<...>

Қозоқ ва ўзбек халқлари тарихнинг барча даврларида бирга бўлган, ёнма-





*Қардош халқлар Президентлари: И. Каримов (Ўзбекистон), Н. Назарбоев (Қозоғистон),  
А. Акаев (Қирғизистон)ларнинг учрашуви.*

ён қадам ташлаб, турмушнинг бор шодлигу ғамини бирга баҳам кўрган. Асрлар ўтган, ижтимоий тузумлар ўзгарган, бутун-бутун салтанатлар вужудга келган ва емирилиб кетган, ҳукмдорлар ўзгарган, бироқ қозоқ билан ўзбекнинг қондошлиги, қардошлиги ва дўстлиги барқарорлигича қолган. Янглишмасам, қозоқ халқининг “девор бузилар — пойдевор қолар, беклар кетар — халқ қолар” деган мақоли бор.

Ҳозир дўстлигимиз, қардошлигимизнинг янги даври юз очди. Мустақил миллат, ўз мустақил ватанининг эгаси бўлган халқларимиз янги тарихини бош-

лади. Бу тарих — эрк тарихи, балоғатга етиш, иқтисодий ва маънавий қад ростлаш, жаҳон ҳамдўстлигида ўз номи ва нуфузини барқарор этиш тарихи бўлажак.<...>

Муҳтарам дўстим Нурсултон Абишевич!

Азиз қозоқ биродарларим!

Бугунги зўр анжуманимиз — катта йўлнинг ибтидоси, бошланишидир. Туркистон озодлигини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган ота-боболаримизнинг руҳи бугун шод бўляпти.

Бу қутлуғ кун барчамизга муборак бўлсин!

*Ўзбекистонда Қозоғистон  
кунларининг очилишига бағишланган  
тантанали йиғилишда сўзланган нутқдан,  
1994 йил 23 май*



## СОҒЛОМ АВЛОД — БУЮК ДАВЛАТ ЗАМИНИ

Қадрли дўстлар!

Айни дақиқаларда барчамиз ҳаяжонли ва тантанали бир воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун бу ерга мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон — "Соғлом авлод учун" орденини топшириш маросимида йиғилдик.

Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ мамлакатнинг табиий замини, ер ости ва ер усти захиралари, тоғлари ва ўрмонлари, дарёо денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ўз куч-қудратини намоён этишга ҳаракат қилади.

Лекин, кўп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир. Кишилиқ жамияти эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-этиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улғувор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир.

Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказётган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қараши мумкин.

Табиат ато этган олий моҳиятга кўра, биз — ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқмиз. Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб боғ яратиш — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва қутлуг инсоний бурчдир.

Шуни алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига заволят етказмай сақлаб келмоқда. Аждодларимиз ўз насларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Бундай фазилатлар асл эътиборига кўра бизнинг заҳматкаш халқимизга муносибдир ва бу билан ҳар қанча гурурлансак арзийди.

Олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улғу мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда халқимиз фарзандларимиз иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилаётган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маъно касб этади.

Азиз биродарлар!

Одамзод дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Аллоҳ таоло инсонга ато









*Андижон шаҳар касалхонасига "Дамас" тез ёрдам автомашинаси берилди.*

этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки Яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир.

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Шу маънода давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш “Соғлом авлод учун” ордени ҳам инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимизда турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди.

Бинобарин, унга сазовор кишиларни бу вазифаларни сидқидилдан адо этадиган, ёш авлод камолоти учун ўзини бағишлайдиган фидойи инсонлар деб биламиз. Уларни улкан давлат вазифасини бажараётган одамлар сифатида ҳар томонлама ҳурмат-иззат қиламиз.

Улуғ халқимизга муносиб ҳалол, меҳнаткаш, билимдон, она юртимизга, эли-



мизга садоқатли, баркамол ёш насларни тарбиялаш ишониб топширилган жамиятимиз аъзолари аввало ана шу фазилатлар соҳиби бўлмоқлари даркор.

Мен мана шу залда ўтирган, биринчи галда бу юксак мукофотга лойиқ қўрилган барча ҳурматли юртдошларимизни ана шундай инсонлар деб ҳисоблайман. Айти пайтда мамлакатимиз тарихида илк марта шу орденга сазовор бўлган ака-ука, опа-сингилларимизни муборакбод этишни ўзимга улкан шараф деб биламан.

Муҳтарам дўстлар! Бизга Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш каби масъулиятли даврда яшаш насиб этди. Истиқлолдек буюк неъматнинг қадрига етадиган, уни мустаҳкамлайдиган, ўз қадр-қимматини билладиган соғлом авлодни тарбиялаш ҳаммамизнинг зиммамизга тушди. Ишонаманки, бу

олий ва масъулиятли вазифани астойдил адо этамиз.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги қийинчилик ва тўсиқларни енгишда, озод ва обод Ўзбекистон давлатини барпо этишда бутун эл-юрт аҳлига кучгайрат тилайман.

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик. Бизга шу вақтга қадар ҳасад билан қараганлар ҳам энди ҳавас билан қарамоқда, танлаган йўлимиз тўғри эканини тан олмоқда.

Давлатимизнинг олий нишони — ”Соғлом авлод учун” орденини топширар эканман, сизларни яна бир бор муборакбод этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик тилайман.

*"Соғлом авлод учун" орденини топшириш  
маросимида сўзланган нутқ,  
1994 йил 2 май*



## ЮРТ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ — БУЮК БАХТ

Муҳтарам ватандошлар! Бугун биз қувончли ва ҳаяжонли бир воқеа муносабати билан учрашиб турибмиз. Маълумки, мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ўрнатилган юртдошларимиздан бир гуруҳи олий нишонларга сазовор бўлган эди.

Бугун биз “Дўстлик” орденини дастлабки соҳибларига топшириш ва уларни муборакбод этиш учун йиғилдик. Лекин, ижозатларингиз билан, аввало, сўзни ўша Фармонда биринчи бўлиб зикр этилган “Мустақиллик” орденидан бошласак.

Хабарингиз борки, “Мустақиллик” ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адиб ва улуғ инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган биророрта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир.

Бу буюк зот ўз жонини, ўз истеъдодини ватанимиз эркинлиги ва муста-

қиллиги, халқимизнинг бахту саодати йўлида фидо қилди. Унинг ҳаёт ва ижодаги саботи ва ҳалоллиги, авлодлар қалбида ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий — бизнинг замондошимиз. Унинг муборак номи ва руҳи ҳамиша биз билан бирга.

Насиб этса, яқинда Ўзбекистон халқи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайди. Ўша тантанали кунларда буюк ёзувчимизнинг зурёдларига Абдулла Қодирий орзу этган ва азиз жонини бағишлаган буюк мақсад — мустақиллик номи билан юритилган энг биринчи орденини топширамиз деган эзгу ниятимиз бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бобомиз Амир Темур: “Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир” деб авлод-аждодаларимизга васият қилган эканлар. Бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш — улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир. Шундай ғоя-мақсад билан яшаётган инсонлар бугун шу залга тўпланганлар.

Бугун сизларга — “Дўстлик” орденининг илк соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнунман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта хизмат кўрсат-



ган, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, шундай олижаноб фаолияти билан эл-юртимизнинг равнақи, порлоқ истиқболи учун улкан ҳисса қўшаётган — адиблар, олимлар, давлатимиз ва жамиятимиз арбобларини, кўп миллатли зиёлилар ва ишчилар — халқимиз вакилларини бағримга босмоқчиман ва уларни “Дўстлик” ордени билан чин қалбимдан табрикламоқчиман.

Ишонаманки, сизлар бу орденни фахр ва гурур билан кўксингизга тақиб юрасиз. Ишонаманки, бу орденлар ҳаммамизни сизлар каби элга сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантиради.

Бугун сизларга ушбу мукофотларни топширар эканман, ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга куч-ғайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий фаровонлик тилайман, ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг уч йиллиги  
муносабати билан орден  
ва медалларни топшириш  
маросимида сўзланган нутқдан,  
1994 йил 20 сентябрь.*



## НУРАФШОН ХОНАДОН

Азиз дўстлар!

Муҳтарам ватандошлар!

Бутун мамлакатимиз халқлари улкан шодиёна арафасида турибди. Ўзбекистон мустақиллиги уч йиллик байрами ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Буни сизлар йил мобайнида ўтказган тadbирлар ва бугунги якунловчи тантаналарингиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўпмиллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элат равнақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг бебаҳо фазилатидир. Биз ана шундай юксак маърифий жамият қуриш сари бораётган бир пайтда сизларнинг бугунгидек ҳамжиҳатлигингизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг мамлакатимиз келажагига катта умид билан қараётганингиз, ўз

миллий маданиятингиз равнақи бутун Ўзбекистон тараққиётининг бир қисми эканлигини теран тушуниб турганингиз қувончли ҳодиса.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Аини пайтда у буюк орзумидлар, яқдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакиллариинг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улуғвор хонадон. Сизлар эса ўз фаолиятингиз, амалий ишларингиз билан ана шу хонадонга яна ҳам нурафшонлик, яна ҳам файз бахш этмоқдасиз.

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-омонлик, ватан равнақи йўлидаги шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси  
миллий-маданий марказлари  
биринчи фестивали  
қатнашчиларига табрикнома,  
1994 йил 20 август.*



## МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

Жаноб Раис!

Бош котиб жаноби олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, назаримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей сессиясида муҳокама этилаётган муаммолар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга тўхталмоқчи эдим.

Ҳозирги замондаги энг долзарб масалалардан бири — минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масаласи ҳисобланади.

Шу йил сентябрь ойида БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Фолийнинг бевосита кўмаги билан, 31 давлат ва 6 халқаро ташкилот иштирокида ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгаши дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши ҳақидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Муайян минтақаларда, хусусан бугунги кунда “Оловли нуқталар” деб аталаётган минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаши ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўллари белгилаб олиш мумкин.

Бу айниқса улкан табиий, минерал-хом ашё, стратегик ресурсларга эга бўлган, кўпгина мамлакатларнинг жуф-

рофий-сиёсий, иқтисодий манфаатлари ва даъволари кураши майдонига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси учун жуда муҳимдир.

Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Мана, 17 йилдан бери давом этаётган, афғон халқи бошига мислсиз кулфатлар солган, халқаро терроризм, наркобизнес, қуролларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолаётган бу уруш қўшни Тожикистондаги шусиз ҳам таранг вазиятни янада кескинлаштирмақда.

Бизнинг фикримизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити, энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир.


Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси кўпгина халқаро тузилма ва компаниялар қўллаб-қувватлаётган, Афғонистон ҳудуди орқали Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл, автомобил коммуникациялари куриш бўйича яхши-яхши лойиҳаларнинг амалга ошишидан манфаатдордир.

Бу миллионлаб афғонларни тинч меҳнат билан банд қилиш, янги, нисбатан







қисқароқ коммуникациялар ва савдо, иқтисодий алоқаларни шакллантириш, дунёнинг бу энг кескин минтақасидаги жуғрофий-сиёсий ҳолатларни тубдан ўзгартириш имконини беради.

Бу юксак минбарда туриб, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожиа, бутун ер юзини қамраб оладиган биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи муаммо тўғрисида гапирмай ўтолмайман.

Бугунги кунда халқаро молия тузилмалари ва ривожланган мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда кўмагисиз, БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз бу муаммони ҳал этиш мумкин эмаслиги аниқ ва равшандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш лозимлиги тўғрисида гапирилар экан, қуйидагиларни амалга ошириш зарур бўлиб кўринади:

биринчидан, Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга мисол учун бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозим;

иккинчидан, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш лозим;

учинчидан, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш зарурлиги ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам тобора аён бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тобора кенг тарқалаётган, хусусан, бизнинг минтақамизда

кенг тарқалаётган қурол савдоси миқёслари ва ҳажмлари ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Кўпгина мамлакатлар ҳатто қурол савдоси улар учун муҳим валюта манбаларидан бири бўлиб қолаётганини яширишаётгани ҳам йўқ. Ҳолбуки, улар бу қурол эртага кимга қарши қаратилиши ва қайси мақсадларда ишлатилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаптилар.

Қандай тинчлик ваъдалари билан ниқобланган бўлмасин, ядровий технологияларни сотиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ҳам бу манфаатлар кўзланаётгани айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Ўзбекистон оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни таъминлаш бўйича керакли халқаро кафолатларнинг қабул қилиниши, ядро синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги шартноманинг тезда тузилиши тарафдоридир.

Биз айрим жойларда эшитилаётган, бизни қайтадан ҳарбий-сиёсий ва блоklar қарама-қаршилигига қайтариш хусусидаги баландпарвоз баёнотлар билан асло келиша олмаймиз.

Биз учун ягона тўғри йўл — ҳалокатли равишда ўз қобигига ўралиб қолиш эмас, балки бу жараёнда маълум қийинчилик ва номукамалликлар мавжудлигига қарамасдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир.

Собиқ Совет ҳудудида барпо бўлган янги мустақил давлатлар ўзининг миллий давлатчилиги асосини шакллантираётган, демократик янгиланишлар йўлидан бораётган бугунги кунда улар ислохотларни амалга ошириш ва ўзларининг халқаро сиёсий, иқтисодий ва молиявий тузилмаларга қўшилишини тезлаштиришда жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги ва қўллаб-қувватлашига муҳтождир.

Мен моддий ва молиявий ёрдамнигина эмас, энг аввало — суверенитети-



миз ва тараққиётимизнинг мустақил йўлини маънавий-сиёсий қўллаб-қувватлашни назарда тутяпман.

Ислоҳотларнинг изчиллиги ва олға босишини, демократиялаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, барқарорлик ва мунтазам ривож-

ланиш, барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни бундан буён ҳам таъминлаб бориш, шу билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз учун ўта долзарб вазифадир.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*Бирлашган Миллатлар  
Ташкилотининг эллик йиллиги  
муносабати билан  
Бош Ассамблеянинг махсус  
тантанали йиғилишида  
сўзланган нутқ,  
1995 йил 24 октябрь.*



## ХАВФСИЗЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Европадагина эмас, балки бутун дунёда вазият ва кучлар нисбатининг тез ўзгараётгани, янги мустақил давлатларнинг майдонга чиқаётгани ҳозирги вақтда давлатлар ва халқлар барқарорлигини таъминлаш, XXI аср бўсағасида хавфсизликнинг янги моделини ишлаб чиқиш учун янги ёндашувларни излашни қатъий тақозо этмоқда.

Бу хавфсизликни биз қандай тасаввур этамиз?

Биринчидан. Ўзбекистон ЕХХТнинг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла қўллаб-қувватлайди.

Хавфсизликнинг, шу жумладан Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шунга асосланадиган бўлсак, бизнинг назаримизда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти — ЕХХТнинг ўрни ва аҳамияти, агар жоиз бўлса, масъулияти Европа доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Биз Марказий Осиё минтақасининг жуғрофий-стратегик ҳолатини, унинг салоҳиятини, улкан хом ашё ва инсоний ресурсларини, шунингдек тез ривожланаётган бу минтақада содир бўлаётган хавфсизлик учун хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТ бу ерда ўз фаолиятини янада кучайтириши тарафдоримиз.

Иккинчидан. “Совуқ уруш” тугаганидан сўнг ялпи хавфсизликка, шунинг-

дек Европа хавфсизлигига ҳам, этник, минтақавий можаролар, давлатлар ичидаги тажовузкор миллатчилик ва урушқоқ сепаратизм асосий хавф солиб турибди.

Учинчидан. Минтақа можаролари тобора тез-тез терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва ғайриқонуний қурол савдоси, инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш каби хатарли хавфлар ва ҳаракатларнинг доимий манбаига айланмоқда. Бу ҳоллар давлат чегараси нималигини билмайди. Шу сабабли халқаро хавфсизлик тизими жуғрофий белгиларга қараб эмас, балки минтақалараро даражада мувофиқлаштирилган биргаликдаги ҳаракатлар билан белгиланиши лозим.

Шу муносабат билан биз Афғонистонда 18 йилдан буён уруш давом этаётганлигидан, бу мамлакат фақат Марказий Осиёдаги эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик учун ҳозир ўта хатарли хавфга, халқаро терроризмнинг, Европага кўплаб миқдорда наркотик моддалар етказиб берилишининг манбаига — ўта хатарли марказга айланиб қолганидан ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари ташвишланаётгани ва хавфсираётганини мутлақо асосли, деб биламиз.

БМТ маълумотларига қараганда, жаҳонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг деярли 40 фоизи ҳозирги вақтда уруш давом этаётган Афғонистонга тўғри келаётгани ҳисобга олинса, гап қандай хавф тўғрисида бораётгани равшан бўлади.





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг  
АҚШ Президенти Б. Клинтон билан учрашуви.*





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов  
ва Россия Президенти Б. Ельцин.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов билан  
Германия Канцлери Г. Колл.*





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов  
ҳамда Бельгия қироли Альберт II.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг  
НАТО Бош қотиби Х. Солана билан учрашуви.*





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов билан  
Европа Иттифоқи Комиссияси Раиси Ж. Сантер.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Бельгия қироллиги  
Бош вазири Ж. Л. Дехане иккиёқлама ҳужжатларни имзолаш пайтида.*











Ўзбекистоннинг Афғонистонда можарони ҳал этиш ҳамда бу уруш Афғонистондан ташқарига чиқиб, кучайиб кетилишининг олдини олишнинг дастлабки ва энг муҳим шарт сифатида Афғонистонга қурол-яроғ олиб келишни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлагани учун мен Европанинг барча тузилмаларига самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Мен эътиборни қаратмоқчи бўлган навбатдаги масала — ЕХХТ маконини кимларнингдир таъсири майдонига бўлиб юбориш, Европадаги бир тузилмани иккинчисига қарама-қарши қўйишнинг номақбуллигидир. Бизнинг назаримизда, бир-бирига бўйсунувчи тузилмаларни барпо этмасдан, муштарак манфаатларни кўзлаган ҳолда Европанинг мавжуд ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш муҳимроқдир.

Биз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ўзаро келишилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, можароларнинг олдини олиш мақсадида самарали воситаларни шакллантириш, танг вазиятларни ва можаролардан кейин пайдо бўлган вазиятларни унда иштирок этувчи барча мамлакатларга мақбул равишда бошқариш учун нуфузли халқаро тузилмага айланаётганини табриклаймиз.

Бизнингча, жаҳондаги вазиятнинг ўзгарганини ҳисобга олиб, ЕХХТга аъзо бўлган давлатлар қоидалари ва мажбуриятларини ҳамда бу ерда айтиб ўтилганидек, хавфсизликнинг янги хартиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш ўринлидир.

Бунда давлатлараро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаб туришнинг муҳим шарт сифатида ҳозирги чегаралар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитликни яна бир бор тасдиқлаш муҳимдир.

Биз халқаро муносабатлар тажрибасида ҳар бир мустақил мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муайян халқаро тузилмаларда, шу жумладан НАТО да ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз иштироки даражасини мустақил белгилашига асосланиб, унинг ҳуқуқлари кўзда тутилиши лозимлигига аминмиз.

Ўз-ўзидан равшанки, биз бу ўринда хавфсизликнинг ҳимоя қилинишини, бошқа мамлакатларнинг манфаатлари камситилишига, яқин ўтмишдаги ҳарбий-сиёсий қарама-қарши туришдек ачинарли тажрибага қайтишга ва янги “Берлин” деворларини тиклашга йўл қўймасликни таъминлаш лозимлигини кўзда тутаяпмиз.

Бизнингча, блоклар тафаккуридан бутунлай воз кечиш, собиқ Советлар ҳудудидаги айрим қайсар кучларнинг анъанага айланиб қолган эски шиорлар остига яшириниб, блокларнинг бир-бирига қарама-қарши туриш вазиятини кучайтиришга уринишлари мутлақо истиқболсиз эканини тушуниб етиш бундай хавф-хатарнинг олдини олишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Бизнинг назаримизда экология ва ядро хавфсизлиги муаммолари ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади.

Биз Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан мурожаат қилиб ўртага ташлаган ташаббусини қўллаб-қувватлашни илтимос қиламиз. Гап ядро қуролига шерик бўлиш режаларини яширмаётган айрим давлатлар қўшни бўлган Марказий Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисида бормоқда.

Бундай интилишларнинг мазкур кенг минтақада яшаётган миллионлаб кишилар учун хавфли эканини олдиндан кўра билиш қийин эмас.

Биз Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишг





*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. Каримов ва  
Германия Президенти Роман  
Герцог Штутгартдаги  
кўргазманинг очилиши  
маросимида.*



*Бутунжаҳон интеллектуал  
мулк ташкилоти Бош  
директори А. Богш илмий ва  
технологик кашфётчилик  
фаолияти борасидаги  
ҳамкорликка қўшган улкан  
ижодий ҳиссаси учун Ўзбе-  
кистон Республикаси Пре-  
зиденти И. Каримовга  
Олтин медаль топшири-  
моқда.*

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. Каримовнинг  
Франция Президенти Жак  
Ширак билан учрашуви.*





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг АҚШ Давлат котиби ўринбосари С. Телбот ҳамда АҚШнинг МДХ мамлакатларидаги сиёсати бош координатори Ж. Коллинз билан учрашуви.*





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов  
Исроил Бош вазири Б. Нетаньяху билан.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг  
Португалия Президенти Жорж Сампайу билан учрашуви.*





эътибор бераётгани учун ЕХХТдан миннатдормиз. Бироқ аниқ ёрдам бўлмаса ва давлатлараро дастурни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш учун зарур миқдорда маблағ ажратилмаса, жаҳоншумул тус олиб бораётган бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

**Раис жаноблари!**

Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва унинг тузилмалари билан муносабатларни яқинда Флоренцияда имзоланган шартнома доирасида янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, шунингдек, НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастури доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Европа мамлакатлари билан қилинаётган ўзаро фойдали ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайиб бораётгани бизга республика салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик ва бозор ислохотлари йўлидан муваффақиятли ҳаракат қилиши учун кенг имкониятлар очиб бераётганига ишончимиз комил.

Лиссабон учрашувининг иш якунлари ЕХХТнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятларини қидириб топиш ва уларни рўёбга чиқаришга, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни чуқурлаштиришга, халқларимизнинг хавфсиз ва тинч келажагига ишончини мустаҳкамлашга имкон беришига аминман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*ЕХХТ аъзолари бўлган давлатлар  
бошлиқларининг учрашувида  
сўзланган нутқ,  
1996 йил 3 декабрь*



## ФАН РАВНАҚИСИЗ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

*1995 йил 2 ноябрь куни Республика Президенти бир гуруҳ олимлар — мамлакат Фанлар академияси вакиллари билан учрашди.*

Ўзбекистон фани, хусусан, Фанлар академияси олдида турган муаммолар кўп, деди Ислом Каримов. Биз аввалги учрашувларимизда уларни ҳал этиш бир кунда бўладиган иш эмаслиги, бу масалаларни қадам-бақадам ечиб бориш тўғрисида фикрлашган эдик. Шундан буён ўтган икки йилча вақт мобайнида академиянинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, ижодий муҳитни соғломлаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, қийинчилик билан бўлса-да, олға силжимокда. Шуниси қувончлики, ислохотларнинг дастлабки натижалари, бу йўлдаги ютуқлар кўзга ташланиб қолди. Буни нафақат яқин қўшниларимиз, балки дунёдаги буюк давлатларнинг раҳбарлари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам эътироф этмоқда. Бизнинг икки-уч йил аввал Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган шиоримизни истеҳзо билан қаршилаган айрим кимсалар ҳам бугунги ҳақиқат олдида тан бермоқда.

Бу меҳнаткаш халқимизнинг самарали меҳнатлари натижаси, ютуғидир. Бунда сиз, турли соҳа олимларининг ҳам сезиларли ҳиссангиз бор, қолаверса,

одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак маданият, интеллектуал салоҳият борки, ана шулар бу натижаларни қўлга киритишда асосий омил бўлди, десам янглишмайман. Қисқача айтганда, табиий бойликлар, қулайликлар ўз йўлига, лекин шундай бир ноёб бойлигимиз борки, бу — меҳнаткаш халқимиз ва унинг ақл-заковатидир. Бу бойлик билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрамида таъкидлаганимиздек, энг оғир кунлар ортда қолди. Бизни Яратганнинг ўзи бало-қазодан асради ва асрапти. Фарғона, Ўш фожиаларининг олови вақтида ўчирилди, миллий, диний низолардан сақлана билдик. Зеро, тинчлик йўқ жойда ҳеч нарса бўлмайди, савобли ишларга қўл тегмайди. Доноларимиз, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтмаганлар.

Бу ҳикматни теран тушуниш керак. Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деган гап ҳам бор. Шу маънода бугунги тинчи бузилган узоқ-яқин юртларни кўриб келаётганлар кўзи очилиб қайтпти. Чунки ҳақиқий шароит солиштириб кўрганда билинади. Демокчиманки, биз ҳам истиқлол арафасида, унинг дастлабки йилларида оғир хавф остида яшадик. Нафақат иқтисодий қийинчилик, балки маънавий таназзул хавфини ҳам бошимиздан кечирдик. Шукрки, халқимиз ўша вақтдаги вазиятни, бизнинг ниятимизни тўғри тушунди ва қўллаб-қувватлади. Бу эса, ўз навбатида, ис-



лоҳотларни амалга оширишда катта таянч бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз олдида турган муаммоларга келсак, иқтисодий масалалар аста-секин ўз ечимини топмоқда ва бу борада кўзлаган мақсадимизга эришяпмиз. Аминманки, яқин йиллар ичида иқтисодий аҳвол бутунлай ўнгланиб кетади. Аммо илм-фанни ривожлантириш, халқ маънавиятини юксалтириш борасида эса сиз, академиклар, барча зиёлилар олдида жуда улкан вазифалар турибди.

Республика Фанлар академияси ҳақида гапирар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, мазкур илм масканида кейинги бир ярим-икки йил ичида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, бир қанча ёш, истеъдодли олимлар академик деган юксак унвонга сазовор бўлди. Ҳақиқий аъзолар сони 80, мухбир аъзолар эса 86 нафарга етди. Бу сизлар учун оддий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Чунки, таъбир жоиз бўлса, сиз шу қозон ичидасиз. Лекин кенг жамоатчилик назарида, халқимиз ҳаётида бу катта воқеа бўлди. Марказдан четроқда — вилоятларда ишлаётган ходимлар, айниқса, умидли ёшларнинг академия аъзолигига сайланиши уларнинг адолат ва ҳақиқат барқарорлигига, ўзининг илмий келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, ҳақиқий зиёлилар олис қишлоқларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳардаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас. Қолаверса, дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади. Шундай экан, биз уларнинг қадрини, иззат-икромини жойига қўйиш

ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим. Шу маънода Фанлар академиясига янги сайловлар бу ерда қарор топаётган соғлом муҳитнинг илк намоёиши бўлди, деди Президент.

Лекин бугунги кунда Фанлар академияси олдида турган муаммолар ҳам кам эмас. **Биз яхши тушунамиз, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келажакни ўйлаб, бориға қаноат қилиб фан йўлида заҳмат чекиш — бу фидойиликдир.** Бугунги кунда шуни тан олиш лозим: лаборатория ва тажрибахоналарда илм-фанга бутун қалби билан берилган чинакам саботли ва садоқатли заҳматкашларгина қолди, десак ҳеч қачон муболаға бўлмайди. Фан соҳасига фандан бошқа мақсадларни кўзлаб кирган айрим кишилар аллақачон бўлак ишларнинг бошини тутиб кетди.

Ҳозирги оғир шароитда фанга интилиш, ҳаётини илмга бағишлаш қаҳрамонлик билан баробар. Шунинг учун бу фидойи инсонларга эҳтиром билдириш барчамизнинг бурчимиздир. Ўз лабораториясига, ўз изланиш ва тадқиқотларига, ўз фанига содиқ қолган илм аҳли бугун ҳар қанча эъзозга муносиб. Менга қолса, бугун ана шундай одамларга атаб **“Фанга садоқати учун”** деган махсус медал таъсис этган ва ўша фанпарвар одамларнинг ҳар бирининг кўксига ўз қўлим билан тақиб қўйган бўлув эдим.

Фанлар академиясининг тарғиботи етарли даражада эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Телевидениенинг ҳам, матбуотнинг ҳам бу соҳага эътибори шахсан мени қониқтирмайди, деб таъкидлади Президент. Илм-фаннинг ҳақиқий фидойиларини кўпроқ кўрсатиш, бу мавзудаги кўрсатув ва мақолаларнинг мазмунини тубдан яхшилаш керак.

Халқимизда, айниқса, ёшларимизда илм-фанга бўлган ташналик ва инти-



лиш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сазовор соғлом ижодий хусусиятдир. **Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди.** Шу ўринда мени бир нарса қувонтирадики, бизнинг етакчи олимларимиздан ҳеч ким ўз манфаатини ўйлаб чет элларга кетиб қолмади. Ҳолбуки, у ёқларда бизнинг олимларга ҳам “харидорлар” кўплаб топилади.

Шахсан мен буни асл ватанпарварлик белгиси, деб биламан. Юртга бундай содиқлик, бу сабр-чидам, албатта, таҳсинга арзийди. Лекин шу ўринда бошқа ҳақли савол туғилади: хўш, бу сабр-бардош қанчагача давом этиши мумкин? Ҳар қандай чидамнинг ҳам чегараси борку!

Агар биз илм-фан аҳлига, чинакам фанпарвар олимларимизга тегишли шарт-шароит яратиб бермас эканмиз, бу ҳол тузатиб бўлмас салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Фаннинг замона талаблари даражасида тараққий топиши учун, менинг назаримда, қуйидаги муҳим омиллар зарур: фоя, моддий асос, тегишли шароит ва фикр, тафаккур эркинлиги.

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу олижаноб интилишдир. Ҳозирги шароитда ишбилармонлар, савдогар ва тадбиркорлар топиш-тутиш жиҳатидан илм-фан ва маданият соҳаси кишиларида ўтиб кетгани сир эмас. Майли, бозор иқтисодиёти бусиз бўлмайди. Савдо-сотик, бизнес керак. Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл қўя олмаймиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, боринги, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса — жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор.

Иқтисодимизнинг ривожланиши, бозор тўкин бўлиши, миллий валютани эркин алмаштириш, чет элларга бориш-келишни осонлаштириш мумкин. Шубҳасиз, ҳадемай барча иқтисодий масалалар ечилади. Ўзбекистон, албатта буюк давлатлар сафидан жой олади. Лекин халқнинг теран маънавиятсиз, гурурисиз, юксак маданиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун фан кишилари узоқни — ана шу кўзлаган буюк келажагимизни назарда тутиб ишларлари керак.

Шу маънода, Фанлар академияси олдида қандай вазифалар турибди?

**Биринчидан**, биз қандай улуғ мероснинг ворислари эканимизни асло унутмаслигимиз лозим. Яқинда ЮНЕСКОда Ўзбекистоннинг маданий тарихи биз учун улкан кашфиёт бўлди, деган фикр айтилди. Ана шу буюк меросни халққа етказиш, уларнинг қалбига муҳрлаш, кенг ташвиқ қилиш миллатимизда гурур ва ифтихор уйғотади. Ана шу ўлмас бойлик ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириб, миллий заковат ва илмий салоҳиятни юксалтириш академиянинг энг асосий вазифасидир.

Хўп, ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтихор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. **Сабаби, фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди.** Илгари айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим. Хўш, аждодларимиздан бизга буюк мерос қолган экан, биздан авлодларимизга қандай мерос қолади? Биз фарзандларимизга қандай илмий ихтиро ва кашфиётларни, қандай фан ютуқларини, қандай илмий тафаккурни мерос қилиб қолдирамиз?

Мана шу масалаларга ечим топиш академиямизнинг **иккинчи** муҳим вазифаси бўлиши керак.



**Учинчидан** эса, умуман академиянинг таркибий тузилишини қайта қурмоқ даркор. Токи, бу фандаги устувор соҳаларни ривожлантириш учун тўла имконият берсин.

Очигини айтганда, илм-фан соҳасида танқид жуда ҳам хуш кўрилавермайди. Диссертацияларни ҳимоя қилишда ёқловчининг бошини силаш, камчилигини деярли айтмаслик ҳоллари кучли. Ҳолбуки, танқид — тараққиёт омилларидан биридир. Бунга барҳам бериш керак. Фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин.

Илму фаннинг чинакам равнақиға эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун, ҳар бир илмий ходим чет тилларини пухта эгаллаши зарур. Негаки, бир илмий кашфиётнинг, айтайлик, инглиз тилидан рус тилига, кейин ўзбек тилига ўгирилиб, бизга етиб келиши учун уч-тўрт йил вақт кетади ва у эскириб қолади. Бинобарин, аслият тилини билмаган олим илмий янгиликлардан, тараққиётдан орқада қолади. Ўз қобиғида қолиш эса фанда йўл қўйиб бўлмайди-ган ҳолдир.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз шарт, деди Президент сўзини давом эттириб, биз — Шарқ давлати, мусулмон мамлакатимиз. Баъзиларнинг фикрича, мусулмон мамлакати бўлиш гўёки қоқоқлик, оқсоқлик белгиси эмиш. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Биз мусулмон мамлакати эканимиздан сира хижолат чекмаслигимиз, аксинча, доимо фахрланишимиз лозим. Чунки Шарқнинг минг йиллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

Шарқона қадриятларда икки нарса ғоят улуғланади: каттага ҳурмат, кичикка иззат. Шу икки хусусият Академияда, умуман, ижтимоий ҳаётимизда асосий тамойил бўлсагина, муҳит соғломлашади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар. Катталарни давринг ўтди, демаслик билан бирга ёшларнинг йўлини тўсмаслик керак. Ана шундагина ўсиш, ривожланиш тезлашади.

Фан аҳлига, зиёлиларга самарали ишлаш учун зарур шароит яратиб бериш давлатнинг бурчидир, деди Президент. Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

Айниқса фундаментал фанларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки фундаментал фанлар тараққиёт асосидир. Нима учундир айрим кишиларда бу фанларни ривожлантириш қимматга тушади, деган нотўғри қараш бор. Фақат бу фанлар улкан самарасини кейинроқ беради, холос. Улар олимдан алоҳида салоҳият, истеъдод, саботматонат талаб этади. Бу фанлар билан дуч келган ҳар қайси олим ҳам шуғуллана олмайди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, бу фанлар ривожига кўмаклашувчи алоҳида жамғарма тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу жамғарма маблағларини устувор илмий соҳалар учун адолатли тақсимлаш академия ва жамғарма кенгаши зиммасида бўлиши зарур.

Менинг яна бир фикрим шундайки, биз фан ва унинг ҳар қайси бўғинларига — у институт, бўлим, лаборатория бўлсин, тегишли эркинлик, тегишли қулайлик ҳамда моддий шарт-шароит яратиб бермасак, бу соҳада самарали натижаларга эришиб бўлмайди. Бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. **Илм масканларида фақатгина фикр эркинли-**



**ги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур.**

Сўзимнинг якунида шуни айтмоқчи-манки, деди Ислон Каримов, академиямиз бундан буён ҳам энг нуфузли фан маскани бўлиб қолсин. Илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғири-

ни енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улуғ боболаримизнинг беқиёс ақл-заковати билан фахрланиб юрганимиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳамиша ифтихор қилсинлар.



## ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Азиз биродарлар!  
Қадрли меҳмонлар!

Сизларни, аввало, мамлакатимиз тарихи ва тақдири учун муҳим аҳамиятга молик бўлган воқеа — Давлат ва жамият қурилиши академияси очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Академиянинг номидан ҳам яққол кўриниб турибдики, бундай Академиянинг тузилиши дунё харитасида пайдо бўлган, ўзига хос ва ўзига мос йўли билан дадил қадам қўяётган мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётидаги давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Хонимлар ва жаноблар!  
Дўстлар!

Мен мазкур Академиянинг ташкил этилишида фаол меҳнат қилган, бу ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган барча кишиларга чуқур миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок қилаётган азиз меҳмонларимиз — Ўзбекистоннинг янги давлатчилиги барпо этилишида, демократик ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бизга ёрдам берган ва кўмаклашаётган кўплаб хорижий давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатли вакилларига ташаккур изҳор қиламан. Чунки Академиянинг очилиши ҳам ана шу жараёнларнинг яққол натижасидир.

Биз мустақиллик йўлини танлар эканмиз, ўз уйимизни бунёд этишда икки

асосий тамойилга таянишимизни бошидаёқ эълон қилган эдик.

Биринчи ва энг муҳим тамойил — биз барча ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ўтмишимизни теран ҳис этиб, халқимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларини, анъана ва урф-одатларини, Ўзбекистоннинг буюк халқи ўзининг кўп асрлик бой тарихи давомида тўплаган фазилатларни имкон қадар инobatга олган ҳолда иш тутамиз.

Ўтказилаётган ислохотларда миллий ва маҳаллий шарт-шароитни назарда тутиш ва акс эттиришгина биз учун уларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон бутун дунё учун очиқ ва биз сайёрамизда рўй бераётган жараёнларни теран ва пухта идрок этишга, демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш борасида ривожланган давлатлар тўплаган улкан тажриба асосидаги замонавий цивилизация ютуқлари билан танишиш, Европа ва жаҳон ҳамжамиятига янада фаол қўшилишга ҳаракат қиламиз.

**Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўплаган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантираамиз.**

Шу маънода, ўзимиз танлаган йўлнинг энг аввалидаёқ АҚШ, Япония,



Буюк Британия, Германия, Франция каби иқтисодий жиҳатдан ривож топган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этганимиз, бошқа давлатлар тажрибасини ҳам ўзлаштирганимиз бежиз эмас.

Айнан ана шу мамлакатлар тажрибасидан биз давлатчилигимиз қаддини тиклаш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш имконини берадиган йўлни топдик.

Биз бундан кейин ҳам хорижий мамлакатларда давлатчилик, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида рўй бераётган янги ижобий ўзгаришларни қунт билан ўрганамиз ва бундан ўзимизга керакли хулосаларни чиқарамиз.

Ана шу тамойиллар Давлат ва жамият қурилиши академияси фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Бунда давлатчилик ва жамият қурилишининг мураккаб ва узоқ йўлини босиб ўтган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш билан бирга, ўз тарихимизни, халқимиз психологиясининг моҳиятини тушуниш фавқулудда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, танлаган ўз тараққиёт ва ислоҳот йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга **кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир.** Бошқа жиҳатдан эса, мустақиллик йилларида давлат қурилиши, жамиятнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш борасида ўзимизда ҳам амалий тажриба тўпланди.

**Биз бир неча бор такрорлаганимиздек, ислоҳотлар йўлининг бошланғич, энг қийин, шу билан бирга энг муҳим босқичини ўтдик.** Олдимизда бу босқични батафсил ўрганиш ва таҳлил этиш вазифаси турибди.

Қандай ишларни амалга ошира олдик, қайси жиҳатларда фаол ҳаракат қилиб, кўзланган мақсадларга эришдик,

қаерда депсиниш рўй берди — буни танқидий кўз билан баҳолашимиз ва зарур хулосаларни чиқаришимиз лозим. Ютуқларимиз нимада, камчиликларимиз нимада эканини аниқ билишимиз керак.

Кундалик тифиз иш давомида бундай муаммоларни чуқур ва атрофлича таҳлил этишга кўпинча вақт етишмаслиги тушунарли, албатта. Академия эса айнан ана шу ишни амалга ошириши, бундай имкониятни яратиши, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни нафақат илмий жиҳатдан, балки икир-чикирларигача ўрганадиган муҳитни шакллантириши даркор. Давлат ва жамият қурилишини асослаш бўйича илмий изланишларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш орқали уларга юксак малакали мутахассислар нуқтаи назаридан атрофлича баҳо бериш, уларни янада ривожлантириш йўллари топиш зарур.

Бу ишда ҳам бошқа мамлакатлар тажрибасига суянишимиз лозим бўлади. Чунки биз ҳозирча бу даражадаги мутахассисларни ўқитиш учун ўз ўқув қўлланмаларимизни, ўз ўқув дастурларимизни яратиб улгурганимиз йўқ. Шунинг учун бу ерда, биринчи навбатда, бошқарув ходимларини тайёрлайдиган йирик хорижий марказларнинг тажрибаси, дастурлари ишга солиниши даркор. Бу ўринда анчадан буён махсус курслар, марказлар, махсус ўқитиш модулларининг кенг тармоғига эга бўлган Франция, Германия, АҚШ мамлакатлари тажрибасини эслаш кифоя.

Бундан ташқари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи Комиссияси каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг институтлари нафақат ўз мутахассисларини, балки собиқ социалистик мамлакатлар учун ҳам ходимларни қайта тайёрлаш бўйича бой тажрибага эга.



Академия — бу оддий ўқув юрти, кадрлар, ҳаттоки, раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас. У янги тафаккур шаклландиган, ўзимиз тўпланган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажрибалар ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказ бўлиб қолиши керак.

Худди шулар янги ўқув дастурлари ва қўлланмаларини яратишда асос бўлиши лозим. Улар Академиянинг шаклланиш жараёнида вужудга келади.

Мен юқорида таъкидлаганимдек, Академиянинг моҳияти унинг номида мужассамлашган. Унда ҳаммаси акс этган: **у бизнинг давлатчилигимиз, фуқаро жамияти қурилишида, сиёсий, иқтисодий тизимларнинг ислоҳ қилинишида, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда тарихий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.**

Худди шу сабабли Академиянинг низоми, унинг ташкилий, таркибий, ўқув дастури, энг муҳими, кадрлар билан тўлдириш қоидалари, ўқитувчилар ва тингловчиларни танлаш тизими уни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ва мўлжаллардан келиб чиқиши зарур.

Бу борада жамиятимиз ва иқтисодиётимизни ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларга ва олдимизга қўяётган асосий вазифаларга яна бир бор тўхталиш мутлақо ўринли бўлади.

**Биринчидан**, бугунги кунда шу нарса мутлақо равшан бўлмоқдаки, инфляцияни бартараф этиш мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда бу — асосий муаммодир.

Инфляция даражасини тубдан қисқартирмасдан, инфляцияни кутиш кайфиятини йўқотмасдан туриб иқтисодий таназзулдаги барча нуқсонларни енгиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, корхоналарни ишлаб чиқариш ва сармоя

жалб этиш борасидаги фаоллигини кўтариш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мумкин эмас.

Ушбу йўналишда биз анчагина ишлар қилдик. Республиканинг банк ва молиявий тизими жиддий ўзгармоқда. Тижорат банкларининг яхлит тармоғи вужудга келди. Эмиссияга қарши тартибга солиш бўйича кучли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нархларни янада эркинлаштиришда инфляция даражасини бирмунча қисқартириш имконини берди.

Агар йил бошида инфляция 16 фоиздан ошган бўлса, ҳозирги вақтда у ойида 1 фоиздан сал кўпроқни ташкил қилади.

Бироқ бу кўрсаткич ғоят кескин, муҳим иқтисодий муаммони ҳал этишдаги дастлабки қадамлардир. Бугунги кунда ишлаб чиқиладиган макроиқтисодий мўлжаллар шунга асос берадики, келгуси йилда инфляциянинг ўртача ойлик даражасини тахминан уч барабар қисқартириш мумкин бўлади.

**Иккинчидан**, давлат мулкани хусусийлаштириш ва мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш бўйича бошлаган ишимизни охиригача етказишимиз керак.

Хусусийлаштириш масалаларида биз сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйдик. “Кичик хусусийлаштириш”ни, яъни, маҳаллий саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошира бориб, биз муайян тажриба орттирдик, мутахассислар тайёрладик. Булар бугунги кундаёқ сезиларли натижаларга олиб келди. Ҳозир миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, савдонинг деярли бутун ҳажмини давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда. Мазкур сектор узлуксиз ривожланмоқда.









*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида.*







Давлат корхоналарини кенг кўламда акциялаштириш орқали хусусийлаштириш жараёнини тугаллаш яқин келгусидаги муҳим вазифадир. Бу эса, ўз навбатида, фонд биржасини, қимматли қоғозлар биржаларини кенг ривожлантириш ва эркинлаштиришни, уларни нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам очишни ва ҳар томонлама тарғиб қилишни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни акциялаштириш, очиқ турдаги акционерлик жамиятларини ташкил этиш аҳолининг барча қатламларини ушбу жараёнга фаол жалб қилиш учун кенг имкониятлар очади.

Мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш реал ҳақиқатга айланади.

**Хусусийлаштириш жараёнини номигагина ўтказиш бизнинг иқтисодий сиёсатимизга зиддир. Бундан кўзланган асосий мақсад — бутун мол-мулкни уларнинг ҳақиқий эгалари қўлига беришдир.** Мулкчилик муносабатлари масалаларида яқин вақтлар ичида қатъий ўзгаришлар амалга оширилиши керак.

Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина унинг эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади.

Мулкнинг мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур.

**Ана шунда пайдо бўлаётган мулкдорлар синфи ўз мамлакатининг иқтисодиётини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча имкониятларни яратади.**

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларини ва йўналишларини диққат билан кузатиб бораётган киши, шак-шубҳасиз, кичик ва хусусий тадбиркорлик йўлида очилаётган улкан имкониятлар-

ни, берилаётган катта эътиборни кўриб турибди.

Бугунги кунда парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилаётган барча қонунлар Президент чиқараётган фармонлар ва ҳукумат қарорлари, амалга ошираётган ишларимиз мамлакатда ушбу соҳани жадал ривожлантиришга қаратилгандир.

Ушбу тадбирлар натижасида пайдо бўлган ўрта ва хусусий тадбиркорлар тоифаси яқин келажакда давлатимизнинг ишончли ва мустаҳкам таянчи бўлади, деб умид қиламиз. Бу таянч қуйдагиларни таъминлайди:

— ички бозорни товарлар билан тўлдириш;

— хорижий сармоя ва энг янги технологияларни жалб этиш;

— аҳолининг, биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини кўпайтириш ва пировард натижада республика аҳолиси аксарият қатламининг турмуш даражасини кўтариш.

Ишончим комилки, кичик ишлаб чиқариш ва хусусий бизнеснинг тадбиркорлиги ва изланувчанлиги билан биз жаҳон бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлай оламиз.

Бизнинг фикримизча, энг муҳими, атрофимизда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда — ўзига ишончли, келажакка ишонадиган, мустаҳкам, барча илғор янгиликларни қўллаб-қувватлашга тайёр ижтимоий қатлам — мулкдорлар қатлами ўсмоқда.

Худди шу сабабли биз қонунчилик ва амалий ижрочилик фаолиятимизда тадбиркорларнинг ана шундай тоифасини ривожлантириш учун зарур бўладиган энг имтиёзли шарт-шароитларни яратамиз.

**Учинчидан, миллий валютани мустаҳкамлаш** ҳозирги даврдаги ва яқин истиқболдаги энг муҳим устувор вазифадир. Миллий валюта жорий қилиниши



билан ҳаётимизда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Миллий валюта — бу мустақиллик рамзидир. Бизнинг муқаддас бурчимиз эса — ўз валютамызни кучли, бутун жаҳонда ҳурмат қилинадиган ва бизнесменлар учун жозибадор валюта қилишдир.

Бугунги кундаёқ бизнинг сўмимизни жорий конвертациялаш таъминланмоқда. У етарли даражада барқарордир. Биз келгуси йилдаёқ уни қатъий валютага эркин алмаштирилишини таъминлашга реал яқинлашдик.

**Тўртинчидан**, чуқур таркибий ўзгартиришлар қилмасдан, биз ўнлаб йиллар мобайнида тўпланиб қолган иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмаймиз, номуносибликларни бартараф қилолмаймиз.

**Фаол таркибий сиёсат — бу стратегик вазифадир.** У кўплаб инвестицияларни талаб этибгина қолмай, балки келгусида республикамыз иқтисодиёти қандай бўлиши, биз жаҳон бозорига қандай салоҳият билан чиқишимиз тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишни ҳам талаб қилади.

Бу узоқ вақт талаб қиладиган вазифадир, бироқ уни ҳал этишга бугунги кундаёқ киришиш зарур.

Айнан ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муаммоси энг долзарб бўлиб турибди. Биз умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг салбий оқибатларидан, бошқа постсоциалистик мамлакатларга хом ашё ва технологик жиҳатдан боғлиқ бўлишдан мумкин қадар тезроқ ҳалос бўлишимиз зарур.

Бунинг учун бизда тегишли барча табиий, минерал-хом ашё, иқтисодий ва энг муҳими — интеллектуал салоҳият мавжуд.

Биз бу соҳада ҳам қисқа муддат ичида салмоқли натижаларга эришдик. Ўз олдимизга қийин, бироқ мамлакат тақ-

дири учун муҳим вазифа — энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш масаласини қўйиб, ҳозир бу муаммони ҳал этиш арафасида турибмиз.

Тузилма ўзгаришлари, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни кенгайтириш туфайли республиканинг айрим ресурсларни четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжи ҳам сезиларли даражада камайди.

Биз иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартиришга эндигина киришмоқдамиз. Биз ишлаб чиқариш тузилмасини бутунлай қайта кўриб чиқишимиз лозим. Рақобатга бардошли, жаҳон бозорига мўлжалланган тайёр маҳсулот, техник жиҳатдан мураккаб, илм-фан ютуқлари асосида ишланган маҳсулотлар, харидоргир кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Азиз дўстлар!

Биз яхши англаб олишимиз керакки, **ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш** билангина туб тузилма ўзгаришларига эришиш мумкин.

Бунинг учун биз мақбул ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитни яратиб қўйганмиз. Йилдан-йилга хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ошиб бораётгани қувончли ҳолдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий капитал иштирокида автомобил, рангли металлар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар бунёд қилинмоқда, коммуникация ва алоқа тизимлари қайта қурилмоқда ва янгидан барпо этилмоқда. Бу маблағлар иқтисодиётимиз тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз беришига кўмаклашади. Эришилган ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганини ҳамда республиканинг келажагини юксак баҳолаган хо-



рижий сармоядорлар ва сармоя ажратадиган давлатлар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётимизга ҳар йили тахминан бир ярим миллиард доллардан ортиқ сармоя сарфлаш истагини билдиришмоқда.

Бизнинг вазифамиз — иқтисодиётимизга қўшилган ҳар бир сўм ёки доллар сезиларли даражада рақобатга бардошли маҳсулот ва моддий неъматга айланишига эришишдан иборат.

Яна бир муаммо, кишилар тафаккурини ўзгартириш, эски қолиплар, энг аввало, боқимандалик кайфиятларидан қутулиш зарур. Жамиятга янгича фикрлай олишга қодир кишилар керак. Биринчи навбатда, ўз иродамизга таяниб, қобилиятимиз ва ишбилармонлигимизга суяниб, ўз куч ва имкониятларимизни тўғри тақсимлаб янги ҳаёт қуришимиз, ҳақиқий келажак учун курашишимиз лозим.

Бугунги кунда гўзал мамлакатимизда маънавий кўтаринкилик кўзга ташланмоқда, жамиятда бунёдкорлик руҳи ҳукм сурмоқдаки, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёқарашида, жамиятимизда Ватанга меҳр ғояси биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий ғурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган ғурур қўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажакимиз учун қудрат бағишлайдиган мана шу ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тар-

бия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни қуришимиз лозим.

Давлат қурилиши ҳақида гапирар эканмиз, биз босиб ўтилган йўлни, ҳамма нарса ягона мафкура тазйиқида қотиб қолган догмалар, штамплар ва қолипларга бўйсундирилган собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш юзасидан қилинган ва қилинадиган ишларни танқидий кўз билан кўриб чиқишимиз лозим.

Бу борада ҳозиргача кўпгина иш қилинди, бироқ биз янги давлат ва жамият тузилмаларини шакллантиришда, кўп партиявийликни йўлга қўйишда, сиёсий, ижтимоий ва маънавий тикланишни амалга оширишда, савияни юксалтириш масалаларида, айтиш керакки, ахборот фаоллигини қотиб қолган ҳолатдан чиқариш борасида қилган ишларимиз бу соҳадаги биринчи қадамлардир.

Буни очик тан олиш лозим. Бу ўринда социалистик тоталитар тизимдан эркин бозор иқтисодиётига, давлат тузилмаларини демократиялаштиришга ўтиш моделининг ўзини тўла оқлаган тажрибаси амалда мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиш адолатдан бўлур эди.

Ҳурматли дўстлар!

Амалга оширилган муайян ишларимизни баҳолаб, олдимизда турган улкан вазифалар хусусида гапирар эканмиз, ўтказилаётган ислохотларимиз йўлининг муҳим бир хусусиятига тўхталмоқчиман. Биз бошдан оқ ислохотларнинг машҳур моделларидан нусха олишдан воз кечдик. Ўзимизнинг йўлимизни танладик, ислохотлар жараёнига асос бўлиши лозим бўлган тамойилларни аниқ белгилаб олдик.

Тўғриси айтиш керак, бизнинг ислохотлар қайси йўналишда бориши лозимлиги масаласига ёндашувимиз ва нуқтаи назаримиз дастлаб хорижда унча хушлангани йўқ. Дастлабки уч йил да-



вомида бизни консерваторликка мойилликда айблаб, бизга иш юритишни ўргатиш ва ҳатто ишимизга тузатиш киришиш майллари ҳам кўриниб турди.

Бироқ ҳаёт ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Бугунги кунда охир-оқибатда ким ҳақ бўлиб чиққани, қайси модел самарали ва прогрессивроқ эканига амин бўлиш имкони бор.

Мисол учун оладиган бўлсак, собиқ социалистик макондаги бошқа мамлакатдан ҳақиқий ҳаёт ва шаклланган турмуш тарзини ҳисобга олмасдан, ўзгаларнинг тавсиясига кўр-кўрона эргашиш нималарга олиб келганини ҳамма кўриб турибди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги "Фалаж қилиб даволаш" билан боғлиқ барча уринишлар давлат бошқаруви таъсири сезилмаслиги, шу билан бирга, бозор иқтисодиёти амалга оширадиган зарур ташкилотлар, яъни бозор инфраструктураси ташкил бўлмаганлиги кўп жиҳатдан салбий натижаларга олиб келиб, бир қанча мамлакатлар учун ҳалокатли оқибатга ҳам айланди.

Ислоҳотларни бошлаш пайтида кўпчилик эски нарсаларни тезда бузиб ташлаш, бозор муносабатларига шошилиш равишда ўтиш кишини бир зумда бой қилиб юборади, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратади, деб ўйлаганлар ҳам оз эмасди.

Бироқ, зарур шарт-шароитнинг мавжуд эмаслиги, бир сўз билан айтсак, ҳаёт ҳақиқатини рад этиш бу каби хомхаёлларнинг рўёбга чиқишига йўл қўймади.

**Бошқа мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврида дадил чора-тадбирлар билан бозор тузилмаларини ривожлантиришда кўмаклашишга қодир фаол ислоҳотчи — давлат зарур экан.**

**Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқладики, бозорни қўллаб-қувватловчи механизм ва тузилмаларни барпо қилмасдан туриб, тегишли шароит туғдирмасдан туриб, режали иқтисодиётдан бозор тизимига ўтишни амалга ошириб бўлмайди.**

Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса кучли, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак.

**Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз.** Бу эскича фикрлаш юкидан холи бўлган янги ходимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади. Таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқиши зарур. Сифат жиҳатидан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркор.

Биз яхши биламизки, бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олдиндан тайёрлаб қўйилган мутахассислар ва раҳбарларнинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам ўтган замондан, ўтган тизимдан чиққан имизни тан олишимиз керак. Ва бизнинг қонимизда эскича қолип, эскича фикрлашнинг муайян асоратлари борлигига ҳам иқрор бўлишимиз шарт.

Шу билан бирга, яхши англаймизки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз.

Хўп, масала шундай қўйилар экан, табиий бир савол туғилади, яъни янги, замонавий мезонлар билан фикрловчи одамлар, ходимларни тарбиялаш учун, бу ишни давлат йўлига қўйиш борасида нима қилдик?

Албатта, бизнинг олий ўқув юртларимиз, бошқа илм даргоҳлари давлат қурилишининг бу муҳим соҳасига ёнда-



шувларни ўзгартириш бўйича кўп иш қилмоқда. Ҳаёт тажрибасининг ўзи ҳам бугунги талабни тушунадиган кўплаб раҳбар ва мутахассисларни тарбияламоқда. Бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Лекин, очиғини айтганда, ҳар хил қолиплардан холи, мутлақо янги давлат барпо этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини эплайдиган, ижтимоий тараққиётга ривож берадиган, уни мустақамлайдиган мутахассислар ва фидойи одамларни тарбиялашга ҳануз киришганимиз йўқ.

Менинг фикримча, бугунги кунда бу соҳа — кадрлар тайёрлаш иши маблағ сарфлашда энг даромадли бўлган соҳага айланмоқда. Чунки бу тармоқ эртага ҳар қандай давлатнинг, халқнинг, миллатнинг тараққиёти учун зарур бўлган олтин омил — етук мутахассисларни бера бошлайди.

Бу, албатта, алоҳида мавзу, лекин мен бу гапларни шунинг учун айтяпманки, Академия айнан ана шу масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил қилинмоқда.

Академия ташкил этиш, бу шунчаки орзу, мода ортидан қувиш, янги бир институт ташкил этишга интилиш эмас, балки табиий зарурат, қонуният тақозоси ва ҳаётий эҳтиёждир.

Биз ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба ва билимлардан фойдаланиб, маълум маррага етиб келдик. Ислохотларни амалга ошириш борасидаги бундан буёнги олға силжишларимиз тобора қийин муаммога бориб тақалиши мумкин: у ҳам бўлса — юксак малакали ходимларнинг, энг аввал, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамият идоралари, банк ва молия тизимини бошқарадиган даражадаги раҳбарларнинг етишмаслигидир.

Шуни яхши англашимиз керакки, энди пайпаслаб юриб олға силжиш мумкин эмас. **Янги билимларни эгалламас-**

**дан туриб, бундан буёғига ҳаракатлана олмаймиз.** Академиянинг вазифаси фақатгина муайян нафар кадр тайёрлаб беришдангина иборат эмас, балки у ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим.

Хорижда ўқиш учун қанча одам юбормайлик, хорижлик дўстларимиз кадр тайёрлашда қанчалик ёрдам бермасин, биз ўзимизнинг ўқув дастурларимиз ва аҳолини маънавий тарбиялаш дастурларини қайтадан кўриб чиқмас эканмиз, ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Вақт ўтиб бормоқда. Бизнинг ўрнимизни босадиган янги авлод етишиб чиқмоқда. Масаланинг моҳияти улар ҳаётга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир.

Улар қайси ғояларни олға суради? Қандай маънавий қадриятларни афзал кўради? Ахир, гап биз мамлакат тақдирини ишониб топширадиган янги авлод ҳақида кетмоқда.

Академиянинг асосий вазифалари аниқлаб қўйилган. Улар энг аввало қуйидагилардан иборатдир:

Давлат, ижтимоий ва хўжалик тузилмалари ходимлари орасидан талантли, интеллектуал иқтидорли тингловчиларни танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва малака даражасини ошириш, **уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш.** Бу Академиянинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, Академия олдида бошқа вазифалар ҳам қўйилганки, улар қуйидагилар билан боғлиқдир:



— раҳбар кадрлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқишда ва жорий этишда қатнашиш;

— давлат ва ижтимоий қурилишни, иқтисодий ривожлантиришни такомиллаштириш, психология ва социология соҳаларида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек кадрлар сиёсатини такомиллаштириш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти соҳалари бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар ва тавсияномаларни экспертизадан ўтказиш.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Академияга кадрларимизни тайёрлашда қатнашиш учун хорижий мамлакатларнинг таниқли ўқув ва илмий марказларидан машҳур олимлар ва мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқи берилган.

Ўқув жараёнида тингловчиларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибаларни, хорижий тилларни ўрганишга, Ўзбекистоннинг тарихий мероси ва миллий анъаналари соҳасидаги билимларни эгаллашига эътибор қаратилади. Таълим беришда раҳбар кадрларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий ва профессионал ўстириш масалалари муҳим ўрин тутди. Биз уларни етакчи хорижий ўқув ва илмий марказларда, халқаро ташкилотлар ва фирмаларда тажриба ўрганишларини ташкил этишни назарда тутганмиз.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаганлар раҳбар ходимлар билан таъминлашга резерв бўлиб хизмат қилади.

Шунга ишончимиз комилки, бу борада кўп нарса Академияда ишлайдиган, ўқитадиган ва унга раҳбарлик қиладиган мутасаддиларга боғлиқдир.

Бу борада ҳам бизда қўйилган талабларга жавоб берадиган тайёр кадрлар,

профессор-ўқитувчилар таркиби йўқ. Буни биз тушунамиз.

Шу сабабли, ишонаманки, Академиянинг мураккаб фаолияти давомида унинг ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланиб ва куч-ғайратга тўлиб боради.

Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон, аввало, ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини, биз энди бошлаган йўлни илгари босиб ўтган давлатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарур. Буни амалга оширишда хорижий тилларни пухта эгаллаш керак.

Шу билан бирга, мен Академия фаолиятига амалий ишда бой тажриба ортирган олимларимиз ва профессорларимиз, халқаро ва хорижий ваколатхоналар ва элчихоналар раҳбарлари жалб этилишини истардим.

Бугунги ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги ҳар қандай қимматли ғоялар ва фикрлар соҳиблари билан учрашиш, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, нафақат Академия тингловчилари учун, балки унинг ўқитувчилари учун ҳам бутун бир мактаб бўлиши муқаррар.

Бу борада мен Сиз, хорижлик ҳамкасбларга ва дўстларга жуда катта умид билан қарайман. Биз хорижий меҳмонларга, Европа ва Америка олимлари ҳамда амалиётчиларига катта умид билдирамиз. Ўзбекистондаги ижтимоий ва давлат қурилишининг барча соҳалари бўйича ўзларининг қизиқарли ғоялари ва тавсияномаларини Академия билан баҳам кўришни хоҳлашган Германия, АҚШ, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар билан ҳозирдаёқ келишувлар мавжудлиги бизни қувонтиради ва бу



таклифларни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Ишончим комилки, Академия аудиторияларидаги ўқитишнинг бундай тизими, олиб бориладиган эркин мулоқотлар ўзининг керакли самарасини ва натижаларини беради, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Биз яхши биламизки, турмушда ҳамма нарсанинг ўрнини ҳаётий зарурат белгилайди. Ҳаётий зарурат бўлмаса, маънавий эҳтиёж бўлмаса, бошланган ишлардан бирон-бир самарали натижалар кутиш амримаҳол.

Халқимиз асрий орзуларининг рўёбга чиқиши, мустақил давлатчилик асосларини бунёд этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда биз бой тарихий меросимиз, анъаналаримиз, ижтимоий қадриятлар, давлат қурилиши борасида ривожланган мамлакатлар эришган тажрибаларга таяниб миллий давлатчилигимиз пойдеворини қўйдик. Бозор иқтисодиётига асосланган адолатли жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич илгари бормоқдамиз.

Мамлакатимиздаги барқарор тинчлик, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва осойишталик, иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдаги изчиллик бунинг ёрқин далилидир.

Эндиликда одамларимиз ижтимоий, иқтисодий, маданий ислоҳотлар борасида юргизаётган мустақил давлатчилик сиёсатимиз моҳиятини тобора чуқур англаб етмоқдалар. Қўлларини ва руҳий-маънавий интилишларини боғлаб турган кўзга кўринмас кишанлардан, мустабидлик асоратидан озод бўлмоқдалар.

Албатта, бу осон ва енгил кечадиган жараён эмас. Бинобарин, оёғи ердан узилган, хомхаёллардан озиқланган собиқ шўролар мафкураси яратган бу

кишанларни парчалаб ташлаш, қуллик мафкурасидан халос бўлиш ҳар бир фуқародан мустаҳкам ирода, ўткир сиёсий онг, Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик талаб қилади.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир.

Халқимизда ўн қўшчига бир бошчи, деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, халқимиз азал-азалдан ўз етакчиларига қаттиқ ишонган, ихлос қўйган.

Шу ўринда бугунги ҳаётимиздаги муайян бир номутаносибликни ҳам очиқ эътироф этишимиз керак. Бошқарувнинг қуйи қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-ҳаракатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва ҳаракатлар ўрта ва юқори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб этиб олган лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд кимсаларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Бизнинг қатъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танқиддан зарур хулоса чиқариб, тез орада ўз фикр ва савияларини ўзгартирадилар, ёинки биз уларнинг бутунлай баҳридан ўтамыз.

Шонли тарихимизда буюк давлатчиликка асос солган Соҳибқирон Амир Темур ўз Тузукларида: “Тажрибамда кўрил-



ганким, ишбилармон, мардлик ва ши-  
жоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва  
хушёр бир киши минг-минглаб тадбир-  
сиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чун-  
ки тажрибали бир киши минг кишига  
иш буюради”, деб ёзган эди.

Азиз дўстлар!

Халқимиз мустақил мамлакатимиз  
келажагига катта умид ва ишонч билан  
қарамоқда. Бу катта умид ва ишонч за-  
мирида бой тарихимиз, беқиёс маъна-  
вий меросимиз, адолатли жамият қуриш  
асослари, жонажон Ўзбекистонимизнинг

Аллоҳ таолло инъом этган табиий бой-  
ликлари, томирида улуғ аждодлар қони  
жўш ураётган ёш авлод салоҳияти му-  
жассам.

Ана шундай эзгу орзу-ҳавасларимиз  
ижобат бўлишига Давлат ва жамият қури-  
лиши академияси ҳам муносиб ҳисса  
қўшади, дея ишонч билдиришга ижозат  
бергайсиз!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ўқиш-  
ларингизда омад, илмий-педагогик фа-  
олиятларингизда янгидан-янги муваф-  
фақиятлар тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
академиясининг очилиши  
маросимида сўзланган нутқдан,  
1995 йил 3 октябрь*



## ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМИЗ БЎЛСИН

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларни буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Ана шу қутлуғ айёмда ватаним деб, элим деб, бугунги озод Ўзбекистон учун ҳаётини — жонини фидо қилганларни ёд этиш, улуғ аждодларимизнинг руҳларини шод қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиз деб биламан.

Ушбу муборак кунда улуғ тарих ва маънавият эгаси бўлмиш, мустақиллик учун кураш йўлида не-не аёвсиз бўронларни бошидан кечирган, бугунги машаққатли синовларга мардона бардош бераётган сабр-тоқатли, матонатли ва доно халқимизга таъзим қиламан. Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни кўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт

қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-этибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажакимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

Шу мақсадларга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиши, ўз тақдирини Ватан тақдири билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор.

Азиз дўстлар!

Она юртимиз учун, унинг порлоқ келажак учун барча эзгу ниятларимизни бахшида этайлик!

Азиз ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик!

Ватанимиз олдида ўз инсоний ва фуқаролик бурчимизни сидқидилдан бажо келтирайлик!

1878  
125 1  
2003





Илоҳим халқимизнинг тинчлиги ва  
тотувлигига кўз тегмасин, хонадонимиз-  
дан файз, қут-барака аримасин!

Мустақиллигимиз боқий бўлсин!  
Шу муқаддас мақсадлар йўлида биз-  
га Парвардигорнинг ўзи мададкор бўл-  
син.

*Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг уч йиллигига  
бағишланган байрам  
тантаналарида сўзланган нутқ,  
1994 йил 31 август*





*Янги спорт мажмуи лойиҳаси муҳокамаси.*





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов  
Олимпия Олтин ордени билан тақдирланди*













*Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранча Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” орденининг топширилиши.*



*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Атлантадаги XXVI Олимпия ўйинлари қатнашчилари О. Чусовитина ва А. Дзюндзяк билан.*





*XXVI Олимпия ўйинлари  
ғолибларига қимматбаҳо  
совғаларнинг топширилиши.*




\*\*\*\*\*  
\* ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ОСИЕ \*  
\* МАМЛАКАТЛАРИДАН КЕЛГАН \*  
\* МЕХМОНЛАРНИ ҚУТЛАЙДИ \*  
\*\*\*\*\*  
\* TASHKENT WELCOMES \*  
\* SPORTSMEN OF THE CENTRAL \*  
\* ASIAN STATES \*  
\*\*\*\*\*





ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ  
МУҚАДДАСДИР





## ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида “Ватан — саждагоҳимдир” деган фикрни баён қилади.

**Чиндан ҳам, ватан туйғуси, ватан тунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.**

**Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкати қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамшиша тайёр турмоғимиз даркор.**

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

Шундан кейин сизу биз бу дунёдан армонсиз ўтишга ҳаққимиз бўлади, деб ўйлайман. Миллий ғурури, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.<...>

Бугун олдинги сессияда баён этилган фикрларни чуқурлаштирган ҳолда, сиз муҳтарам ноибларнинг диққатингизни Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг — Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига жалб этмоқчиман.

Биз — бешта қудратли шоҳи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жилвини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъи назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Кўпчилик одамлар, жамоатчилигимиз бир нарсага эътибор берган бўлса керак.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин гапнинг очиғи, кўпинча, минг афсуски, ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига ўтмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.



Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий birlik туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон ширини барча халқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён бўлиши керак.

Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак равнақини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очиқ қалб ва очиқ чеҳра билан кутиб олмоғи муқаррар.

Умид қиламанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва **бу ҳаракатда ижтимоий**

**келиб чиқишидан қатъи назар, қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар — ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркменистон, ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.**

Мазкур жамоатчилик ҳаракати "Туркистон — умумий уйимиз" деб номланса — аини муддао.

Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминиде яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олишига шак-шубҳа йўқ.

Бундай ҳаракат ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоян Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлашга қаратса, аини муддао бўлур эди.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз удабуррон, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлаш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг қўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг  
иккинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан,  
1995 йил 5 май*



## БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

Азиз ватандошлар!

Юртимизга улуғ айём — Наврӯзи олам кириб келмоқда.

Наврӯз — баҳор ва гўзаллик байрами, ёшариш ва янгилашиш байрами.

Наврӯз айёмини — табиат уйғонадиган ойни ўтмишда яшаган боболаримиз “Улуғ ой” ёки “Умид ойи” деб атаганлари катта маънога молик. Чунки, баҳор келиши билан баракали ва мўл ҳосил олиш учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган бу ажиб даврда, нафақат табиат, балки инсон умидлари ҳам куртак очади, инсонлар дили покланади.

Наврӯз қадим-қадимлардан халқимиз учун, диёримиз учун меҳру мурувват байрами бўлиб келган.

Бу улуғ айёмда бева-бечоранинг, етим-есирнинг ҳолидан хабар олиш, кўнгли яримларга таскин бериш — халқимизнинг энг буюк фазилатидир.

Бу улуғ айёмда эски гина ва аразлар унутилади, халқлар ва миллатлар жипс-лашади, ўзаро меҳру муҳаббат ҳукм суради, буюк ишларнинг режалари тузилади.

Халқимиз ибораси билан айтсак, ҳаёт — бизга худо ўлчаб берган омонат. Охир-оқибатни ўйлаб яшаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Биламизки, бойлигу давлат келади-кетади, аммо комил инсонлардан яхшилик қолади, ном қолади, савобли ишлар қолади.

Бугун ҳар бир диёнатли инсон: “Юртимиз тинч, халқимиз тотув бўлсин. Ҳар

бир оила мустаҳкам бўлсин, ҳар бир хонадон дастурхони тўкин-сочин бўлсин. Ҳар бир инсон бахтли-саодатли бўлсин”, дея эзгу ният ва умидлар қилмоқда.

Ўзлигимизни англаб, миллий қадриятларимизни тиклаб, ота-бобомиздан мерос бўлиб қолган анъаналарни юксак кўтараётганимизнинг ҳам, олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг ҳам маъно ва муддаоси аслида шу.

Ўзаро меҳру оқибатимиз кун сайин зиёда бўлиб, адолат қарор топса, поклик ва ҳалоллик одатга айланса — ана шундагина биз тилагимизга етамиз.

Бугунги улуғ айём кезларида яна бир фикрни баён этишга ижозат бергайсиз. Референдум — умумхалқ овоз бериши арафасида одамларимиз турли жойларда бугунги сиёсатимизга ўз муносабатларини очиқ-ойдин билдиришмоқдалар.

Халқимиз бугунги мураккаб ўтиш даврида, шунча қийинчилик, етишмовчилик ва бошқа оғир ташвишларга сабр-тоқат билан бардош бериб, ўз яқдиллиги ва ҳамфикрлиги билан жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдирмоқда.

Давлатимизнинг сиёсатига билдирилган ишонч ва хусусан, менинг шаънимга айтилган фикрларни ғоят юксак қадрлайман. Олижаноб халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан. Ва бугунги муқаддас байрам онларида чин қалбимдан
















айтмоқчиман: бутун умримни, бутун  
борлигимни, керак бўлганда жонимни  
ҳам сизларга, халқимга бахшида этишга  
тайёрман!

Азиз дўстлар!

Бу йилги Наврўзнинг ҳам юртимизга  
қадамлари қутлуғ келсин!

Юртимизни ёмон кўзлардан асра-  
син!

Ҳар бир хонадондан меҳру оқибат,  
бахту саодат ва тинчлик-тотувлик асло  
аримасин!

Қилаётган эзгу ишларимизда Аллоҳ-  
нинг ўзи мададкор бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси  
фуқароларига Наврўз байрами  
муносабати билан табрикнома,  
1995 йил 21 март*



## ДЎСТЛИГИМИЗ ҚУЁШИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР ҚАЪРИДАН НУР СОЧАДИ

Ассалому алайкум, қадрли қозоқ ту-  
ғишганлар!

Азиз дўстлар!

Муҳтарам дўстим Нурсултон Абише-  
вич!

Бугун биз, Ўзбекистон вакиллари, Сиз  
қозоқ биродарларимизнинг очик чеҳра-  
ларингизни кўришдан, Сизларга ўзбек  
халқининг самимий саломларини етқа-  
зишдан ғоят мамнун эканимизни изҳор  
этишга ижозат бергайсизлар.

Биз, Ўзбекистондан келган дўстла-  
рингиз, ўзимизни кўноқ сифатида эмас,  
балки ўзимизга энг яқин ва энг қадр-  
дон, кўнглимиз ҳам, ўйимиз ҳам, нияту  
мақсадларимиз ҳам бир оилада, деб ҳис  
этмоқдамиз.

Азиз қозоқ қардошлар!

Азиз Нурсултон Абишевич!

Энг аввало бу ажойиб ва ўхшаши йўқ  
диёр — биз, барча ўзбеклар учун яқин  
бўлган Қозоғистонга ташриф буюриш  
имконини яратганингиз, Сизнинг Ўзбе-  
кистон шаънига, унинг халқи шаънига  
айтган самимий дил сўзларингиз учун  
миннатдорчилик билдиришни истар  
эдим.

Дўстим Нурсултон Абишевич ва бу-  
тун қозоқ халқини яқинда ўтказилган  
умумхалқ Референдуми натижалари би-  
лан, халқнинг юксак ишончи, Прези-  
дент ваколатлари муддатининг 2000-  
йилга қадар узайтирилгани билан му-  
боракбод қилиш менга улкан мамнуният  
бахш этади.

Биз Референдум натижаларини кўп  
миллионли халқингизнинг Қозоғистон-

нинг ички ва ташқи сиёсати, изчиллик  
билан ўтказилаётган янгиланишлар ва  
ислоҳотлар сиёсати, кўп миллатли халқ  
ва унинг келажаги манфаати йўлида  
ўтказилаётган сиёсатга юксак ишончи-  
нинг намоён бўлиши, деб биламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бизга Аллоҳнинг ўзи қўшни бўлиб  
яшашдек улкан неъматни ҳадея этган.  
Бизнинг халқимизда “**ҳовли олма, қўшни  
ол**” деган мақол бор.

Биз азалдан буюк Турон — Туркис-  
тон деган ерда яшаймиз, бизга битта  
қуёш нур сочади, бир булоқ ва бир дар-  
ёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўшни  
қўшнига ёрдам берган, ундан ҳол сўра-  
ган, бир-биридан нонини, ширин сўзи-  
ни аямаган.

Бизнинг илдиэларимиз муштарақдир.  
Буюк боболаримиз Ал-Беруний ва Ал-  
Форобий, Ибн Сино ва Улуғбек, Баҳо-  
вуддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва  
Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Аве-  
зовнинг, бутун инсоният фахрланиб тил-  
га оладиган кўплаб бошқа аждодлари-  
мизнинг юлдузлари асрлар оша бизга  
нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур соч-  
моқда.

Ҳар биримиз Хожа Аҳмад Яссавий  
номини тилга олар эканмиз, алоҳида  
ғурурни ҳис этамиз. Унинг фаолияти  
донолик ва адолат мезони бўлиб, Тур-  
кистондаги барча халқларни бирлашти-  
риб, жипслаштириб турибди.

Дастлабки учрашувлардан бирини ана  
шу муқаддас жой — Хожа Аҳмад Ясса-



вий мақбараси ёнида ўтказишга қарор қилганимиз ва шу ерда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ўзимзоимиз билан тасдиқлаганимиз тасодиф эмас. Буни Сиз ҳам, Нурсултон Абишевич, ҳақли равишда таъкидлаб ўтдингиз.

Ханузгача ёдимда: қадимги Ясси, ҳозирги Туркистон шаҳри ҳамда унинг яқин атрофидаги овуллар ва қишлоқлар аҳолиси, қозоқлар ва ўзбеклар мақбара олдидаги майдонга тўпланишди.

Халқнинг ўзи бизнинг шартномамизни, халқларимизнинг қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида Нурсултон Назарбоев билан қабул қилган қасамёдимизни маъқуллади.

Ўшанда менинг назаримда биз имзолаган шартномани фақат халқ эмас, буюк аجدодимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳам маъқуллагандек эди.

Азиз дўстлар!

Биз, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, шу гўзал диёримизда яшаётган барча кўп сонли миллатлар ва элатлар, тақдир тақозоси билан аҳил бўлиб яшашга, дўст бўлиб яшашга, хонадонимизни, фарзандларимизни урушлардан, келишмовчиликлар ва бир-бирига қарама-қарши туришдан асраш учун, миннатдор авлодлар бизнинг шаънимизга, ҳозирги қийин шароитда муштарак истиқболимиз биносининг пойдеворини барпо этаётган кишилар шаънига яхши сўзлар айтиши учун ўзимизга боғлиқ ҳамма ишни қилишга маҳкум этилганмиз. Марказий Осиё халқларини буюк мақсадлар йўлида, келажак йўлида бирлаштиришни бошлаб беришда дўстим Нурсултон Назарбоев билан муносабатларимиз яхши пойдевор, метиндек мустаҳкамлайдиган бўғин эканини чин дилдан эътироф этаман. Чунки, шу минтақадаги давлатлар ва халқларни бирлаштириш тўғрисида-

ги кўп гоёлар Нурсултон Назарбоевдан чиққан.

Азиз қозоқ дўстлар!

Ўзбекистонда шу кунларда **Абай Қунанбоев**нинг 150 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кетмоқда.

Буюк Абай ўзбек биродарлари тўғрисида бундай деган эди: "Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ... Ўткир зеҳн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик — буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятдир. Вазминлик ва хушмуомалалик ҳам шуларда..."

Айтинг-чи, азиз дўстлар, биз ўзбеклар шундай сўзларни айтган буюк Абайни севмаслигимиз мумкинми, ахир!

Ўзбек халқи орасида Абайнинг катта шуҳрат қозонгани ҳам шундан. Бу шуҳратнинг яна бир сабаби — қозоқ халқининг бошқа бир фарзанди **Мухтор Авезовнинг асари, унинг "Абай" романидир**. Бу асарни ҳар қандай маърифатли кишининг уйдан топиш мумкин.

Мухтор Авезовнинг ўзи далолат беришича, у буюк **Абдулла Қодирийни** устоз деб билган. Бу эса, кўп нарсанинг, аввало халқларимиз маънавий мероси узвий ва муштарак эканининг далилидир.

Бу — ажойиб ўзбек шоири **Ғафур Ғуллом, дўстлигимиз куёши минг йиллар ошанур сочмоқда**, деганида нақадар ҳақ бўлганини кўрсатади.

Бизнинг биродарлигимиз тарих синовидан ўтган, аجدодларимиз умумий душман хужумини биргаликда даф этишганида, уларнинг қони билан йўғрилган.

**Ўзбекларнинг ўғлонлари ҳам ҳозирги Қозоғистон диёрини босқинчилардан ҳимоя қилиб, қозоқлар билан ёнма-ён урушганини биламиз.**





*Қозоқ маърифатпарвари  
Абайнинг 150 йиллигига  
бағишланган тантанали  
йиғилишида.*



Мана шу имкониятдан фойдаланиб, фақат ўзимнинг эмас, бутун халқимизнинг фикрини айтмоқчиман.

"Ҳозирги кунда Қозоғистоннинг мустақиллиги ва барқарорлиги — Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги ва барқарорлигидир".

Ўзбекистон мустақиллиги ва барқарорлиги Қозоғистон учун ҳам шундай эканига ишонаман.

Қозоқ халқининг ўша йиллардаги тарихи саҳифалари жуда ғамгин саҳифалардир. Бутун-бутун қабилалар ўз жойини ташлаб кетган. Уларнинг кўплари биродарлари — ўзбеклар юртидан бошпана топган. Уларнинг авлодлари — **бир миллиондан ортиқ киши** ҳозир ҳам биз билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Қозоқ уруғлари ўша оғир йиллардан ўзлари учун **тарқалиб кетмаслик, бирлашиш, бир бутун халқ бўлиш керак**, деган буюк сабоқ чиқарганлар, бу сабоқни биз ўзбеклар ҳам бутун узоқ ва қийин тарихимизда бошдан кечирганмиз.

Хорижий босқинчиларга қарши курашда қозоқ халқини бирлаштиришга муваффақ бўлган уч буюк бий — **Тўлабий, Қозоқбекбий, Ойтекебийнинг** номлари чиндан ҳам мардлик ва жасорат, ўз халқига, ўз диёрига чексиз садоқат рамзи бўлиб қолган.

Сиз қозоқ биродарлар **Қарлиғашбий** ҳам деб атайдиган Тўлабий, чиндан ҳам узоқни кўра била оладиган инсон, ўзбек диёрига кўчиб ўтган қозоқларни ўзбеклар билан тинчлик ва дўстликда яшашга, ўзбекларнинг қонунларига риоя қилишга даъват этган эди.

Тўлабийнинг сўнгги хоҳишига қаранг: у ўзини Тошкентдаги муқаддас **Шайхонтоҳур** мазорига дафн этишни васият қилган, шу тариқа бизнинг пойтахтимизни ўзбеклар учун ҳам, қозоқ биродарларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айлантирган.

Ҳурматли дўстлар!

Азиз Нурсултон Абишевич!

Халқларимиз мустақилликка эришиб, демократик жамият куриш йўлидан дадил қадам ташлаётган пайтда қозоқ халқининг яна бир ажойиб фарзандининг номини эслаш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Мен **Турар Рискулов ва унинг сафдошлари** тўғрисида гапиряпман.

У Туркистон ўлкасидаги барча республикаларнинг халқлари бирлашиши ва биродарлигининг қизгин тарафдори ва жарчиси эди. Турар Рискулов ўша даврдаги ҳукмрон мафкурага қарамай, ҳозир биз ёқлаётган ғоя учун мардона курашди, бутун вужуди билан курашди.

Ўз ҳаётини шу ғоя учун қурбон қилди.

**Ажойиб аждодларимизнинг барча халқларнинг бирлик ва биродарлиги учун зўр бериб курашгани, фидокорлиги ва қадимги ўлкадаги бутун халқ кўллаб-қувватлашига интилиши ҳозирги кунда муштарак мулкимизга айланди ва аниқ ишларимизда рўёбга чиқмоқда.**

Олис ва яқин тарихимизда эслашга арзийдиган воқеалар жуда кўп. Бу тарихда фақат бир нарса — душманлик йўқ, чунки, биз икки абадий тушунча, қозоқлар айтгандек, **"ўзбек — ўз оғам"** бўлса, ўзбеклар айтгандек, **"қозоқ йўлдошинг бўлса, йўлдан адашмайсан"** деган тушунчага муқаддас қонун каби амал қилиб келганмиз.<...>

Ҳурматли дўстлар!

Муносабатларимиз янада ривожланиши ва турмушнинг янги-янги қирраларини қамраб олаверишига шак-шубҳа йўқ. Ҳозир Қозоғистонда ўтаётган Ўзбекистон Республикаси кунлари ҳам Ўзбекистонда ўтган сизларнинг республикангиз кунлари сингари — ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш сари ташланган янги қадамдир.

Халқларимиз бундан фақат ютади ва агар биз яхши кўшни ва дўст, тенг шерик сифатида савдо, сармоёлар, айри-



бошлашлар, ҳукумат даражасида ва бошқа даражалардаги алоқаларни кенгайтиришга ўзаро яхши шароит яратиб бериш тамойилини амалга оширишга эришсак, улар ҳозирги ислоҳотларни амалга ошириш натижасида тўғри маънода бой бўлишади.<...>

**Икки давлатнинг ақл-зиё аҳли, миллий санъат юлдузлари, таниқли олимлар, адабиёт арбоблари, журналистлар, иқтисодчилар, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш ходимлари** бир дастурхон теварагида дўстона учрашадиган ҳозирдагидек тадбирлар, байрамона кўнгил очарлар, дунёвий суҳбатлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Биз, халқимиз бошидан кечириётган даврнинг — ҳозирги кунда қадимги Турон — Туркистон диёрида юз бераётган воқеаларнинг муҳимлиги ва масъулиятини биргаликда англаб етмоғимиз лозим.

**Шубҳасизки, турмушнинг барча соҳаларидаги ҳаётбахш ўзгаришлар маънавий ва ахлоқий қадриятларни тиклашдан бошланади. Қадрли дўстлар, айти шу соҳада сизларнинг эътиборли кишилар эканингиз, жамиятдаги, халқ орасидаги обрўйингиз катта аҳамият касб этади.**

Сизлар ижодингиз, ижтимоий фаоллигингиз билан ривожланган ва гуллаб-яшнаган давлатлар сафи томон ҳаракатимизни тезлаштиришда ёрдам беришингиз мумкин. Энг муҳими, **ўзимизнинг бир бутун, яхлит қадимий Туркистон фарзандлари эканимизни ҳис этишимизга ва айти пайтда ўзлигимизни, ўз мустақиллигимиз ва ўзимизга хос фазилатларимизни сақлаб қолишга ёрдам беришингиз мумкин.**

Қийинчиликларни бошимиздан биргаликда кечиришимиз осонроқ бўлади, бунёдкорлик билан шуғулланишимиз, ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий тазйиқларга бардош бериб, олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз осонроқ бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда, биргаликда ҳал қиладиган муаммоларимиз кўп, биргаликда мулоҳаза юритадиган, фикрлашадиган, кўнглимизда тўпланиб қолган ва айтадиган гапларимиз кўп.

XX аср ниҳоясида икки мустақил демократик давлатимиз янги тарихида яна бир беш йилликни ўтказишимиз керак.

Бу йилларнинг қандай бўлиши, улар бизга қандай яхшиликлар келтириши, авлодлар бизни қандай эслаши ўзимизга боғлиқ.

*Қозоғистонда Ўзбекистон  
кунларининг тантанали  
очилиши маросимида  
сўзланган нутқдан,  
1995 йил 20 май*



## УЛУҒ ХАЛҚНИНГ СЕВИМЛИ ШОИРАСИ

Сизни, ўз элига ҳам, ўзга элларга ҳам бирдай азиз шоирамизни асл донишмандлик фасли — муборак 80 ёшингиз билан самимий табриклайман.

Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак, асло муболага бўлмайди. Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз — Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолидан ноёб нишонадир.

Муҳтарама Зулфия хоним!

Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади.

Сиз Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк

фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъдодлар баҳраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи Сизни, ижодингизни янада ёшартириб юборди. Мафтункор шеърятингиз ёшлик нафаси билан қайта учкунланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд куни миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуғ сана истиқлол замонида, ёруғ кунларда ўтаётган миллионлаб муҳлисларингизнинг қувончига қувонч қўшиши жуда табиийдир.

Шундай эзгу лаҳзаларда Сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Улуғ халқимизнинг севимли шоирасига, муҳаббат ва ҳаёт куйчисига мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи доимо ёр бўлсин!

*Шоира Зулфиянинг 80 йиллиги  
муносабати билан қутлов*



## ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон Меъморлари уюшмасининг 60 йиллиги муносабати билан сизларни — мамлакатимизнинг барча меъморларини самимий табриклайман.

Халқимиз маънавияти тарихида меъморлик анъаналари алоҳида ўрин тутди. Дунёга маълум ва машҳур Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларимиз билан ҳар қанча гурунлансак арзийди.

Юртимиз обидалари каби ноёб меросга муносиб ворис бўлиш, аждодларимизнинг анъаналарини изчил давом эттириш ва ижодий ривожлантириш ғоят қийин ва масъулиятли вазифа эканини яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Яқин ўтмишда миллий анъаналарга эътибор сусайиб, шаҳар ва қишлоқла-

римизнинг қиёфаси деярли бир тусга кириб қолганини сиз, меъморлар менадан ҳам яхшироқ биласиз. Эндиликда бу хатоларни тузатиш пайти келди. Негаки, мустақил юрт ижодкор зиёлиларининг, шу жумладан, меъморларининг ҳам онги ва тасаввури мустақил бўлмоғи керак.

Келажаги буюк Ўзбекистонимизга муносиб кўркам ва гўзал бинолар, истироҳат масканлари, гузар ва майдонларнинг энг замонавий, айна пайтда миллий анъаналарга асосланган янги намуналарини яратасизлар, деб умид қиламиз. Бу — замон талаби, халқимиз талаби.

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилайман. Юртимиз ҳар доим обод ва жозибали бўлсин!

*1995 йил 1 июль*



## “МАНАС” — ТУРКИЙ МАДАНИЯТНИНГ УЛКАН БОЙЛИГИДИР

Муҳтарам Асқар Акаевич!

Ҳурматли меҳмонлар, азиз қирғиз оғаниларим!

Аввало, барчангизни қардош қирғиз диёридаги улкан шодиёна — буюк “Манас” эпосининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан қизгин табриқлайман!

Азиз дўстлар!

Дунёдаги жуда кўп халқлар ўзларининг буюк-буюк ўғлонларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай муқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди. Бундай имконият ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу тўй нафақат қирғиз халқи учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминиде асрлар бўйи оғанини бўлиб яшаб келатган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун “Манас” эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан чинакам ифтихор қилишга ҳаққимиз бор. Қани айтинглари!

Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган?

Унинг маслакдоши, дostonда айтилганидек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган?

Биз, ўзбеклар, катта гурур билан, фахр билан айтамикки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли қизи Хоникей бўлган.

Шундан кейин, азизларим, ўзбек ва қирғизнинг қардошлигига яна қандай далил керак? Яна қандай исбот керак?

Азиз дўстлар!

Тўйнинг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у узоқларни яқин қиладди, яқинларни эса тагин ҳам жипслаштириб, қадрдон қиладди.

Биз бугун жаҳон маданияти хазинасига “Манас”дек асар билан муносиб ҳисса қўшган қирғиз халқининг даҳоси ва бадий тафаккури билан ҳақли равишда ифтихор қиламикки. Чунки қирғиз халқининг тарихи ва тақдири барча туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи ва тақдири билан муштарак боғлиқдир.

Бизнинг ота-боболаримиз: “Бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир” деб ўтганлар. Яхши-ёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар, босқинчи ёвларга қарши бирга курашганлар, дўстлик бурчига ҳамиша содиқ қолганлар.

Туркистон халқларининг мумтоз миллий қахрамонлари — Гўрўғли, Алпомиш, Манас, Ойсулув, Авазхон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу одамлар доим ўз атрофларига элу халқ-







ни йиғадилар, юртни обод, ҳаётни фаровон этадилар.

Қирғиз халқининг миллий қаҳрамони, донишманд Манас тарқоқ қирғиз қабилаларни, барча туркий элларни бирлаштиришга интилади, одамзодга доимо ватанпарварлик ва мардликдан сабоқ беради.

Қудратли ва салоҳиятли давлат барпо қилиш, уни тараққий эттириш — Манас ботир ҳаётининг бош мақсади ва мазмуни эди.

Бу олижаноб ғоя — ҳар доим бирга бўлиш, дўст бўлиш, ҳамдард, ҳамнафас бўлиш — биз учун, яқинда мустақилликка эришган Марказий Осиё халқлари учун бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифадир.

Азиз бовурлар!

“Манас” қирғизнинг азалий ва абадий қомусидир, деб айтсак асло муболаға бўлмайди.

Юз йиллар оша ўз ота-боболарининг қутлуғ меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган, қардош-жондош қирғиз дўстларимизнинг бу борадаги ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Шунинг учун ҳам бу дostonни яратган ва унга асрлар давомида сайқал бериб келган қирғиз халқининг бадиий заковатиға, ноёб истеъдодли манасчи оқинларға ўз эҳтиромимизни, ҳурматимизни изҳор этиш бизнинг бурчимиздир.

Яқинда Тошкентда бу салобатли дostonнинг ўзбек тилидаги янги таржимаси босилиб чиқди. Биз бугун “Манас” гўзалликларидан халқимизни баҳраманд қилиш ишиға катта ҳисса қўшган атоқли шоир — таржимонларимиз Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Адашбоевларнинг номларини ҳам ҳурмат билан эслашимиз жоиз.

“Манас”нинг 1000 йиллиги муносабати билан бугун Ўзбекистонда жуда кўп анжуманлар, тантаналар бўлиб ўтди.

Қадрли дўстлар!

Мен сўзимнинг бошида халқларимизнинг яқин қариндошлиги тўғрисида гапирдим.

Ўша гўзал аёл Хоникейнинг синглиси Арука Манаснинг тутинган иниси Алмамбетнинг хотини экан. Бухоро хонининг яна бир қизи эса Сари Аркадаги қозоқ хони Кўкча ботирнинг аёли бўлган.

Бундай қариндошлик ўша замонларда Бухоро, Талас ва Сари Арка хонликлари орасида тинчлик, осойишталикка хизмат қилган экан.

Мен нима демоқчиман?

Мен шуни айтмоқчиманки, Яратганининг ўзи Сиз билан бизға, юртимизға насл-насабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гўзал аёлларни — ажойиб мўъжизани ҳам ато этган!

Шунинг учун, биродарлар, Аллоҳ тало бизни, қирғизни, қозоқни, туркманни, тожикни, ўзбекни ва бошқа қардошларимизни ҳеч қачон қиз олиб, қиз беришдан, борди-келди қилишдан айирмасин.

Қадрдонларим!

Ўзбек билан қирғиз — бир туққан, бир туғишган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Қирғизистон ҳам қийинчиликларни мардонавор енгиб, ўз мустақиллигини мустаҳкамламоқда, жаҳон ичра ўзига муносиб мавқени эгалламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатлари тепасида чарақлаб турган қуёшдан баравар нур эмиб, кўкка қараб бўй чўзаётган азим чинордек бўлиб, бир-бири билан кенгашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб иш тутаётганлари, “Туркистон — умумий уйимиз” ҳаракатининг кундан-кунга кенгайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда.

Эзгу мақсадларимизнинг амалға ошиши йўлида Манас каби улуғ миллий





*Президентлар учрашуви: Н. Назарбоев (Қозоғистон),  
А. Акаев (Қирғизистон) ва И. Каримов (Ўзбекистон).*

*Президент И. Каримов қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматов билан.*



қахрамонларимизнинг руҳи бизга беқиёс маънавий мадад бўлиши, шубҳасиздир!

Муҳтарам қирғиз бовурларим, азизлар!

Манас ва Алпомиш — қиёматли дўст. Ўзбек ва қирғиз — қиёматли дўст. Шундай экан, ижозатларингиз билан мен ўзбек халқи номидан, Алпомиш номидан Сиз азизларнинг ҳаммангизни, қадр-

дон дўстим Асқар Акаевни чин дилдан қутламоқчиман!

Манаснинг тўйи — бутун Туркистоннинг тўйи. Манаснинг тўйида қадим диёримизнинг забардаст мутафаккирлари Рудакий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Махтумқули, Абай, Тўхтағул, Бердақ ва бошқа улуғ зотларнинг руҳлари шод бўлаётгани рост бўлсин!

Манасдай суянчи бўлган Қирғизистон гуллаб-яшнасин, равнақ топсин!

*Бишкекда “Манас”  
эпосининг минг йиллиги  
тантаналарида сўзланган нутқ,  
1995 йил 28 август*



## БИЗ ҚУРИШ, ЯРАТИШ ЙЎЛИДАН БОРАВЕРАМИЗ

...Муҳим масала — одамларимизнинг, аввало, фаолларимизнинг, жамоатчилигимизнинг тафаккурини ўзгартириш даркор. Жамиятга янгича фикрловчи одамлар керак. Боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, ўзининг кучига, ақлу заковатига, қурбига, ўзининг мулкига ишониб, ёруғ келажак, муносиб, эркин ҳаёт учун тинимсиз курашиш лозим.<...>

Одамларимиз, жамиятимиз мафкура-сида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, борингки, ҳақиқий иймонга айланиши керак.

**Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди.** Бу буюк ғоялар ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга муқаддас бойлик — муқаддас мерос бўлиб ўтиши керак.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси учинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан,  
1995 йил 30 август*



## МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, БАҲҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК

Биз нафақат Европа, балки жаҳон ҳам-жамиятига тезроқ киришимиз керак. Агар биз ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб ётсак, ўз минтақамизда ўралашиб қолсак, билингки, бу биз учун катта зарар. Кимки шундай фикр-хаёл билан юрган бўлса, демак, унинг фаҳми калта, тушунчаси паст. Тирикчилик, умуман бу дунё олди-берди муносабатлари асосига қурилган. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Шундай экан, бизнинг муносабатимиз самимий бўлиши керак, чегараларимиз очиқ бўлиши керак. Биз ота-оналаримизга, ҳатто саксондан сакраган қарияларимизга дунёнинг кенглигини кўрсатишимиз керак. Бу — бизнинг фарзандлик бурчимиз. Қурби етарли, бели бақувват одамлар, албатта, ўз йўлини топади. Хоҳлаган жойига боради, боряпти ҳам. Ҳозир имконият катта.

Шу гапларни айтяпман-у, кўз олдимда саксон иккига кириб оламдан ўтган онам гавдаланиб турибди. У Самарқанддан бошқа бирорта шаҳарни кўрган эмас, ҳатто Тошкентни ҳам. Раҳматли онам сингари ўзининг қишлоғидан бир қадам нарига чиқмаган миллионлаб аёлларимиз бор. Бир ўйлаб кўринглар, Европа аёлларидан ёки эркакларидан нимамиз кам? Қайси жиҳатдан ожизмиз? Хизмат юзасидан кўп жойларни бориб кўряпман. Ҳозир ҳам кеча кўрганларим таассуроти остидаман. Халқимизнинг уларга нисбатан анча маданиятли экани сезилди. Шу боис чегарани очишимиз керак, токи биз бошқа юртларга эмин-

эркин бориб-келайлик, бошқалар эса бизникига бемалол келиб кетсин.<...>

Агар биз, Туркистон халқлари, аҳил яшасак, чегарамизни биров қўриқлашига ҳожат қолмайди.

Бизнинг аждодимиз бир, азал-абадан қариндош, қондош, қисматдош бўлиб келганмиз. Ҳаммамизни Аллоҳнинг ўзи яратган. Унинг ўзи инъом этган беҳад куч, салоҳият, бойликка эга, соҳиб бўла туриб, нима учун четдан посбон чақиримиз керак?! **Ахир биз ҳамма вақт бир-биримизнинг ютуғимиздан қувониб, камчилигимиздан куюниб келганмиз-ку! Нима учун биз Худо берган ақлни яхшилик томон ишлатмаймиз, бир-биримиз билан аҳил, оға-ини бўлмаймиз?!** Бугун эса замоннинг зўри билан орамизга тортилган чегарани пеш қилиб, давр синовидан ўтган аҳиллигимизга путур етказяпмиз. Чегарамизни ёт одамларга ишониб топширяпмиз. Бу менимча, Ватан тақдирини кўш қўллаб бировнинг измига беришдан бошқа нарса эмас. Агар биз бирлашсак, биздан зўр куч топилмайди. Менинг бунга ишончим комил.

Биз уруш ҳақида кўп гапирамиз. Аслини айтганда, уруш — бир-бирини қириш, ўлдириш одамзот табиатига ёт нарса. Лекин урушишади. Бунинг сабаби нимада? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа йирик кенгаш ва ташкилотлар бунинг олдини олиш учун йилига миллиард-миллиард пул сарфлайди. Аммо урушлар давом этяпти.























Бир кун бўлсин тўхтамаяпти. Нега? Бу офат қачон тугайди? Бунинг сабаблари кўп: очкўзлик, манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, амалпарастлик, жаҳолат, маданиятсизлик ва ҳоказолардир. **Уруш таназзул юз бераётган жойдан чиқади. Нодон одам давлат тепасига чиқиб олиб, бошқаларнинг ютуғига ҳасад қилиб, ўз нафсини бошқалар ҳисобидан қондирмоққа интилади. Ўз нафсини қондириш учун халқини қирғинбаротга бошлайди. Бу биринчи сабаб.**

**Иккинчи сабаб — жаҳолату маданиятсизликда. Маданият устун бўлган жойда уруш чиқмаслиги аниқ. Илму маърифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка кўтарди. ХХI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётнинг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаймиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзот ёруғ кунларга эришиши муқаррар!**

Ватан, Ватан муҳофазаси ҳақида гапирар эканман, айни ўринда уни хавф остига қўядиган яна бир иллат ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу сотқинликдир. Сотқинлик — маккор дўстнинг иши. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгуликка садоқати бўлмаган, бирон нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлиги бор одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамла-

катнинг орасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боисдан бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз керак. Уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги керак. Агар теварак-атрофимиздаги бирор одамда шундай аломатлар сезилаётган бўлса, дарҳол тарбиямизга олиб, уларнинг юрагига эзгулик уруғини қадайлик.<...>

Маърифатли дунёда “фуқаролар давлати” деб гапирилмайди. “Фуқаролар жамияти” дейилади. Давлат — бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадрли баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизими-га киради.

Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Мен бу ҳақда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида гапирган эдим.

Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти куришдан иборат. Америкада бунга жуда яқин келиб қолинган. У ерда ижтимоий гуруҳларнинг манфаати билан ҳамма ҳисоблашишга мажбур.<...>

Назаримда, бу жуда катта зарур ва фойдали ташкилот. Биз ҳам ўзимизда ана шундай ташкилотни тузишимиз керак. Турли нуқтаи назар ва турли манфаатга эга бўлган кишиларнинг кутилмаган хулосалари истиқбол учун муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот тилида, асл манба, деган тусунча бор. Афсуски, жаҳон, хусусан, Америка жамоатчилиги айни пайтда Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеалар



тўғрисидаги ахборотни иккиламчи манба — Россия оммавий ахборот воситаларидан олишмоқда. Ваҳоланки, Россия оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлар, кўпинча, бирёқлама ёки мутлақо бир-бирига қарама-қарши бўла-

ди. Битта газетани ўқисангиз — бир гап, бошқасида эса — бунинг тамомила тескариси. Бундай матбуотда ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмаган ҳолда истаган уйдирмани ёзавериш мумкин.

*Ўзбекистон телевидениеси  
мухбирининг саволларига  
жавоблардан,  
1995 йил 27 октябрь*



## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

Бугун биз ўтказаяётган ислохотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб қолмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодини қуриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта, барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромади яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир бор такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади.<...>

Мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи бевосита маънавият масалалари билан боғланиб кетади. Қўшни Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган нохушликларни, шимолдаги жараёнларнинг кўпгина но-зик жиҳатларини ҳисобга олсак, халқи-

миз, миллатимиз, авваламбор мана шу заминда яшаётган, Ўзбекистонни ўзининг муқаддас Ватани деб билган одамлар маънавий баркамол, ақл-заковати бақувват бўлса, бизни ҳеч қандай куч енголмайди. Шу сабабли ҳам маънавият масаласи биз учун айниқса муҳимдир.

Ота-боболаримиздан бизга бой маънавий мерос қолган. Энди бизнинг қонимизга кўчган, бизнинг насл-насабимизга хос ўша улкан маънавий салоҳиятни янада юксалтиришимиз, уни фарзандларимизга, келажак авлодга муносиб мерос қилиб қолдиришимиз керак. Қурилаяётган бу катта корхоналарга, улкан иншоотларга, барпо этилаяётган озод ва обод ватанга ҳар томонлама етук, бардам, бақувват авлод биздан ворис бўлиб қолсин. Улар маънавий жиҳатдан биздан юксак даражаларга етишсин. Шундагина ўзимизнинг миллатимизга мос муносиб ҳаёт кечирдик, тарих олдида, фарзандларимиз олдида ўз бурчимизни бажардик, деб ҳисоблашга ҳақли бўламиз.

*Ўзбекистон телевидениеси  
мухбирининг саволарига жавоблардан,  
1995 йил ноябрь*



## ЎЗБЕКИСТОН КИНО САНЪАТИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни жаҳон кино санъатининг 100 йиллиги, ўзбек миллий киносининг 85 йиллиги ҳамда “Ўзбекфильм” киностудиясининг 70 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Бир асрлик тарихга эга бўлган жаҳон кинематографияси тараққиётида ўзбек кино санъатининг ҳам ўзига хос салмоқли ҳиссаси бор. Мамлакатимиз киноусталари яратган қатор бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар дунёдаги турли фестивалъ ва танловларда нуфузли совринларга сазовор бўлган. Ўзбекистон пойтахти Тошкент эса жаҳондаги энг йирик халқаро кинофестивалъ ва анжу-

манлар ўтадиган марказлардан бири ҳисобланади.

Истиқлол туфайли кино санъатимиз собиқ ҳукмрон мафкура тазйиқидан халос бўлди. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимизни ва асрий маънавиятимизни, бир сўз билан айтганда, халқимиз тарихини тўлиқ ва тўғри акс эттириш зарур бўлган замон келди.

Мустақил Ватанимиз кино санъати ижодкорлари ўз қаддини ростлаётган буюк халқимиз руҳи, эътиқоди ва талабига мос, юксак бадиий савияли фильмлар яратадилар деган умиддаман!

Янги йил арафасида барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт ва ижодий муваффақиятлар тилайман!

*1995 йил 28 декабрь*



## ТАРИХИМИЗ ҲАМ, КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАМ МУШТАРАК

Азиз дўстлар, қардошлар!

“Туркистон — умумий уйимиз” руҳи остида ўтаётган улкан анжуманнинг ташкилотчилари ва биринчи иштирокчиларини чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Марказий Осиёдаги беш мустақил мамлакат жамоатчилиги вакиллари эзу ниятлар билан бошлаган саъй-ҳаракатлари бугун ўзининг дастлабки самарасини бергани биз учун гоят қувончли ҳолдир.

Аждодларимиз азал-азалдан бир оила бўлиб, қон-қариндош ва оға-ини бўлиб яшаб келишган. Тақдирлари узвий халқларимизнинг расм-русуми, урф-одати ва анъаналари, бой маданиятлари ҳам муштаракдир.

Туркистон тупроғини Яратганнинг ўзи ҳам алоҳида меҳр ва ихлос ила бино қилган, деб айтсак асло муболаға бўлмайди. Бу заминда камол топган юзлаб буюк зотлар даҳоси бутун дунё маънавияти ва маданиятини чароғон этиб тургани бежиз эмас. Сиз билан биз буюк алломалар фарзандлари эканимиздан ифтихор қилмоққа ҳақлимиз.

Халқларимиз истиқлол йўлида не-не қурбонлар бермади. Минглаб фидойи

инсонларнинг шу улуғ мақсад йўлида тиккан жонлари эвазига биз мана шу кунларга етишиб турибмиз. Демак, буюк истиқлолимиз қадр-қимматини тўғри тушуниб, порлоқ келажак учун елкамаелка туриб курашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сиз, азиз дўстлар, тарихий бирлигимизнинг тамал тошини қайта қўйиш билан аждодларимизнинг армонларини юзага чиқариб, уларнинг руҳларини шод этмоқдасиз.

Тарихий анжуманингиз Марказий Осиё минтақасида ҳамжиҳатлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, урф-одатларимиз муштараклигини таъминлаш, янада равнақ топтириш ва дунёга ёйиш сари қўйилган дадил қадамдир. Бу халқаро ҳаракатнинг самарадор келажакига мен шахсан қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар!

Сизларга, Сизлар орқали барча қардош халқларимизга тинчлик, осойишталик, бахту саодат тилайман. Буюк мақсадларимизнинг амалга ошишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

*Туркистон халқлари маданияти  
анжумани қатнашчиларига  
табрикнома,  
1995 йил 21 ноябрь*















## ВАТАН МАНГУ ҚОЛАДИ

Азиз ватандошлар!

Ардоқли меҳмонлар!

Бугун — Ўзбекистон давлати, Ўзбекистон халқи учун энг буюк байрам.

Истиқлолимизнинг тўрт йиллик муқаддас тўйини нишонлар эканмиз, шу мўътабар ва гўзал заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг юраги ғурур ва ифтихорга тўлиши табиийдир.

Бизнинг қадимий ва бой тарихимизни, улуғ аجدодларимиз ва улар қолдирган беқиёс маданий мерос башарият маданияти ва ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилганини бутун жаҳон тан олади.

Она юртимиз Ўзбекистон тупроғида, бетакрор ва гўзал диёрда не-не улуғ аجدодлар ва буюк зотлар яшаб ўтдилар. Улар биз ворис бўлиб турган бугунги тарих ва маданиятни бизга мерос қилиб қолдирдилар.

Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўйини ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз — Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа

очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир.

Биздан мангу қоладиган нарса — Ватан шону шуҳрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.

Муҳтарам дўстлар!

Ўтган тўрт йил мобайнида оламшумул воқеалар, ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ҳаётимиздаги бошқалар ҳавас қилса арзийдиган катта ўзгаришлар меҳнаткаш халқимиз меҳнати туфайли амалга ошди.

Тўрт йил ичида Ўзбекистон салоҳияти, унинг улуғвор истиқболи бутун дунё томонидан тўлиқ эътироф этилди.

Тўрт йил ичида биз буюк келажагимизнинг маънавий асосларини белгилаб олдик. Миллий қадриятларимизни тикладик. Буюк аجدодларимизнинг муборак номларини миллат боши узра баланд кўтариб, уларнинг руҳларини шод этдик.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақладик. Барқарорлик шароитида миллий давлатчилигимиз-



нинг мустаҳкам пойдеворини қуриб олдик.

Халқимизга эркин ва муносиб ҳаёт яратиш йўлида улкан ислоҳотларни бошладик ва уларни изчил давом эттирмақдамиз.

Энг асосийси — юртимизда инсоний меҳру оқибат устувор бўлиб турибди. Ёшу қари баробар келажакка катта умид ва комил ишонч билан қарамоқда.

“Ватан мен учун нима берди?” деб эмас, балки “Мен Ватанга нима бердим? деган эзгу фикр билан яшаётганлар, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар тобора кўпайиб бормоқда.

Бу — бугунги замонамизнинг, бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим белгиси — нишонидир!

Қадрли биродарлар!

Шу байрам кунларида юртимизда бунёдкорлик руҳи устун эканини, халқимизнинг яратувчилик салоҳияти тобора кучайиб бораётганини ҳаммамиз ҳам тегран ҳис этамиз ва бундан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, бу ҳол, бу ютуқ бугунги нотинч ва таҳликали замонда биз эришган буюк қудрат ва ифтихор туйғусидан ёрқин далолатдир.

Албатта, биз интилаётган мақсадга етиш учун, танланган йўлимизда собит қадамлар билан бориб, пировардида авлод-аждодларимиз орзу қилган адолатли демократик давлат ва жамият қуриш, эркин ва фаровон ҳаёт яратиш учун ҳали кўпдан-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп синовлардан ўтишимиз кераклигини биз жуда яхши англаймиз.

Биз яхши биламизки, ҳаёт — тинимсиз изланиш, тинимсиз курашдир. Халқимизнинг бошидан кечирган не-не қийинчиликлари, мардона меҳнатининг самарасини кўриш, ундан баҳраманд бўлиш замони — вақти етиб келмоқда.

Мен катта ишонч ва умид билан мана шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман: энг оғир кунларимиз ортда қолди.

Насиб этса, 1996 йил — Мустақиллигимизнинг бешинчи йили — Ўзбекистонимиз учун, халқимиз учун, юртимиз учун юксалиш йили бўлмай, иншооллоҳ.

Азиз дўстлар!

Азиз ватандошлар!

Бугун буюк байрам арафасида:

— бепоён далаларда, завод ва фабрикаларда буюк келажак орзусида пок ниятлар билан мардона меҳнат қилаётган деҳқонларимизни ва ишчиларимизни,

— халқимиз маънавияти хазинасига муносиб ҳисса қўшаётган олимларимизни, ижодкорларимизни, барча зиёлиларимизни,

— донишманд отахонларимизни, дуоғўй онахонларимизни, мунис ва гўзал аёлларимизни,

— истиқлол юкини елкага олишга шай бўлиб турган мард йигитларимизни,

— гўзал ва ифбатли қизларимизни,

— беғубор болаларимизни,

— хуллас, бутун Ўзбекистон элини буюк сана — Истиқлолнинг муборак тўрт



йиллик байрами билан чин қалбимдан  
муборакбод этаман!

Қадрдон юртдошларим!

Президент сифатида шу муқаддас за-  
минда яшаётган ҳар бир одамни алоҳи-  
да бағримга босиб, ҳар бирингизга рав-  
нақ ва омад тилайман!

Эзгу ва пок ниятларимизни амалга  
оширишда Аллоҳнинг ўзи бизга мадад-  
кор бўлсин!

Халқимизнинг насибасини зиёда этсин!  
Юртимиз омон бўлсин!


Шу муқаддас заминимизда яшаётган  
ҳар бир инсон ўз муродига етсин!

*Ўзбекистон мустақиллигининг  
тўрт йиллигига бағишланган  
тантаналарда сўзланган нутқ,  
1995 йил 31 август*









*Республика биржа  
маркази.*









*Тошкент метрополитени бекати.*





*"Интерконтиненталь—Тошкент" меҳмонхонаси  
Самарқанд шаҳридаги "Афросиёб" меҳмонхонаси.*
















ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК,  
ҲАМКОРЛИКСИЗ  
ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ





## ХАЛҚ ҚАДРИНИ АНГЛАШ

Азиз дўстлар!

Биз иқтисодий ислохотларнинг янги даврига қадам қўяр эканмиз, маданий-маърифий соҳадаги ишларимиз, маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини ҳам белгилаб олишимиз керак.

Зеро, миллий истиқлол мафкурасининг, маънавий-маърифий кадриятларнинг жамият ва халқ ҳаётида тутган ўрни беқиёс эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Халқимиз азалдан ўз маънавий кадриятлари ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келган. Шунинг учун у энг мушкул дамларда ҳам ўзлигини йўқотмади. Мана шу Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг катта бир қисми зиёлилар, ижодкорлар эканининг ўзи ҳам халқимизнинг маърифат аҳлига ҳурмат-эҳтироми натижасидир.

Сир эмас, бир вақтлар Марказнинг буйруғини кутиб-бажариб, тепадан кўрсатилган чизиқдан чиқмаслик одатимизга айланган эди.

Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан: “Сизлар ўз ўзларингизни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар”, “Сизлар муте, қарам миллатсизлар”, “Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос”, деб миямизга қуйиб келишмаганми?

Мустақилликка эришганимиздан сўнгра биз сохта мафкуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зугумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, кул-

ликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

Шунинг учун мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушунишимиз лозим.

Бу тушунча аввало:

— Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш;

— ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш;

юксак гоғлар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишидир.

Шубҳасиз, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтаётган одамлар онгида, жамият мафкурасида ўзгаришлар бўлиши табиий. Бироқ, баъзи бировларнинг ҳадик олиб, **эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади, деган фикрлари ўринсиз.**

Эркин бозор иқтисоди билан маънавиятни қарама-қарши қўйишдан, тўғриси айтсак, ўз умрини тугатган эски мафкуранинг ҳиди келади.

Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсати-



мизни шунга қурамыз ва уни тўла татбиқ этамыз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадиган бўлсинлар.

Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу.

Аммо бу йўлни эсон-омон босиб ўтишимиз керак. Ана шу ўтиш даври катта қийинчиликлар туғдираётгани табиий. Бир нарсани тан олишимиз даркор. Агарки, мафкура, маърифат, одамларимизнинг дунёқараши, тафаккури юксалишининг аҳамиятини жамиятимиз истиқболи учун яхши англаётган эканмиз, авваламбор, мана шу йўлда ўзини аямаётган, тадбиркор, ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга етарли даражада шароит туғдириб, ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бериш бизнинг вазифамиздир.

Театрлар, кутубхоналар, музейлар, хуллас, маънавий-маданий муассасаларимиз иқтисодий мададга муҳтож. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичига ўтаётган эканмиз, демак, ишлаб чиқариш ишга тушиб, кўтарилиш юз бериши муқаррар. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир этиши керак.

Қадрли депутатлар!

Маънавий ва маданий-маърифий ишлар билан боғлиқ давлат сиёсати сизларнинг диққат-эътиборингизда бўлиши керак.

Бу борадаги энг катта ишлардан бири — таълим, маданият, матбуот ва ноширлик фаолияти соҳаларига оид зарур қонунларни тайёрлаб тезда қабул қилишдир.

Ушбу қонунлар замонавий талаблар даражасида бўлиб, уларда халқаро маданий алоқалар, ижодкорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳомийлик тартиб-қондаси, солиқ солиш тартиби, муаллифлик ҳуқуқи, гонорар масаласи ва ҳоказолар ўз ечимини топиши керак.

Биз маърифат ва маънавиятга тадбиркорлик ва тижорат соҳалари томонидан қилинаётган ҳомийликни қўллаб-қувватлаймиз, бундай ҳомийларга енгиллик бериш лозимлигини ҳам биламиз. Лекин ҳо-

мийлик маблағлари чинакам бадий асарларга, чинакам ижодий тадбирларга сарфланиши шарт.<...>

Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз бахтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади. Ва аксинча, келажаги буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуг мақсадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродиغا етади.

Ишонч йўқ жойда шижоат, ғайрат бўлмайди. Донишманд боболаримиздан бири бежиз “Маърифат — бу шижоатдир” демаган. Маърифатдан йироқ амалдор ҳеч қачон халқ дилидагини англашга қодир бўлолмайди. Қолаверса, у бунга интилмайди ҳам.

Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагида маърифатсиз раҳбарларни йиғиш билан машғул бўлади. Чунки унинг ягона мақсади ўз амалини мустақкамлашдан иборат бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам у ғайратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қилади, уларнинг ютуғидан азобланади.

Муҳтарам ноиблар!

Мақсадимизга эришишимиз, янги жамият қуришимиз, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислохотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ.

Ёшларга йўл очиш учун, энг аввало, уларнинг ўзида шижоат ва шу билан бирга, ёши катталарга инсоф бўлиши керак.


Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тўсиқ турибдики, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи — бюрократия, тамагирлик, маҳаллийчилик, уруғчилик.

Ўсиб келаётган ёшларга қулоқ солиши, мадад бериши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир кўринишидир. Бундай











одамларнинг нияти аниқ — беш-ўн йил амаллаб ўтирган мансабини йўқотмаса, мўмай маоши ва хуфия “шапка”сини олиб турса, марра уники — у ёғи пенсия. Мустақил давлатимизнинг бугунги бош ширларидан бири — юртим деб, элим деб ёниб яшаш ундайларнинг тушига ҳам кирмайди.

Оқибатда янгилик куртаклигидаёқ нобуд бўлади ва уни бошлаган ёш тadbиркорнинг ҳафсаласи пир бўлади, тараққиётга интилиши сўниб қолади.

**Муҳтарам ноиблар!**

Биз юз бераётган иқтисодий ислохотлар давлат томонидан амалга оширилишини, давлат бош ислохотчи эканини эътироф этдик. Демак, сиёсий-маънавий ислохотларда ҳам, миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислохотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг пойдеворини асослаб беришимиз даркор.

Бугун шуни тан олишимиз керакки, бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган бир пайтда, кўп салбий оқибатлар юзага чиқмоқда. Эски тизим қонунлари ишдан чиқиб, янги тизим қонунлари етишмаслиги ва ҳаётда ишга кирмаганлиги порахўрлик, ўғирлик, қаллоблик иллатларининг пайдо бўлишига ва кучайишига олиб келмоқда. Лекин бундай ҳолат, қандай тизим ҳукмронлик қилишидан қатъи назар, авваламбор, айрим кишиларнинг қонида бор нопоклиги, фирибгарлиги, ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қараши, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятсизлик, очиқроқ айтадиган бўлсак, уларнинг маънавий қашшоқлиги туфайли кўзга ташланмоқда.

Хуллас, давр халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилишини қатъий талаб қилмоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”. Шундай экан, миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни сақлаш билан баробар эканини англашимиз даркор.

Юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қонқонига сингиб кетган азалий хусусиятидир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак.

Шунга кўра Ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим. Бу эса, ўз навбатида, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини миллий маънавият нуқтаи назаридан янгитдан қараб чиқишни тақозо этади.

Ҳанузгача жуда кўп дарсликларимиз шароитга “мослаштирилиб”, чалакам-чатти таҳрирлар билан нашр этилмоқда. Уларнинг мазмун-мундарижаси эскича, илмий-бадиий савияси саёз.

Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бораётганини қайд этиш лозим. Шунинг учун, менинг назаримда кичкинтой болаларимиз учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадиий ва видеофильмлар яратиш зарур. Токи фарзандларимиз фақат Уолт Дисней қахрамонларинигина билиб-таниб қолмасдан, ўзбек халқ эртақларини, миллий қахрамонларимизни ҳам танисин — билсин, улар билан ифтихор қилишга одатлансин.

Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-болаларимиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак.



Шу муносабат билан маданият даргоҳларимиз мутасаддилари, фуқароларимизнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчи эдим: бутун дунёда бундай ноёб бойликлар биринчи галда давлат музейлари томонидан сотиб олинади ва сақланади. Биз ҳам худди шу йўлдан боришимиз, бунинг учун керакли маблағни асло аямаслигимиз даркор. **Тенгсиз миллий бойликларимизнинг шунча талон-торож қилингани етар, энди биз бунга асло йўл қўймаймиз.** Мен жонини халқ бахт-саодати йўлига тиккан фидойи ижодкорларни руҳлантиришга, чинакам истеъдод эгаларини авайлаб-асраш, рағбатлантиришга даъват этаман. Чунки, сир эмас, охирги йилларда чала ва саёз тадқиқотлар, дидсиз, маънисиз “бадий” асарларнинг кўпайиши кўзга ташланмоқда. Бу ҳолат ёш авлодни муқаддас ғоялар руҳида тарбиялашга путур етказди.

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. **Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.**

Қадимги аждодаларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида харомдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак.

Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди.

**Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, у қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир Ватанга хиёнатдир.**

Азиз юртдошлар!

Маънавий тарбияда дин арбобларининг ҳиссаси катта бўлиши керак. Улар ислом қадриятлари ва илмларининг мағзини, эзгулик ва покликка чақирувчи ўғитларни одамлар дилига етказдилар.

**Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар.**

Шунинг учун, азиз дўстлар, биз демократик янгиланиш палласига кирар эканмиз, руҳий покланишни ҳам унутмайлик, тараққиётимизга ғов бўладиган маънавий риёкорликдан тезроқ қутулайлик.

Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишга чорлаган.

Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умум халққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга кучқувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган.

**Маълумки, инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос солган муқаддас ғоя ва тариқатларнинг ватани ҳам Туркистон заминидир.** Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўғитларини эслайлик. У ҳар бир инсонни доимо Худони дилга жо қилган ҳолда, уни доим ўзига мададкор деб билиб, касб ўрганишга, ўз ишининг устаси бўлишга, қисқаси, меҳнат қилишга чақирган.

Асрлар давомида дин одамларни энг улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга ундаган. Халқимиз турмушида, ҳаётида катта ўрин тутган “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл” деган ҳикматнинг яшовчанлигида ҳам айнан диний ақоид ва одобнинг хизмати бор.

Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар туз-



ганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим.

Яна таъкидлаб айтаман, ҳамма гап мана шу икки улкан кучда: умуминсоний ва миллий қадриятларда, аниқроғи, уларни тобора уйғунлаштириб ҳаётга татбиқ этишда.

Муҳтарам уламоларимиз айниқса ҳозирги босқичда ҳар бир йигит-қизимизни илм-маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилишлари лозим. Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда Коинот сиру асроригача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари зарур.

Яна шуни эслатиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, ҳур, кўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда.

Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг вакиллари биз билан елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат қилаётганликлари бизни мамнун этади.

Албатта, мамлакатимиздаги ҳозирги тузумнинг барқарорлиги, унинг келажак тараққиёти биринчи навбатда амалга оширилаётган реал сиёсий курс, уни ижтимоий кучлар ва тоифалар томонидан қўллаб-қувватланиши билан белгиланади.

Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Бу муқаддас мақсад йўлида, керак бўлса, жон фидо қилиш зарур деганимизда, айнан адолатли давлат ва диннинг илдизлари муштарак эканлигини унутмайлик.

Ана шунда, ўйлайманки, Яратганнинг ўзи бизнинг барча хайрли ишларимизга

мададкор бўлади, сабр-тоқат ва куч-қувват бағишлайди.

Азиз дўстлар!

Матбуот ва ошкораликнинг бугунги ҳаётимиз ва келажакимиз учун аҳамияти ҳақида гапириш ортиқча деб ўйлайман.

Мен бугун журналистларга, матбуот аҳлига мурожаат қилмоқчиман. Нега газеталар бунчалик саёз, “жим-жит”, гўё ҳамма ёқда “олам гулистон”дек? Нега матбуотимизда ўткир фельетонлар ёзилмайди? Нега ноқобил ишбилармонлар, порахўр ходимлар фош қилинмайди? Ахир улар адабий асарда, матбуот саҳифасида, телевидениеда ўз қийшиқ башарасини кўрса, халқнинг нафратига гирифтор бўлса, ибрат бўлмайди-ми?

Умуман олганда, Ўзбекистон телевидениеси ишини тубдан яхшилаш керак. Қизиқарли дастурлар, баҳс-мунозара, фикр берадиган, тарбиялайдиган кўрсатувлар жуда кам. Даққионусдан қолган “совет мафкураси”ни тарғиб этувчи эски киноларни, замонавий “ўлдир-ўлдир”, беҳаё фильмларни кўрсатавериш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди.

Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз.

Маънавият ва маърифат жамиятимиз, халқимиз камолотининг бош омилларидан экан, биз бу соҳага давлат миқёсида ғамхўрлик қилишимиз, шароит туғдиришимиз шарт.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим. Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилар юртига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига аминман.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг биринчи  
сессиясида сўзланган нутқдан,  
1995 йил 23 февраль*



## ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК, ҲАМКОРЛИКСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

Ижроия Кенгаш раиси жаноблари!  
Бош директор жаноблари!  
Хонимлар ва жаноблар!

Менга анжуманингизда, жаҳондаги атоқли интеллектуал кучлар анжуманида Ўзбекистон номидан гапириш шарафи муяссар бўлгани учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан сиз — анжуман иштирокчиларини шонли юбилей — жаҳон назарида ҳақли равишда энг нуфузли маънавият ва эзгулик ташкилоти ҳисобланадиган ЮНЕСКОнинг 50 йиллиги билан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

ЮНЕСКОнинг ноёблигини биз энг аввало сайёрамиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданиятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун гўзал имкониятлар яратилаётганида кўраимиз.

ЮНЕСКО — халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини бирлаштирган ҳолда, айна пайтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиётининг интеграция тажрибаси билан бойитётган, халқларни бутун инсониятнинг

жуда бой маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган.

ЮНЕСКОнинг барчага — катта ва кам сонли халқларга ўз тарихий ва маданий ютуқларини намойиш этиш, уларнинг жаҳон интеллектуал маконига интеграциялашуви йўлидаги интилишларини рўёбга чиқариш учун мутлақо бир хил имконият яратиб бераётган муҳим халқаро анжуман сифатида тутган ўрни бебаҳодир.

Биз ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграциясисиз тараққиёт ҳам бўлмаслигига аминмиз.

Шунинг учун ҳам тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда, жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун олдимизда очилаётган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланмоқда.

Бош директор Федерико Майор жанобларининг яқинда мамлакатимизга ташрифи ЮНЕСКО билан алоқаларимизни янада янги босқичга кўтарганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ЮНЕСКО Ўзбекистонга бераётган эътибор учун жуда миннатдормиз.













*Парижда "Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши"  
мавзудаги ҳафталикнинг ўтказилиши, 1996 йил.*











Бу — илдизлари асрлар қаърига туташган, уч минг йилликдан кўхнароқ тарихимизга бўлган эҳтиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкамизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқишни кўрамиз. Ниҳоят бу — ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир.

Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркистон номлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган, Буюк ипак йўлидаги боғловчи марказий ҳалқа, Шарқ ва Ғарб учрашадиган, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган жой бўлган.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Биз буюк аждодларимиз — Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа Шарқ донишмандларини ёд этамиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо — Амир Темурнинг тутган ўрни ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталишни истар эдим. Амир Темур жаҳон тарихига қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина кирган эмас.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизу машшоқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозongan эди. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди. Биз бу йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга қарор қилгани учун ЮНЕСКОдан самимий миннатдормиз.

Бугун Парижда сизларнинг иштирокида очиладиган маданият ҳафталиги тарихдаги бу буюк шахснинг кенг миқёсда шарафланишининг бошланишидир.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни шу йил октябрь ойида Тошкент ва Самарқандда ўтказиладиган юбилей байрамимизга таклиф этишни истардим.

1997 йилда ЮНЕСКОнинг қарорига биноан Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Ўзбекистонда жаҳон маданиятининг ноёб гавҳарлари бўлган, жаҳон мероси рўйхатига киритилган бу қадимий шаҳарлар юбилейига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон — тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни санаб адоғига етиш қийин бўлган мамлакатдир.

Уларни объектив равишда илмий ўрганиш учун тинимсиз тадқиқотлар олиб бориш керак.

Шу муносабат билан қадимий Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этгани учун ЮНЕСКОга самимий миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мазкур институт бу қадимий минтақадаги цивилизациянинг мислсиз парвозлари ва оғир қулашлари тарихини



ўрганишда ўз ҳиссасини қўшишига, шунингдек бу минтақанинг ХХІ асрда гуркираб ривожланиши истиқболлари хусусида жиддий илмий мунозаралар уюштириб, бу истиқболларни қидириб топиш йўллари аниқлашига аминман.

Мен, Ўзбекистон Президенти сифатида, турли мамлакатлар олимларининг Самарқанд институти раҳнамолигида кўп жилдлик ажойиб халқаро тадқиқот — ”Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” сингари йирик илмий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларига ҳар томонлама ёрдам беришга ва уларни тўла қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Раис жаноблари!

Қайтадан ўз эрки ва мустақиллигини қўлга киритган янги Ўзбекистоннинг асосий вазифасини тавсифлашга ҳаракат қиладиган бўлсак, бу вазифа энг аввало мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига фаол ва табиий равишда кириб бориши, ўзининг тинчликка, тенг ҳамкорликка, демократияга, инсон ҳуқуқларига, асл умуминсоний қадриятларга содиқ эканини кўрсатишдан иборат бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эркесвар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади.

Ўзбекистон жаҳон, айниқса, Европа тузилмалари билан кенг интеграциянинг энг фаол тарафдори бўлгани билан, у бундан фақат иқтисодий мақсадларнигина кўзламайди. Биз энг аввало маънавийят, илм-фан, маданият, маориф ва ахборот соҳаларида интеграциялашишга даъват этамиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистоннинг ўзига хос янгилиниш ва тараққиёт йўли қуйидаги учта муҳим шартга асосланади:

— умуминсоний қадриятларга содиқлик;

— миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш;

— ва ниҳоят, инсон ўз салоҳияти ва истеъдодини эркин равишда намоён қила олиши учун шароит яратиш.

Юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қиладиган Ўзбекистонда уларнинг барчасига ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериб қўйилган. Биз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш ва умргузаронлик қилишдек муқаддас ҳуқуқи таъминланаётгани билан фахрланамиз.

Ўзбекистон битмас-туганмас табиий ва минерал-хом ашё бойликлари, қудратли илмий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология, тарих ва археология соҳаларида олиб бораётган тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур.

Бироқ, бизнинг энг катта бойлигимиз — тикланиш, ислоҳотлар ва янгилинишлар йўлидан дадил бораётган оқкўнгил, меҳнаткаш, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир.

Бугунги кунда, айниқса, собиқ советлар ҳудудида (СССРнинг собиқ ҳудуди-



да) дунёда ҳаммабоп, барча учун мос келадиган тараққиёт модели йўқ экани аён бўлиб қолди. Бирорта модел, биронта схемани шу туришида барча мамлакатларга татбиқ қилиб бўлмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, ЮНЕСКОнинг тажрибаси ва фаолияти маълум даражада давлатларнинг ижтимоий соҳада бир хил ривожланиши моделининг номақбул экани ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Биз ЮНЕСКО мисолида ижтимоий ва интеллектуал ҳамкорлик муаммоларига янги ижодий ёндашувлар ишлаб чиқувчи ноёб манбани кўраемиз.

Ўзбекистон ЮНЕСКО Бош директорининг ЮНЕСКО низомидаги асосий қоидалар: кишилар онгига тинчлик ғоясини сингдириш ҳамда барқарор тараққиётга кўмаклашишга содиқлигини сақлаб қолишига қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг “Ўрта муддатли стратегия”си барқарор тараққиётнинг инсон ўлчовига жамланган янги шакллари тинимсиз изланаётганидан дарак беришини сезмаслик мумкин эмас.

Бош директор Майор жаноблари мамлакатимизга сафари пайтида бугунги кунда Ўзбекистоннинг қиёфасини тинчлик ва осойишталик, диний ҳамда умуман мафкуравий мураса, маданиятларнинг уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этиши белгилашига гувоҳ бўлди.

Мурасаи мадора асрлар давомида халқининг асосий белгиси бўлиб келган Ўзбекистон БМТнинг навбатдаги сессиясида мураса тамойиллари баён-

номасини фаол қўллаб-қувватлаш ниятидадир.

Бизда муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудида исломнинг ўлмас ва мангу қадамжолари билан япон олими Като Сурхондарё воҳасида топган ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар — мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шохобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин.

Раис жаноблари!

Назаримизда, ЮНЕСКО ёшлар муаммоларига жиддий эътибор бериши зарур. Биз замин ва дунёни мерос қилиб қолдирадиган авлодларнинг эҳтиёжларига қаратилган келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёرمىз.

Бизнинг бўлажак тараққиётимиз асоси ҳам мана шунда. Айнан ёшлар орқалигина келажак жамиятлар шуурига маданият маънавиятини, тараққиётнинг интеллектуал қадриятларини сингдира оламиз.

Бу ҳол — бизга жуда ҳам таниш. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг ярмини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ўзбекистонда “Соғлом авлод учун” декларацияси қабул қилинган, халқаро жамғарма ишлаб турибди, ўсиб келаётган авлод тарбиясига қўшилган улкан



ҳисса учун бериладиган “Соғлом авлод учун” олий давлат ордени таъсис этилган.

Ўзбекистоннинг ҳажми республика бюджетининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган ижтимоий дастурларида аёлларга алоҳида ўрин ажратилган. Биз бундан буён ҳам аёлларнинг жамиятдаги ўрнини яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган барча ташаббусларни қўллаб-қувватлай-верамиз.

Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг таълим тизимини такомиллаштириш, илм-фанни ривожлантириш, маданий ва табиий меросни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланмоқда. ЮНЕСКОнинг Шарқ меъморлиги жа-воҳирлари — Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хивадаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва табиий офатлардан сақлаш бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ҳис-саси ҳам жуда сезиларлидир.

Биз БМТнинг, ЮНЕСКОнинг таълимни секторлар бўйича таҳлил қилиш бўйича қўшма лойиҳаларига фаоллик билан қўшилганмиз. Аҳолиси мутлақ саводхон бўлган Ўзбекистон бу лойиҳалар доирасида АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа мамлакатларнинг давлат муассасалари билан ҳам, давлатга тобе бўлмаган ташкилотлари билан ҳам самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ЮНЕСКО ҳомийлигида бу йил Тошкентда ўтказиш мўлжалланаётган фундаментал фанларни ривожлантириш бўйича минтақавий семинарнинг муваффақиятли ишлаши учун зарур бўлган барча шароитни

яратади. Мазкур семинар олий таълим ва фундаментал фанлар бўйича жаҳон конференциясига зарур тайёргарлик босқичи бўлиши шубҳасиз.

Раис жаноблари!

Биз истиқболли, ўтмишнинг эзгу анъаналарини тикловчи ҳамда тинчлик ва инсоний мулоқотлар сари янги йўл очувчи “Ипак йўли — мулоқот йўли” дастурини амалга оширишда бундан буён ҳам фаол иштирок этамиз. Шу муносабат билан мазкур дастурни янаги ўн йилликка узайтириш зарур, деб ҳисоблай-миз.

Бу лойиҳада Ўзбекистон 1997 йилда Бухорода ЮНЕСКО ижроия кенгашининг барча ҳурматли аъзолари иштирокида “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка” деб номланган кенг миқёсдаги халқаро симпозиумни ўтказиш бўйича барча ташкилий масалаларни ўз зиммасига олишга тайёр.

Ҳурматли Ижроия Кенгаши аъзолари!

Таклиф тариқасида эътиборларингизни турли минтақаларда экология муаммоларини ҳал этиш бўйича ишларни кучайтириш зарурлигига қаратмоқчи эдим.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё экология ҳалокатининг марказида туриб қолган. 60 миллиондан ортиқ киши бу ҳалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда. Мен атроф муҳит билан стратегик хавфсизлик муаммоларининг ўзаро бир-бирига таъсирига яққол мисол бўлиб турган Орол фожиасини назарда тутяпман.

Бугунги кунда оламшумул аҳамият касб этаётган Орол муаммоси экология



масалалари билангина чекланиб қолмас-лигига менинг ишончим комил.

Бу, шунингдек, инсониятнинг бир-бирининг дардига шерик бўлиш ва ҳамкорлик қилиш қобилятини синовдан ўтказадиган маънавий муаммо ҳамдир.

Бизнинг тажрибамиз экология ўлчовларини халқаро гуманитар сиёсатнинг муҳим мезонларидан бирига айлантириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Ҳалокатнинг оламшумул миқёсларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг жаҳон ҳамжамиятининг интеллектуал ва моддий-техник кучларини мана шу экология фожиасини ҳал этишга жалб қилишдаги ҳиссасини қутлайди. Биз атроф муҳит соҳасидаги таълим бўйича учинчи халқаро конференция ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари ЮНЕСКО ўсиб, ривожланиб бораётган ташкилот эканига тобора кўпроқ амин бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ривожланиш жараёнининг ўзи бу ташкилотнинг мазмун ва ташкилий жиҳатдан янада такомиллашувига, унинг фаолият доираси янада кенгайишига кўмаклашишига шубҳа йўқ.

Шу муносабат билан биз ЮНЕСКОнинг Тошкентда қароргоҳи барпо этилишини қизгин қутлаган бўлур эдик.

Ўзбекистон ҳукумати бу қароргоҳнинг минтақада жаҳоннинг гуманитар сиёсатини амалга ошириш бўйича самарали мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб қолиши учун барча зарур шароитни яратиб беради, деб сизларни ишонтираман.

Муҳтарам раис!

Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман.

Мен ақл-идрок ва инсонийлик кучлари ғалаба қозониши кераклигига ишонман.

Сайёрамиздаги халқлар ва давлатларнинг тадрижий тараққиёти тантана қилишига имоним комил.

Назаримда, инсоният тараққиётининг мантиқи ҳам шунда. Бу буюк ва олижаноб мақсадга эришишнинг асосий шарты — сизлар, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг ҳурматли аъзолари намояндаси бўлган ЮНЕСКО ўзида жамлаган бирдамлик ҳамда интеллектуал кучларнинг, ақл-идрок кучининг, эзгулик ва адолат кучининг тантанаси ҳисобланади.

Мен барчангизни биз Ўзбекистонда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, ЮНЕСКО низомида кўрсатилган олижаноб мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз, деб ишонтиришни истар эдим.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг умумий маънавият ва маданият йўлидаги бу сессияси ишига муваффақият тилашга ижозат бергайсизлар.

Бугун барчангиз Ўзбекистоннинг теурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнашига бағишланган янги кўргазмасининг очилишида азиз меҳмонимиз бўлишингизга умид қиламан. Сизларни қабул маросимида азиз меҳмонимиз сифатида, шунингдек ЮНЕСКОнинг мажлислар залидаги Ўзбекистон санъат усталари концертида кўрсам хурсанд бўлар эдим.

Раис жаноблари!

ЮНЕСКОга миннатдорлик рамзи сифатида Ижроия Кенгашига машхур ўзбек рассомининг суратини тақдим этмоқчиман.



Хонимлар ва жаноблар!

Менга, шунингдек бу хуш имкониятдан фойдаланиб, ЮНЕСКОнинг Бош директори жаноб Федерико Майор ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги беқиёс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, “Ипак йўли — мулоқот

йўли” халқаро дастурини амалга оширгани учун Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти — “Дўстлик” ордени билан мукофотланганини маълум қилишга ижозат бергайсизлар.

Жаноб Федерико Майорни бу юксак мукофот билан чин қалбимдан табриклайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши  
сессиясида сўзланган нутқ,  
1996 йил 23 апрель*



## ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Ҳурматли Сапармурот Отаевич!

Муҳтарам меҳмонлар, азиз дўстлар!

Бугун биз қадимий ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрида учрашиб турибмиз. Кўп асрлик тарих ва бебаҳо маданиятга эга, қанчадан-қанча буюк зотларга таълим ва тарбия берган Хива шаҳри бутун дунёга маълум ва машҳур табаррук маскандир.

Қадим Хоразм диёрида азал-азалдан илму-фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб-яшнаган. Юртимиздаги дастлабки Байтулҳикмат — академиялар, хусусан, Маъмун академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо фахру гурур билан эслаймиз. Бу ўлкадан етишиб чиққан Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Берунийдек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшиб, ўз ақл-заковати, ўз салоҳияти билан элу юртимизнинг, халқимизнинг номини оламга тараннум этдилар.

Бу кўҳна заминда не-не буюк инсонлар, не-не алломаю шоирлар, азиз-авлиёлар ўтган.

Оламга донғи кетган ва ўз юртида юлдуз каби чақнаб, тарихда ёрқин из қолдирган шу буюк зотлар қаторида туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули Фироғий алоҳида ўрин эгаллайди.

Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир.

Азиз биродарлар!

Дунёда элу элатларни, халқларни бири-бирига ҳамкору ҳамқадам қиладиган воқита ва омиллар кўп. Ўзбек ва туркман халқлари тарихида ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо Махтумқулининг икки халқнинг дарду аламини, орзу-армонларини, маънавияти ва қисматини яқинлаштиришда, яъни икки халқ қалбини бир-бирига пайванд этишдаги хизматлари, айниқса, беқиёс ва унутилмасдир. Унинг теран донолик билан йўғрилган биргина ҳикматли байти бу борадаги кўплаб саъй-ҳаракатлардан кўра минг марта афзалдир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Махтумқули одамларни ҳамиша иймон-этиқодли бўлишга, ҳаётда ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдиришга даъват этади:

Саҳар тур, Худога ёлвор,  
Ислон уйинг обод қолсин.  
Ёмонни қўй, яхшилиқ қил,  
Шайтон иши барбод қолсин.  
Яхши сўзга қулоқ солгин,  
Саҳар вақти бедор бўлгин,  
Яхшилардан олқиш олгин,  
Умринг ортсин, зиёд қолсин.

Махтумқули — улуғ шоир, улуғ мутафаккир. Шу боис у маърифатпарвар инсониятнинг бу қадар юксак эҳтиромига сазовор бўлиб келмоқда. Шу боис унинг ижоди ҳамон юрагимизга яқин, ҳароратли сатрлари ҳамон ёниб туради.



Одам баъзан оғир кунларда рухан тушкунликка тушади, ҳаёт муаммоларидан чарчаб-толиқиб қолади. Менинг назаримда, инсон бундай кезларда иймон-иродасини чиниқтирмоқ учун Махтумқули ижодига мурожаат қилса, албатта таскин топади ва мадад олади.

Шунинг учун ҳам бизнинг ўзбек ҳофизларимиз, мумтоз ижодкорларимизнинг санъати Махтумқули шеърини билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунга биргина мисол келтирадиган бўлсак, Хоразмнинг истеъдодли фарзанди, булбулнафас ҳофизимиз Комилжон Отаниёзовнинг бутун Марказий Осиёда шуҳрат топишида Махтумқули ғазалларининг катта ҳиссаси бор.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистон ва Туркменистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги кунларда барча улуғ аждодларимиз сингари Махтумқулининг ўлмас мероси биз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг миллий гуруримизни юксалтиришда, миллий мафкурани ривожлантиришда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Бугун ўзбек мактабларида, туркман мактабларида улуғ Махтумқули ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганадиган, янгитдан кашф этадиган замон келди. Бинобарин, шоир қолдирган бебаҳо меросни янгича кўз билан ўқиб-ўрганиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Махтумқулининг Хивадаги Шерғоziхон мадрасасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк санъаткорни ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ажойиб намунасидир.

Муҳтарам жамоат!

Бугун Махтумқули бобомизга ҳурматимизни бажо келтириб, ул зот бир пайт-

лар ўқиб вояга етган шаҳарда унга муҳташам ҳайкал ўрнатмоқдамиз. Шу тарихий ва ҳаяжонли дамларда бир фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бу ҳайкал нафақат икки халқ дўстлигининг рамзи, балки халқларимиз, миллатларимизнинг азалий тарихи, маданияти, маънавияти, тақдири, айтиш мумкинки, юраги абадул-абад тутатиб, бирлашиб кетганининг тимсолидир.

Ишончим комилки, бу ёрқин тимсол маънавиятимизни янада юксалтиришга, ўсиб келаётган жондан азиз фарзандларимизни халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналари билан яқиндан ошно этишга, улардан бир умр баҳраманд бўлишга хизмат қилади. Ҳаётимиздаги бу муҳим воқеа қадриятларимизни тиклашга нақадар катта аҳамият бераётганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Азиз дўстлар!

Мен шу унутилмас лаҳзаларда дўстим Сапармурот Ота ўғли ёнимда турганидан бахтиёрман. Бу қувончли маросимда Туркменистон халқининг етакчиси, ёшуллиси иштирок этаётгани бу йиғинга алоҳида маъно ва аҳамият бағишлайди.

Янгича мазмун билан бойиб бораётган қадимий қардошлигимиз ва дўстлигимиз бугунги ҳаётимизда бир-биримизга қўл бериб, бошимиздан ўтаётган синовларга биргаликда мардона бардош бериб, келажагимизни бирга қуриш йўлида бизга улкан ишонч ва куч-қувват бахш этади.

Ана шу ишонч барқарор экан, ўзбек ва туркман халқларининг ёруғ келажакка етиши шубҳасиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги маросимда иштирок этаётгани учун Туркменистон Президенти, дўстим Сапармурот Ниёзовга миннатдор-





лик билдиришга, унинг сиймосида қардош Туркменистон халқига, унинг тарихига, унинг маънавиятига, унинг маданиятига ва ёруғ келажакка ҳурмат ва

ишончимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар!

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада ривожлансин, яна ҳам зиёда бўлсин!

*Хива шаҳрида буюк туркман шоири  
Махтумқули ҳайкали очилишида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 28 ноябрь*



## ТАРИХ ФИЛДИРАГИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Биз иқтисод ва маънавиятни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Чунки иқтисодий таназзулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлашади. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди. Ана шу жиҳатдан қараганда, Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири экани қувончли ҳодиса.

Хоразм вилояти заминидан камол топган не-не алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёга таратган. Буюк аждодларимиз Ал-Беруний, Ал-Хоразмий ва бошқа ўнлаб буюк инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун мўътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хива шаҳри тарихи билан боғлиқдир.

Хива шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябр-ноябр ойларида Парижда бўлиб ўтган 28-сессияси Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон ҳукумати бу халқаро ҳужжат асосида ўзининг махсус қарорини қабул қилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллу-

ди 660 йиллигининг кенг нишонланиши ва 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши ҳам ўзбек маданияти, маънавияти ва тарихининг жаҳон саҳнида тутган муносиб ўрнини яққол кўрсатади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аждодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Худди ана шу қадриятлар ўтиш даврининг қийинчилик ва мураккабликларидан бизни асрамоқда, мадад бўлмоқда.

Айни вақтда миллатимиз, халқимиз, шу жумладан, мард ва танти хоразмликлар ҳам ўз меҳнатлари ва фидойиликлари билан она юртимизнинг ҳар томонлама равнақиға катта ҳисса қўшмоқдалар.<...>

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.

Биз ёш авлодни болалар боғчасига қатнаётган давридан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган Шарқ педагогикаси, умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашимиз лозим. Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида, бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва



роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир. Уларга чет тилларни мукамал билиб олишлари, эркин мулоқот қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг жаҳон миқёсига чиқишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.<...>

Вилоятдаги аксарият **кутубхоналарнинг иши** бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган адабиётларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш ва тарғиб қилиш йўлга қўйилмаган. Мустақилликка хизмат қиладиган илмий-оммабоп китоблар йўқ ҳисоби.

**Хонқа тумани ҳокимлиги биносининг олдида жойлашган кутубхонада ҳамон КПССнинг турли съездлари материаллари, ўз аҳамиятини аллақачон йўқотиб бўлган сиёсат ва иқтисодиёт масалаларига доир адабиётлар авайлаб сақланмоқда.**

Шовот туманининг баъзи жойларида собиқ КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари ҳамон кўз-кўз қилиб қўйилганини, бу ердаги стадион ҳалигача Ленин номида эканлигини қандай тушуниш мумкин?

Бу нима деган гап?! **Эски тузумни қўмсаши ёки лоқайдликми? Бу ўтмишни соғиниши, уни ташвиқ қилиши ёки янгиликни онгли равишда инкор этишими?**

Бу туманларда, “Э, оғайни, кўзингни оч, уйғон, замон ўзгарганига, янги ҳаёт ва янги сиёсат кириб келганига беш йил бўлаяпти. Тур, кўрпангни йиғиштир”, дейдиган зот борми?!

Очиғини айтаман: айрим қўшни мамлакатлардаги хаёлпараст “сиёсатдон”лар ўтмишга қайтиш ҳақида сафсаталар тўқишмоқда. Бу орамиздаги баъзи эътиқоди заиф, иймони суст кишиларни чалғитмоқда. Истиқлолимиз ғанимлари худ-

ди ана шу “заиф” томонларимиздан усталик билан фойдаланишмоқда.

Кези келганда яна такрор ва такрор таъкидлайман: **Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни амалга ошириш!**

Бошқа йўл йўқ! Биз ана шу йўлдан қатъий борамиз! Ундан чекинадиган, унга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кучга қарши турамиз. Шунинг учун биз ношуд, лаёқатсиз ёки онгли равишда ишимизга халақит берадиган кишилар билан келиша олмаймиз.

\* \* \*

Азиз дўстлар!

Юртдошлар!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, ватандошларимизни, Ўзбекистон аҳлини қизиқтирадиган яна бир долзарб масала ҳақида икки оғиз ўз фикримни, муносабатимни билдирмоқчиман.

Биз бугун қандай аҳволда яшаяпмиз? Атрофимизда нима ишлар бўляпти? Собиқ Иттифоқ минтақасида қандай интилишлар, қандай ҳаракатлар бўлаётгани ва умуман бугунги вазият тўғрисида сизлар хабардорсиз, деб ўйлайман. Лекин яқинда пайдо бўлган баъзи бир фикрлар, баъзи бир ҳаракатлар замирида СССРни қайта тиклаш ғояси ҳар томонлама тарғибу ташвиқ қилинмоқдаки, биз бунга ўз фикримизни билдиришимиз лозим.

Гап кеча Россия парламенти — Россия Давлат Думаси коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган бир қарор хусусида. Хабарингиз бор, 1991 йил 8 декабрь куни Россия, Украина, Беларусь давлатларининг раҳбарлари Белоруссиянинг Беловежская Пуша деган бир жойида СССР давлатининг тарқатилиши ва унинг ўрнига Мустақил Давлат-



лар Ҳамдўстлигини (МДҲ) ташкил этиш ҳақида баёнот қабул қилган эди. Бу баёнотни Россия давлатининг ҳозирги раҳбари Борис Ельцин, Украина давлатининг собиқ президенти Леонид Кравчук, Беларусь давлатининг собиқ бошлиғи Станислав Шушкевич имзолаган эди.

Орадан беш йил ўтиб, Россия Давлат Думаси Беловеж ўрмонида тузилган ўша битимни ноқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу билан бирга эски СССР давлати яна тиклансин, деб мурожаатнома ҳам қабул қилди.

Хўш, бунинг тагида нима асоси бор?

Бу қарор билан яқиндан танишиб чиқилса, улар авваламбор 1991 йил 17 мартда, ҳали собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган бир пайтда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларини далил қилиб келтиради. Маълумки, бу референдумда собиқ Иттифоқ ҳудудида яшган халқларга СССРни янги бир шаклда сақлаб қолиш бўйича фикр билдириш таклиф қилинган эди.

Коммунистлар устун бўлган бугунги Россия Давлат Думаси ана шу референдум яқунларига таяниб, уни рўқач қилиб, керак бўлса, байроқ қилиб кўтармоқда.

Давлат Думаси қарорини эълон қилгандан кейин Россия Президенти Борис Ельцин телевидение ва оммавий ахборот воситалари орқали унга ўз муносабатини баён қилди. Бу баёнотга кўра жаноб Ельцин, Давлат Думаси қарорини албатта бекор қилишини, уни тасдиқламаслигини билдирди. Аммо гап ҳозир бунда эмас.

Гап шундаки, бу қарорни қабул қилган кимсалар, “биз аниқ бир нарсага суяниб иш тутдик, чунки бугун собиқ Иттифоқнинг барча халқлари мана шундай кайфиятда юрибди, биз уларнинг фикрини ифода қилиб, уларнинг айтай-

лик, хоҳиш-иродасига биноан шу қарорга келдик”, деб даъво қилиши, бу гапни эртага ҳар томонлама дўмбира қилиб чиқиши мумкин.

Хўш, Ўзбекистоннинг бунга муносабати қандай? Бу масалага ўтишдан олдин, мен сизларга 1991 йил 19 — 20 август кунлари содир этилган ГКЧП деган воқеа (аслида уни давлат тўнтариши деса ҳам бўлади)ни эслатиб ўтмоқчиман: 19 — 20 август кунлари Москванинг ўзида коммунистик партия марказий раҳбарияти аъзоларининг бир гуруҳи, яъни тепада ўтирганлар, шу собиқ Иттифоқни, унинг эски тизимларини сақлаймиз, деган мақсадда, демократик ўзгаришларга қарши чиқиб, большевикча усуллар билан мамлакат президенти Горбачевга қарши тўнтариш уюштириб, энди тизим ўзгарди, бизлар ҳокимиятни қўлга олдик, деб эълон қилган эди.

Ўша пайтда бу воқеага бизнинг муносабатимиз қандай бўлган? Мен сизларга шуни айтиб бермоқчиман. 17 — 19 август кунлари мен Ўзбекистон делегацияси билан бирга Ҳиндистонда эдим. 19 августда у ердан қайтиб келгач, шу куниёқ мен раҳбарият аъзоларини, ҳукумат ва парламент аъзоларини тўплаб, махсус йиғилиш ўтказдик. Йиғилишда мен ўз фикримни айтдим. Ва ўйлайманки, бу ҳаммамизнинг, жамоатчиликнинг ҳам фикри бўлди. Бу пайтда ҳали ГКЧП ҳукмрон, телевизорда “Оққуш кўли” балетини бетўхтов кўрсатиб туриб, янаевлар, бизлар энди ҳукмрон бўлдик, деб дағдаға қилиб турган бир пайтда, биз ўз фикримизни қатъий баён қилдик. Менинг баёнотим шундай бўлди: Ўзбекистонга бунинг дахли йўқ, Ўзбекистон ўз йўлини, ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олди, Ўзбекистон эркин бўлади, деб узил-кесил айтганман. Бу қарорни барча вилоятларда, барча туманларда бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлади. Яъники, шу



масала бўйича халқимизнинг фикри, давлатимизнинг фикри очиқ-ойдин билдирилди.

Энди Россия Давлат Думаси бекор қилмоқчи бўлаётган қарорга қайтсак. Бу қарор, яъни СССРнинг тарқатилиши муносабати билан МДХни ташкил этиш ҳақидаги қарор 1991 йил 8 декабрда Беловежская Пушада қабул қилинган. Такрор айтаман: бу воқеа 1991 йил 8 декабрда бўлган.

Мен сизларга шундай бир савол бермоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги қачон эълон қилинди? 31 август, яъни мазкур уч давлат раҳбари Белоруссияда қабул қилган қарордан тўрт ой олдин. Шу қарорни қабул қилгач, уларнинг биринчи ҳаракати нима бўлди? Славян давлатлари ҳамдўстлигини эълон қилмоқчи бўлди. Ҳозир мавриди келди, сизларга шуни очиқ айтиб бермоқчиман. Энди савол туғилади: бизлар ундан тўрт ой олдин ўз мустақиллигимизни эълон қилган эканмиз, Беловежская Пушада қабул қилинган бу қарорнинг бизга қандай алоқаси, қандай дахли бор?

*Иккинчидан*, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистонда биринчи бор Президент сайлови пайтида биз, референдум — умумхалқ сўрови ўтказдик. Референдумдан мақсад мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг хоҳиш-иродасини, фикрини аниқлашдан иборат эди. Бу референдумда шундай мазмундаги савол қўйилган эди: Ўзбекистон фуқароси сифатида сизнинг Олий Кенгаш, яъни парламент эълон қилган Ўзбекистон мустақиллигига муносабатингиз қандай — қўллайсизми-йўқми? Бу саволга фуқароларнинг 98,2 фоизи ижобий баҳо бериб, мустақиллигимизни қўллаб-қувватлади. Хулоса: халқимиз ўз тақдирини шу пайтда белгиладими, йўқми?

Энди бизга бу ҳар хил ўйинларнинг нима дахли бор? Ўз-ўзидан аёнки, Давлат Думаси қабул қилган бу қарорнинг

Ўзбекистон аҳлига, Ўзбекистон тақдирига, Ўзбекистон халқига, унинг келажагига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Улар дастак қилиб кўрсатаётган 1991 йил 17 март умумхалқ референдуми масаласини ҳам кўриб чиқайлик. У пайтда совет даври — ҳукмронлик, зўравонлик даври эди. Бинобарин 17 март референдуми ҳам ана шундай мустабид бир шароитда ўтказилган эди. Шу пайтда Ўзбекистонда референдумга иккинчи бюллетень киритилди. Биз мамлакатимиз ҳудудида Ўзбекистон фуқаролари учун иккинчи бюллетень таклиф қилдик. Яъни Марказнинг умумиттифоқ референдуми саволи билан бирга биз ўзимизнинг саволимизни ҳам қўйган эдик. Моҳиятан бизнинг саволимиз Марказ томонидан қўйилган саволга мутлақо қарши, уни бутунлай йўққа чиқарадиган, уни бартараф қиладиган мазмунга эга эди. Биз шу савол билан одамларга мурожаат қилдик. Шунинг учун тўла асос билан айтиш мумкинки, 1991 йил 17 март куни ўтказилган умумхалқ референдумига Ўзбекистон халқининг муносабати шу пайтда аниқ ва қатъий билдирилган эди. Бу — *учинчи масала*.

*Тўртинчи масала*. Бугун ҳар хил гаплар чиқаяпти. Яқинда Москвада Беларусь раҳбари Лукашенко билан Россия Президенти учрашганида, улар бири билан яқин бўлиш — интеграция ҳақида фикр юритдилар. Бироқ Россия телевидениеси ва матбуотида шундай гаплар ҳам бўлдики, гўё ўзаро имзоланган ҳужжатларга кўра, Россия билан Беларусь бирлашар эмиш. Конфедерациями, федерациями ё ундан ҳам мустаҳкамроқ бир уюшмами, янги бир Иттифоқми ташкил қилинади, деган овозларни сизлар ҳам эшитгансизлар. Халқимиз ҳам эшитган. Энди бунинг номини конфедерация дейдими, федерация дейдими, ё бошқа бир ном олган



Иттифоқ дейдими, бундан қатъи назар, яна бир бор айтаман: бизнинг бунга муносабатимиз олдиндан маълум. Бизлар бундай ўйинларни ўйнамаймиз. Бу ҳаракатлар бизнинг мақсадимизга кирмайди. Бунақа, айтайлик, нағмаларни бошқалар қилаверсин. Кимники аҳволи ночор бўлса, кимники ўз халқини бошқариш, уни фаровон ҳаётга, ёруғ кунларга олиб чиқишга қурби етмаса, ўз салоҳиятига ишонмаса, ўйлайманки, бу ўзининг иши. Шу мамлакатнинг ўз иши, раҳбариятининг ўз иши. Ва шу халқнинг ўз иши, хоҳиш-иродаси.

Ҳар қайси халқ ўз келажаги ва тақдирини ўзи белгилаб олиши керак. Шунинг учун Ўзбекистондан сўрамоқчи бўлса, бизлар шу масалани кўндаланг кўйиб, унга аниқ ва равшан жавоб беришимиз керак.

Жавобимиз эса қисқа ва қатъий: сизларнинг ихтиёрингиз ўзингизда, лекин Ўзбекистоннинг йўли олдиндан маълум.

Ўзбекистон халқи ўз қўлига кишан урдириб, алдаб-сулдаб, онгини бузиб,

эски охурга қайтадан ипсиз боғлаб қўйишига ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл билан розилик бермайди. Бу — аниқ гап.

Яна бир бор айтаман: тарих ғилдираги ортга айланмайди. Бу — табиат, бу — ҳаёт, бу — тарих. Бу азалий қонуниятга қарши ким нима дея олиши мумкин?!

Бизнинг йўлимиз аниқ ва равшан. Истиқлол, мустақиллик йўлидан, озодлик, эркинлик йўлидан изчил бориш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш.

Бизнинг мақсадимиз, бизнинг истиқболимиз шу.

Ўйлайманки, шу залда ўтирганлар ва бугун бизни тинглаб турган фуқаролар халқимизнинг азму қарорини қўллаб-қувватлайди. Биз шу йўлга бир вақтлар яхши ният билан бел боғлаганмиз ва иншооллоҳ, албатта, ўз мақсадимизга етамиз.

Барчангизга, азиз дўстлар, сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий тотувлик, осойишталик, бахт-саодат тилайман.

*Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ,  
1996 йил 16 март*



## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Муҳтарам Ким Ток Ленг жаноблари!  
Муҳтарам Ким У Жунг жаноблари!  
Жаноблар ва хонимлар!

Азиз қурувчилар, муҳандислар, мутахассислар, янги “ЎздЭУавто” қўшма корхонасининг жамоаси!

Ватандошларим, дўстларим!

Бугун биз ҳаммамиз катта тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун Ўзбекистон халқи интизор бўлиб кутган муборак кун — мамлакатимиздаги илк автомобиль заводининг очилиши — тантана кунлари етиб келди.

Фарғона водийси — Аллоҳ таолонинг назари тушган гўзал бир маскандир. Андижон вилояти эса бу гўзал водийнинг юрагида жойлашган. Бу муқаддас юртда буюк Темурий бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган, бошқа не-не алломалар, шоирлар ва меъморлар етишиб чиққан ва қадимий Туркистон — бугунги Ўзбекистон шўратини ёруғ оламга ёйган. Бу ерда мард ва танги, кўнгли кенг, иймони бақувват, инсофли ва диёнатли ажойиб инсонлар яшайди.

Ана шундай инсонлар билан бугунги қутлуғ кунда юз кўришиб турганимдан ғоят бахтиёр эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Ҳар қайси давлат, жамият ўз келажагини кураётганда, ўз олдига қўйган юксак марраларга кўтарилишда ҳал қилувчи, муҳим босқичлардан, иқтисодиётида туб бурилиш ясайдиган поғоналардан ўтиши табиийдир.

Беш йил олдин озод ва обод ватан, демократик давлат, янги жамият, эркин иқтисод қуриш йўлини танлаб олдик. Жаҳон илғор тажрибасига ва миллий анъаналаримизга, меҳнатсевар халқимизнинг кучига суяниб-таяниб фаровон ҳаётга эришиш учун авваламбор иқтисодимизни эски, бир ёқлама, қотиб қолган ҳолатдан янги босқичга кўтариш мақсадини олдимизга қўйдик.

Бошқаларга ўхшаб энгил йўлни қидирмадик. Қандай оғир бўлмасин, узоқни кўзлаб, келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини яратиш учун тараққий топган, обрўли мамлакат, жаҳонда машҳур фирма, компаниялар ва ишбилармонлар билан мустаҳкам манфаатли алоқа боғладик, замонавий, ўзгалар ҳавас қиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишга киришдик.

Мана энди, бир вақт халқимизнинг бошлаган саъй-ҳаракатлари ўз ҳосилини бера бошлади.

Бугун нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида, балки собиқ Иттифоқ миқёсида ҳам бутунлай янги завод — қўшма корхона ишга тушиши, тарихимизда илк бор замонавий, жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган энгил машиналар — автомобиллар ишлаб чиқарилиши — бунинг ўзи биз танлаган сиёсатнинг тамал тоши, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мисли кўрилмаган қисқа муддатларда шундай ҳашаматли биноларни қуриш, бутун дунёга машҳур давлатлар, компаниялар ва фирмалардан замонавий уску-



наларни, автоматларни олиб келиб, ил-фор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш, ўзимизнинг фарзандларимизни Жанубий Корея давлатида янги касбларга ўргатиш, шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириш чиндан ҳам, ҳар кимнинг қўлидан келмайдиган катта шарафли синов, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай улкан масалаларни ечиш, бугунги барчамиз иштирок қилаётган марраларга етиб келиш учун — албатта нафақат бу қурилишнинг бошида турган лойиҳачилар, иқтисодчилар, қурувчилар, монтажчилар — ишнинг негизини билган мутахассислар, муҳандислар, мана шу мўъжизани барпо этган ишчиларимиз, раҳбарларимиз нафақат Андижон, Асака мўътабар заминида яшаётган ўғлонлар, балким бутун Ўзбекистон иқтисоди ва унинг имкониятлари катта-катта синовлардан муносиб ўтди, десак айни ҳақиқатни гапирган бўлардик.

Мен катта мамнуният билан яна бир бор мана шу мўъжизани ташкил қилган инсонларимизни — замондошларимизни, мардонавор хизмат қилган ишчи ва меҳнатчиларни чин қалбимдан табрик-лаб, тасаннолар айтмоқчиман! Ҳаммангизни бағримга маҳкам босиб, хурсандлигимни билдирмоқчиман!

Азиз дўстларим!

Албатта, буни барчамиз яхши тушунамиз: бундай юкни кўтариш, шундай заводни ишга тушириш ҳеч қачон ёрдамсиз бўлмас эди.

Яратганга минг тасаннолар бўлсин-ким, уч йил олдин тақдир бизни Корея мамлакати, нафақат Кореяда, балки жаҳонда ҳам машҳур ДЭУ корпорацияси раҳбарлари ва унинг президенти Ким У Жунг жаноблари билан учраштирди.

Бир-биримизни яхши тушундик, бир-биримизга ишондик ва ҳамкорлигимиз натижасида мана шу завод ва бошқа

қатор-қатор лойиҳалар амалда рўёбга чиқди.

Халқимиз номидан, Ўзбекистонимиз номидан Корея Республикаси халқига, унинг раҳбариятига, Президент Ким Ен Сам жаноби олийларига, ДЭУ компанияси президенти Ким У Жунг жанобларига ва унинг ёрдамчиларига, мана шу проект-лойиҳа иштирокчиларига, корейс мутахассисларига, ишчилари ва муҳандисларига алоҳида табригимизни, миннатдорлигимизни Сизнинг номингиздан билдирмоқчиман!

Ва мажлисимизда иштирок қилаётган Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг жанобларидан сўраймиз — бизнинг миннатдорлигимизни Корея Республикаси раҳбариятига ва унинг халқига етказсинлар.

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!


Қурилган автомобиль заводи, “ЎзДЭУ авто” қўшма корхонаси, унинг аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, қуйидаги фикр-хулосаларни кўзда тутамиз:

**Биринчи навбатда.** Ишга тушган завод, унинг қурилиш суръатлари, техник даражаси замонавий жаҳон талабларига жавоб бериши — бунинг ўзи яна бир бор Ўзбекистон танлаб олган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўли—моделли тўғрилигининг яққол исботи ва тасдиғидир.

**Иккинчидан.** Бу воқеа Ўзбекистоннинг катта салоҳиятидан, имкониятларидан дарак беради.

Ўзимизнинг юртимизда ҳам, узоқ ва яқин қўшниларимиз ҳам яхши тушундики, бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва молиявий имкониятларга, балким катта маънавий қудратга, қолаверса, катта юракка ҳам эга бўлиш керак.





*Асака шаҳридаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг очилиши.*



Шу жумладан, бундай корхонани қуриш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, мана шундай заводнинг ишлаб туришини ташкил қилиш учун шунга жавоб бера оладиган малакали ишчи кучига, юксак даражадаги муҳандислик интеллектуал савияга эга бўлиш керак.

Бир сўз билан, лўнда қилиб айтганда, бу янги заводнинг ишга тушиши эл-юртимизнинг юксак савияси ва қудратидан далолатдир.

**Учинчидан.** Бундай буюк, жуда катта маблағ талаб қиладиган иншоот қурилиши бизга шерик хорижий давлат фирма ва компанияларининг, жаҳонда энг нуфузли молиявий тузилмаларнинг, банкларнинг Ўзбекистонга билдирган катта ишончининг тасдиғи, деб билишимиз керак.

Айни замонда автомобиль чиқариб ўзини оқлаётган мана шу завод Ўзбекистоннинг ўзига билдирилган ҳар қандай ишончни оқлашга, ҳар қандай мураккаб, улкан лойиҳаларни ҳам охирига — пировардига етказишга қурби етади, деган хулосанинг тасдиғидир.

Яъни бугун Ўзбекистон бозорига интилаётган чет-хориж мамлакатлардаги янги-янги сармоядорлар ҳам мана шу мисолда ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан халос бўлиши муқаррар.

**Тўртинчидан.** Шубҳа йўқки, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

**Бешинчидан.** Асака заводи ишга тушиши нафақат Андижон вилоятида, балки Ўзбекистонда ва унга узоқ-яқин қўшни минтақаларда пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш ва таъминот инфра-

структурасини — корхоналарини яратадди. Бош завод, унинг атрофида вужудга келаётган янги корхона ва ташкилотлар Ўзбекистонни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 ривожланган мамлакат қаторига — сафига киритиш билан бирга, бутун иқтисодимизни, унинг савиясини, ишлаб чиқараётган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янги, юксак поғонага кўтаради.

Бундан хулоса шуки, “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси ишидан, унинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотидан, оладиган фойдасидан нафақат шу тармоқда ишлайдиган кишилар ва уларнинг оилалари, балки Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро кўшимча фойда ва даромад топажак. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз яхши англаймизки, ҳаётимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, мана шу заводнинг, Асака заводининг ишга тушиши ва шу билан боғлиқ бўлган катта умид ва режаларимиз, авваламбор, юртимизда ҳукм сураётган ва биз кўз қорачиғидай асраб-авайлайдиган тинчлик ва тотувликка, Ўзбекистон заминида яшаётган миллатларнинг ўзаро бирлигига, яқдиллигига боғлиқдир. Бу буюк ҳақиқатни бугун ҳар қайси фуқаро яхши тушуниб олди.

Биз яшаётган ва меҳнат қиладиган жамоа қанчалик аҳил ва тотув бўлса, ҳар қайси хонадонда ва оилада ўзаро келишиб, мурсою мадора қилиб, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган бўлсак, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, белимизни маҳкам боғлаб, ватанимизнинг буюк келажагига бутун вужудимизни, бутун борлиғимизни бахш этиб ишласак — ҳар қандай юксак марра ҳам бизники!

Бир вақтлар мен катта умидлар билан: “Қани энди, бизнинг юртимизда ҳам ўзбек йигит-қизлари, Ўзбекистон










*Ислом Каримов конвейердан чиққан дастлабки автомобиль рулида.  
“ЎзДЭУавто”нинг ёш мутахассислари билан суҳбат.*





*Автомобиль заводининг йиғув цехида.*

фуқаролари бошқа тараққий топган давлат ва минтақалардагига ўхшаб, улардан ҳеч кам бўлмасдан, мана шундай замонавий енгил машиналарни бемалол миниб юрса!” деб ҳавас қилар эдим.

Беш-уч йил олдин бундай ҳавас-умид ўзгалар у ёқда турсин, кўпчилик аҳолимизга ҳам афсонадай туюларди.


Мана энди ана шу пок ва холисона ниятларимиз Аллоҳнинг инояти, марҳамати билан рўёбга чиқди.

Иншоолло, барча эзгу ниятларимизнинг ижобат бўлишида ҳам Яратганнинг ўзи мададкор бўлғай!

Ҳаммангизни яна бир бор чин қалбимдан бугунги тантана — хурсандчилик билан табриклайман, азиз дўстларим, юртдошларим!

*Асака шаҳрида “ЎзДЭУ авто”  
қўшма корхонасининг расмий  
очилиши маросимида  
сўзланган нутқ,  
1996 йил 19 июль*






*Самолётсозлик — Ўзбекистон саноатининг йирик тармоқларидан биридир.*





*Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводини ишга тушириш.*





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ “КАМОЛОТ” ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон “Бизнесфонд”и бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ва бошқа таъсисчиларнинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқуллансин.

3. Жамғарма ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ёшлар қалбида миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминиди соғлом руҳ ҳамда дунёқарашни шакллантиришдек хайрли ишни мақсад қилиб қўйганлиги эътироф этилсин.

Жамғарма қуйидагиларни ўз фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгилагани эътиборга олинсин:

— ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларининг тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш;

— ёшларнинг тарбиясига тааллуқли кенг қамровли ишларни амалга оширишда давлат идоралари, муассасалар, меҳнат



жамоалари, илмий, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, жамоат арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш;

— ёшларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини ўзлаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

5. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятида иштирок этиш республика жамоатчилигининг, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар, жамоат арбоблари, ёшлар мураббийлари, юрт оқсоқолларининг ватанпарварлик бурчи эканлиги таъкидлансин.

6. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ эканлиги эътироф этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрида жамғарманинг бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

8. Жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида у устав доирасидаги фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Камолот” жамғармасининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
*И. КАРИМОВ*

*Тошкент шаҳри,*  
*1996 йил 17 апрель.*





















*Лилехаммердаги қишки Олимпия ўйинлари чемпиони Лина Черязова.*



*Атлантадаги XXVI Олимпия ўйинлари бокс  
бўйича бронза медали совриндори  
Карим Тўлаганов.*







*Ўзбекистон Республикаси Президенти бокс бўйича уч карра жаҳон чемпиони  
Артур Григорьянга "Меҳнат шuhrати" орденини топширмоқда.*





*Ислом Каримов Президент Кубоги учун теннис турнири голиблари  
англиялик Тим Хемман ва швейцариялик Марк Россе билан.*





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
“ЎЗБЕККИНО” ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ватанимиз кинематографиясини ташкил этиш даражаси ҳамда унинг Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, кўп асрлик маданий, маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарни қайта тиклаш ҳамда бойитиш, шунингдек, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда миллий кинематография тараққиётини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кулайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон Кинематографиячилар уюшмасининг Қорақалпоғистон республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

— киновидеомаҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказишда, шунингдек, кино тармоғини шакллантиришда ягона сиёсат юритиш;

— ўзбек миллий кино санъатининг энг яхши ютуқларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, замонавий дунёқарашни шакллантиришда, айниқса, ёш авлодда шундай дунёқарашни шакллантиришда кино санъатининг аҳамиятини ошириш, бадиий жиҳатдан юксак кино ва видеофильмлар ишлаб чиқариш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш;

— жаҳон кино санъатининг энг яхши ютуқларини тарғиб этиш, халқ онгида умумбашарий қадриятларга, миллий маданиятнинг буюк меросига юксак ҳурмат-эҳтиромни, келажакка ишонч туйғусини тарбиялаш;

— ижодий-ишлаб чиқариш, кино кўрсатиш ва видео бирлашмалари, корхоналари, ташкилотлари ҳамда пунктлари қайси идорага мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— халқнинг маънавий-ахлоқий ва маданий мулкнинг бир қисми сифатида миллий кино ва видеофонд барпо этиш, мувофиқлаштириш ва сақлашда умуммиллий сиёсат юритиш;

— кино санъати соҳасида кенг ташқи алоқалар ва фаол халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ва минтақа кинофестивалларини ташкил этиш, биргаликда фильмлар яратишни мувофиқлаштириш;

— кино тармоғини бошқариш, аҳолига кино-видео хизмати кўрсатиш объектларини ҳудудларга жойлаштиришни такомиллаштириш масалаларида республика ва маҳаллий идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;



четдан харид қилинадиган кино ва видео маҳсулотига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудида кино ва видеофильмлар кўрсатиш ҳамда улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг ягона қоидаларини белгилаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компанияси юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, ихтиёрийлик асосида мулкчиликнинг барча шаклидаги киностудияларни, кино кўрсатиш ҳамда видео бирлашмалари ва пунктларини, шунингдек, бошқа кинематография ижодий ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилотларини бирлаштирадиган очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги мустақил, ижодий-ишлаб чиқариш ва хўжалик бирлашмасидир.

4. “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компанияси зиммасига кино ва видео маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улардан нусха кўчириш, дубляж қилиш, кўрсатиш, импорт ва экспорт қилиш учун махсус ижозатномалар (лицензиялар) бериш вазифаси юклансин.

Шу масала юзасидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компанияси иштирокида давлат кинематография ижодий-ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларини, кинолаштириш ва кино кўрсатиш ҳудудий бошқармаларини, давлат мулкнинг бошқа турларини очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириб қайтадан тузиш чораларини амалга оширсин.

Бунда қайтадан тузиладиган корхона ва ташкилотларнинг давлатга қарашли акцияларининг бир қисмини “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компаниясининг дастлабки низом жамғармасини шакллантириш йўналтириш кўзда тутилсин.

6. “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компанияси, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар уч йил давомида фойда, мол-мулк ва ердан олинадиган солиқларни тўлашдан озод қилинсин.

Мазкур солиқ имтиёзларининг жорий этилиши муносабати билан компания ихтиёрида қоладиган маблағдан миллий кино санъатини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилсин.

7. “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компаниясига, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларга давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинган маблағдан моддий-техник базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддатда “Ўзбеккино” Давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ПФ-360 Фармонининг Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясига тааллуқли бандларига алоқадор қисмлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри*  
*1996 йил 29 апрель.*





*“Буюк Амир Темур” бадий фильмидан кадрлар.*







## “ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик бизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, кадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.<...>

Энди **ижтимоий-маънавий соҳада** демократик янгиланишларнинг асосий натижалари ҳақида тўхталсак.

**Биринчидан — миллий маънавият ва ахлоқнинг тикланиши учун барча шароит яратилди.** Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошлангани туфайли инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятининг қудратли қатламлари очилди, гўзал миллий анъаналар тикланди, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг улкан маънавий меросига мурожаат этиш бошланди.

Халқнинг тарихий руҳи уйғонмоқда, маънавиятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий ғурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда.

Халқимизнинг Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир сингари ўнлаб ва юзлаб буюк фарзандлари меросининг — абадиятининг халққа қайтарилиши мустақил Ўзбекистоннинг энг ёрқин ютуқлари қаторидан жой олади.

Бугунги кунда яқин тарихимиз — XIX аср охири ва XX аср бошида, 20—30 йилларда яшаб ўтган, бироқ ҳақсиз равишда унутиб юборилган, мустамлакачи, мафкуралашган ва тоталитар тузум шароитида тухматга учраб, йўқ қилинган ўзбек халқи фарзандларининг шарафли номларини тиклашга катта эътибор берилмоқда.

Миллатимизнинг урф-одатларини, қадриятларимизни, дину эътиқодимизни тиклаш, эъзозлаш, улуғлаш, халқимизга қайта тикланган муқаддас масканларимизни, мачиту мадрасаларни, тарихий обидаларни қайтариш йўлида қилган эзгу ишларимизни нима билан ўлчаб бўлади?

Биз миллий маданиятимизнинг асл бойликларини қайтарибгина қолмай, айти пайтда бу билан бутун инсониятнинг маънавий дунёсини ҳам бойитяпмиз. Мустақиллигимиз юбилеи ўтиши билан ЮНЕСКО қарорига асосан бутун жаҳон билан биргаликда Амир Темурнинг 660 йиллигини, кейинги йилда эса сайёрамиздаги энг қадимий шаҳарлардан бўлмиш Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллигини нишонлаймиз. Бу эса халқимизнинг тарихи, маданияти ва истеъдодига дунёда жуда катта эҳтиром билан қаралаётгани ҳамда эътироф этилаётганидан далолат беради.

Чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик, боқимандалик билан боғлиқ барча нарса ўтмишга айланмоқда, кишиларимизда мамлакат ичидагина эмас,



балки унинг ташқарисида ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга *дахлдорлик туйғуси* ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида ўзимизнинггина эмас, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам тўпланган, кичик бўлса-да, анчагина аччиқ тажриба одамларнинг кўзини очди, улар зийракроқ ва бошқаларга нисбатан сабр-бардошлироқ бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажгимиз, фарзандларимиз келажгини қуриш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Бундай кишиларни ҳеч қандай куч билан ўзлари танлаб олган йўлдан орқага қайтариб бўлмаслигига ишончим комил.

**Иккинчидан — ижтимоий адолат тамойиллари қарор топмоқда.** Аҳолининг энг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг бутунлай янги тизими барпо этилди.

Қанчалик қийин бўлмасин, давлат ва жамият пенсионерлар, серфарзанд оилалар, талабалар ҳамда аҳолининг кучли ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган бошқа табақалари хусусида гамхўрлик қилишни бир дақиқа бўлса ҳам унутгани йўқ.

Энг кам иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг қайта-қайта, энг муҳими — нарх-навонинг эркинлиги ва инфляциядан муҳофаза қиладиган тарзда оширилиши, собиқ шўролар ҳудудида мисли кўрилмаган воқеа — **аҳоли жамғармаларининг кенг миқёсда индексация қилиниши**, аҳолини иш билан банд қилиш, пенсия таъминоти бўйича замонавий қонунчиликнинг амалга оширилиши ўтиш даврининг муаммо ва қийинчиликларини енгиллатишга,

кўпчиликнинг янги бозор шароитларига мослашишига имкон берди.

Бунинг натижаси ўлароқ, биз кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймадик, ижтимоий барқарорлик ҳамда аҳолининг ислоҳотларга ишончини, жамиятда умуммиллий тотувликни сақлаб қолдик.

**Учинчидан — жамиятимиз асоси — оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.** Биз давлатимизнинг ижтимоий асосларини мустаҳкамлашда, унинг барқарорлигида мамлакатимизнинг эртанги тақдири боғлиқ бўлган жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни тарбиялашда оиланинг муҳим ўрин тутишига катта аҳамият бермоқдамиз.

Республикамызда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича кучли кафолат яратилган, умумий таълим ва ёш авлодни профессионал жиҳатдан тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда, оилани мустаҳкамлашга кўмаклашадиган, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган турли ижтимоий жамғармалар фаолият кўрсатмоқда.

Жамиятимизнинг интеллектуал савияси ҳақида гамхўрлик қилиш ва уни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва таълим, маданият ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун маблағ қидириб топиш вазифасига алоҳида эътибор берилмоқда.<...>

**Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш жараёни, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак.** Таъбир жоиз бўлса, бу бизнинг кундалик табиий ҳолатимизга айланиши лозим. Биз изчил, қадам-бақадам янги марраларни эгаллашимиз, янги вазифаларни белгилаб олиб, уларни ҳал этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак. **Дастлабки босқичда амалга оширилган**



ишларни қилмаганимизда, бугун келгуси истиқболлар ҳақида ўйлай олмас ҳам эдик.<...>

Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда жамоат, нодавлат тузилмаларини ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, бундай тузилмалар замирида, назаримда, фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этиш истиқболлари мужассам.<...>

**Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш керакки, демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини “тўртинчи ҳокимият” сифатида намоён қилганлари йўқ.**

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари олдида бутунлай янги вазифаларни қўймоқда. Матбуот аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлиши, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, аммо холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситалари мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам ғов бўлиб, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариш, ислохотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиши зарур.

Очигини айтганда, бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шаклларини эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий

материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқдалар.

Профессионал журналист, сиёсатшунос, шарҳловчи кадрлар танқислиги сезилмоқда. Уларда тажриба, дадиллик етишмаяпти, зиммага масъулият олишдан чўчиш ва лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатлари ҳукмрон. Кўпгина журналистлар ҳанузгача эскича фикр юритишдан халос бўлолмаяптилар, муҳим муаммоларни ёритишда уларда қатъият ва принципиаллик етишмайди. Модомики, газета ёки журнал оддий фуқарони маҳаллий бюрократларнинг бедодлиги ва ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қодир эмас экан, умуман шундай матбуот керакмикан, деган ҳақли савол туғилади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш зарур. Олий Мажлис, унинг кўмиталари тегишли қонунлар лойиҳалари устида, хусусан “Ахборотдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Матбуот эркинлиги тўғрисида”ги Қонунларнинг лойиҳалари устида жиддий иш олиб бориши талаб этилади. Қабул қилинаётган қонун меъёрлари, улар асосида чиқариладиган ҳужжатлар сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаши, ахборотлар бозори шаклланиши учун шароит яратиб бериши, журналистларнинг шаъни ва кадр-қимматини ишончли тарзда ҳимоя этиши лозим.

Эркин демократик ахборот маконини яратиш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган, мустақил нашрлар ва ахборот органларининг тармоғини кенгайтириш талаб этилади.





*Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарлари билан суҳбат.*

Биз ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга ўз муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Танқиддан кейинги муносабатимиз журналистга ва таҳририятга маъмурий тазйиқ ўтказиш тарзида бўлмаслиги керак, ҳозир эса баъзан шундай бўляпти. Аксинча, нуқсонларимиздан қутулишда бизга кўмаклашаётган, мамлакатимиз тақдири, ислоҳотлар тақдири учун жонбозлик қилаётган қаламкашларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашимиз керак.

**Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш йўлининг, ислоҳотлар**

**йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур.**

Ўзбекистонда яқинда тузилган Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, назаримда, айни шу мақсадга хизмат қилади. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.<...>

Қисқа қилиб айтганда, **демократия жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина, демократия ҳисобланади.** Фарзандларимизни болаликданоқ айни шу руҳда тарбиялаб бориш зарур.

*Биринчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан,  
1996 йил 29 август.*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
“МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ”  
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ  
ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилidir.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олға силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ етишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Айрим катта-кичик раҳбарлар эски мустабидлик, зўравонлик мафкурасининг сарқитларидан ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган оқсоқлик қилиб, маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккинчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир.

Маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юклансин.

Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари ишини янада яхшилаш мақсадида ҳокимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари билан таъминласинлар.

2. Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат



масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин.

Бу мақсадда ҳокимликлар ва “Маънавият ва маърифат” маркази, Маданият ишлари вазирлиги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Қамолот” ёшлар жамғармаси тегишли тавсияларни 2 ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Республика “Маънавият ва маърифат” маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини истиқлол ғояларини, миллий қадриятларни тегран англайдиган, фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилнинг охирига қадар қайта синовдан ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан “Маънавият ва маърифат” маркази томонидан тайинланади.

5. Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь “Ўқитувчилар ва мураббийлар” куни деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.

Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлиғини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бу борада тегишли таклифни Олий Мажлисга киритсин.

6. Республика “Маънавият ва маърифат” маркази нашри — “Тафаккур” журналинини жойларда кенг ёйиш учун маҳаллий ҳокимликлар унинг обунасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.


7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси марказнинг “Маънавият” нашриётини ташкил этиш, бу нашриётнинг ва “Тафаккур” журналининг муаллифлик қалам ҳақи миқдорларини амалдагидан ошириш масаласини кўриб чиқсин ва ҳал этсин.

8. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналари ҳамда “Тафаккур” журналинини низомида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими зиммасига икки ой муддатда марказнинг асосий биносини миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш юклатилсин.

10. Молия вазирлиги марказга махсус аудио, видео, фото ва бошқа зарур техник ускуналар харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратсин.

















11. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси тuzилганлиги эътиборга олинсин.

Ушбу Фармонда марказга берилаётган имтиёзлар унинг “Олтин мерос” жамғармасига ҳам тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Оммавий ахборот воситаларига “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, унинг “Олтин мерос” жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рукнлар очиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси марказ билан ҳамкорликда махсус “Маънавият ва маърифат” ижодий гуруҳини ташкил қилсин, мунтазам кўрсатувлар ва эшиттиришларни йўлга қўйсин.

14. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун тегишли идоралар вакилларида иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилганлиги эътиборга олинсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ*

*Тошкент шаҳри,  
1996 йил 9 сентябрь*





*“Олтин Юлдуз” медали  
1994 йил 5 майда таъсис  
этилган.*



*“Мустақиллик” ордени 1994 йил  
5 майда таъсис этилган.*



*“Амир Темур” ордени 1996 йил  
26 апрелда таъсис этилган.*



*“Буюк хизматлари учун”  
ордени 1996 йил 26 августда  
таъсис этилган.*



*“Эл-юрт хурмати” ордени  
1998 йил 28 августда таъсис  
этилган.*



*Биринчи ва иккинчи даражали “Соглом авлод учун”  
ордени 1993 йил 7 майда таъсис этилган.*





*“Мехнат шуҳрати” ордени  
1995 йил 30 августда  
таъсис этилган.*



*“Шон-Шараф” ордени 1995 йил 30 августда таъсис этилган.*



*“Дўстлик” ордени 1994 йил  
5 майда таъсис этилган.*



*“Жасорат” медали  
1994 йил 5 майда  
таъсис этилган.*



*“Шуҳрат” медали  
1994 йил 5 майда  
таъсис этилган.*



## ШОНЛИ ИШЛАРНИНГ МУНОСИБ БАҲОСИ

Гўзал ва обод ватанимизнинг Асосий қонуни — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига тўрт йил тўлиши арафасида, биз мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларида меҳнат қилиб, катта ютуқларни қўлга киритган бир гуруҳ ватандошларимизга давлатимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросимига йиғилдик.

Ҳалол меҳнатнинг қадрига етиш, элу юрт бахт-саодати, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган ўғил-қизларнинг хизматларини муносиб тақдирлаш — халқимизга хос азалий фазилатдир.

Биз бугун адолатли, инсонпарвар жамият қураётган эканмиз, аввало, одамларимизнинг қилаётган ишларига, меҳнатига ҳурмат билан қараш, қадрлаш, уларнинг кадр-қимматини жойига қўйиш сиёсатимизнинг пойдевори бўлиши шарт. Чунки одам бу дунёда ўзининг керакли эканини англаб яшаса, қилган эзгу ишларининг беиз кетмаслигига ишонч ҳосил этса, ўзига муносиб иззат-икром кўрса, бундай муносабат меҳнатчиларнинг эл-юрт, жамият олдида фарзандлик бурчини бажаришида ўз самарасини бериши муқаррардир.

Аслида ҳар қандай мукофот ва рағбат замирида инсоннинг ақл-заковати ва меҳнатига, ўз илму хунарига меҳр билан қарашига ва маҳорат кўрсатишига чуқур эҳтиром мужассамдир. Биз бугун фидокорона меҳнати, кашфиёт ва ихтиролари, санъат асарлари билан халқи-

мизнинг моддий ва маънавий юксалишига хизмат қилаётган ва шу боис, бугунги олий мукофотларга сазовор кўрилган ватандошларимиз билан чин дилдан фахрланамиз.

Ватанимиз орден ва медаллари мазмун-моҳияти билан ҳам, ташқи кўринишию жозибаси билан ҳам ҳавас қилгулик. Уларнинг номида ва шаклида биз танлаб олган йўл, буюк мақсадларимиз, хоҳиш-иродамиз, Ватан ва миллатга муносабатимиз ифода этилгандир. Бунинг буюк маъноси бор. Зеро, улар ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир!

Биз Ўзбекистоннинг келажаги шонли ўтмиши каби буюк бўлади, халқимиз фаровон турмуш ва осойишта ҳаётга албатта эришади ва шулар орқали жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди, деб ишонч билдирар эканмиз, биринчи галда сиз каби фидойи, заҳматкаш, салоҳиятли илму хунар эгаларига таянамиз.

Сизларнинг ўз соҳангизда эришган ютуқларингиз, ҳаётий тажрибаларингиз, инсоний фазилатларингиз, тафаккур қудратингиз барча учун, аввало, ўсиб келаётган ва камол топаётган ёш авлодимиз учун ҳамиша ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади, — дея таъкидлади. Бу ибратнинг маъноси битта: у ҳам бўлса, она юртимиз, Ўзбекистонга садоқатли фарзанд бўлиб хизмат қилиш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов актрисалар С. Эшонтураева, М. Хамидова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Глушенковага давлат мукофотларини топширмоқда.*



асраш, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жон фидо этишга ҳам қодир бўлиш!

Ўзбекистон ўз тараққиётининг машаққатли, мураккаб, зиддиятларга тўла, аммо гоёт шарафли йўлидан юксак мақсад сари, оғишмай бормоқда. Бу йўлнинг барча пасту баландликлари, қувонч ва изтироблари, ютуқ ва камчиликлари, бутун халқимиз қатори сизларга ҳам яхши аён. Босиб ўтаётган йўлимиз қанчалар оғир ва қийин бўлмасин, истиқлол йиллари бизнинг мустақил яшаш ва мустақил тафаккур юритишга қодир миллат эканимизни жумлаи жаҳонга ёрқин намоён қилмоқда.

Биз жаҳон ҳамжамиятига кириб борадиган ўз йўлимизни топиб олдик ва бу йўлда дастлабки, шу билан бирга, салмоқли қадамлар қўймоқдамиз. Бу ҳаракатлар, иншооллоҳ, ўзининг ижобий самарасини беришига халқимиз ишонди. Бу ишончини юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, моддий ва маънавий ҳаётимизда ижобий мақсадлар сари босқичма-босқич қадам қўйиб, сезиларли натижаларга эришишда ифода қилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида халқимиз, жамиятимиз қўлга киритган энг катта

ютуқлардан бири айнан мана шу деб айтсак, ўйлайманки, хато қилмаймиз.

Ўзбекистонимизнинг эртанги куни маънавий-маданий баркамол, руҳан тегик, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос, касб-кор маҳоратини ўзида мужассам этган, ғурури баланд, иймони бутун, иродаси бақувват, чинакам ватанпарвар, инсофли ва ориятли инсонлар қўлида деб айтсак, асло муболаға бўлмас.

**“Мардлик ва мурувватни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди”**, дейди соҳибқирон бобомиз Амир Темур. Сизлардаги ана шундай гўзал фазилатлар ҳаммамизни мамнун ва мафтун этади. Ўзбекистон сиз ва сизлар каби азамат, танги одамлари меҳнати билан буюк келажакни қуради. Сизларни улуғ ва қутлуғ Ватанимизнинг олий мукофотлари билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ва барча ватандошларимизни халқимизнинг улкан байрами — Конституция куни билан самимий табриклайман. Барчангизга омонлик-рўшнолик, оилаларингизга бахт-саодат тилайман.

*Давлат мукофотларини  
топшириш маросимида  
сўзланган нутқ,  
1996 йил 6 декабрь*



## ИНСОН УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ

Ўтган давр ичида биз дунёга чиқдик. Биз жаҳонни, дунё эса бизни англай бошлади. Кўплаб хорижликлар бугун янги турмушни қуришда биз билан ҳамнафас бўлмоқда. Европага ва дунёнинг бошқа ривожланган давлатларига ташрифлар чоғида улардан кўп нарсаларни ўрганмоқдамиз, уларга ҳавас қилмоқдамиз.

Бизда аввало улардаги эркин ҳаёт ҳавас уйғотади. Шу ўринда инсоннинг умри бетакрорлигини, унга берилган ҳаёт Аллоҳнинг буюк инъоми эканини таъкидлаш жоиз. Аслида инсон бахт учун, дунё неъматларидан баҳраманд бўлиш учун туғилгандир.

Ривожланган давлатлардаги биз учун ибратли яна бир нарса — давлат ва жамиятнинг инсонга ҳуқуқий кафолатлар беришидир. Конституцияда мустаҳкамланган бу кафолатлар барча учун баробардир. Бу қоидаларнинг амалга ошиши учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшади. <...>

Ҳар бир инсон умид билан яшайди. Орзу-ҳавасимга эришсам, болаларимнинг роҳатини кўрсам, уларнинг камолига гувоҳ бўлсам, дейди. Бу, айниқса, бизнинг болажон халқимизда ёрқин намён бўлади. Не-не ота-боболаримиз озод кунлар учун ўзларининг жонини қурбон қилганларини шундай қутлуғ кунда эслаш ўринлидир. Уларга таскин берган ягона нарса ҳам, мен кўрмаган бахтли кунларни болаларим кўрсин, деган қутлуғ ният эди.

Биз беозор ва мўмин халқмиз. Яшаган ҳар бир кунимиз учун Аллоҳга шукрлар қилишга, келажакка ёруғ умидлар билан боқишга одатланганмиз. Бу яхши. Аммо мен бугун сизнинг эътиборингизни келажак бугундан бошланиши лозимлигига қаратмоқчиман. Биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт. <...>

Хўш, фаровон турмуш шароитлари яратиш учун бизда имкон борми? Фаровон яшаётган халқлардан бизнинг қаеримиз кам? Ҳа, имкон бор.

Биз жаҳон маънавияти хазинасини бойитган улуғ алломалар меросхўримиз. Улкан маданий, маънавий меросга эгамиз. Дунёда бу қадар бой меросга эга бошқа халқ ҳам борми? Қонимизда ана шундай буюклар қони оқар экан, биз фаровон ва гўзал турмуш яратиш учун беқиёс имконимиз бор, десак бўлади. Иккинчидан, эътиқодли ва меҳнаткаш халқимиз бор. У хорижликдан бир неча баробар кам иш ҳақи олса-да, шундай меҳнат қилаётгани, тасанно демай иложинг йўқ. У бугун янги билимларни эгаллаб, ўз қобилиятини оширмоқда. Ёрқин келажак яратиш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Бундай интилувчан, иродали меҳнаткаш халқ билан ҳар қандай олий мақсадларни амалга ошириш мумкин. Фақат ташкилотчилик керак, холос. Яхши яшашни истар эканмиз, биз тезроқ эскилик сарқитларидан, иллатларидан қутулишимиз лозим. Консти-







туциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Конституциянинг асосий моҳияти яна шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди. <...>

У жамият аъзоларининг тенглигини қайд этади, унга кафолатлар беради. Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир. Бизда айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамано халқдан ўзини ажратишга уринади. Аслида мансаб халқдан ўзини устун сезиш учун эмас, унга сидқидилдан хизмат қилиш учун берилди. Халқ орасидан ажралиб туришнинг биргина кўринишини оқлаш мумкин. У ҳам бўлса, фидойилик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қаҳрамонликдир. <...>

Қонунларга ҳар биримиз риоя қилганимиздагина муайян ҳуқуқий ҳужжат обрўга эга бўлади. У барчамизнинг манфаатимиз йўлида хизмат қилади. <...>

Ҳар биримизда миллий ғурур, миллий онг, тафаккур ривожланган ва барқарор бўлиши тараққиётга эришишнинг яна бир муҳим омилидир. Агар инсон ўз юртидан ғурурланмаса, юртини ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асраш учун ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ. Шу ўринда биз 660 йиллигини нишонлаётган буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини яна бир карра эслайлик. Соҳибқирон: “Бир фишт олган бўлсам, ўрнига ўн фишт қўйдирдим, бир дарахт кессам, ўрнига ўн дарахт эктирдим”, — деб ёз-

ган эди. Биз юртимизни фаровон қилиш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ниятида эканмиз, ҳар биримиз буюк бобокалонимизнинг ана шу сўзлари мағзини чақиб олишимиз лозим. <...>

Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишига лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Чуқур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат. Биз қадриятларимизга риоя қилишга катта аҳамият бермоқдамиз. Демократияни қарор топтиришда миллий ўзига хослик ҳисобга олиниши ҳақида сўзласам, айрим мухолифлар бу фикрни тўғри англамаяптилар. Аммо, мен ўз фикримда собитман, уни ҳимоя қилишга ҳам тайёрман. Албатта, демократиянинг умумий талаблари барча учун қоида бўлиши керак. Бироқ биз мусулмон халқмиз. Шарм-ҳаё, ор-номус ҳар биримизда мустаҳкам. Фарбда агар шу қадриятлар ҳақида сўзласанг, сени туншунмасликлари ҳам мумкин.

Фарбча индивидуализм Шарқ кишисига ёт. Жамоа тартибида яшаш бизга мос. Маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Чунки маҳаллада кимнинг қандайлиги, ўз кунини ҳалол ёки қинғир йўллар билан кўраётгани кундай аёндир... Оилада тўкинлик бўлмаса, ё давлат, ё корхона, ё худ ишловчининг ўзи айбдордир. Бу вазиятни маҳаллаларга таяниб, обдан таҳлил қилиш мумкин. <...>

Хоҳ катта, хоҳ кичик корхона ёки ташкилот раҳбари ўз ходимининг ташвишларидан хабардор бўлмас ва уларни севмас экан, у раҳбар бўлишга нолайиқдир. Бу ўринда эришилган ютуқлар оддий кишилар турмушида сезилмаса, улар ман-



фаатдорлигида акс этмаса, бундай юк-салишнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Шу боис — 1997 йилни инсон ман-фаатлари йили, деб эълон қилсак. Ҳар биримиз мана шу эзгу мақсад рўёбга чи-қиши учун муносиб ҳиссамизни қўшсак. Шахсан менга келсак, агар халқим тур-муш даражасининг ўсиши фақат менга-гина боғлиқ бўлса, ҳатто жонимни ҳам беришга тайёрман.

Ҳар бир инсонда яхши фазилатлар ҳам, ёмон одатлар ҳам мавжуд. Гап ун-даги қайси туйғуларни уйғотишда. 90-йилларда биз мухолифларимиздан фарқ-

ли равишда эҳтиросларга берилмай иш олиб бордик. Натижада шу қутлуғ кун-ларга етиб келдик. Бугун кўп соҳаларда МДХдаги бошқа давлатлардан илгари-лаб кетдик. Бунда Асосий қонунимиз бизга дастуриламал бўлди. Сўзимнинг охирида сизларни кишилардаги яхши фазилатларни уйғотиб, уларни эзгу мақ-садларга сафарбар этишга, жипслашган ҳолда меҳнат қилиб, ниятларимизга эри-шишга даъват этаман. Сизларни Конс-титудия куни билан чин қалбдан яна бир карра табриклайман.

*Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг  
тўрт йиллигига  
бағишланган тантанали  
йиғилишда сўзланган нутқдан,  
1996 йил 6 декабрь*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган, жаҳоний шуҳрат қозонган нафис санъатлар мактабларининг ноёб анъаналарини авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Рассомлар уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, академия бадиий ижодкорлар уюшмаси ва унинг асосида ўз бошқарув кенгашига, ҳақиқий ҳамда фахрий аъзоларига эга бўлади. Унинг таркибий тизими тасдиқлансин.

2. Бадиий академия фаолиятида ижодий, ўқув ва илмий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари асосий йўналишлар эканлиги эътиборга олинсин. Қуйидагилар академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбек халқининг бой бадиий мероси, унинг жаҳон санъати тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичлари ва замонавий йўналишларини чуқур ўрганиш ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаш, миллий мустақиллик ғояларига мос тадқиқотлар, дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш;

тасвирий ва амалий санъатлар соҳасидаги ижодкорларни, энг аввало, ёш истеъодларни халқимизнинг бой маънавий дунёси, озод ва обод ватан келажаги олдидаги масъулият, миллий ўзликни англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналтириш ҳамда бу йўлдаги ҳаракатларни рағбатлантириш;

ижодкорларни, иқтидорли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда соҳа мутахассисларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлашни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш;

тасвирий ва амалий санъат, дизайн, халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

халқаро ижодий, илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали ўзбек миллий санъати ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, симпозиумлар ва бошқа анжуманлар ўтказиш;

бадиий академия таркибидаги муассасаларнинг ташкилий, моддий-техник масалаларини ҳал қилиш, уларни замонавий техника ҳамда зарур анжомлар билан таъминлаш.

3. Бадиий академия таркибида:



Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг рассомлик факультети ва республика рассомлик билим юрти негизларида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти;

республика ўрта махсус санъат мактаб-интернати негизиди тасвирий ва амалий санъат лицейи;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд санъат мактаблари негизиди биттадан тасвирий ва амалий санъат лицейлари ташкил этилсин.

Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти қошида ўрта махсус таълим бўғини сақлаб қолинсин.

4. Бадиий академиянинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантириш бўйича кенг кўламли дастурларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилсин.

5. Бадиий академия таркибига қуйидаги муассасалар кириши белгилаб қўйилсин:

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти;

Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицейлари;

Бадиий кўргазмалар дирекцияси;

Махсус жамғарма;

Академиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими.

6. Бадиий академия ташкил этилиши муносабати билан Маданият ишлари вазирлиги қошида амалий санъат, рассомлик, дизайн соҳаларидаги ташкилот ва корхоналар негизиди махсус ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилсин. Бу бирлашманинг бадиий академияда яратилган ижодий ғоялар, мукаммал бадиий лойиҳалар, нафис санъатлар соҳасидаги илмий изланишларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш маркази, таълим тизимининг асосий тажриба-амалиёт таянчи бўлиши белгилаб қўйилсин.

7. Бадиий академия ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ўз низомлари доирасидаги фаолиятлари учун давлат солиқларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг соҳани янада ривожлантиришга, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилсин.

8. Тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида юксак бадиий асарлар яратган ижодкорлар меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида энг яхши асарлар учун бериладиган Камолиддин Беҳзод номидаги давлат мукофоти таъсис этилсин.

9. Бадиий академиянинг марказий аппарати Тошкент шаҳар Ш. Рашидов кўчаси, 40-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси бадиий академиянинг янги замонавий биносини, экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатини, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассом-



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI



ЎЗБЕКИСТОН  
BADIY ACADEMIYASI



лик ва дизайн институтининг 500 ўринли ётоқхонасини лойиҳалаштириш ва қуриш, шунингдек, мазкур институт ҳамда бадий кўргазмалар дирекциясининг биноларини тўлиқ таъмирлаш учун тегишли маблағ ажратишни 1997—1999 йиллар режасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маблағларни ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*  
*1997 йил 23 январь.*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
РЕСПУБЛИКАДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ,  
МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ёш авлоднинг ўзбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жаҳон андозалари асосида билим олишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа ўқитувчи, илмий-ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, республика маданият ва санъат билим юртлирининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ўз тасарруфидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларини “Таълим муассасалари” рўйхатига киритиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

1997 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари (директор, директор ўринбосари, ўқитувчи ва концертмейстрлари)га Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 январдаги 3-сонли қарорида белгиланган имтиёзлар:

ўрта махсус ўқув юртлирининг ўқитувчилари, концертмейстрларига ҳамда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги 415-сонли қарорида белгиланган моддий рағбатлантириш бўйича барча имтиёзлар татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига:

тегишли вазирлик, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, бой миллий-маънавий меросимиз, ҳозирги замон иждоий ютуқларимиз, шунингдек, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўрганиш ва ўзлаштириш ишларини янада яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида иқтидорли ёшларнинг миллий анъаналарни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос равишда таълим олишлари учун махсус ўқув дастурларини тайёрлаш;

ўқув юртлирини юқори сифатли чолғу асбоблари ва зарур замонавий техник воситалар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

нодир, қимматбаҳо мусиқа асбобларини тўплаш, асраш, улардан унумли фойдаланиш мақсадида вазирлик ҳузурида “Мусиқий чолғулар давлат коллекцияси”ни ташкил этиш;

истеъдодли ёшларни санъат соҳасидаги халқаро ва республика миқёсидаги кўрик-танловлар, фестиваллар ва бошқа турдаги анжуманларда иштирок этишлари, уларнинг чет элларга иждоий сафарларга чиқишлари, шунингдек, мамлакатимизда бундай тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаш топширилсин.



3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни Маданият ишлари вазирлигининг буюртмасига мувофиқ республика бюджетидан қопласин.

Марказий банк тегишли маблағларни белгиланган тартибда эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

4. Жойлардаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш ва билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

5. Оммавий ахборот воситаларига ёшларнинг маданият ва санъат соҳасида эришаётган ютуқларини кенг тарғиб қилиш, янги истеъдодларни излаб топиш ва уларни танитишда бевосита иштирок этиш тавсия этилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*  
*1996 йил 31 декабрь*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА  
ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
“УМИД” ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар улкан ҳисса қўшишини назарда тутиб, ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она-юртни улуғлашга қобил истеъдодли йигит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармаси тузилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Камолот” жамғармаси, шунингдек Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғарма ҳомийси бўлиши ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.

Бундан буён жамғарма бошқаруви ҳомийлар таркибини, шу жумладан чет эллик иштирокчилар ҳисобига ҳам кенгайтириш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқиши белгилаб қўйилсин.

3. Жамғарма фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг барча турларидан озод қилинсин.

4. Қуйидагилар жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида истеъдодли ёшларни танлаб олиш, саралаш ва ўқитиш, тегишли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимига жорий этиш ҳамда танлов асосида чет эл ўқув юртига ўқишга юбориш;

— қобилиятли ёшларнинг нуфузли халқаро олимпиада ва танловларда иштирок этишини ташкил қилиш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек етакчи чет эл олий ўқув юртилари ва илмий марказлари, таълим йўналишида фаолият кўрсатаётган



халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш;

— иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлари асосида таҳсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавиятли юқори малакали мутахассис бўлиб етишишларига моддий-маънавий ҳомийлик қилиш;

— чет эл олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳамда таълим олиб келган иқтидорли ёшлар билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларни миллий тикланиш мафкурасига асосланган ҳолда умумбашарий қадриятларни ўрганишга, Ўзбекистон илм-фанининг шон-шуҳратини, обрў-эътиборини дунёвий миқёсларга олиб чиқишга даъват этиш.

5. Иқтидорли ёшларни чет элда ўқитиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти грантлари (ўқиш харажатлари учун бериладиган мукофотлар) жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти грантларини бериш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

6. Жамғарма йўлланмаси бўйича хорижда ўқитиш ҳар йили тасдиқланадиган устувор мутахассисликлар бўйича амалга оширилсин ва устувор мутахассисликларнинг таълим шакллари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти грантлари бўйича чет элда таълим олиб келган ёш мутахассислар Ўзбекистон учун устувор бўлган соҳаларга давлат томонидан ишга тақсимлансин ва уларнинг иш фаолияти, шунингдек ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча масалаларга алоҳида аҳамият берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу фармоннинг амалга оширилишига доир ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
*И. КАРИМОВ*

*Тошкент шаҳри,*  
*1997 йил 7 январь*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ РАҚС  
ВА ХОРЕОГРАФИЯ САНЪАТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган, юзаки, ноўрин тақлидга асосланган хатти-ҳаракат ва либослар хуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш ҳамда бу соҳа ташкилотларининг моддий негизини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпанияси ва “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасининг “Баҳор”, “Лазги”, “Зарафшон” ҳамда “Тановор” ансамбллари негизида танлов асосида Маданият ишлари вазирлиги тизимида янги — Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс бирлашмаси (“Ўзбекрақс”)ни ташкил этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

“Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси тасарруфида “Шодлик”, “Чен-Чун” ва уйғур ансамбллари негизида “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекрақс” бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бўлимларига эга мустақил ижодий-ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланиб, унинг мулкчилик шаклларидан ва қайси идора тасарруфидалигидан қатъи назар, турли рақс жамоаларини бирлаштириши белгилаб қўйилсин.

3. Бирлашма ўз фаолиятини қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратганлиги эътиборга олинсин:

Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш;



мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш, авайлаш, шу асосда янги бадиий жамоалар тузиш, мустақиллик маънавиятини ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш;

бирлашма таркибидаги ижодий жамоаларнинг, ташкилий, молиявий, моддий-техник масалаларини ечиш, уларни мусиқа асбоблари, ранг-баранг рақс либослари, замонавий радиоэлектрон техника, зарур анжомлар билан таъминлаш;

рақс санъатини Ўзбекистон халқи, чет мамлакатлар жамоатчилиги орасида тарғиб қилиш, ансамблларнинг кенг кўламли дастурларга асосланган самарали гастрол фаолиятини уюштириш, реклама-тижорат ишларини йўлга қўйиш.

4. "Ўзбекрақс" бирлашмаси таркибидаги ансамбллар юридик шахс бўлмаган бадиий жамоа сифатида фаолият кўрсатиши ва уларнинг ҳар бири ўз қиёфасига, услубига эга бўлишлари белгилаб қўйилсин.

Маданият ишлари вазирлигига бир ой муддат ичида "Ўзбекрақс" бирлашмасининг фаолияти ҳақида Низомни тайёрлаш ва бу вазифаларни амалга ошириш учун дирекция таркибини ташкил қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритиш юклансин.

5. "Ўзбекрақс" бирлашмаси, унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан 5 йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг мамлакатимизда рақс санъатини янада ривожлантиришга, бирлашманинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга мақсадли сарфланиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбек хореография билим юрти ҳамда Тошкент давлат маданият институти "Хореография" бўлими негизида олий махсус ўқув юртлири мақомидаги Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилсин, унинг ўқув театри биносини қуриш назарда тутилсин. Олий мактаб қошида мавжуд бошланғич (интернати билан) ва ўрта махсус таълим бўғинлари сақлаб қолинсин.

Қуйидагилар Олий мактабнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

бакалавр дастури асосида миллий рақс ва балет бўйича балетмейстерлар, балетмейстер-режиссёрлар, рақс ижрочилари, ўқитувчилар тайёрлаш;

магистр дастури асосида миллий рақс ва хореография санъати бўйича илмий-педагогик, ижодий кадрлар тайёрлаш;

миллий рақс ва хореография санъати бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш;



Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ўзбек рақс ва хореография санъати тарихи, тараққиёти йўналишлари бўйича тадқиқотлар, дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш;

маданият ва санъат ўқув юртлари, рақс жамоаларига услубий-ижодий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятини илмий-назарий жиҳатлардан мувофиқлаштириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, М. Турғунбоева номидаги “Ўзбекрақс” бирлашмаси биноларини таъмирлаш, зарур анжомлар ва техник воситалар билан таъминлаш ҳамда ушбу Фармонда белгиланган бошқа вазифаларнинг бажарилиши учун Маданият ишлари вазирлигининг буюртмасига мувофиқ маблағ ажратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

9. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*  
*1997 йил 9 январь*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**  
**“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ЖУРНАЛИНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини янада бойитиш, уларнинг умумбашарий қадриятлар, инсониятнинг маънавий мероси дурдоналаридан баҳраманд бўлишлари, ҳар томонлама камол топишлари учун шароит яратиш, кенг жамоатчиликни илғор жаҳон адабиёти ва санъатининг нодир намуналари билан мунтазам таништириб бориш ва адибларимизнинг халқаро алоқаларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ва Ёзувчилар уюшмасининг “Жаҳон адабиёти” ойлик журналинини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. “Жаҳон адабиёти” журналинини таҳририяти зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

— жаҳон адабиётидаги истиқлол ғояларига мос ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ғояларни улуғловчи, турли миллатларнинг серқирра ҳаётини теран образларда ҳаққоний акс эттирувчи бадиий баркамол асарларни чоп этиш орқали халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг маданий юксалиши, миллий тафаккурининг такомиллашиши учун маънавий муҳит ҳозирлаш;

— илғор хорижий давлатлар нашриётлари, таҳририятлари, йирик адабиёт намояндалари билан ижодий алоқалар ўрнатиш, журналхонни чет эл адабиётининг ёрқин намуналари билан таништириб бориш;

— жаҳондаги адабий-бадиий жараённи холис ва ҳаққоний таҳлил қилиш орқали ўзбек адабиётининг янги ижодий тажрибалар орттириши учун шароит яратиш;

— журнал ишига энг тажрибали таржимонларни жалб қилиш, маҳоратли танқидчилар ва таржимонлар мактабини яратиш;

— ўзбек ва жаҳон адабиёти, санъати намояндаларининг ҳамкорлигини, халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада кенгайтирувчи тадбирлар ўтказишга бош-қош бўлиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва муассислар Меҳнат вазирлиги, республика Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

“Жаҳон адабиёти” журналининг низомини ишлаб чиқсин;

журналнинг ҳажми, даврийлиги, таҳрир ҳайъати, ходимлари штат жадвали, уларнинг ойлик маошлари, журнал қалам ҳақи миқдорини белгиласин;



журнал нашри учун керакли қоғоз ва бошқа моддий-техника таъминоти ҳамда обуна масалаларини ҳал этсин;

журнал жамоаси фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб берсин.

4. Журнал таҳририяти Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уйга жойлаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

муассислар тақдим этган ҳисоб-китоб асосида 1997 йилдан бошлаб ҳар йили ушбу журналга обунадан тушадиган маблағ билан нашр этишга сарфланадиган харажатлар тафовутини молиявий таъминлаш учун давлат бюджетидан тегишли маблағни ажратишни кўзда тутсин;

таҳририятга битта енгил автомобиль харажатларига лимит ажратсин;

пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси “Жаҳон адабиёти” журнаliga хорижий давлатлар даврий нашрларига обуна бўлиш, чет мамлакатларда чоп этилган адабиёт ва санъат асарларини сотиб олиш, хорижлик муаллифларга қалам ҳақи тўлаш, қоғоз ва бошқа матбаа ашёларини харид қилиш учун зарур бўлган маблағларни эркин алмаштириладиган валютага белгиланган тартибда айирбошлашни таъминласин.

6. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки журнал таҳририятининг миллий ва чет эл валютасидаги ҳисоб-китоб счетларини очсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфларидаги муассасалар, олий ўқув ва илмий-текшириш институтлари имкониятларини сафарбар қилиб, журналда чоп этиш учун асарлар танлаш, уларни баҳолаш ҳамда нашрга тайёрлашда, шунингдек, чет мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашда таҳририятга ёрдам берсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги журнал таҳририятини замонавий, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклатилсин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси*  
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*  
*1997 йил 27 февраль*



## ВАТАН — ҲАММА НАРСАДАН МУЎТАБАР

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Азиз юртдошлар!

Бугун биз ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк ва муўтабар сана — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг беш йиллигини нишонламоқдамиз.

Беш йил муқаддам эски мустамлакачи ва мустабид тузум кишанларидан халос бўлиб, озод ва обод ҳаёт қуришга, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашга қатъий азму қарор қилдик.

Беш йил башарият тарихида — бир зум, бир дақиқа, холос. Лекин шу қисқа даврда биз босиб ўтган масофа бошқалар ўн йиллар, балким асрлар давомида босган йўл билан тенг, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун, унинг миллати, дину эътиқодидан қатъи назар, тенг бўлиб яшаш, ягона уйимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг бугунги ва келажак ҳаётини қуриш имконини яратди.

Жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли дўстона алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлдик.

Гўзал ва бетакрор диёримизнинг улкан табиий бойлигидан, инсоний ва интеллектуал имкониятларимиздан тўлиқ ва авваламбор, ўз халқимиз манфатлари учун оқилона фойдаланишга киришдик.

Иқтисодиётимизни ўзимизга хос, ўзимизга мос, бугун “Ўзбек модели” деб ном олган дастур асосида марказга қарам бўлиб хомашё етказиб берадиган бир ёқлама ҳолатдан чиқариб замонавий тараққиёт йўлига ўтказмоқдамиз.

Тараққий топган давлатлар тажрибаси ва билими, уларнинг ёрдамига таяниб, шу билан бирга, ўз миллий хусусиятимизга ва халқ мафқурасига асосланиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини эъзозлайдиган янги демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида анча ютуқларни қўлга киритдик.

Албатта, биз эришган натижалар — марралар, авваламбор, оғир ва машаққатли меҳнат эвазига бўлаётганини яхши тушунамиз. Ҳали олдимизда не-не қийинчиликлар, муҳим синовлар турганини ҳам чуқур англаймиз.

Лекин мен бугун халқимизни ишонтириб айтмоқчиманки, беш йил ичида бошимиздан кечирган ҳаётимизнинг энг машаққатли, энг мураккаб давлари ортда қолди.

Ўтган йили Мустақиллик байрамида, мана шу юксак минбарда туриб: “1996 йил Ўзбекистонимиз учун юксалиш йили бўлажак!” деб ишонч билдирган эдим.



Худога минг қатла шукроналар бўлсинким, бизнинг эзгу ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. 1996 йилнинг биринчи ярми якунлари шуни яққол кўрсатмоқдаки, бу йил, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимиз учун барқарор юксалиш ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиш йили бўлур, иншооло.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Истиқлолнинг беш йиллик тарихи бизга кўп сабоқлар берди. Ақлимизни чархлади, кўзимизни очди. Ютуқлар қаторида камчиликларимизни ҳам кўрсатиб берди. Беш йиллик тажрибадан — якундан нафақат давлат миқёсида, балки ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман, ҳар қайси хўжалик ва ҳар қайси жамоа мисолида оқилона хулоса чиқариш — ҳаммамизнинг бугунги энг долзарб вазифамиздир.

Лўнда қилиб айтганда, эски замон асоратидан батамом қутулишимиз керак. Янги даврга муносиб бўлиш, дадил ва тадбиркор бўлиш, боқимандалик балосидан, мутелик ва қарамлик кайфиятининг қолган-қутган сарқитларидан халос бўлишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Биз ҳаётимизда эркинлик ва демократия тамойиллари чин маънода устувор бўлишига эришмоғимиз даркор.

Ҳур жамиятни, эркин иқтисодни барпо этиш, инсон имкониятларидан тўла фойдаланиш, унинг қилган меҳнати, ақл-заковатига қараб нафақат моддий, балки маънавий баҳо ва рағбат бериш, бир сўз билан айтганда, халқимизни рози қилиш — бу масалалар устида ҳали кўп ишлашимиз керак.

Шу билан бирга: ҳар қайси жамият аъзоси ўз инсоний ҳуқуқларини, ўз имкониятларини тўла англаб олиб, ўзини мамлакатнинг ҳақиқий фуқароси деб ҳис қилган ва бугун қураётган жамиятимиз ҳаётида фаол қатнашиб, ўз Вата-

нидан, ўз заминидан, ўз тарихи ва халқидан фахрланиш туйғусига эга бўлган тақдирдагина биз муродимизга етамиз. Ватан ҳамма нарсадан мўътабар ва азизлигини, унинг номини эъзозлашда улуғ бобомиз Амир Темур сингари шарафлаш зарурлигини англаб, Ўзбекистонга ўчмас муҳаббатни, садоқатни, фидоийликни дилга жо қилсак, иншоолло, кўзлаган ҳамма мақсадларимизга эришамиз.

Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.

Мустақиллигимиз билан баробар тугилган болаларимиз бугун беш ёшга кирмоқда. Ҳадемай улар вояга етиб, камол топиб, бизнинг таянчимиз, ишончимиз бўлиб қолар, иншоолло.

Менинг эзгу тилагим:

Илоё, оналаримиз, боболаримиз ва бувиларимизнинг умрини берсин!

Ёш авлодга — кўзимизнинг нури бўлмиш азиз фарзандларимизга куч-қувват, ақл-заковат, гайрат ва шижоат, битмас-туганмас омад доим ёр бўлсин!

Азиз ватандошларим!

Бу саодатли онларнинг сабабчиси — халқимизнинг фидокорона меҳнати ва мардлиги, сабр қаноати ва меҳру оқибати деб, эл-юртимизнинг эсон-омон, талафотсиз шу кунларга етиб келиши, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тоғувлик ва бирдамлик ҳукм сураётганини Аллоҳнинг марҳамати ва буюк инъоми деб билмоғимиз керак.

Минг бора шукроналар бўлсинким, бугун Ўзбекистонимиз ўзининг салоҳияти ва куч-қудратини англаб, истиқболлига ишониб, Ҳумо қуши каби қанотларини кенг ёзиб, янада буюк парвозлар сари отилмоқда.

Мана шу юксак минбарда туриб, заҳматкаш ва саховатли халқимизга, ёшу



кекса инсонларимизга тасаннолар айт-  
моқчиман, таъзим қилмоқчиман.

Муқаддас Ватанимиз бахтига соғ-са-  
ломат бўлинг, азиз юртдошларим!

Барчангизга тинчлик-омонлик, бахт-  
саодат, юртимизга — Ўзбекистонимизга  
файзу барака тилайман!

Истиқлолимизнинг беш йиллиги бай-  
рами муборак бўлсин!

Мустақил Ўзбекистонимиз абадул-  
абад турсин!

Эзгу ва ҳалол ишларимизга Аллоҳ-  
нинг ўзи мададкор бўлсин!

*Ўзбекистон мустақиллигининг  
беш йиллиги байрами тантаналаридаги  
табрик сўзи,  
1996 йил 31 август*





































## ШАРҚ МУСИҚАСИ — ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

Хонимлар ва жаноблар!  
Азиз меҳмонлар ва дўстлар!  
Фестивал қатнашчилари!

Энг аввало, “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг қатнашчиларини гўзал Шарқимизнинг дурдонаси — қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида муборақбод этишдан бағоят мамнун эканимни изҳор қилишга ижозат бергайсизлар!

Бугунги мусиқа байрамида иштирок этаётган Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Миср, Индонезия, Корея Республикаси, Бангладеш, Вьетнам, Таиланд, Малайзия, Иордания, Исроил, Мўғулистон, ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон вакилларига, Россия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Олмония, Австрия, Юнонистон, Мексика, Арманистон, Латвия ижрочи ва санъаткорларига чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, уларнинг ҳар бирига ўзбек халқининг саломи ва ҳурмати етказишдан бениҳоя бахтиёрман!

Фестивалимизнинг фахрий меҳмонлари — ЮНЕСКО вакиллари, Халқаро мусиқа кенгаши раҳбариятини ва бошқа азиз меҳмонларимизни қизгин табриклаймиз ва “Самарқанд тупроғига хуш келибсиз!” деб чин кўнгилдан қутлаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

“Шарқ тароналари” мусиқа фестивали Ўзбекистонда, айти Самарқанд заминиде ўтаётгани бежиз эмас. Самар-

қанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади.

Бу ерга Амир Темур, Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Улуғбек, Қозизода Румий, Шарафиддин Али-Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Клавихо, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Вамбери, Абдураззоқ Самарқандий каби ўнлаб ва юзлаб буюк инсонларнинг қадамлари теккан.

Не-не буюк давлат арбоблари, санъаткорлар ва ижодкорлар бу шаҳри азимни зиёрат қилган.

Самарқандни азал-азалдан турли халқ вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил бўлган, деб айтсак асло хато бўлмас.

Азиз дўстлар!


Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк.

Сиз меҳмон бўлиб турган қадимий Самарқанд музейларидан бирида археологларимиз топган ғоят ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб — беш минг йиллик най авайлаб асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди.

Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда.

Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда.





Хонимлар ва жаноблар!

Қадимий Самарқандга, буюк воқеалар шоҳиди бўлмиш Регистон майдонига Сизларни эзгу бир ният билан таклиф этдик.

Ишонаманки, Сизларнинг гўзал санъатингиз Шарқимиз мусиқа дурдоналарини бутун дунёга яна бир бор намоиш қилади.

Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади.

Ишонаманки, “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойитади, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларимизни бир-бирига яқинлаштиради.

Ишонаман, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ҳурматли меҳмонлар!

Сизларни ҳеч бир муболағасиз “маданият ва дўстлик элчилари” деб аташ мумкин. “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали очилиши муносабати билан барчангизни Ўзбекистон халқи номидан яна бир бор муборакбод этаман ва ижодларингизга омадлар тилайман.


Азиз томошабинлар!

Самарқанд аҳли!

Ҳеч қандай шубҳам йўқки, сиз, биродарлар, фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига уларни қўллаб-қувватлашда ўзбек халқига муносиб меҳмондўстлик ва бағрикенглик фазилатларини, албатта, намоиш этасизлар.

*“Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивалининг очилишидаги табрик сўзи, Самарқанд, 1997 йил 26 август*







## БУХОРОИ ШАРИФНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватан-дошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрли меҳмонлар!

Бугун Ўзбекистон ҳаётида буюк бир сана — шону шавкати етти оламни тутган, қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифнинг 2500 йиллик қутлуг тўйини нишонламоқдамиз.

Мана шу тарихий воқеа билан сиз — бугунги тантана иштирокчиларини, Бухоро аҳлини, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантаналарда қатнашаётган БМТ, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва вакилларига, хориждан келган меҳмонларимизга, ахборот воситалари вакилларига сизнинг номингиздан чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни билдиришмоқчиман.

Бухоро ўлкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойларидан биридир.

Бухоро “қуббатул ислом”, яъни “ислом динининг гумбази” ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, “қуввати дини ислом” деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир.

Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг йигирма беш асрлик йўлини кўрамиз.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

X асрнинг машҳур тарихчиси, асли бухоролик Абу Бакр Муҳаммад Наршахий нақл қилишича, Бухорога туркий қабилалар асос солган бўлиб, бу ерда “сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга хуш келиб, шу ерга жойлашганлар”. Наршахий шуни ҳам таъкидлайдики, энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган.

Бу табаррук тупроққа милоддан олдинги VI асрда эронлик Кайхусрав, миллоддан аввалги IV асрда юнонистонлик Искандар Зулқарнайн, милодий VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларининг тажовузлари не-не кулфатлар келтирмади.

Бу азим шаҳар, Кармана, Бойкент, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Гиждувон каби қадимги кентларни ўз бағрига олган Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибдод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келдилар.



Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Томир хотун (Тўмарис), малика Қабаж хотун каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсолидир.

Ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қоракхонийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар.

Бухоро, айниқса, Темурийлар замонида гуллаб-яшнади. Жаҳон майдонида энг мўътабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилган Бухоро ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар маркази сифатида ном чиқарди. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд фаолияти айнан шу йилларда кечди.

1417 йили Бухорода Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса дарвозасига “Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир” деган сўзлар ўйиб ёзилганида жуда катта маъно муҷассам. Худди шунингдек, 1433 йили Улуғбек томонидан Фиждувонда барпо этилган мадраса не-не авлодларга илму маърифат зиёсини тарқатган.

Бугун ҳам замин узра савлат кўтариб турган меъморчилик обидалари, масжиду мадрасалар, савдо ва ҳунармандлар тимлари, шифохоналар ва хонақоҳлар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошдан кечирган буюк тарихнинг гувоҳларидир.

Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, Бобои Самосий, Фағнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқа шу каби буюк зотлар ети-

шиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан буён ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади.

Халқимиз буюк аждодларимиз мўътабар номларини, умуминсоний маънавиятга ва умуман башарият ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухорони безаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларни, масжиду мақбараларни, мадрасаларни, ислом динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк аждодлар номини абадул-абад сақлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Бу йил Бухоро ва Хива шаҳарлари 2500 йиллик муборак саналарининг Парижда кенг нишонланиши, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилиши, бугунги байрам тантаналарида кўплаб хорижлик азиз меҳмонларимиз — олимлар, файласуфлар, тарихчилар ва дин пешволарининг иштирок этиши ўлкамининг илмий, меъморий ва маданий меросига халқаро жамоатчиликнинг тобора ошиб бораётган катта қизиқишидан далолат беради.

Тарихини билмаганнинг келажаги йўқ, дейдилар. Бухоронинг бугунги қутлуғ айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир.

Элим деб, юртим деб, келажагини ўйлаб заҳмат чеккан, Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарздир.



Бухоронинг 2500 йиллиги шу юртда яшаётган ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга, юрак-юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди.

Бу тантаналар биз бугун мустақилликка эришган ягона бир халқ сифатида буюк келажак сари интилаётганимиз шунчаки орзу-ҳавас бўлмай, балки халқимизнинг тарихий салоҳияти, асрлар давомидаги давлатчилиги, маданияти ва қудратидан келиб чиқиб қўйилган аниқ мақсад эканини тасдиқлайди.

Бу масаланинг яна бир томони борки, уни айтиб ўтмасдан бўлмайди деб ўйлайман. Биз бугун истиқлол йўлида, озод ва обод Ватанимизни қуриш йўлида дадил қадам қўяётган дамларда, бизнинг шу интилишларимизни кўролмай диган, йўлимизни тўсиб олмоқчи бўлган ёвуз кучлар тарихимизни чалғитиб кўрса тишга, ёлғон гапларни кўтаришга, шу саховатли ерда яшаётган миллат ва элатлар орасига адоват уруғини сепишга ҳаракат қилаётганларнинг тўғри баҳосини бермоғимиз даркор. Шунинг учун ҳам тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга.

Бу шундай ҳақиқатким, баъзи ашаддий миллатчилик йўлига ўтиб олган, ўзгаларни кўролмай диган, ҳасад билан яшайдиганларнинг кучини қирқади, бошқаларнинг тинчлигини бузиш ниятида осойишта тараққиёт йўлига ғов бўладиганларнинг томирини қирқади. Фарзандларимизнинг кўзини ҳақиқатга очиб беради. Ҳақиқий тарих “**Куч — адо-**

**латда**” ҳикматининг нақадар тўғрилигини исботлайди.

Халқимиз ўтмишининг ажралмас қисми бўлмиш Бухоро тарихи шукуҳли ва муборак кунлар билан бир қаторда жуда оғир ва мусибатли дамларга ҳам гувоҳ бўлди. Кўплаб босқинларни бошдан кечирди, неча марта вайрон этилди, ўт ичида қолди. Бу муқаддас тупроқда беғуноҳ қонлар тўкилди, муҳташам обида, минора ва азиз-авлиёларнинг қабрлари оёқости қилинди. Аммо бухороликлар ўз она шаҳарларини мардонавор ҳимоя этдилар ва неча бор қайта қурдилар, тикладилар.

Сўнги мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат ҳаммамизга маълум. Инқилоб баҳонасида бу шарофатли шаҳар обидалари яна бир бор вайрона этилди, унинг асл фарзандлари қатағон қилинди. Халқ ва унинг моддий-маънавий меросига кўрсатилган бундай муносабат собиқ шўролар тузумининг қанчалик ғайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади.

Муҳтарам жамоа!

Ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти бўй-бастини, унинг гўзаллигини дунё кўз ўнгида тўла-тўкис намоён эта олади. Бугун бу қадим шаҳар тўйи дунё миқёсида кенг нишонланаётган экан, бу ҳам Истиқлолимиз шарофатидир.

Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий sanoat, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шукуҳ топмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга тушгани дунё аҳли тарафидан муҳим воқеа сифатида эътироф



этилди. Шаҳар ва вилоятда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бухоронинг тенгсиз зардўзи либослари, олтинга тенг пилласи, қоракўл терилари жаҳон бозорида муносиб баҳосини олмоқда.

Шарқ меъморчилик санъатининг ноёб намуналари бўлган барча қадимий обидалар мустақиллик шарофати билан яна асл шаклига қайтмоқда.

Бухоронинг ва бухороликларнинг яна бир катта ютуғи шундаки, бугун бу тибаррук заминда турли миллату динга мансуб кишилар — тожиклар, туркманлар, руслар, яҳудийлар, қозоқлар, корейслар, арманлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари ўзбеклар билан бирга қўлни-қўлга бериб, дўстона, аҳил, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшамоқдалар.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мард ва танти, ғурури баланд, илмпарвар ва меҳнатсевар Бухоро аҳлига халқимиз номидан, шахсан ўз номидан миннатдорлик изҳор этишни ва уларга чуқур

таъзим қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Азиз ватандошлар!

Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар.

Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда қурбон бўлганларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи гишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар.

Янги ўсиб келаётган авлодларимиз ўз тарихини, юртини, азиз-авлиёларини, осори атиқаларини бошига кўтариб, шу тариқа миллий туйғу, миллий ғурур, миллий ифтихор ҳиссиётини кўкка кўтариб, умумбашарий қадриятлар хазинасига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Сизларни яна бир карра Бухорои шарифнинг қутлуғ тўйи билан чин кўнгилдан табриклайман!

Барчамизга аждодаларимизга муносиб, яна минг йилларга давомдор буюк ишлар қилиш бахти насиб этсин!

Яратганнинг ўзи бизнинг барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

*Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига  
бағишланган тантанали маросимдаги  
табрик сўзи,  
1997 йил 19 октябрь*



## ГЎЗАЛ ДИЁРИМИЗ ГАВҲАРИ

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз ватандошлар, муҳтарам Хоразм ва Хива аҳли!

Қадрли меҳмонлар!

Шу кунларда юртимизда жуда катта тўйлар ва тантаналар давом этмоқда. Кеча Зарафшон воҳасида кўҳна Бухоромизнинг муборак ёшини нишонлаган бўлсак, мана бугун халқимиз, миллатимизнинг яна бир фахри ва ғурури бўлмиш, бутун оламга машҳур гўзал Хивамизнинг 2500 йиллик тўйини шоду хуррамлик билан байрам қилмоқдамиз.

Сизларнинг барчангизни, авваламбор сиз — азиз Хоразм аҳлини ва бутун Ўзбекистон халқини, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларни ана шу шонли сана муносабати билан чин қалбдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсизлар!

Имкониятдан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО вакиллари, хорижий давлатлар элчилари ва вакиллари, ахборот воситалари вакиллари га ўзимнинг алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, отабобларимизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир.

Бундан икки минг йил аввал яшаган римлик тарихчи Помпей Трог туркий халқ-

ларнинг энг қадимги аجدодлари ҳақида шундай деб ёзган: “Бақтрияликлар, сўғдлар ва хоразмликлар келиб чиқишининг қадимийлиги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, жангу жадалда ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмонан ҳаддан ташқари кучлидирлар. Ўзларига тегишли бирор нарсени қўлдан чиқаришни истамайдилар. Фақат ғалабага интиладилар”.

Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир.

Азиз юртдошларим!

Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихидан сўз кетар экан, биринчилар қаторида буюк Хоразм ўғлонларидан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимизнинг номларини зикр этамиз.

Нажмиддин Кубро Ватанимизни Чингизхон босқинидан озод қилиш учун жанг қилиб, қўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб жон таслим этгани тарихий манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машҳур вакили Жалолиддин ҳам ўн бир йил давомида мўғулларнинг ғарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Ғаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади, Ватан дея ҳалок бўлди.

Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маъ-



навият соҳаларидаги юксалиш босқичларини ўзида мужассам этади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртлирида ўрганадиган алгебра, алгоритм каби кашфиётларга асос солган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бу гўзал воҳа номини дунёга машҳур этган.

Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини Христофор Колумбдан 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб қолдирган буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний мана шу муқаддас заминда туғилган.

Маккаи мукаррама амири Ибн Ваҳҳос XII асрда яшаб ўтган яна бир буюк ватандошимиз — араб тилининг мукамал грамматикасини яратган инсонни улуғлаб: “Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замаҳшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк Маҳмуд аз-Замаҳшарийдек алломани дунёга келтирди”, деб тасанно айтган эди.

Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк Академиялардан бўлмиш — Маъмун Академияси Хоразм заминиди ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминиди қайтадан ташкил этсак, кўп улуг иш бўлур эди.

Хоразм ва Хива заминиди яшаган Паҳлавон Маҳмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоуддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолиддин Румий, Абулқосим ал Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирожиддин Саккокий, Мунис Огаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола баҳши каби ўнлаб ва юзлаб алломалар, шоирлар ва санъаткорлар номини биз — бугунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кўтарамиз.

Биз бугун Хиванинг 2500 йиллик тарихига назар солар эканмиз, тарихнинг энг суронли даврларида ҳам аждодларимиз озодликка, маърифатга, яратувчиликка интилиб яшаганларига гувоҳ бўламиз. Бугун салобат билан кўкка бўй чўзиб турган тарихий ёдгорликлар, нодир обидалар ва осори атиқалар шундан далолатдир.

Зеро, қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Буюк Ипак йўли мана шу макондан ўтган. Бу йўл нафақат савдо кўприги вазифасини бажарган, балки узоқ асрлар давомида турли миллат ва мазҳабларга мансуб кишиларни ўзаро яқинлаштирган, турли халқларнинг илму фанини, маданиятларини ўзаро бойитган.

Ҳар қандай миллат ҳам Хивадаи масканини яратгани ва асрлар мобайнида эъзозлаб сақлагани учун гурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизнинг зийнати бўлиб қолмай, умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан буён ҳам хизмат қилади. Ичанқалъа ва Дишанқалъа мажмуи, хусусан, Шерғозихон, Муҳаммад Раҳимхон, Исфандиёрхон мадрасалари халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган юксак салоҳияти, нафис маҳоратига, миллий маданиятимизга қўйилган бебаҳо ёдгорликдир.

Азиз ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага диққатингизни қаратишни истардим. Мустамлакачилик йилларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъқиб остига олинди. Бугун жаҳонга номи кетган алломаларни ва мутафаккирларни саводсиз, жоҳил, илму маърифат душмани деб таҳқир этишга уриндилар.

Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илм-фан чўққиларини забт этган, мана шу зиё ва билим масканларида таълим олган олим-мутафаккирлар, дин пешволари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихида, дунёнинг узоқ-узоқ юртлирида ҳам ўз мўътабар номларини, ўчмас изларини қолдирганлар. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди деб ўйлайман.



Минг бора шукроналар бўлсинким, адолат яна қарор топди. Буюк аждодларимизнинг номлари яна тикланди.

Ватанимиз тарихида сиёсий жиҳатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлганига ва уларда илм, маданият-маърифат кенг ривож топганига бугун ҳеч ким шак келтиролмади.

Шу маънода, хоразмшоҳлардан Отсиз, Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад, Хива хонларидан Абулғозий Баҳодирхон, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ва бошқаларнинг фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар бўлганларини эслаб ўтишимиз жоиздир.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги тантаналар — қадимий Хиванинг 2500 йиллик тўйини нишонлашимиз маънавий ислоҳотларимизнинг узвий бир қисмидир.

Хиванинг тўйи ёш авлод қалбида ўзлигини англаш, бебаҳо меросимизга ворислик, халқ яратувчилик даҳосига ҳурмат, бунёдкорлик ишларига рағбат туйғуларини уйғотишига ишонаман. Хиванинг тўйи халқимизнинг ўз ўтмишига, миллий қадриятларга самимий иззат-эҳтиромини янада кучайтирмоғи муқаррар.

Биз бугун ҳар бир интилиш — ташаббусимизда, олдинга қўйилган ҳар бир қадимимизда аждодларимизнинг уйғоқ ва мададкор руҳини сезиб турибмиз.

Шу нуқтаи назардан, Хиванинг тўйи фақатгина тарихимизнинг бебаҳо саҳифаларини тиклаш, маданиятимизни бойитиш йўлида хизмат қилиб қолмай, балки бевоСИТА олий мақсадимиз — келажаги буюк давлатимиз пойдеворини шакллантириб, ўзимизнинг миллий анъаналаримизга суянган дастурлар асосида тараққий топган демократик давлатлар қаторида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига хизмат қилажак.

Мен шуни алоҳида ғурур ва мамнуният билан айтаманки, асрий ва бетакрор обидалар, минг йиллик анъаналар билан бир қаторда, Хоразмнинг яна бир улуғ ва улкан бойлиги бор. Бу бойлик — шу муқаддас заминда яшаб келаётган оқ кўнгил, бағ-

рикенг, меҳмондўст, лафзи ҳалол инсонлардир. Хоразмни Хоразм қилиб, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиб, довруғини дунёга таратаётган шу элнинг ақл-заковати, омилкорлиги, билим ва тажрибаси, саботматонатидир.

Қадимдан деҳқончилик маданияти гуркираб ривожланган Хоразмнинг миришкор деҳқонлари салоҳияти тўғрисида алоҳида тўхташни истардим.

Ўзингиз ўйланг, милоддан аввалги VIII—VII асрлардаёқ узунлиги 60—70 километр, эни 35—40 метр бўлган каналлардан иборат мураккаб ва улкан сунъий сугориш тизимларини яратиб, деҳқончилик қилган кўҳна Хоразм аҳли заковати ва матонатига қойил қолмай бўладими!

Қуш учса қаноти куядиган Қорақум саҳроси билан йил ўн икки ой мардона олишиб, ҳар бир томчи сувни гавҳардек авайлаб мўл ҳосил етиштириш ҳар қандай деҳқоннинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунга фақатгина деҳқончилик илмининг пири бўлиб кетган хоразмлик миришкорларгина қодир.

Агар мендан ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси нима, деб сўрашса, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонликдир, деб жавоб берган бўлардим.

Мана, бу йил ҳам Хоразм аҳли пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этди. Бу ғалаба ҳақиқатан ҳам Ватанимиз нишони бўлмиш гўзал Хиванинг 2500 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сиз — азиз Хоразм деҳқонларини, барча Хоразм аҳлини мана шу тўёна билан яна бир қарра муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Буюк аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром хоразмликлар табиатининг ўзига хос жиҳатидир. Воҳа аҳли мустақиллик йилларида яна бир эзгу ва савоб иш билан мамлакатга намуна бўлди: вилоятда халқимизнинг атоқли намояндалари шарафига 20 дан зиёд боғлар бунёд этилди. Навоий боғи, Қодирий боғи каби жозибадор гўшалар ижод ва яратувчилик туй-



ғусига ошно бўлган ҳар бир инсонни бағрига чорламоқда.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам хоразмликлар шахдам қадамлар қўймоқда. Мамлакатимиздаги энг йирик қанд заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда, қанча-қанча янги корхоналар ишга тушмоқда. Урганч аэропорти қайта таъмирланди. Урганчдан то Хивага қадар 34 километрли троллейбус йўли ишга тушди.

Хива шаҳри таъмирланиб, янги чирой ва сайқал касб этди. Бу хайрли ишлари учун Хоразмнинг саховатли қурувчи ва меъморларига, барча меҳнаткашларига самимий ташаккур билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида омад тиламоқчиман.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Биз, Ўзбекистон аҳли, шуни яхши англаймизки, дунёдаги барча халқларнинг келажаги башарият ўзининг бутун тарихи давомида яратган буюк умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, авайлаб асраш ва янада ривожлантиришга боғлиқдир.

Янги минг йилликка қадам қўяр экан, улуғ маданий ва маънавий анъаналарнинг вориси бўлмиш бизнинг халқимиз ўз истиқболини дунё ҳамжамиятига кириш, бутун сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш билан чамбарчас боғланган ҳолда кўради.

Бугун ўтказилаётган тантаналар ҳам, бу тантаналарда жаҳоннинг турли минтақаларидан келган буюк олимлар, тарихчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари арбоблари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО раҳбариятидан ваколатли меҳмонлар қатнашаётгани ҳам бунинг яққол далолати ва исботи деб биламан.

Хивадаги мангуликка дахлдор обидалар ўзбек халқининг насл-насаби қадимий ва мўътабар эканлигини дунёга кўз-кўз қилиб турибди. Биз бундан ғурурланиш билан бир

қаторда, зиммамизда чуқур маънавий масъулият юкини ҳам ҳис этмоғимиз даркор.

Бу масъулият — отамерос юртимизни жон-дилдан севиш, асраб-авайлаш, келажак авлодларга янада гўзал, янада обод қиёфада етказиш бурчидир.

Шундай муқаддас ва мўътабар диёрда туғилишнинг ўзи катта бахт.

Комил ишонч билан айта оламани, бизнинг озодлигимиз, хурриятимиз қудрати билан бутун мамлакатимиз, жумладан, Хоразм воҳаси ҳам ҳадемай ўз тараққиётининг янги ва юксак даврига киради.

Бу табаррук заминдан етишиб чиқадиган юзлаб хоразмийлар, берунийлар, замаҳшарийлар ўзларининг тенгсиз салоҳияти билан жумлаи жаҳонни ҳайратга солади. Ўзларига қанот берган Хоразм диёри шон-шуҳратиға муносиб ҳиссаларини қўшади-лар.

Бизнинг бугунги бунёдкорлик ишларимиз, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошираётган ислохотларимиз, буюк тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз ана шу ишончға мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Азиз ватандошларим, дўстларим!

Хиванинг қутлуғ тўйи билан ҳар бирингизни яна бир карра чин дилдан қутлаб, барчангизға энг эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Она Ўзбекистонимиз, муқаддас Хоразм замини гуллаб-яшнасин, файзу баракаға тўлсин!

Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар — миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш гўзал Хивамиз дунё тургунча турсин!

Халқимизнинг, миллатимизнинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин!

Бахт, омад — ёримиз, Аллоҳ — мадакоримиз бўлсин!

*Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 1997 йил 20 октябрь*



# АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
1996 ЙИЛНИ “АМИР ТЕМУР ЙИЛИ”  
ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Буюк давлат арбоби Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган кўплаб таклифларни инобатга олиб,

унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан ҳиссасини назарда тутиб,

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб,

Ўзбекистон фуқароларининг, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида

1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
1995 йил 26 декабрь*



## АМИР ТЕМУР ДАВРИ ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА ЁРҚИН ИЗ ҚОЛДИРДИ

Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган **”Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши”** ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўришиб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гўзаллик шаҳрида бошланаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темури ҳамда темурийлар даврининг улуғвор маданий ютуқларига асосланган кўрғазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиш учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда **”Турон”, “Туркистон”** ва **“Мовароуннаҳр”** номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли карвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотик,

инсоний алоқалар йўллари ва албатта — халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги **Сўғд, Хоразм, Бактрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар** подшоликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари **Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур** асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Хонимлар ва жаноблар!

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Ўтган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими — бу маънавият манбаларига, миллий илдизларимизга қайтиш,



тарихий хотирани, маданият ва маънавийатни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа Фарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга **"Европанинг ҳалоскорига"** деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарасига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтаиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли **Мовароуннаҳр руҳи**, теурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.

**"Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қуроли кучидан кўра ўн барабар фойдалироқдир"**, деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

**Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жугрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.** Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муроасага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган **Амир Темур "Қонулар ва урф-одатларга асосланган" давлатни барпо этди.** ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг **"Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!"** деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир, Ўзбекистонда, маълумки, машъум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яқсон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Кўриқхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир.

Ишончим комилки, меъморчилик ёдгорликлари, қадимги қўлёмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва бадий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка кўтариши ва ҳозирги инсон Фарбдами ёки





*Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорга "Дўстлик" орденини топширмақда, Париж, 1996 йил.*



Шарқдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўргазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темур замонасида яққол намоян бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

\* \* \*

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керэн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — ”Шухрат” медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*ЮНЕСКО қароргоҳидаги  
“Темурийлар даврида илм-фан,  
маданият ва маорифнинг  
гуллаб-яшнаши” кўргазмасининг  
очилиш маросимида сўзланган нутқ,  
Париж, 1996 йил 24 апрель*



## ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламо-лар!

Бугунги муборак жума тонгида Аллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз —ҳазрати Амир Темуру руҳини шод қилиб, у зот таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас ислом динимиз буюрган бир фарзни — ўтган аجدларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темуру номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиши маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Куръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилак-

ларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлғусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоқларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-баракка ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлғай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўқ қозонган, миллатимиз фаҳри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутди.

Ул муҳтарам инсон Соҳибқирон Амир Темуру ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темуру шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, **буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади**, дейиш мумкин.



Умрининг мазмунини “Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат” деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, гурур-ифтихоримиздир.

**Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.**

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва Соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига — Чигатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, суғориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноқ-

сиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қуритган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

**Адолат кучда эмас, куч адолатдадир,** деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Жаннатмакон бобомиз қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Зангиота сингари кўплаб мўътабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сўнг биз — Амир Темурнинг бугунги ворислари Соҳибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўл уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида бобокалонимизга ҳайкал ўрнатдик.



Бугун зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки, Амир Темури хийбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темури сиймосини эслаши керак.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Амир Темурининг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темуридек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимиз-

ни, томиримизда Амир Темури шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғуларига қамраб олади.

Амир Темури ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий ва гўзал бир тарзда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнгги онларида ҳам зурриёдларига қарата **“Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз”** деб васият қилган.

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.


Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: **“Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”** деган доно ўғитлари доимий шиоримиз бўлсин!

Муҳтарам жамоат!

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо Худонинг марҳамати билан, адолат билан тикланган улуг аждодларимизнинг табаррук номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг иймоним комилки:





Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби  
чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва  
бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз,  
Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур  
номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъзоз-  
лаган ғоялар — шижоат ва мардлик, адо-

лат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша  
ҳамроҳ бўлсин!

Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳо-  
ни берган халқ мангу яшасин, бахту са-  
одати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Тангримиз-  
нинг ўзи мададкор бўлсин!

*Тошкент шаҳрида  
Темурийлар тарихи давлат  
музейининг очилиши маросимида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь*










*Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши буюк бобомиз хотирасига бўлган хурмат рамзидир.*













*Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши.*







## АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига беқиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан ана шундай қутлуг дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-эътиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темури арвоҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темури ҳазратларини ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темури ва Самарқанд тусунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз доврўғини бутун дунёга таратган, мингнинг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугунги саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темуридир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли харобаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди.

Бобокалонимиз Самарқанднинг жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд қиёфасида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темури бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни бунёд қилдирди.



Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди.

Бугун биз Амир Темур бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму кўст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг мўъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин, уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишамолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб, минглаб меъмору муҳандис ажодларимизни, хунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига тасаннолар айтамыз.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим **Самарқанд ер юзининг сайқалига** айланди.

Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг хоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илмталаб, маърифатталаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз даво-

мидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шухратига шухрат қўшяпти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

**Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.**

**Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.**

**Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асослаиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.**

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд — азалий буюк ва даҳолик қудрати мужассам бўлган, Аллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз — муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келаётганингиз ва мустақил Ўзбекистон шон-шавкати оширишдаги ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шаҳри “Амир Темур” ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани адо этиш — қадрдон ва азиз шаҳримиз байроғига ана шу орденни қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам



хайкали файз бағишлаб турган шу гўзал  
майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта,  
теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчан-  
гизни чин қалбимдан муборакбод эта-  
ман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси  
Самарқанд осмонида юлдуз каби нур  
сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори  
бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати  
Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам,  
она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча  
турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аждодла-  
римизнинг руҳи поклари бизни қўллаб-  
қувватласин, юртимизга тинчлик ва  
осойишталик, халқимизга фаровонлик  
ва бахту саодат ато этсин!

*Самарқанд шаҳрида  
Амир Темур ҳайкалининг очилиши  
маросимида сўзланган нутқ,  
1996 йил 18 октябрь*






*Давлат раҳбарлари: И. Раҳмонов (Тоҷикистон), С. Демирел (Туркия),  
А. Акаев (Қирғизистон), Н. Назарбоев (Қозоғистон),  
Г. Алиев (Озарбайжон), И. Каримов (Ўзбекистон).*













*Давлат бошлиқлари Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилишди.*















## СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танги, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб, авваламбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилақларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобо-

калонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам хоки поклари билан муқаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдида улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида “Илму адаб қуббаси” дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ бобосига хос гўзал фазилат-



ларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита Соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам “илмий тадқиқотлар” ниқоби остида талон-торож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор.

Жаннатмакон Амир Темур бобомиз бу кошона пештоқига шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: **“Кимки бизнинг шон-шухратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин”.**

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: **“Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”.**

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: **“Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим”.**

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Фарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Карамии улуғ Аллоҳ халқимизга, Ватанамизга шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизга Амир Темурдек буюк Соҳибқиронни берибди. Бунинг учун яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолғусидир.

**Яна бир бор таъкидламоқчиманки, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.**

Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг теурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни







буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб, Шаҳрисабз шаҳри “Амир Темур” ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк Соҳибқироннинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояга етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

*Шаҳрисабз шаҳрида  
Амир Темур ҳайкалининг  
очилиши маросимида сўзланган нутқ,  
1996 йил 19 октябрь*



## АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ГУРУРИМИЗ

Хонимлар ва жаноблар!  
Конференциянинг муҳтарам ишти-  
рокчилари!

Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлаш-  
га ва Амир Темур таваллудининг 660  
йиллигига бағишланган тантаналарда-  
ги иштирокингиз учун миннатдорлик  
билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Темур ва темурий-  
лар даврига юксак эҳтиром кўрсатаёт-  
ган барча давлат ва жамоат арбоблари-  
га, олимларга, санъат ва маданият  
намояндаларига, хориждаги юртдошла-  
римизга самимий миннатдорчилик бил-  
дирамыз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу  
буюк тарихий шахс маънавий мероси-  
нинг ҳозирги замондаги аҳамияти хусу-  
сида баъзи фикрларимни сизларнинг  
этиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

**Авваламбор** шуни таъкидлашимиз ке-  
ракки, Амир Темурдек тарихий шахс-  
ларни, саркарда ва соҳибқиронларни та-  
рих тақозоси, шу замон талаблари, ке-  
рак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб  
келади ва ул зотларнинг фазилат — ху-  
сусиятларини намоён қилишга замин  
яратади. Бундай қонуниятни кўплаб ми-  
солларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг  
учун ҳам Амир Темур шахси ва фаоли-  
яти ҳақида гапирар эканмыз, дастлаб шу  
даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият

ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз ло-  
зим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам  
қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди.  
Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий  
сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қарши-  
лиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек,  
асосий қудрати тарихий Мўғулистонда  
мужассамлашган чингизийлар тез-тез  
Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу  
муддат қарамлик жафосини ҳар томон-  
лама чекиб келган оддий фуқаролардан  
тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоб-  
лару дин пешволаригача — барча-барча  
учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жами-  
ят озодлик ва тараққиётга бўлган ман-  
фаатларини ўзида мужассам этган ха-  
лоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур  
ана шундай халоскор ва етакчи сифати-  
да майдонга чиқди.

**Иккинчи хулоса** аслида биринчи  
фикрнинг мантиқий давомидир. Кимки  
Амир Темур қадимий Туркистон зами-  
нида тасодифан пайдо бўлган деса, хато  
қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан  
пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз  
қонуниятига бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний,  
Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб, юзлаб  
даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир  
жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана  
шу заминда юзага келган муҳитнинг



ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиклантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озикланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

**Учинчи мулоҳаза** ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик “Алгебра” деб атаган фанга асос солган буюк ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Берунийнинг;

“Тиб қонунлари” номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

**Тўртинчи фикр.** Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Совет иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Бу ғоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудуд-



да яшаган икки юз элик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

**Бешинчи фикр.** Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглари, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустахлак зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бугунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатада темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва теурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, ғоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан

зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!



Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилатлари биз учун азиз?

**Биринчидан**, Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудрати бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустақамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик бора-сидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг “Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим”, деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

**Иккинчидан**, Амир Темур бундан 600 йил аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда,

ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустақамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: “Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак”.

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: **дунё савдо аҳли ила обод бўлажак!** Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани,



авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

“...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир ланган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим”.

**Учинчидан,** Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саногии йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур **“Ободончиликка ярайдиган бирон қарич**

**ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди”.**

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг “Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”, деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хурсоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган.

Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита, деб биламан.

Бир ўйлаб кўрайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда.

“Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг”, деганда Амир Темур, энг аввало, ўз халқига, келажак авлодларига муро-



жаат қилган, десак, янглишмаган бўла-  
миз.

**Тўртинчидан**, ҳар қандай жамият та-  
раққиётини илм-маърифатсиз тасаввур  
қилиб бўлмайди. Буни теран англаган  
Соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан  
чиқарган дастлабки фармонларини мад-  
расалар барпо этиш, илм толибларига  
нафақалар тайинлаш билан боғлаган.  
Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин,  
Амир Темур энг аввало ўша ерлик оли-  
му фозиллар билан учрашар, улар би-  
лан суҳбат қураар, турли мавзуларда баҳс-  
лашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астроно-  
мия, меъморчилик соҳаларида юксак  
салоҳиятга эга Амир Темур учун бу та-  
биий ҳол эди. Мазкур фазилат Соҳиб-  
қироннинг авлодлари — айниқса, Мир-  
зо Улуғбекка ўтгани — шубҳасиз. Мир-  
зо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш  
билан бир қаторда буюк олим даража-  
сига етишишида бобоси Амир Темур-  
нинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У  
Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошданок  
пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб  
юриб, дунёнинг машҳур олимлари тар-  
биясидан баҳраманд этган.

**Бешинчидан**, Амир Темур ўз миллати  
ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп  
ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафа-  
қат ўша давр учун, балки келажак сари  
хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Улар-  
нинг аксарияти ўз маишати ва айшу  
ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум.  
Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Би-  
роқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқ-  
боли ва истиқлоли йўлида фидокорлик  
кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва  
тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Те-

мур ана шундай тарихий ва унутилмас  
шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир  
ёрқин мисол: 1404 йилда Бибиҳоним  
жоме масжиди қурилишини ниҳоясига  
етказаётганида унинг умридан бир йил  
қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи ав-  
вал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншо-  
отлар ёнига яна бир бинони қўшиш шарт  
эдими? Унинг шону шуҳрати шусиз ҳам  
етарли эдику?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг дои-  
мо узоқ келажакни, авлодлари иқболи-  
ни ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улугвор  
режалар ва ғоялар уни асло тарк этмага-  
нидан далолат беради.

**Олтинчидан**, Амир Темур бир ҳақи-  
қатни яхши англаган — жамият эъти-  
қодсиз яшай олмайди. Одамларга дин  
керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз  
“Тузуқлари”да шундай дейди: “Ҳар ерда  
ва ҳар вақт ислом динини қувватладим”.

Амир Темурнинг Қуръони Каримни  
ёд билгани, диний баҳсларда йирик ула-  
молар билан баробар сўз юритгани унинг  
маънавияти, иймону диёнати қанчалар  
пок ва мукаммал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тар-  
биянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хиз-  
мати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўл-  
ган муносабатидаги энг муҳим қирра,  
бу — мусулмончилик ақидаларининг жа-  
мият осойишталиги, равнақи, ижтимо-  
ий адолат, иймон бутунлиги, маънавий  
поклик учун хизмат қилдиришга сафар-  
бар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат дав-  
латлигини, дин эса динлигини қилиши  
керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз







аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

“...Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминида узоқ вақт сақланади.

Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. **Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди”.**

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан холи бўлинглар, деб, инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сизларда шундай бир савол туғилиши мумкин: нима учун бугун Ўзбекистонда Амир Темур сиймосига бундай юксак эҳтиром, иззат-икром кўрсатилмоқда?

Албатта, бунинг сабаблари бор.

Агарки дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик баланд, бақувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдевори ни ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

— **биринчидан**, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— **иккинчидан**, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб, мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрни мизни эгаллаб олмоқчимиз.

**Хулоса** шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.











Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўра-миз. Техник тараққиёт ҳозиргидек юк-сак босқичга кўтарилмаган бир даврда дунёнинг тартиботи ҳам, одамлар ўрта-сидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равишда содда ва аниқ-равшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг “Фир-вонлик Маллавой” деган кичик бир аса-рини ўқиб қолдим. Унда асримиз бо-шида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома кулгили шакл-да акс эттирилади. Наманганга темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган бўлади. Паровозни умрида кўрма-ган одамлар уни буғ қуввати билан юра-диган “жонивор” деб тасаввур қилиша-ди. “Ўзи қоп-қора бўлса, юрганда дам-бадам пишқирса, чанқаганда қич-қирса, минг челақлаб сув ичиб, очиқ-қанда бўқирса, бу — албатта, зўр бир ҳай-вон бўлса керак”, деб ўйлашади. Ким-дир унга “қора айғир” деб ном ҳам қўяди. Синов паровози келишидан би-рор кун илгари уни кутиб олишга тайёр-гарлик кўрилади. Станция ёнига “қора айғир”га атаб ўн арава кўк беда, элик пудча арпа тайёрлаб қўядилар...

Албатта, бу асарда жиндак муболаға, ҳазил-мутоиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурла-рию дунёқарашлари нақадар одми, сод-да, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек хал-қига хос хусусият эмас, бошқа халқлар-нинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳат-ларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, “уяли” телефон, пара-болик антенна, электрон почта каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқин-да кириб келди. Лекин ҳозир шу мўъжи-залар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоғида яшаётган мактаб ўқув-чисини ё бўлмаса бирор отахонни ҳай-ратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб ту-рар, аммо кейин худди бу асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўникиб, ўзлаштириб кетади.

Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир че-тида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, улар-нинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирмас-дан кириб келаверади. Замонавий ах-борот майдонидаги ҳаракат шунчалар тифиз, шунчалар тезкорки, энди илга-ригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олис-да юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.

Мана шу шарт-шароитларнинг бар-часи ҳам маънавият, миллий мафкура-нинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мульт-фильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Демак, бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. **Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга**



**қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.**

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро бунга яхшилаб тушуниб, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутаяди.

Модомики, мақсад, гоё ҳақида мулоҳаза юритаётган эканмиз, илгари айтган бир фикримни такрорлаб ўтсам, ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. **Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзунтилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.**

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир гоёни мен жамият мафкураси деб биламан.

Шўро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди.

Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали буткул ҳалос бўла олганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий гоёсини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қоғозда бўлади, холос. **Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим.**

Иккинчи шарт шундан иборатки, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутаяпман.

Масалан, Форобийнинг ўша машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам



яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шакланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилиқ тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия этган бўлур эдим.

Шу муносабат билан бу мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак, деган савол туғилади.

Бордию, бу саволга мендан жавоб сўралса, даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрардим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндашуви билан келажакка қарардим.

**Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим.**

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада,

ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

Хўш, миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

Миллий мафкура, **авваламбор**, ўзлгимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шакланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

**Иккинчидан**, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — мафкура бўлиши керак.

**Учинчидан**, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, кўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

**Тўртинчидан**, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарвар-



лик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одабийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

**Бешинчидан,** у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб воҳислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустақкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

**САВОЛ.** Сиз мустақил давлатнинг етакчиси сифатида фаолиятингизнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек ғоят муҳим ва мураккаб ишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг баъзиларини эслаб ўтсак: вилоятларимиз марказларида ўнга яқин университетлар ташкил этилди, истиқлолга қадар бизда умум-

ман бўлмаган бир қанча олий ўқув юртлири, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Қуролли Кучлар академиялари, Кончилиқ институти, Фуқаро авиацияси институти каби янги таълим даргоҳлари очилди, замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди, “Улуғбек”, “Умид”, “Устоз” каби жамғармалар тузилиб, ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртлирига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди, муаллим-мураббийларнинг билим ва савиясини юксалтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ғоясининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам мамлакат Президенти бўлганини кенг жамоатчилик яхши билади. Яқинда матбуотда Сиз имзо чеккан яна иккита муҳим ҳужжат эълон қилинди. Уларнинг биринчиси “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”, иккинчиси эса “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” деб аталади. Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига бу қадар катта эътибор берилишининг сабаблари нимада?

**ЖАВОБ.** Мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанча-



лар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Мен кўп йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли, совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан.

Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхша-

ган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.

Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб



қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадамбақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Ишончим комил: агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га, яъни унинг самарасига эришамиз/

Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-мизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, **биринчидан**, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

**Иккинчидан**, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навнихол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

**Учинчидан**, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

**Тўртинчидан**, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг



тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан ҳалос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен “портлаш эффекти” деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

**Бешинчидан,** биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. **Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади.** Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил “изм-

лар”дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч — адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтиладиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб **“Куч — билим ва тафаккурда”** деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажгимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда “Умид” жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушxabарни эшитиб худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя



хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболага бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боларимиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга қўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади. Фақат, биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойде-

ворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

**САВОЛ.** *Сиз шуғулланадиган ғоят кўламдор ва серқирра масалалар, адо этадиган вазифалар бири-биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?*

**ЖАВОБ.** Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен “Халқимнинг омонлиги”, деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги бахш этадиган бахту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-кўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак. Узоққа бормайлик, мана шу Миллий дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳам энг аввало тинчлик-



омонлик даркорлигини бугун ким инкор эта олади дейсиз!

Мен бу тўғрида илгарилари ҳам кўп бор айтганман. Аччиқ тажрибалар асосида туғилган ва қалбимга чуқур ўрнашган шу ҳаётий ҳақиқатни такрорлашдан толмайман: тинчлик-омонлик бўлса, ҳамма нарса бўлади — ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янгилалиши ҳам. Аслида ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад — юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш.

Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, ҳозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турли-туман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз буни истаимизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. **Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас.**

Харитага диққат билан разм солсангиз, мамлакатимизни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг

оғир юки остида қолган мамлакатлар қуршаб олганини кўриш мумкин. Бунинг устига, Ўзбекистон диний экстремизм, этник жанжаллар, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучларнинг таъсирида ички низолар авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. Олти йилдирки, қўшни Тожикистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Минтақамиздаги мавжуд муаммолар камдек, яқинда қўшни давлатлардан бири — Ҳиндистон ядро синовларини ўтказиб, янги бир таҳлика манбаини вужудга келтирди. Бу нарса минтақадаги барқарорлик мувозанатига жиддий зарар етказди. Бунга жавобан шу ҳудуддаги бошқа бир давлат, яъни Покистон ҳам ядро синовлари ўтказиш ҳаракатига тушиб қолди. Демак, минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан реал хавфга айланиб бормоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси бизни ташвишлантирмасдан қўймайди. Ўз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиз.

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган билди, билмаган билмайди. Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Ўзи хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб-ўлчаб бўладими?

Мен бу фикрларни фуқароларимиз, ватандошларимиз юртимиздаги тинчлик,



**Энг олий мақсадим —  
халқимнинг омонлиги**

барқарорликнинг қандай қийинчилик, қандай меҳнат-машаққатлар эвазига қўлга киритилаётганини озми-кўпми тасаввур қилишлари учун айтяпман.

Яратганимизга минг қатла шукроналар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағрикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллат-

лараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан гурурланиб, янги-янги марралар сари қадам кўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор.

Халқимизни яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, қадрига етиш — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

*"Тафаккур" журнали  
бош муҳаррирининг  
саволларига жавоблар,  
"Тафаккур" журналининг  
1998 йил 2-сони*



## ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эра-мизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош-ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия,

меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки, ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борица йироқ сақланарди.

Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарслиklarини ўқир эдик. “СССР тарихи” деб аталган дарсликда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ноҳолис фикрлар айтилар ёки умуман, ломим дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис қишлоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқат-



ни билишга, ўзлигини англашга чан-қоқликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман.

Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисолалар ёзишмоқда, тарихий мавзуда йирик насрий, назмий, сахна асарлари яратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётгани, суҳбатлар, мулоқотларда фикрлар ранг-баранглиги пайдо бўлаётгани диққатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат тақдири учун ўзларини масъул сезиб, бу баҳсларда дахлдорлик туйғуси билан иштирок этаётгани мени, айниқса, қувонтиради.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор. Мен тарихчи эмасман. Бу мавзуда ақл ўргатиш фикридан мутлақо йироқман. Лекин **табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми?** Яъни, юртимизда фаол меҳнат қилаётган муҳтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўқми?..

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. **Ўзликни англаш тарихни билишдан бош-**

**ланади.** Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.

Миллат, мамлакат ҳақида катта-катта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. **Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу — биринчидан.**

**Иккинчи масала** шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Эркин, демократик жамият қуряпмиз. Биз учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ. Умумхалқ минбари — телевидениемиз, радиомиз, матбуотимиз бор. Яхши ниятли кишиларга чегараларимиз ҳамиша очиқ. Хориждан меҳмонлар келишяпти, биз



чет давлатларга чиқяпмиз. Кунда бўлма-са, кун ора халқаро анжуманлар ўтиб турибди. Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан, хоҳланг, иқтисод, хоҳланг, сиёсат, хоҳланг, тарих, маънавият соҳалари бўлсин, бема-лол баҳслаша оладиган билимдон, зук-ко, маърифатли одамлар керак.

Нега мен маърифат сўзини кўп так-рорлаб, унга алоҳида урғу беряпман? Чунки, **жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир.** Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеалар-ни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йил-лари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Нега-ки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уй-ғотишга, халқнинг кўзини очишга фа-қат маърифат орқалигина эришиш мум-кин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай ол-саккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодат-ларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!

Айнан шунинг учун ҳам ўз пайтида Республика Маърифат ва маънавият марказини ташкил этдик. Марказнинг вилоят, туман бўлимлари очилди. Гап ҳозир республика бюджетидан ажратил-ган катта маблағ ҳақида эмас. Керак бўлса, яна ёрдам берамиз. Мазкур соҳа-даги ишларнинг талаб даражасида эмас-лигини, ташкилотнинг расмиятчиликка

берилиб кетаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳолни кўрганда беихтиёр, барака топкур, сен шўролар замонидаги домполитпросвещение, яъни сиёсий маориф уйи ходими эмассан, мутлақо бошқа одамсан, биз бу марказни фақат маош олиш учунгина ташкил этмадик, дегингиз келади. **Қолаверса, маънави-ят, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак.** Тушунамиз, уларнинг ҳам тирикчилиги, бола-чақа-си бор. Шунинг учун ҳам маош тайин-лаб қўйибмиз. Лекин яна такрор айта-ман: маърифатчи, энг аввало, фидойи бўлмоғи, ўзидан кечмоғи керак.

XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳара-катнинг намояндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишди-ми? Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб оч-ганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини та-нишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берган-ми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйна-шаётганларини, истибдодга қарши ку-рашаётганлари учун аёвсиз жазоланиш-ларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан ту-риб, юксак маънавиятга эришиш мум-кинми? Албатта, мумкин эмас! **Маъна-виятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини**



**Фақат баҳс, мунозара,  
таҳлил меваси бўлган  
хулосаларгина бизга тўғри  
йўл кўрсатади**

**баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.**

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидо-си қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қоқоқликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қоқоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. **Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.**

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. **Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.**

Юқоридаги мулоҳазалардан табиий равишда шундай савол туғилади: хўш, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзидиган

ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. **Инсон учун тарихидан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.**

Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишдаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўринг-чи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳламайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: башарти, тан олгудек бўлишса, тарихий хулосалари чиппака чиқади, илмда сохта йўл билан борганлари фош бўлади. Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, юқорида айтганимдек, бирон-бир хорижий журналистнинг, умуман, Фарб адибларининг “Авесто”ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жой-



*Маънавият, маърифатни  
тарғиб қилиш ҳар бир  
зиёлининг виждон ишидир*

ларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, ғайриилмийдир.

Мен билганимни айтяпман, шундай хулоса чиқаришга мажбурман. Ажабланидиган жойи яна шундаки, тарихимиз ҳақида гап кетганда, биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таянамиз, иқтибос кўчираамиз. “Бартольд ундай деган, Гумилев бундай деган...” ва ҳоказо. Мен рус олимларининг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Лекин қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаймиз? Шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қаёққа қарашяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми? Мақтаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлигимни беришга тайёрман. Чунки, ҳаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин фақат бир мен эмас, бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораёт-

ган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим.

Яна айтаман, бу соҳада ишлаётган олимларимизни танқид қилиш у ёқда турсин, айблашга ҳам ҳаддим сифмайди. Кўпчилик олимларимизнинг илмий тафаккури, қарашлари қайси даврда шаклланганини ҳам яхши биламан. Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим, деб билганим учун уларга шу талабни қўймоқдаман: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?

Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор. Бундай ғаламисларнинг орасида қандай қилиб бўлса ҳам бизни яна собиқ СССРга қайтариш ниятида юрганлар йўқ дейсизми? Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир.

Матбуотда ўтмишимизга тааллуқли бирор мақола чоп этилса, бирор бир тарихий асар, хоҳ у илмий, хоҳ бадиий бўлсин, қўлимга тушиб қолса, албатта, ўқиб чиқаман. Сиёсатчиман, арбобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.



**Инсон учун тарихидан жудо  
бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш  
демакдир**

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, гурурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзбди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар.

Масалан, қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтроқ маданият ташкил этганми ё кўчманчимиз? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар оғир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур.

Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихларини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш тўғрисида сезиш мумкин. Балки, бу ҳам тўғридир. Ҳар бир халқ ниманидир ўзининг миллий ифтихори, деб билади. Ҳар хил китоблар чоп этишади, катта-катта анжуманлар ташкил қилинади. Аҳмад Яссавий бобомизнинг муқаддас меросини ўрганиш мақсадида гоҳ Туркистон, гоҳ Истанбул, гоҳ Измирда учрашувлар ўтказилади. Мана шу учрашув-анжуманларда Ўзбекистон вакиллари, авваламбор, илмий-тарихий асосларга, чуқур тадқиқотларга суяниб, баъзи бир сохта уринишларга берилиб кетмасдан, ҳаққоний далил ва исботларни қурол қилиб олсалар, маъқул бўларди.

Яна қайтариб айтмоқчиман: биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркийтилли халқ

бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар. Нега шу масалалар бўйича тарихчиларимиз оғизларига талқон солгандек миқ этишмайди?

Яқинда телевидениеда бир кўрсатув берилди. Хунлар давлати, қачонлардир шу давлатни бошқарган Атилла ҳақида. Шу Атилла Волгабўйи, Астрахан чўлларида ишғол қилиб Шарқий Европага ўтибди, кейин Фарбий Европани ҳам забт этиб, Румгача борибди ва уни иккига, яъни — Рум ва Византияга бўлиб ташлабди.

Рус, умуман, Фарб манбаларида, адабиётларида хунларни “гун” дейишади. Хунлар Атилла бошчилигида Румга бостириб кириб, уни батамом вайрон қилишган. Бу воқеалар тахминан IV аср охири — V асрнинг биринчи ярмида бўлган. Кўрсатув бошловчиси, олим одам завқ-шавқ билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан захарлаб ўлдирилганигача оқизмай-томизмай томошабинга етказди, ҳатто Атилланинг туғилган кунигача аниқ айтди. Ўша олимдан Берунийнинг туғилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади. Қизиғи бу ёқда, энди давомини эшитинг: нима эмиш, хунлар муккасидан айш-ишратга берилган румликларни майпарастликдан жудо қилиб, қонларига соғлом қон бўлиб қўшилган эмишлар ва шу йўл билан уларнинг умрига умр қўшибдилар. Румга маданиятни ҳам хунлар олиб келган экан...

Ваҳоланки, Фарбда Атиллани маданият олиб келган шахс эмас, улуғ бир



*Тарихий хотираси бор  
инсон — иродали инсон.  
Тарих сабоқлари инсонни  
хушёрликка ўргатади*

цивилизацияни ер билан яксон қилган босқинчи сифатида эшлашади. ХХІ асрга қадам қўймоқдамиз. Орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам улар Атилланинг қилмишларини унутганлари йўқ.

Қалмоқ дўстларимиздан бири яқинда менга ёстиқдек китоб совға қилди. Ушбу китобда ёзилишича, нима денг, Атилланинг байроғида хоч тасвири бўлган эмиш. Муаллиф бу билан нима демоқчи?

Демоқчики, насронийлик ҳам Европага саҳродан келган. Яна бир қизиқ хулосага дуч келдим. Биз ўзбеклар ҳам ўша Атилланинг авлодлари, ворислари эмишмиз. Бу билан фахрланишимиз керак экан. Биринчидан, бундай ўта жиддий хулоса чиқаришга ҳозирча ҳеч қандай асос ёки замин борлигини ҳеч ким исбот қилолмаса керак. Иккинчидан, босқинчига ворис бўлиш фахрли мартаба эмас, иснод-ку! Бу ифвога учсак, эрта Европа биз тўғримизда нима дейди? Бу гап қаердан чиқди, кимга керак бу сохта обрў?!

Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этияпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди.

Жаноб Жак Ширакнинг ўзи иштирок этган бу анжуманда мен мазкур фикримни ишончли манбалар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилдим. Айт-

димки, давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайратшижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада ҳам соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тўкишга уринишлар бўлган. Буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни, айтишга тил ҳам бормайди, ёвузликда айблашган. Бунга ҳеч қандай мантиқий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий қошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам “Куч — адолатда” дейиши мумкинми?!

Ўзбекистоннинг обрўини кўтариш бир четда қолиб, аллақандай атилла-ларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга қатъиян қаршиман. Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. **Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо кўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.**

“Тафаккур” журналига берган интервьюда Амир Темур бобомизнинг



“Куч — адолатда” деган фикрини ривожлантириб, “Куч — билим ва тафаккурда”, деган ғояни ўртага қўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият қаердаю, Атилла қаерда?

Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик: Атиллани рўкач қилиб, бизга сиз ўзбеклар ҳам кўчманчи халқсиз, демоқчи эмасмилар?

Мен кеча атай яна харитага кўз ташладим. Ҳунлар Европага Шимолдан, Дашти Қипчоқдан ўтиб кетишган экан. На улуғ Бухоро, на улуғ Самарқанд, на улуғ Хоразмга уларнинг қадами етмаган.

Шу боис ўзбек зоти қанақасига хун бўлиши мумкин?

Тўғри, Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?

Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннаҳр деб атайдиган

икки дарё оралиғида унгача ҳам халқ яшаган-ку! Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?

Биз совет замонидан қолган бу ақидани қабул қилсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги босқинчилар давридан бошланган, деган нотўғри хулоса келиб чиқмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам, Хива ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, нега энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-ке-тиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача ҳам бу ерда ўтроқ халқ яшаган-ку! Бу ерда ана шу ўтроқ халқнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўғуллар келган, XIII асрнинг 20-йилларидан XIV асрнинг 70-йилларига қадар ҳукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятга сингиб кетган. Бунда маҳаллий халқнинг маданияти, албатта, асос бўлган, устунлик қилган.

**Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.**

Яна бир бор қайтараман: мен тарихчи эмасман. Аммо, умуман, дунё халқлари ва хусусан юртимиз тарихий тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу



ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: Сиёсий ҳокимиятни. Тамом. Тўғри, ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам.

Фикримни ҳаммага яқин ва тушунарли бир мисол орқали изоҳлаб беришим мумкин. Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагуниimizга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичида халқимиз бошига не не кулфатлар, балою офатлар ёғилмади. Хоҳ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни олайлик, хоҳ маънавий, маданий соҳани. Кези келганда, сўнгги мустамлака даври тарихини тадқиқ қилаётган олимларимизга бир маслаҳат бермоқчиман, аниқроғи, уларнинг эътиборини бир нарсага қаратмоқчиман. Бу даврнинг илгариги замонлардан фарқи шуки, шу вақтда, айниқса, шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз. Мен бу ерда тил, адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография билан боғлиқ аянчли кечмишларни назарда тутаяпман. Лекин гап ҳозир уларнинг шарҳида, сабаблари, оқибатларида эмас.

Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама

мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар.

Шу мавзуга тегишли яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Собиқ марказда, Кремлда ўтирганларнинг миллий республикалар маҳаллий аҳолисини “совет халқи”га, яъни ягона халққа айлантириш билан боғлиқ сиёсатидан ўзбек халқи ниманинг ҳисобидан, қайси тарихий, табиий қонуниятлар туфайли омон чиқди? Бу ҳақда олимлар ўйлаб кўрганмилар, ўз илмий изланишларида шундай саволларни кўндаланг қўйганмилар? Афсуски, йўқ.

Хўш, масалан, бу саволга мен қандай жавоб берган бўлардим?

Бизнинг аждодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги “илиги тўқ, бақувват” деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. **Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демоқчиман.** Яна тилимизда “тагли-тугли”, “палаги тоза” деган иборалар ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун оммани, бир неча юз минглаб, миллионлаб аҳолини бирлаштирган ақидаларга, мезон ва қоидаларга эга бўлган халқни қандай изоҳлаш, таърифлаш мумкин?! Ана шу



*Ўзбек халқининг илиги  
тўқ, бақувват.  
Биз ўзбеклигимиздан  
фахрланамиз, ғурурланамиз*

ҳаётий ва ижтимоий мантиқдан келиб чиқсак, таъриф ва изоҳ битта бўлади — миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.

Масалага бошқа томондан ёндашиб кўрайлик. Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?

Демоқчиманки, тарихимиз каби, қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник ғуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини кўшган. Бу — табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. **Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.**

Шунинг учун тарихчи олимларимиз, ҳар бири турли тушунча, муайян қарашга эга бўлишидан қатъи назар, бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир хулосага келишлари керак. Саклар, массагетлар, сўғдлар, бақтрияликлар деган турли ибораларнинг орқасидан қувиб юриш ўрнига, тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, **тарих — халқ маънавиятининг асосидир.**

Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, ҳатто, Амир Темурда ҳам Чингиз қони бор, у мўғул қавмидан, демоқчи бўлади. Ўйлаб кўрайлик, Амир Темур бобомиз қайси миллатга мансуб?

Яна совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида “мўғул-татар кўшинлари Москвани қамал қилдилар”, деб ёзишган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўғул истилосидан озод этгандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай, деб айтмаган. Йўқса, Амир Темур қаёқдаю, мўғуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий ғурур, миллий ифтихор?!

Демоқчиманки, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин.

Дунёда дўст бор экан, фанимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шуни ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Авваламбор, **биз бирор ажодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади.** Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидаларни, Шаҳрисабздаги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий



мақбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замонида Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳудудларида амалга оширилган ободончилик, меъморчилик ишларини айтмайсизми? Ким “Куч — адолатдадир” деган оламшумул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?

Яқин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди. Қўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар — “Темур тузуклари”ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи?

Энди Чингизхон шахсини шу мезонга солиб кўрайлик. Ундан вайрон этилган шаҳару қишлоқлардан бўлак қандай из қолди? Шундай экан, биз ўзимизни Чингизхон ворисларимиз, деб ўтирсак, ўтакетган бемаънилик бўлмайдимми?

Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантанадагина эмас, муҳими, биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз. Албатта, ҳар бир миллат ўз аجدодларини эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга интилади. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатидан халқларни

**яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга хизмат қилсин.**

Яқинда телевидениеда Хўжа Аҳрор Валий ҳақида кўрсатув берилди. Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. “Шайхлар шайхи” деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз.

Шу маънода, хунлар, ҳоқонликлардан нима мерос қолди? Бу “мерос”ни топиш учун қаерларда қазилма ишлари ўтказишимиз керак? Ёки XIII асрда Самарқандни ёндириб ташлаган, Бухорони, Урганчни ер билан яксон қилган Чингизхон тўғрисида турли китоблар чиқяпти, фильмлар ишланяпти. Бу асарларнинг муаллифлари Чингизхоннинг қайси бир “фазилати”ни улуғлаяпти? Ўзи Чингизхондан бирон-бир яхши мерос қолганми?

Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?

Шўро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи саҳифаларини,



*Биз Берунийларга,  
Бухорийларга, Амир Темур,  
Мирзо Улуғбек, Мирзо  
Бобурларга ворисмиз*

умуман, кўрсатмасликдан мақсад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: “Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаямиз... Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин”.

Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз қарашлар бўлганини халқимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир — мустақиллик шароитида ҳам кимдандир кўрқиб, чўчиб гапирдилар.

Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқади? **Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуролантиришимиз зарур. Тарих билан қуролантириш, яна бир бор қуролантириш зарур.** Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ. Тарих институти, Фанлар академияси ҳаққоний тарихни ёритиш мезонларини, унинг пойдеворини, асосини белгилаб бериши керак.

Бу масала бўйича фикрлар аниқ ва илғор бўлиши лозим. **Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар**

билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакли-шайлини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. **Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажакги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим.** Лекин бу борада бизнинг фанимиз ўз сўзини нега айтмаяпти? Нега мазмунан, моҳиятан янгича мақолалар, асарлар чиқмаяпти?

Бу ерда фан ва сиёсатнинг ўзаро муносабати хусусида тўхталиш жоиз. Зеро, фан, масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёсат ўз йўлига, уларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани маҳсули — унинг хулосаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани хулосаларига мурожаат этади.

Шундай экан, савол туғилади: ушбу хулосалар кимлар томонидан, қайси мақсадлар йўлида ишлатилади — тажовузкор миллатчиларми ё инсонпарварлар, маърифатпарварларми? Шу маънода, тарихчилар миллатчилар учун хулоса чиқармоқчи бўлсалар, бу — бир маҳсулот, инсонпарвар, маърифатпарварлар учун бўлса, бу — бошқа маҳсулот. Халқимизнинг миллий туйғусини, мил-



**Фан — жамият  
тараққиётини олға  
силжитувчи куч, воситадир**

лий ғурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида беҳуда тортишувлар бўлмоқда? **Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.**

Биз фан ривожини учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райҳон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмоқчиман: “Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади”.

Илғор илмий тадқиқот ишлари бўлса, Академиянинг иш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар, ғоялар, хуллас, эҳтиёж бўлса, маблағ ҳам топамиз, барча шароитни яратиб берамиз. Фақат бу ерда бир мезон бор — бу ишдан аниқ натижа, самара чиқиши керак!

Тарих фани, унинг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида гапирар эканмиз, мен яна бир масалага эътибор қаратишни истардим. Агар биз тарихчиларни тарозига солсак, бугунги кун нуқтаи назардан баҳоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда камчиликни ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошланғич нуқтасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса аввало мукамал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш керак. Муҳими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан қобилиятли, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Биз-

да 30-35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга кирган ўспирин — Рустам Қосимжонов шахмат бўйича қандай натижаларга эришди, жаҳон миқёсида голиб бўлди! Шахмат ҳам фан, бу математика дегани эмасми?

Демоқчиманки, биз ана шундай ёшларимизга ишонамиз, суянамиз, келажак умидларимизни улар билан боғлаймиз. Уларга қанча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади.

Иккинчидан, бизда довлар, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яҳё Фуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди. Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда, ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яҳё Фуломов бўлганини мен яхши эсламан. Бу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

Энди икки оғиз сўз оммавий ахборот воситалари орқали тарих мавзусини ёритиш ҳақида. Бизнинг матбуотимиз, те-



*Ҳар бир халқ ўз тарихини  
ҳар хил таъсир  
ва тажовузлардан  
асраши керак*

левидениемиз ҳам тарихга оид мақола-лар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрла-ганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади.

Яна бир муҳим масала шуки, мен “Тафаккур” журналидаги суҳбатда таъкидлаганимдек, **сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум — бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади.** Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто, олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади.

Мен қайси халқ қаердан келиб чиққани, кимнинг тарихи кўҳналиги хусусида баҳс юритиш, бу борада бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши қўйишга мутлақо қаршиман. Бу нарса бизга асло керак эмас. Фақат бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман.

Бу масалада, яъни узоқ ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чуқур илмий асосга эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат.

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, гурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. **Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.**

Шу муносабат билан бундан беш йил аввал билдирган бир фикримни эсла-тиб ўтмоқчиман: бино қанчалар баланд бўлса, унинг пойдевори ҳам шу қадар чуқур бўлади. Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор.

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим? Аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб



**Ҳаққоний тарихни билмасдан  
туриб ўзликни англаш  
мумкин эмас**

олишдан. Бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади. Шундан кейин ана шу аниқ, босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади. Бу осон иш эмас. Шўро замонида тамоман ўзга, миллатимиз манфатларига зид бўлган, коммунистик, шовинистик мафкура ҳукмрон шароитда ёзилган адабиётлардан уни-буни кўчириб тайёрланадиган иш эмас бу.

Мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари, шу соҳага тааллуқли бўлган илмий муассасалар таркибини, иш фаолиятини ўзгартиришни замон талаб қилмоқда. Тошкент Давлат университети, бошқа ўқув даргоҳларидаги тарих факультетларининг

дарсликлар, таълим-тарбия масалаларидаги камчиликларини аниқлаб, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Керак бўлса, уларда ишлаётган олим ва мутахассислар фаолиятига танқидий кўз билан қараб, ким шу ишга лойиқ, ким лойиқ эмас, буни ҳам аниқлаш лозим. Зарур бўлса, уларга моддий ёрдам бериш, янги гуруҳлар тузиш керак.

Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий гуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим.

*Тарихчи олимлар билан суҳбат,  
“Мулоқот” журналининг  
1998 йил 5-сони*



## БУЮК АЛЛОМАГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаввар кундир.

Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йиғилган жамоат, ал-Бухорийнинг мўътабар хокини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган мўмин-мусулмонлар, том маънода бахтиёрдирлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб — улуғ инсоний фазилят, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига албатта Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас қуръоний оятда таъкидланганидек, “Яхшилиқнинг мукофоти фақат яхшилиқдир”. Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждод-

ларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Аллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамикки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?

Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?


Халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолган-













*Улуғ ишларга камарбаста юртбошидан барча миннатдор.*





лаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга рухий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.

Аллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуғ кунда мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадиёт ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган муҳташам иморат ва иншоотларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос услуб ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакрор ва кўркам бинолар ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, юрагида ғурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Айниқса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман.

Бу Аллоҳ таоло олдида, аждоқлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу қутлуғ масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзийди. Бу улугвор мажмуа Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманган, Шаҳрисабзу Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фидойи инсонлар меҳнатининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёратгоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, моҳир меъморларимизга, шу улуг обидага гишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуг бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга халқим номидан чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам жамоат!

Маълумки, Ислом динининг бош ғояси — бу “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ” калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий беқиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншооллоҳ. Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуоғўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг хайрли ва савобли ишларида Раббимизнинг ўзи мадақкор бўлсин!

*Имом ал-Бухорий ёдгорлик  
мажмуининг очилишига  
бағишланган маросимда  
сўзланган нутқ,  
1998 йил 23 октябрь*



## АЛ-ФАРҒОНИЙ ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ

Қадрли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Фарғонада муборак байрам. Кеча биз табаррук Самарқанд заминида ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуг ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг таваллуд тўйини ўтказиб, гоят савобли ишни адо этдик.

Бугун эса халқимизнинг яна бир буюк ўғлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг хотирасини ёд этиб турибмиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият аҳлининг диққат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда.

Азиз юртдошлар!

Кишилиқ тараққиётига ўзининг ўчмас улушини қўшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуг сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Ўзбек диёрида парвариш топган минглаб алломаю адиблар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурҳониддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёга келган Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқ-

лайди. Зеро, бу маскан ҳам кўҳна тарихимизда, давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик анъаналаримиз тараққиётида беназир ўринга эга.

Азиз дўстлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонунияти жўш уриши лозим.

Бунинг учун энг аввало мана шу қадимий ва бетакрор юртга Аллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак.

Азиз дўстлар, биродарларим!

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий











салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир.

Аҳмад ал-Фарғоний кишилиқ тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг зарбдаст ва ёрқин намояндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фан асосчиларидан эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг “Астрономия асослари” номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани унинг нақадар юксак аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслиқ сифатида фойдаланиб келинган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгаллиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб, Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.

Бу эътироф бобокалонимиз, янада кенгроқ айтсам, миллатимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳодир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожига нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер курсидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилин-

ган “Селенография” китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-Фарғоний каби зотлар ёқиб кетган илм машъали янгитдан порлай бошлади. Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимизда ягона таълим-тарбия тизими махсус Миллий дастур асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.


Минглаб фарзандларимиз юксак тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, буюк аждодларимизнинг издошлари сифатида ақл-заковат, илмга чанқоқлик, тиришқоқлик намуналарини кўрсатаётгани жамиятимизнинг эртанги куни янада ёруғ бўлишидан дарак беради.

Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тантаналар ўзлигимизни, қадр-қимматимизни, миллатимизнинг дунёда тутган ўрнини англаш йўлида яна бир муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда кенг нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

Қадим Кубо тупроғида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг қаршингизда қад кўтариб турган бу улуғвор ҳайкали ватандошларимизнинг улуғ бобокалонимизга ҳурмат-эҳтироми ҳамда эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб қолиши табиийдир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, кўҳна Кубо шуҳратини тиклаш, Фарғона шаҳрини водий тароватига хос равишда обод этишда сидқи-





AHMAD AL-FARISI











дилдан меҳнат қилиб, бор маҳоратларини ишга солган қурувчиларга, меъморларга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган мероснинг оламшумул аҳамияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз Фарғона заминига, Кува тупроғига, шу ерда ўтган одамларнинг руҳи олдида ва бугун яшаётган авлодлар қаршисида таъзим қиламиз.

Бу зотнинг шу ерда туғилгани, тарбия топиб вояга етгани бу юртни барчамиз учун янада азиз ва муқаррам қилади.

Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Бағдодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада ўз илмий кашфиётлари билан шуҳрат

топган бўлмасин, ишонаманки, у ҳамisha туғилган юртини соғиниб яшаган. Она-Ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу туйғу нафақат улуғ инсонларга, балки иймонли, диёнатли ҳар бир одамга хос хусусиятдир.

Муҳтарам ватандошларим!

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлод дунёга келади, лекин бу зотнинг номи, буюк мероси халқимиз учун шоншараф рамзи бўлиб абадул-абад сақланиб қолади.

Яна бир бор барчангизни бугунги қутлуғ тантана билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Аллоҳ таолодан ҳаммангизга омонлик-фаровонлик, эзгу ва хайрли ишларингизда мадад тилайман. Улуғ бобомиз руҳи хонадонингизни нурафшон, қалбингизни мунаввар этсин.

*Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг  
очилишига бағишланган  
маросимда сўзланган нутқ,  
1998 йил 24 октябрь.*







## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабазлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳолаҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда.

Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжақўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан таклифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Юқоридагиларни назарда тутиб:

1. Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилсин;

б) муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин;

в) жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш топширилсин.

2. Оммавий ахборот воситалари мазкур Фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий анъаналарни кенг тарғиб қилсин, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси давлат ташкилотлари, маъмурий-ҳуқуқий идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, мансабдор шахслар томонидан юқорида кўрсатилган номаъқулчиликларга йўл қўйилган ҳолатларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқарсин ва зарур чоралар кўрсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
1998 йил 28 октябрь.*



## ШОНЛИ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР (1991 — 1998 йиллар)

1991 йил

**31 август.** Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгашнинг Баёноти қабул қилинди. Тегишли қарор билан Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб аталди. 1 сентябрь Мустақиллик куни деб белгиланди. Ўзбекистон Республиканинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида Қонун қабул қилинди.

**17 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда халқ таълими тизимини партиядан ҳоли қилиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

**20 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтига Алишер Навоий номини бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

**24 сентябрь.** Тошкентда (туркистонлик) ўзбекларнинг АҚШ, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Иордания, Туркия, Австралия, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи ватандошлари билан биринчи халқаро учрашуви бўлиб ўтди.

**25 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Мукофотлар Абдулла Қодирийга (ўлимидан кейин), Абдулҳамид Чўлпонга (ўлимидан кейин), Абдурауф Фитратга (ўлимидан кейин), Шермат Жўраев (Шерали) га — мусиқачи, Баҳодир Жалоловга — rassом, Серго Михайлович Суягинга — бош архитектор, Саминжон Мўйдиновга — халқ устаси, Мурод Фозиловга — архитектор, Манзар Салимга — Ҳиндистон фуқароси, ёзувчи ва шоирга берилди.

**30 сентябрь.** Тошкентда Болалар жамғармаси “Артра” (“Санъат”) кичик корхонаси дирекцияси томонидан ташкил этилган, болалар уйлари тарбияланувчилари учун биринчи хайрия кўргазмаси очилди. Кўргазмада rassомларнинг юзга яқин расмлари намойиш этилди.

**30 сентябрь.** Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонунга конституциявийлик мақомини бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида Декларация ратификация қилинди. Хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар тўғрисидаги, уларнинг республика ҳаётида янада тўлароқ қатнашуви учун шароит яратиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

**22 октябрь.** Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги арбобларнинг ижодий фаоллигини рўёбга чиқариш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда бозорга ўтиш шароитида ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш учун шароитни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон ижодий арбоблари жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.



**Шу ойда:** Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида илк марта Португалиянинг Порто шаҳрида ўтказилган пианиночиларнинг халқаро танловида қатнашди. Ватандошимиз ёш мусиқачи Улуғбек Полвонов Бах ва Шопен асарларини ижро этиб, учинчи ўринга сазовор бўлди.

**15 ноябрь.** Тошкентдаги “Баҳор” концерт залида Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг тақдироти бўлиб ўтди.

**29 ноябрь.** Тошкентда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Сулаймон Юдаков мемориал музейи очилди.

**30 ноябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси уруш, меҳнат ва Қуролли кучлар фахрийларининг иккинчи ҳисобот-сайлов конференцияси иштирокчиларига табриги эълон қилинди.

**Шу ойда:** Америка Қўшма Штатларида Ўзбек анъанавий мусиқаси кунлари бўлиб ўтди. Мусиқашунос Отаназар Матёкубов раҳбарлигидаги Ўзбекистон халқ артисти Дилафруз Жабборова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Муножот Йўлчиева ва Шавкат Мирзаев, қорақалпоғистонлик бахши-шоир Қаҳҳор Раҳимов, мусиқачилар Турғун Алиматов ва унинг ўғли Алишердан иборат йиғма бадийи жамоа Нью Йорк, Вашингтон, Миннеаполис, Миннесота, Сан-Францискода концерт намойиш этишди.

**29 декабрь.** Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида референдум ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Халқ Ўзбекистоннинг мустақил бўлишини ва унинг Президенти Ислоҳ Каримов бўлишини танлади.

#### 1992 йил

**24 январь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика байналмилал маданий маркази тўғрисида” ги қарорининг баёни эълон қилинди. Ушбу қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро маданий марказ Республика маданий марказига айлантирилди, собиқ СССР халқлари музейи негизида эса Республика байналмилал маданий маркази тузилмасидаги бир бўлинма бўлган Ўзбекистон халқлари дўстлиги уйи ташкил қилинди.

**25 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Тошкент шаҳар маҳалла қўмиталари раислари ҳамда оқсоқоллари билан учрашди.

**28 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Республикада янги ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистонда 1992 йил 15 мартда: Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали, Андижон давлат университети, Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти, Бухоро давлат университети, Тошкент давлат техника университетининг Бухоро филиали, Жиззах политехника институти, Қарши аграр-иқтисодиёт институти, Тошкент давлат техника университетининг Қарши филиали, Навоий давлат педагогика институти, Тошкент давлат техника университетининг Навоий филиали (кон-металлургия ва энергетика йўналишида), Наманган давлат университети, Наманган инженерлик-иқтисодиёт институти, Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети, Тошкент автомобил-йўллар институтининг Термиз филиали, Тошкент электр техника алоқа институтининг Термиз филиали, Фарғона политехника институтининг Қўқон филиали, Тошкент давлат техника университетининг Фарғона филиали, Урганч давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Урганч филиали, Тошкент давлат тиббиёт институтининг Урганч филиали очилди.



**2 март.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикасини БМТ аъзолигига қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг БМТга қабул қилиниши республика мустақиллиги узил-кесил ва ортага қайтмаслигининг олий юридик тасдиғи бўлди.

**9 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилишини янада такомиллаштириш ҳамда унинг фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

**25 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасини ташкил қилиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Уюшма чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқалар “Ватан” жамияти негизда тузилди.

**27 март.** Тошкентда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари театрларининг “Наврўз-92” халқаро фестивали тантанали очилди.

**27 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Рамазон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга мувофиқ Рамазон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди.

**Шу ойда:** Тошкентда қасаба уюшмалари фольклор-этнографик жамоаларининг “Дўстлик тароналари” биринчи республика фестивали бўлиб ўтди. Қарши шаҳридан келган жамоа биринчи ўринни эгаллади. Тошкентда ногирон болаларнинг биринчи “Меҳрибонлик” республика хайрия фестивали бўлиб ўтди.

**28 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика оммавий ахборот воситаларини давлат ҳимоясига олишнинг биринчи навбатдаги вазифалари тўғрисида” Фармон чиқарди.

**7 май.** Тошкентда Киночилар уйида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи почта маркаси тақдироти бўлиб ўтди. Почта маркасида ўзбек шоираси Моҳларойим Нодира акс эттирилган, портрет муаллифи Ш.Ҳасановадир.

**11-14 май.** Тошкентда “Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

**12 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Жаҳон тиллари ўзбек давлат университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**22 май.** Алишер Навоий номидаги Давлат Катта Академик театрида буюк ўзбек шоири Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

**23 май.** Наманганда Бобораҳим Машраб музейи ва ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

**23 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Наврўз” хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**22 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳар йили 1 сентябрда “Ўзбекистон ўқув юртларида Мустақиллик кунини ўтказиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**23 август.** Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган Аскар қўшиғи Бутунармия фестивалининг якунловчи тури бўлиб ўтди.



**28 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон ижодий ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

**12 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**Шу ойда:** Хоразм вилояти Хонқа туманида таниқли миллий мумтоз музика ижроچиси ҳамда Хоразм ҳофизлар мактаби асосчиси — ҳофиз Ҳожихон Болтаев номидаги мақомчилар музейи очилди.

Урганчада Қадимги Хоразм амалий санъати ва тарихи музейи очилди. Музей экспозициясида уч мингга яқин турли экспонатлар қўйилган.

**8 октябрь.** Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Халқаро кинофестивали очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кинофестивал қатнашчиларига табрик йўллади. Фестивал 15 октябрга қадар давом этди.

**8 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Фан соҳаси ходимларига имтиёзлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

**8 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**3 ноябрь.** Тошкентда ёш ватандошлар фестивали очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фестивал қатнашчиларига табрик йўллади.

**3 ноябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси “Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**4 ноябрь.** Бухорода “Музейларда маркетинг” мавзуида биринчи халқаро илмий симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиум ишида МДХнинг қатор республикалари, АҚШ, Франция ва Финляндиядан музей ходимлари иштирок этишди.

**27 ноябрь.** Москвадаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасида Россия Федерацияси маданият, фан ва санъат арбоблари билан учрашув бўлиб ўтди.

**Шу ойда:** Бухорода Чилангарлик маҳорати музейи очилди.

**11 декабрь.** Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат Мадҳияси эълон қилинди. Мадҳия Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида 10 декабрда тасдиқланган.

**16 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Қоҳирадаги “Ал-Ахзар” университети доктори фахрий унвони берилди. Университет илмий кенгаши ушбу унвонни Ислом Каримовга ислом динининг ҳимояси ҳамда мусулмон олий ўқув юртлири ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун берди.

**Шу ойда:** Тошкентда Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда истиқомат қилувчи уйғур рассомларининг биринчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

## 1993 йил

**26 январь.** Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари очилди.

**Шу ойда:** Тошкентда замонавий ислом санъати кўргазмаси ўтказилди. Унда беш ўзбек рассоми асарлари намойиш этилди.



**5 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш чоралари тўғрисида” Фармон чиқарди.

**Шу ойда:** Тошкентда “Раҳм-шафқат, соғломлаштириш ва спорт” Республика ногиронлар жамғармаси ташкил қилинди.

**2 март.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наврўз — умумхалқ байрами” қарори қабул қилинди.

**4 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг “Соғлом авлод учун” орденини таъсис этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**1 апрель.** Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи таъсис этган адабиёт ва санъат соҳасида Усмон Носир номидаги мукофотларни бериш тўғрисидаги ахборот эълон қилинди.

**23 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилда ўрта асрларнинг буюк олими Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қарорининг баёни эълон қилинди.

**23 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Соғлом авлод учун” халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**4 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Истеъдод” ижодкор ёшлар республика жамғармасини таъсис этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**8 май.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**11 май.** Тошкентда исломгача бўлган ёзувларни ва бу ёзувлардаги ёдгорликларни ўрганишга бағишланган халқаро илмий конференция очилди.

**11 май.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**15 май.** Республика Вазирлар Маҳкамасининг таниқли ҳуқуқшунос олима, академик Х. Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

**7 июнь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Фаҳрий унвонларга бериладиган гонорар ва қўшимча ҳақ миқдорини ошириш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**23 июнь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1993 йил 1 июндан муаллифлик, постановка ва ижрочилик учун бериладиган ҳақ ставкалари ва миқдорини ошириш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида ҳайкаллар ва монументларни лойиҳалаш ҳамда барпо этишни тартибга солиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**24 июнь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари кунини белгилаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**30 июль.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**25 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**4 сентябрь.** Тошкентда “Туркистон” саройининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.



**10 сентябрь.** Тошкентда “Баҳор” концерт залида Мукаррам Турғунбоева музейи очилди.

**12 сентябрь.** “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алфавитини жорий этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

**16 сентябрь.** Бухорода буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Бу тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

**26-28 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси ишида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

**Шу ойда:** Тошкентда Ўзбекистонда биринчи халқаро “Мустақиллик” кутубхонаси очилди. Унда инглиз тилидаги 20 минг жилд китоб ва 10 минг нусха журнал бор эди.

**1 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида Фармон чиқарди. Бу кун ҳар йили октябрь ойининг биринчи якшанбасида нишонланадиган бўлди.

**23 октябрь.** Тошкентда “Театр: Шарқ ва Ғарб” халқаро фестивали очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов фестивал қатнашчиларига табрик йўллади.

**23-24 октябрь.** Самарқандда “Имом ал-Бухорий ва унинг даври” мавзuida халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда 1993 йилда Ислон тадқиқотлари Оксфорд маркази томонидан эълон қилинган, Имом Исмоил ал-Бухорий меъморий мажмуасини реконструкция қилиш бўйича энг яхши лойиҳа танловига яқун ясалди. Германиялик доктор Бодо Раш билан ўзбек меъмори Камол Шораҳмедовнинг биргаликдаги лойиҳаси ғолиб деб топилди.

**30 октябрь.** Тошкентда Хожа Аҳмад Яссавий меросига бағишланган Халқаро илмий-маърифий конференция очилди.

**3 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Республика театрлари артистлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини яхшилаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**17-18 декабрь.** Андижонда буюк саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди, унга қўйилган ҳайкал очилди.

## 1994 йил

**4 январь.** Маънавиятни тиклашга кўмаклашувчи Халқаро “Руҳоният” уюшмаси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга “Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун” мукофоти берилганлиги тўғрисида ахборот эълон қилинди.

**4 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди.

**22 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Умумхалқ Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**19 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “1994 йилни Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.



**23 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги марказини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**9 июнь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**28 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Умумий таълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

**6 октябрь.** Нукусда буюк олим, машҳур астроном Муҳаммад Тарағай Улуғбек ҳайкали очилди.

**10 октябрь.** Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан эсдалик юбилей тангаси муомалага чиқарилди.

**13 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига кўп рангли почта маркаларини муомалага чиқарди. Маркалар муаллифи — рассом Ю.Габзалилов.

**15 октябрь.** Самарқандда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейи нишонланди. Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

**27 октябрь.** Покистонда бўлиб ўтган ислом мамлакатлари халқ амалий санъати фестивалида ўзбек мисгар усталари Шокир Комилов ва Бахшилло Жумаев, ўймакор наққош Ортиқ Файзуллаевларга совринлар берилганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

**3 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1994 йил учун адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**6 декабрь.** Тошкентда буюк ёзувчи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Пойтахтдаги ёзувчи номи билан аталган маданият ва истироҳат боғида унинг ҳайкали очилди.

**23 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида” қарор қабул қилди.

**29 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Амир Темуруттеп таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

#### 1995 йил

**14 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**2 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**19 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**26 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор Сарагосни қабул қилди.

**1 сентябрь.** Тошкентда “Туркистон халқлари анжумани” нодавлат халқаро ҳаракати таъсис этилди. Ундан кўзланган мақсад Марказий Осиёдаги



мустақил давлатлар илмий ва ижодий зиёлиларининг яқинлашувига ёрдам беришдир.

**12 сентябрь.** Тошкентда Санъат давлат музейида Ўзбекистон керамистлари кўргазмаси очилди.

**15 сентябрь.** Тошкентда “Туркистон” саройида Тошкент давлат университети ташкил этилганлигининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

**20 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистонда театр ҳамда мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**8 ноябрь.** Тошкентда П.П.Беньков номидаги бадиий билим юртининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

**21 ноябрь.** Тошкентда “Туркистон” саройида Марказий Осиё мамлакатлари қардош халқлари маданиятлари ваколатхоналарининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов анжуман қатнашчиларига табрик йўллашди. Анжуман қатнашчилари минтақа илмий-ижодий жамоатчилиги халқаро ҳаракати — “Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданиятлари арбоблари Ассамблеяси” ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишди. Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов Ассамблея раиси этиб сайланди.

**Шу ойда:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида буюк тилшунос олим, шоир ва файласуф Абул Қосим аз-Замахшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Тошкентда иккинчи “Осиё-Арт” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан 16 та хусусий галерея қатнашди.

**5 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси беш йиллигига бағишланган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**6 декабрь.** “Қамолиддин Бехзод” (1455—1537) почта маркаси муомалага чиқарилгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Марка муаллифи тошкентлик рассом Ю.Габзалиловдир.

**26 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “1996 йилни “Амир Темури йили” деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**29 декабрь.** “Давлат тили тўғрисида” (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди.

## 1996 йил

**3 январь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида”, “Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**8 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996—2000 йилларда Алишер Навоий асарларининг тўла нашрини амалга ошириш ҳамда Алишер Навоийнинг Ўзбекистон Миллий боғидаги ҳайкалини таъмирлаш, атрофидаги ҳудудни обод қилиш, фонограмма тизимини ўрнатиш тўғрисида фармойиш чиқарди.

**22 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.



**14 март.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**14 март.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**6 апрель.** Тошкентда “Соҳибқирон сайли” номи остида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган, республика “Маънавият ва маърифат” маркази, Адлия вазирлиги ва Тошкент юридик институти томонидан уюштирилган тантаналар бўлиб ўтди.

**17 апрель.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси “Камолот” жамғармаси тўғрисида” Фармон чиқарди. “Камолот” жамғармаси уйғун ривожланган ёш авлодни тарбиялаш ишида ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида тузилган.

**26 апрель.** “Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

**19 июнь.** Бухорода Файзулла Хўжаев ҳайкали очилди. Монумент муаллифлари К. Норқулов, У. Ўроқов, М. Аҳмедовлардир.

**28 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “1996 йил учун фан ва техника соҳасидаги Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**28 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон — ватаним маним” қўшиқ байрами тўғрисида Фармон чиқарди. Бундан буён ҳар йили август ойининг учинчи якшанба куни барча санъат усталари, республика аҳолиси учун қўшиқ байрами бўлиб ўтади. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида “Ўзбекистон — ватаним маним” республика кўриктанлови голиблари ҳамда иштирокчиларининг гала концерти бўлиб ўтди.

**28 август.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Самарқанд шаҳрини “Амир Темур” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” ҳамда “Шаҳрисабз шаҳрини “Амир Темур” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**9 сентябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**27 сентябрь.** Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошидаги “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**15 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг адабиёт ва санъат соҳасидаги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди.

**17—18 октябрь.** Тошкентда “Амир Темур: буюклик ва инсонийлик” мавзудаги республика театрлари фестивали бўлиб ўтди.

**18 октябрь.** Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали суратда очилди.

**24 октябрь.** Тошкентда “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.

**25 октябрь.** Самарқандда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

**8 ноябрь.** Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий таваллудининг 500 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантаналарда иштирок этди.



**16 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистоннинг янги тарихи”ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**20 декабрь.** Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясида Абдурауф Фитратнинг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий конференция бўлиб ўтди.

**31 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

## 1997 йил

**7 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармасини тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**8 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**23 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида” Фармон чиқарди.

**21 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Чўлпон — Абдулҳамид Сулаймон ўғли таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**27 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Жаҳон адабиёти” журналинини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**18 март.** Тошкентда “Қонун ва оммавий ахборот воситалари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

**20 март.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**26 апрель.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда Олий Мажлис саккизинчи сессиясида қабул қилинган “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва амалга киритилди.

**26 апрель.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда Олий Мажлис саккизинчи сессиясида қабул қилинган “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва амалга киритилди.

**10 июнь.** Тошкентда “Маънавият ва инсон ҳуқуқи” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

**26 август.** Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқий фестивали тантанали равишда очилди. Унда Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади.

**17 сентябрь.** Тошкентда “Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа” мавзуидаги халқаро илмий конференция очилди, ушбу конференция Шаҳрисабзда ўз ишини давом эттирди.

**19 октябрь.** Бухорода Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка” халқаро симпозиуми ўтказилди.

**20 октябрь.** Хивада “Хива ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни” халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Шунингдек, бу ерда Бухорода бошланган “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка” халқаро симпозиуми якунланди.



**27 ноябрь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**23 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди.

**30 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Устоз” Республика фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

### 1998 йил

**10 январь.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва амалга киритилди.

**12 январь.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**26 март.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

**9 апрель.** Мамлакатда буюк Соҳибқирон Амир Темур туғилган куни кенг нишонланди. Тантаналар Тошкентда буюк бобокалонимиз номи билан аталувчи хиёбонда, Темурийлар тарихи давлат музейи майдонида ўтказилди. Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида ҳазрат руҳи олдида таъзим бажо келтирилди.

**14—16 апрель.** Тошкентда “XX аср ва оммавий ахборот воситалари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда немис, турк, ўзбек олимлари ва журналистлари иштирок этдилар.

**15 май.** Олий Мажлисида 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва амалга киритилди.

**27 июнь.** Мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов журналистлар ҳамда матбаачиларга байрам табриги билан мурожаат қилди.

**Июнь ойида.** “Тафаккур” журналининг 2-сониди мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг журнал бош муҳаррири саволларига жавоблари эълон қилинди. Суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажакимиз билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

**Август ойида.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг тарихчи олимлар билан суҳбати “Мулоқот” журналининг 1998 йил 5-сониди эълон қилинди.

**23 октябрь.** Самарқандда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди. Буюк аллома ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда Президент Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

**24 октябрь.** Фарғонада буюк астроном олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйлари нишонланди. Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.



## МУНДАРИЖА

Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши  
*«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари  
ва тараққиёт кафолатлари» китобидан, 1997 йил*

5

### БУЮК БОБОЛАРНИНГ РУҲИ ПОКЛАРИГА ТАЯНИБ

Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг  
маънавий-ахлоқий негизлари  
*«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан, 1992 йил*

12

Истиқболни деб меҳнат қилиб, ҳалол яшайлик  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи  
сессиясида сўзланган нутқдан, 1994 йил 22 сентябрь*

19

Миллий анъаналар маънавий юксалишга хизмат қилсин  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи  
сессиясида сўзланган нутқдан, 1990 йил 24 март*

26

Адолат ва диёнат тарғиботчиси  
*Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига  
бағишланган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига табрикнома,  
1990 йил 14 сентябрь*

32

Навоий руҳи мададкор бўлғай  
*Тошкент шаҳрида А. Навоий ҳайкали ва миллий боғининг очилиши  
маросимида сўзланган нутқ, 1991 йил 28 декабрь*

35

Халқни ватан манфаатлари бирлаштиради  
*Ёзувчилар билан учрашув, 1993 йил апрель*

40

Ақлий ва маънавий салоҳият — янги жамият пойдевори  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн учинчи сессия-  
сида сўзланган нутқдан, 1993 йил 2 сентябрь*

49

Маънавий мерос қудрати  
*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган танта-  
наларда сўзланган нутқ, 1992 йил 31 август*

51

### ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

Ишонч ва умид билан  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан  
ташқари тўққизинчи сессиясида сўзланган нутқдан, 1992 йил 4 январь*

92

Туркистон — аждоларнинг муқаддас замини  
*Тошкентда бўлиб ўтган ўзбеклар-туркистонликларнинг биринчи халқаро учра-  
шувида сўзланган нутқ, 1991 йил 24 сентябрь*

96



Барча мусулмонлар — биродарлардир  
*Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи қатнашчиларига  
табрикнома, 1992 йил 26 февраль*

98

Бағрикенгликнинг юксак намунаси  
*Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигига  
бағишланган тантанали мажлис иштирокчиларига табрикнома,  
1996 йил 13 ноябрь*

102

Буюк боболарнинг руҳи покларига таяниб  
*Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанада сўзлан-  
ган нутқдан, 1992 йил ноябрь*

104

Яқдиллик ғоялари  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
ўнинчи сессиясида сўзланган нутқдан, 1992 йил 2 июль*

107

Маънавий баркамоллик йўлида  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи  
сессиясида сўзланган нутқдан, 1992 йил 8 декабрь*

109

Ажойиб анъана  
*Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари ўн биринчи халқаро Тош-  
кент кинофестивали қатнашчиларига табрикнома, 1992 йил 8 октябрь*

110

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи  
сессиясида сўзланган нутқдан, 1992 йил 8 декабрь*

112

Биз фидойи ватанпарварларга таянамиз  
*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида вилоят ва шаҳар  
ҳокимлари, вазирликлар ва идоралар, концертлар ва уюшмалар, банклар, корхо-  
налар ва ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари  
раҳбарларининг йиғилишида сўзланган нутқдан, 1993 йил 18 февраль*

114

Ватан — қалбимизда  
*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
ўн иккинчи сессиясида сўзланган нутқдан, 1993 йил 6 май*

116

Устоз ҳақида сўз  
*Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантанада  
сўзланган нутқ, 1993 йил 10 май*

117

Қадимий Тошкент заминидagi янги кошона  
*«Туркистон» саройи очилиши маросимида сўзланган нутқдан,  
1993 йил 4 сентябрь*

119

Санъат минтақаси чегарасиздир  
*«Театр: Шарқ-Ғарб» халқаро фестивали қатнашчиларига табрикномадан,  
1993 йил 23 октябрь*

120



Миллий истиқлол мафкураси  
Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
ўн иккинчи сессиясида сўзланган нутқдан, 1993 йил 6 май

121

«Муштум» — ҳамиша навқирон  
«Муштум» журнали жамоасига йўлланган табрикнома, 1994 йил 30 март

132

Буюклик тимсоли  
Тошкент шаҳрида Соҳибқирон Амир Темури ҳайкалининг очилишига  
бағишланган тантанада сўзланган нутқ, 1993 йил 31 август.

138

## ИЛМУ ФАН ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзланган  
нутқдан, 1994 йил 7 июль

150

Шарқнинг ёрқин юлдузи  
Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали  
маросимда сўзланган нутқ, 1994 йил 15 октябрь

165

Аллоҳ дилингда, кўлинг ишда бўлсин  
Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқдан,  
1994 йил 18 март

170

Бир китобнинг кўш саҳифасимиз  
Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали  
йиғилишида сўзланган нутқдан, 1994 йил 23 май

172

Соғлом авлод — буюк давлат замини  
«Соғлом авлод учун» орденини топшириш маросимида  
сўзланган нутқ, 1994 йил 2 май

176

Юрт ташвиши билан яшаш — буюк бахт  
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати  
билан орден ва медалларни топшириш маросимида сўзланган нутқдан,  
1994 йил 20 сентябрь

180

Нурафшон хонадон  
Ўзбекистон Республикаси миллий-маданий марказлари биринчи фестивали  
қатнашчиларига табрикнома, 1994 йил 20 август

182

Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари  
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллик йиллиги муносабати  
билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзланган нутқ,  
1995 йил 24 октябрь

183

Хавфсизлик чегара билмайди  
ЕХХТ аъзолари бўлган давлатлар бошлиқларининг учрашувида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 3 декабрь

187

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди  
Фанлар академияси вакиллари — бир гуруҳ олимлар  
билан учрашув, 1995 йил 2 ноябрь

199



Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият  
қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқдан,  
1995 йил 3 октябрь*

204

Истиқлол йўлчи юлдузимиз бўлсин  
*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган байрам  
тантаналарида сўзланган нутқ, 1994 йил 31 август*

218

## ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Туркистон — умумий уйимиз  
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан, 1995 йил 5 май*

228

Баҳор ва янгилиниш байрами  
*Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Наврўз байрами муносабати билан  
табрикнома, 1995 йил 21 март*

230

Дўстлигимиз қуёши минг йилликлар қаъридан нур сочади  
*Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида  
сўзланган нутқдан, 1995 йил 20 май*

235

Улуғ халқнинг севимли шоираси  
*Шоира Зулфиянинг 80 йиллиги муносабати билан қутлов*

240

Ўзбекистон меъморларига  
*1995 йил 1 июль*

241

«Манас» — туркий маданиятнинг улкан бойлигидир  
*Бишкекда «Манас» эпосининг минг йиллиги тантаналарида  
сўзланган нутқ, 1995 йил 28 август*

242

Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз  
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясида  
сўзланган нутқдан, 1995 йил 30 август*

247

Мақсадимиз — тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик  
*Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблардан,  
1995 йил 27 октябрь*

248

Тараққиётнинг қудратли қаноти  
*Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблардан,  
1995 йил ноябрь*

256

Ўзбекистон кино санъати ходимларига  
*1995 йил 28 декабрь*

257

Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак  
*Туркистон халқлари маданияти анжумани қатнашчиларига табрикнома, 1995  
йил 21 ноябрь*

258



Ватан мангу қолади  
*Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган тантаналарда  
сўзланган нутқ, 1995 йил 31 август*  
**262**

**ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК, ҲАМКОРЛИКСИЗ  
ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ**

Халқ қадрини англаш  
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида  
сўзланган нутқдан, 1995 йил 23 февраль*  
**274**

Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди  
*ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ,  
1996 йил 23 апрель*  
**281**

Дўстлигимиз рамзи  
*Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқули  
хайкали очилишида сўзланган нутқ,  
1996 йил 28 ноябрь*  
**293**

Тарих ғилдираги ортга қайтмайди  
*Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1996  
йил 16 март*  
**296**

Ислохотлар йўлидаги муҳим қадам  
*Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг расмий очилиши  
маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 19 июль*  
**301**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида*  
**310**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*«Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида*  
**320**

«Тўртинчи ҳокимият» демократлаштириш йўлида  
*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
олтинчи сессиясида сўзланган нутқдан, 1996 йил 29 август*  
**324**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада  
такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида*  
**328**

Шонли ишларнинг муносиб баҳоси  
*Давлат мукофотларини топшириш маросимида сўзланган нутқ,  
1996 йил 6 декабрь*  
**336**

Инсон умид билан яшайди  
*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўрт йиллигига  
бағишланган тантанали йиғилишида сўзланган нутқдан, 1996 йил 6 декабрь*  
**339**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*Ўзбекистон бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида*  
**343**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари  
фаолиятини яхшилаш тўғрисида*

346

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид»  
жамғармасини тузиш тўғрисида*

348

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини  
ривожлантириш тўғрисида*

350

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори  
*«Жаҳон адабиёти» журналинини ташкил этиш тўғрисида*

353

Ватан — ҳамма нарсадан мўътабар  
*Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги байрами тантаналаридаги  
табрик сўзи, 1996 йил 31 август*

355

Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси  
*«Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалининг очилишидаги табрик сўзи»,  
Самарқанд, 1997 йил 26 август*

366

Бухорои шарифнинг улугворлиги  
*Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик  
сўзи, 1997 йил 19 октябрь*

369

Гўзал диёримиз гавҳари  
*Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги  
табрик сўзи, 1997 йил 20 октябрь*

373

## АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони  
*1996 йилни «Амир Темури йили»  
деб эълон қилиш тўғрисида*

378

Амир Темури даври инсоният тарихида ёрқин из қолдирди  
*ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият  
ва маорифнинг гуллаб-яшинаши» кўргазмасининг очилиши маросимида  
сўзланган нутқ, Париж, 1996 йил 24 апрель*

379

Халқимиз бор экан, Амир Темури номи барҳаётдир  
*Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши  
маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь*

383

Азалий буюклик маскани  
*Самарқанд шаҳрида Амир Темури ҳайкалининг очилиши маросимида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь*

393

Соҳибқирон камолга етган юрт  
*Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темури ҳайкалининг очилиши маросимида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 19 октябрь*

403

Амир Темури — фахримиз, ғуруримиз  
*Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий  
конференциядаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь*

407



Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат  
қилишга хизмат этсин  
*"Тафаккур" журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар,*  
*"Тафаккур" журнали, 1998 йил 2-сон*

417

Тарихий хотирасиз келажак йўқ  
*Тарихчи олимлар билан суҳбат, "Мулоқот" журналининг 1998 йил 5-сон*

429

Буюк алломага юксак эҳтиром  
*Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган*  
*маросимда сўзланган нутқ, 1998 йил 23 октябрь*

444

Ал-Фарғоний даҳосига таъзим  
*Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда*  
*сўзланган нутқ, 1998 йил 24 октябрь*

451

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони  
*1998 йил 28 октябрь*

461

ШОНЛИ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

463

---

*Ислам Абдуганиевич Каримов*

## НА ПУТИ ДУХОВНОГО ВОЗРОЖДЕНИЯ

На узбекском языке

Издательство «Ўзбекистон»,  
700129, Ташкент, ул. Навои, 30.

Тузувчи Аббосхон УСМОНОВ

Нашр учун масъул

Ш. МАНСУРОВ, Р. САФОЕВ

Суратлар Ф.ҚУРБОНБОЕВ, А.ТЎРАЕВ, Р.ШАГАЕВ, А.ЖУМАЕВ,  
В.КОВРЕИНларники

Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ

Муҳаррир Г.КАРИМОВА

Техник муҳаррир С.СОБИРОВА

Мусахҳиҳлар М.РАҲИМБЕКОВА, Ш.ОРИПОВА

Компьютерда тайёрловчи Е.ГИЛЬМУТДИНОВА

Теришга берилди 10.02.98. Босишга рухсат этилди 22.07.98. Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Таймс гарнитурда офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 55,80.  
Ўқув-нашр табоғи 61,6. Адади 10000. Буюртма №533Баҳоси шартнома асосида.  
«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Нашр № 212-97.

"Растр" ҚҚ босмаҳонасида босилди. 700194, Тошкент, Муродов кўчаси, 1<sup>а</sup>.

ISBN 5-640-025-23-9

К  $\frac{0804000000 - 69}{М 351 (04) 98}$

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1998 й.